

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 81'373.46:811.512.133

Суюнов Баходир Турдиевич

ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР СЕМАНТИКАСИ ВА ТЕЗАУРУСИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий маслаҳатчи:

филология фанлари доктори,
профессор З.Т.Холманова

Т о ш к е н т – 2023

МУНДАРИЖА

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси).....	4
I боб: ТЕРМИНОЛОГИК ТИЗИМ ВА ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ТАДҚИҚИ	17
1.1. Терминлар тизими ва ўзбек терминологияси тараққиёти	17
1.2. Тиббий терминларнинг лингвистик аспектдаги тадқиқи	31
1.3. Ўзбек тили терминографияси ва тиббий терминлар луғатлари	40
I боб бўйича хулоса.....	49
II боб. ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ТЕЗАУРУСИ МОДЕЛЛАРИ.....	52
2.1. Тиббий терминлар тезаурусининг тизимлаштирувчи компьютер луғати сифатидаги тавсифи	52
2.2. Тиббий терминларнинг семантик майдон тезаурус модели	66
2.3 Тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезаурус модели	78
II боб бўйича хулоса.....	88
III боб. ЎЗБЕК ТИЛИ ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОН ТЕЗАУРУС МОДЕЛИ	91
3.1.Тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслар номи семантик майдон тезауруси	95
3.2. Анатомик терминлар семантик майдон тезауруси	99
3.3. Касаллик номлари семантик майдон тезауруси	103
3.4. Даволаш жараёни билан алоқадор терминлар семантик майдон тезауруси	126
3.5. Тиббиётга оид ўрин-жой номлари семантик майдон тезауруси	127
III боб бўйича хулоса.....	133
IV боб. ЎЗБЕК ТИЛИ ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАРМОҚ ТЕЗАУРУС МОДЕЛИ	135
4.1. Касаллик белгиси асосида шаклланган тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси	135

4.2. Семантик усулда шаклланган тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси	151
4.3. Ранг билан алоқадор тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси	159
4.4. Лақунар тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси	175
IV боб бўйича хулоса.....	196
УМУМИЙ ХУЛОСА.....	199
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР.....	204
Фойдаланилган адабиётлар.....	205
ИЛОВА: Ўзбек тили тиббий терминлари тезауруси	

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида терминларни тизимли ўрганиш, семантик майдон асосида тадқиқ этиш, терминлараро лисоний муносабатларни ёритишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Терминлар таянч ахборот бериш вазифасига кўра соҳа асосларини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутди. Тиббиёт соҳаси инсон фаолиятининг ажралмас қисми сифатида унинг кишилиқ жамиятидаги мақомига бевосита алоқадордир. Шу жиҳатдан тиббий терминлар мазмун-моҳиятини ўзлаштириш, тиббий терминлар ўртасидаги семантик муносабатларни компьютер луғатлари моделлари асосида ўрганиш, қидирув тизимида асосланган тезаурус моделидаги маълумотлар базасини шакллантириш, терминлар семантикасини тил соҳибининг лисоний онги, тафаккури, миллий-маданий хусусиятлари билан алоқадорликда ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида термин ва тушунча ўртасидаги муносабат, терминлараро алоқадорликни концептуал йўналишда тадқиқ қилиш борасида амалий тилшунослиқ натижаларидан фойдаланилмоқда. Семантик таҳлил жараёнига компьютер технологиялари, методлари, сунъий интеллект асосидаги дастурлар татбиқ этилмоқда. Компьютер луғатлари, хусусан, тезауруслар терминларни луғавий бирлик сифатида тизимли равишда тадқиқ қилиш, терминлараро семантик муносабатларни ёритиш термин ва тушунча ўртасидаги алоқадорликни акс эттирувчи маълумотлар базаси сифатида илмий-амалий қийматга эга. Тиббий терминларни тезаурус моделлари асосида тадқиқ қилиш терминларнинг ахборот бериш функциясидан ташқари лисоний онг маҳсули сифатидаги моҳиятини ёритиш, когнитив ва прагматик белгиларини ажратиш имконини беради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган тил сиёсати мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш, давлат тилида иш юритиш тизимини такомиллаштириш, миллий тил негизидаги терминларни татбиқ

этиш, хорижий тил терминларининг ўзбекча муқобилини шакллантириш учун имконият яратди ва шунга мос равишда бир қатор вазифаларни ҳам белгилаб берди. Хусусан, “...мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш”¹ вазифаси белгиланди. Илмий асосланган янги сўз ва терминларни истемолга киритиш, замонавий терминларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари қаторида тиббиёт соҳасига ҳам илғор ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этиш, Интернетнинг жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш вазифалари қўйилди. Мазкур тадқиқот терминография тизимига компьютер технологияларини татбиқ этиш, ўзбек тилидаги тиббий терминлар тезаурусининг лингвистик таъминотини яратиш, тиббий терминларни семантик майдон ва семантик тармоқ тезаурус моделлари асосида таҳлил қилишни кўзда тутди.

2016 йил 13 майдаги ПФ – 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ – 4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ – 5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ – 6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5850-сонли Фармони. Халқ сўзи // 2019 йил, 22 октябрь, 218-сон.

ПФ – 6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жаҳон тилшунослигида тиббий терминология, маълумотлар базаси, лингвистик таъминотга доир илмий изланишлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universitat (Германия), Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (АҚШ); Indiana University (АҚШ), The University of Sorbonne (Франция), Universitat de Valencia (Испания), University of Zurich (Швейцария), Kioto University (Япония), Australian National University (Австралия), Истамбул техника университети (Туркия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Урал давлат педагогика университети, Харьков давлат педагогика университети (Украина), Bakı Dövlət universiteti (Озарбайжон),

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com; www.bu.edu; americanenglish.state.gov; micros.uz; www.uv.es; www.zora.uzh.ch; cleee@snu.ac.kr; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.ras.ru; adwww.ecu.edu.au; unice.fr/en; www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities; www.kaznu.kz; www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Татаристон Республикаси Фанлар академияси Амалий тилшунослик ва семиотика институти (Татаристон Республикаси, Россия), Қозон федерал университети (Татаристон Республикаси, Россия), В.Вернадский номидаги Таврия академияси Қирим федерал университети (Қирим Республикаси, Россия), шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида терминология, тиббий терминларнинг тезаурус технологиясига оид изланишлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: луғавий бирликларнинг тизимли таҳлили амалга оширилган (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария); табиий тилга автоматик ишлов бериш (тил бирликларини анализ/синтез қилиш) хусусиятлари ўрганилган (University of New Jersey, University of California, АҚШ; Boston University, New York University, АҚШ; Universitat de Valencia, Испания); табиий тилларга асоланган тезауруслар яратилган (Туркия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия); матнга автоматик морфологик ва синтактик ишлов бериш модели ва дастурлари (Харьков давлат педагогика университети, Украина; Bakı Dövlət universiteti, Озарбайжон); туркий тиллар компьютер лингвистикасида табиий тилнинг қайта ишланиши натижасида таълим корпуслари яратилган (Россия), ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти, ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари ва унинг лингвистик таъминоти, ўзбек тили бирликларини графематик таҳлил қилиш, тил корпусининг лингвистик базасини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш (Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ, Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ).

Жаҳон тилшунослигида терминларни тезаурус моделлари асосида ўрганиш, тиббий терминлар ўртасидаги семантик алоқадорлик, иерархик, партонимик муносабатлар таҳлилига бағишланган тадқиқотлар юзага келмоқда. Тиббий терминлар АҚШ, Англия, Россияда СО – семантическая область (семантик соҳа – СС), СП – семантическое поле (семантик майдон – СМ, ССП – семантическое субполе (семантик субмайдон ССМ), СМ – семантическое микрополе (семантик микромайдон – СММ) тезаурус моделлари асосида ўрганилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида терминларни тизимлаштириш ва лингвистик аспектда тадқиқ қилишга бағишланган ишлар амалга оширилган³. Тиббий терминологияга оид энг қадимги манба Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари ҳисобланади⁴. Абу Бакр Ар-Розий⁵, Маҳмуд Кошғарий⁶ каби қомусий олимлар тиббий терминларнинг илк тадқиқотчилари ҳисобланади. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида машҳур тарихий шахслар ҳаёти билан боғлиқ тиббий терминлар ва касалликлар ҳақида мулоҳазалар кузатилади.

Тиббиёт терминологияси тадқиқининг назарий асосларини белгилашда М.Чернявский, Е.Нейфах, С.Величкова, М.Ознигин, Ю.Плоцкая⁷ изланишлари аҳамиятлидир. Туркология соҳасида ҳам терминлар тараққиётига бағишланган

³Лотте Д.С. Образование и правописание трёх элементарных научно-технических терминов. – М., 1969; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М., 1977; Гринёв С.В. Введение в терминологическую лексикографию (учебное пособие). – М., 1986.

⁴Abu Ali ibn Sino. Tib qonunlari. V kitob. – Т., 1992.

⁵Абу Бакр Ар-Розий. Касалликлар тарихи. – Т., Халқ мероси, 1994.

⁶Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I том. – Т., 1960. – 250 б.; II том. – Т. 1961. – 214 б.; III том. – Т., 1963. – 257 б.

⁷Чернявский М.Н. О состоянии древнегреческой фармацевтической терминологии по трудам Гипократа. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1996; Нейфах Е.Б. О немецкой фармацевтической терминологии. Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1996; Величкова С.М. Структурно-семантические особенности медицинской терминологии в сфере стоматологии (на материале русского и немецкого языков). Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 165 с.; Ознигин М.В. Роль метафоры в структурировании и функционировании русской медицинской терминологии. Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 152 с.; Плоцкая Ю.В. Структурно-семантические особенности немецкой стоматологической терминологии. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2020.

изланишлар мавжуд⁸. Тиббиётга доир терминлар ҳам ўрганилган⁹. Ўзбек терминологияси тараққиётининг илмий-назарий масалалари ва луғавий бирликлар таҳлилида тизимли ёндашув тамойиллари С.Иброҳимов, Х.Джамалханов, С.Усмонов, С.Аширбоев, А.Мадвалиев, Р.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Сафарова, Ш.Искандарова, А.Собиров, И.Эрматов тадқиқотларида ёритилган¹⁰.

Ўзбек тилшунослигида ҳозиргача терминология масалаларига бағишланган қирқдан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди¹¹, юзга яқин терминологик луғатлар чоп этилди¹².

⁸Молдажаров Ж.М. Становление и развитие казахской лингвистической терминологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-ата, 1971. – 22 с.; Филющина В.Н. К истории формирования туркменской лингвистической терминологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 22 с.; Пирниязов К. Формирование и развитие каракалпакской лингвистической терминологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-ата, 1981. – 28 с.

⁹Базарова Д.Х. Семантика наименований частей тела в тюркских языках. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1967.

¹⁰Иброҳимов С. Фарғона шевалярининг касб-хунар лексикаси. – Т.: ЎзФА, 1956. I. – 144 б.; Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1966; Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Ўқитувчи, 1968; Аширбоев С. Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан (1875-1917 йиллардаги рус туркологларининг асарлари асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1972. – 24 б.; Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации. Автореф. ... канд. филол. наук. – Т., 1986; Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Т., 1987; Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс ... канд. филол. наук. – Т., 1981. – 186 с.; Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв. – Т.: Фан, 1991. – 168 с.; Дадабоев Ҳ.А. Ўзбек терминологияси. (Ўқув қўлланма). – Т.: Нодирабегим, 2020; Дадабоев Ҳ., Ёдгоров Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. – Т., 2021; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т., 1989; Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон, 1992; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.; Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фан. док. ... дисс. – Т., 1999; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2005. – 50 б.; Эрматов И.Р. Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти (умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлари асосида). Филол. фан. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2019. – 25 б.; шу муаллиф. Терминология тизимида гиперо-гипонимик ва эквонимик муносабатлар (тилшунослик терминлари мисолида). Филол. фан. док. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2022.

¹¹Ғуломов Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2005; Турсунова О.Ф. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2009; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усуллари. Филол. фан. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2017; Эргашева Г.И. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Филол. фан. док. (DSc)... дисс. автореф. – Т., 2018; Сабирова Э.Ш. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг берилиши. Филол. фан. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2022; Султонова Л.А. Медицинская терминология китайского языка (на примере хирургических терминов). Дисс. ... док. филос. (PhD) по филол. наук. – Т., 2022.

¹²Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: ЎМЭ, 2002; Юридик атамалар қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 432; Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Т.: 2008.

Тиббий терминлар А.Хусанов, А.Касимов, З.Мираҳмедова, Ф.Абдулхаирова тадқиқотларида лингвистик нуқтаи назардан ўрганилди¹³. Тиббий терминлар луғатлари нашр этилди¹⁴.

Умумтилшуносликда тиббий терминлар ва уларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари муайян даражада ўрганилган бўлишига карамай, терминологик тизимда тиббий терминлар семантикаси ва тезауруси (луғат қатлами), терминлар прагматикаси, терминларнинг ҳозирги кунда амалиётга татбиқ этилиши кабилар илмий ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Журналистика факультети “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили тиббий терминларини компьютер технологиялари асосида тизимлаштириш, тиббий терминлар семантикасини, терминлараро семантик муносабатларни тезаурус моделлари орқали очиб бериш, ўзбек тили тиббий терминлари тезауруси (Uzmedtezaurus) лингвистик таъминотини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

терминология назарияси ва тараққиёти, терминографияга оид тадқиқот ҳамда манбаларни тавсифлаш;

¹³Хусанов А. Названия болезней и их симптомов в узбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1982. – 188 с.; Касымов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. – Т., 1982. – 156 с.; Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т: Фан, 2010; Абдулхаирова Ф. Ўзбек тилида тиббиёт атамаларининг метафорик манзараси. Филол. фан. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Т., 2021.

¹⁴Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. II жилд. – Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003; Қосимов А., Қосимова М. Инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча-русча анатомик терминлар луғати. – Т.: Мехридарё, 2006.

тиббий терминлар генезиси ва уларни тизимли равишда ўрганишга бағишланган тадқиқотларни умумлаштириш;

тиббий терминларнинг семантик майдонига асосланган тезаурус моделини тавсифлаш;

ўзлашган қатламга оид тиббий терминларнинг семантик майдон асосидаги тезаурус моделини шакллантириш;

ўз қатламга оид тиббий терминларнинг семантик тармоқ асосидаги тезаурус моделини шакллантириш;

ўзбек тили тиббий терминологиясидаги лақуналарни аниқлаш ва уларни семантик таҳлил қилиш;

ўзбек тилидаги тиббий терминлар тезаурусини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти. Энциклопедик луғатлар¹⁵, тиббиёт терминлари луғати¹⁶, шунингдек, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”¹⁷даги тиббий терминлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги тиббий терминларнинг тизим сифатидаги белгилари, тиббий терминлар ўртасидаги семантик муносабатлар, тиббий терминларнинг семантик майдони, тиббий терминлар семантикаси акс этган тезаурус моделлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида семантик, этимологик, лексикографик, тарихий, синхрон, структурал ва компонент таҳлил, моделлаштириш методи, қиёсий-тавсифий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

ўзлашган қатламга оид тиббий терминлар семантикасини ёритишда ва терминлараро мазмуний муносабатларни аниқлашда семантик майдон асосидаги тезаурус моделининг муҳим лингвистик қийматга эга эканлиги очиб берилган;

¹⁵Тиббиёт энциклопедияси. –Т.: Шарқ, 2016.

¹⁶Усмонхўжаев М. Катта тиббиёт ўқув луғати (русча-лотинча-ўзбекча). – Т.: Наврўз, 2013.

¹⁷Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. (А.Мадвалиев таҳрири остида). – Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006 – 2008.

Ўз қатламга оид тиббий терминларнинг тил соҳиби лисоний онги, тафаккури билан алоқадорлиги, умумистеъмол сўзлари билан мазмуний муносабатда бўлиши, семантик тармоқ асосидаги тезаурус модели асосида тавсифлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Ўзбек тили тиббий терминлари семантик майдон асосида текширилган, терминлараро гипо-гиперонимик, партонимик муносабатлар аниқланиб, ўзбек тили тиббий терминларининг семантик парадигма асосидаги, коллокаций усулидаги этимологик жиҳатлари очиб берилган;

семантик тармоқ тезаурус модели асосида тиббий терминлар морфологик белгиси, талаффузи, семантик таркиби (асл маъноси, кўчма маъноси), омоними, синоними, антоними, гипероними, гипоними, этимологияси, ўзақдошлари, фразеологизмлар, бирикмалар компоненти сифатида қўлланиши, бошқа тиллардаги варианты каби стандарт белгилари очиб берилган;

Ўзбек тилшунослигида илк бор тиббиёт соҳасидаги лакуналарнинг шевалардаги асоси тўпланиб, лингвистик базага киритилган, ўзбек тили тиббий терминлари тезауруси (Uzmedtezaurus) маълумотлар базасининг лингвистик таъминоти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тили лексикаси, терминологияси, унинг таркибий қисми бўлган тиббий терминларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва тизимлаштиришга, терминлар прагматикаси, яъни улардан амалда тўғри фойдаланиш масаласига маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилган;

тилдаги терминларни бошқа тил бирликларидан ўзаро фарқлаб олиш ва уларни амалиётга қўллаш билан боғлиқ масалаларга аниқлик киритилган;

тиббий терминлар тезауруси (луғат қатлами)нинг яратилиши муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек тилига янги ахборот технологияларини татбиқ этиш (компьютер тезаурусини яратиш) ва уни янги ахборот ресурслари билан бойитишга кўмаклашган;

диссертацияда ишлаб чиқилган семантик майдон ва семантик тармоқ тезаурус моделларидан терминлар ва умумистеъмол сўзларининг тезаурусини яратишда фойдаланилган;

Ўзбек тилшунослигидаги тиббий терминлар тезауруси (Uzmedtezaurus) нафақат тилшунослар ва луғатшунослар, балки тиббиёт соҳаси ходимлари учун ҳам зарур манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг изчиллиги, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тўпланган материал таҳлилининг илмий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, айрим тиббий терминлар, лакунар бирликлар маъносининг мутахассислар билан мулоқотда аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили терминологиясининг назарий асосларини такомиллаштириш ва тиббий терминларнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистр талабалари учун “Тилшунослик назарияси”, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Лексикология”, “Ўзбек терминологияси”, “Компьютер лингвистикаси” каби фанлар ҳамда тиббиёт фанларини ўқитишда, мазкур фанлардан янги дарсликлар, қўлланмалар ва маъруза матнлари тузиш, луғатлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили тиббий терминлари семантикаси ва тезауруси таҳлили бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

давлат тилини ривожлантириш мақсадида она тилимизга янги сўз ҳамда терминларнинг татбиқ этилиши, хорижий тиббий терминларнинг ўзбекча

муқобилларини шакллантириш юзасидан берилган тавсиялар, тиббий терминлар семантикаси, терминлар ўртасидаги алоқадорлик, гипогиперонимик муносабатлар ҳақидаги назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ПЗ-20170927147 рақамли “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи”(2018-2020 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 9 февралдаги 01/4-241-сонли маълумотномаси). Натижада, кўп асрлик ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида муҳим омил ҳисобланган мумтоз манбалардаги тиббий терминларнинг бугунги кундаги ўзбек тили луғат фондига таъсири, амалий аҳамиятини кўрсатиш бўйича хулосалар чиқаришга асос бўлган;

тилдаги тиббий терминлар семантикаси ва тезауруси (*луғат қатлами*), лакунар бирликлар прагматикаси, ўзбекча тиббий терминларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ масалалар, шунингдек ўзбекча, арабча ва тожикча тиббий терминларнинг семантикаси, лингвистик хусусиятлари, асл ва кўчма маънолари, талаффуз этилиши билан боғлиқ тушунчалар тадқиқ этилгани, ўзбек тилида тиббий терминларнинг тезауруси (*электрон луғати*), лакуналари луғатини шакллантириш ва шу асосда ўзбек тилидаги тиббий терминлар электрон корпусини яратишга оид илмий- назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” (2017-2018 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 11 апрелдаги 04/1-650-сонли маълумотномаси). Натижада, банк-молия терминларининг кўп тилли электрон луғатларини яратиш ва уларнинг таржимаси билан боғлиқ масалалар илмий-назарий жиҳатдан бойитилган;

тиббий терминлар шаклланишининг лингвомаданий асослари, тиббий терминларнинг этимологияси ва тарихий тараққиёти, тиббиёт соҳасидаги лакунар бирликларнинг диалектал асослари ҳамда мазкур лакуналарнинг этнолингвистик табиатини далиллашга доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 20 апрелдаги 17.01/97-сонли маълумотномаси). Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ тили тиббий терминологияси тарихини такомиллаштиришга оид материалларнинг мазмуни мукаммаллашган;

тиббий терминларнинг ўз қатлам ҳисобига бойиши, шеваларда ўзбек адабий тилида ва халқаро доирада номланмайдиган тиббиётга оид тушунчаларнинг атамаси мавжудлиги, уларни қўллаш ва кенг ёйиш, касаллик моҳиятини англашда сўз семантикасига асосланиш муҳимлиги ҳақидаги хулоса ва тавсиялардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Taqqdimot” кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (ЎзМТРК “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат муассасасининг 2022 йил 4 мартдаги 06-31-543-сонли маълумотномаси). Натижада, дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 15 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография ва 38 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

журналларда 17 та мақола, 12 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, шартли қисқартмалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 225 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ТЕРМИНОЛОГИК ТИЗИМ ВА ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ТАДҚИҚИ

1.1. Терминлар тизими ва ўзбек терминологияси тараққиёти

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий соҳаларда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни табиий равишда, аввало, ўзбек тили лексикасида ўз аксини топмоқда. Бу эса, айти пайтда, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, янги-янги сўз, тушунча ва терминларни юзага келтиради. Шу боис, ўзбек тили терминларини тизим сифатида ўрганиш, хусусан, терминологиянинг назарий ва амалий масалаларини илмий асосда атрофлича тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Терминларни тадқиқ этиш, биринчи навбатда, унинг лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратишни тақозо этади. Чунки терминга, гарчи сўз сифатида қаралса-да, семантик хусусиятлари, услубий имкониятлари жиҳатига кўра сўздан фарқланади. Терминнинг аниқлиги, бир маънолилиги ва илмийлиги уни умумистеъмолдаги сўз ва атамалардан фарқлаб туради. Муайян фанга оид термин шу соҳанинг мавжудлигини белгилаш билан бир қаторда, тил тизимининг энг асосий ва энг муҳим бирликларидан ҳисобланади. Шу боис, фанда термин ва уни қўллаш муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбек халқи – илм-фан, санъат ва адабиёти қадимий бўлган Марказий Осиё халқларидандир. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикасида илм-фан, санъат ва адабиёт, умуман, маданиятнинг ўсиши ва ривожланиши ўз аксини топган.

Ўзбек тилининг луғат бойлиги фан, техника, санъат, адабиёт ва маданият соҳаларида махсус қўлланадиган бир маъноли сўзлар ҳисобига ҳам бойиб борди.

Ўзбек тилида илмий терминлар асосан икки йўл билан ҳосил бўлган:

1. Ўзбек тилининг ўз имкониятлари асосида – *пахта, туёқ, аниқловчи, қизамиқ, туроқ, туюқ* кабилар.

2. Хорижий тиллардан термин ўзлаштириш асосида – *физика, телевизор, ассимиляция, география, фонендоскоп* сингари.

XX асрнинг 70-йилларида ўзбек тилшунослигида терминология муаммоларини ҳал қилиш юзасидан илмий асосда фикр-мулоҳазалар билдирилган. С.Усмонов биринчилардан бўлиб, сўз ва термин ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатлар, терминларнинг юзага келиш манбаи, қўлланиши ва уларнинг касб-хунарга оид сўзлар билан ўзаро муносабати масалаларига эътибор қаратиб, терминга “гапдан ташқарида олинганда ҳам маълум бир аниқ маъно ифодаладиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз бирикмасидир”¹⁸, – деб таъриф берган. Ҳақиқатан ҳам, терминнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу унинг аниқ маъно ифодалашидир.

Мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш, шунингдек олий таълим тизимини янада такомиллаштириш сингари долзарб вазифалар, айти пайтда, ўзбек тилининг луғат фонди, лексикаси ҳамда терминологиясини ривожлантиришни тақозо этади.

Термин сўзининг моҳияти унинг этимологиясида акс этган: латинча *terminus* – “чек”, “чегара”, “чегара белгиси” деган маънони билдиради.

Термин – киши фаолиятининг маълум бир соҳасида қўлланиладиган махсус сўз ва иборалардир¹⁹. Термин предмет, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунчанинг аниқ ва турғун ифодасидир. Илмий адабиётларда терминнинг доираси кенгроқ изоҳланган. Терминга фан-техник доирасидаги сўзлар билан бир қаторда касб-хунар сўзлари ҳам киритилган. Маълум бир тушунчанинг аниқ ва муқим ифодаси сифатида қўлланиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси терминдир²⁰.

Демак, термин ҳар қандай кенг доирадаги сўзни эмас, тор доирадаги илмий тушунчаларни ифодалашга хизмат қиладиган луғавий бирликдир. Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган,

¹⁸Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1968. – Б. 4.

¹⁹Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. – Тошкент, 1960. – Б. 57.

²⁰Маматов Н. Термин ва унинг таърифи // “Ўқитувчилар” газетаси. 1959 йил, 26 июнь

қўлланиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама.

Термин – касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир²¹.

Терминнинг сўз ва бошқа луғавий бирликлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

№	Сўз	Термин
1	<i>Бир маъноли ва кўп маъноли бўлади.</i>	Бир маъноли (моносемантик) сўз ёки бирикма бўлади.
	<i>Эмоционал-экспрессив бўёқдорлиги билан бадиий аҳамият касб этади.</i>	Эмоционал-экспрессив белгиларга эга бўлмайди.
2	<i>Сўзда муайян соҳага хосланиш белгиси мавжуд эмас, умумистеъмол учун хизмат қилади.</i>	Термин маълум бир соҳага хослангани билан ажралиб туради.
3	<i>Илмийлик мавжуд бўлмайди, қўлланилиши ноаниқ, қамрови контекстда намоён бўлади.</i>	Илмийлик хусусиятига эга бўлади. Қўлланилиши аниқ, қамрови тор, чегараланган бўлади.

Лексикологияда луғавий бирликлар тизим сифатида таҳлил қилинади. Шуниндек, ҳар бир тилнинг сўз бойлиги тизимли равишда таҳлил қилинади. Тилнинг луғат фонди эса луғатларда ўз ифодасини топади. Луғатларнинг турлари, сўз бойлигини тизимлаштиришдаги ўрни лексикографияда ўз аксини топади.

²¹Расулов Р., Суёнов Б., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Т., 2010. – Б. 44.

Ўзбек терминологияси ўз тараққиёт босқичига эга. Терминологияга доир адабиётларда терминлар тараққиётига хос хусусиятлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинган. Терминнинг терминологик лексикадан фарқи, қўлланиш доираси тавсифланган, терминологик тизим ҳақидаги фикрлар тартибланган. Терминнинг махсус илмий-техникавий тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси сифатидаги тавсифи асосланган²².

Терминлар, аввало сўздир, лекин функциясига кўра, сўздан фарқли равишда алоҳида тизимни ташкил этади. Терминлар сўз сифатида луғавий маъно ифодалайди, шу билан бир қаторда, соҳага оид тушунча ҳақида тасаввур беради. Шунинг учун ҳам терминларда иккита маъно фарқланади: 1. Луғавий маъно; 2. Истилоҳий маъно.

Масалан, тилшунослик терминларидан бўлган лотинча *денотат* термини “белгиламоқ” луғавий маъносини англатади, терминнинг истилоҳий маъноси эса “тил бирлиги (мас., сўз) ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм”ни билдиришидир. Ёки немис тилидан олинган *дефис* терминининг луғавий маъноси “бўлиниш” бўлиб, истилоҳий маъноси “жуфт ва такрорий сўзларда, сўз ва унга қўшиладиган айрим унсурлар ўртасида ва бошқа бир неча ҳолатларда ярим қўшиб ёзишни кўрсатиш учун қўйиладиган чизиқча” (-): *аста-секин, наст-баланд*²³.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамиятда туб сифат ўзгаришларини ҳамда яқин истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш имконини берадиган тизимларни шакллантиришни талаб этмоқда²⁴. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгиланишлар, аввало, терминлар тараққиётига алоқадордир.

Терминни бошқа бирликлардан фарқлаб олиш борасида тилшунос Р.Расулов бир қатор белгиларни санаб ўтади. Фан илмийликни, аниқликни,

²²Дадабоев Х. Ўзбек терминологияси. (Ўқув қўлланма). –Т.: Нодирабегим, 2020. – Б. 6.

²³Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 32.

²⁴Рахмонов Н.Р. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 5.

мантиқийликни талаб қилар экан, бу талаблар, биринчи навбатда, бевосита термин билан боғланади. Термин илмийлиги, аниқлиги билан муайян фанга оидлиги, кўп маънолилик хусусиятига эга эмаслиги (моносемантиклиги), қўлланилиш доираси чегараланганлиги, ижобий ёки салбий бўёққа (эмоционал-экспрессивлик, коннотацияга) эга эмаслиги кабилар билан бошқа гуруҳ сўзларидан, тематик майдонлардан фарқ қилади ва ажралиб туради. Терминлар шу нуқтаи назардан, мустақил ҳисобланади²⁵.

Сўз ва термин қайси бўлимда ўрганилишига кўра ҳам фарқланади. Терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро муносабатда бўлган сўзларнинг жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунча муайян терминлар тизимига тўғри келади. Терминологик тизим фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради.

Муайян терминларнинг умумий белгилари уларни тизим сифатида яхлитлаш имконини беради. Бундай тизим *терминология* (termin + logos – сўз, таълимот)дир²⁶. Терминология – фан-техника, маданият ва санъат ёки касб-хунар тармоқларидан бирига хос тушунчаларни ифодаловчи терминлар йиғиндиси. Терминология илмий адабиётларда муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминларнинг жами сифатида таърифланади²⁷.

Барча соҳаларда фаол ишлатилаётган халқаро терминэлементлар иштирокида ҳосил қилинган терминларнинг афзалликлари шундаки, улар терминга нисбатан қўйилган асосий талабларга ҳар томонлама жавоб беради ва ўзбек миллий терминологик тизимини бойитувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда миқдори борган сайин ортиб бораётган кўп компонентли терминлар бирор тушунча мазмунини тўлароқ ифодалашга хизмат қилса-да, уларни амалда қўллаш ва ёдда сақлаб қолиш

²⁵Расулов Р. Термин хусусиятлари // СамДУ Ахборотномаси. 2005 йил, 2-сон.

²⁶Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б. 104.

²⁷Расулов Р., Суёнов Б., Мўйдинов Қ. Кўрсатилган асар. – Б. 43.

анча қийин. Аслини олганда, бундай терминлар икки, нари борса уч-тўрт компонентдан иборат бўлиши лозим.

Бугунги кунда таркибида халқаро терминэлементлар мавжуд бўлган минглаб сўзлар ўзбек тили луғат таркибини ва унинг терминологик тизimini бойитмоқда²⁸. Бундай терминэлементлар ўзбекча сўзларга ҳам қўшилиб, янги терминлар ясаши, ясама терминнинг қисқалиги, тушунчани аниқ ифодалай олиши, қўшиб ёзилиши жиҳатидан терминологик талабларга мос келганлиги сабабли уларнинг миқдори ошиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминларни тадқиқ қилган А.Мадвалиев ўзбек тилида гибрид терминларни ҳосил қилувчи халқаро терминэлементларнинг миқдори 50 дан ортиқ эканлигини таъкидлаган бўлса²⁹, бугунги кунда уларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Масалан, кейинги ўн йилликда терминологиямизда қўллана бошлаган **эко** (экология сўзининг қисқарган шакли) терминэлементи воситасида *экоҳаракат, экотуризм, экомаданият, экотизим* каби ўнлаб гибрид терминлар ясалдики, улар умумистеъмолда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, халқаро терминэлементларнинг терминологиядаги имконияти жуда кенг ва улар соҳалар терминологиясини тизимга солишда муҳим роль ўйнайди.

Хусусан, сўз тилнинг кичик семантик бирликларидан бири бўлиб, у терминни ҳам, атамани ҳам, бошқа бирликларни ҳам ўз ичига олади, яъни сўз ҳам, термин ҳам, атама ҳам аслида сўздир. Шу сабабли тилимизда кўпинча уларни ўзаро алмаштириб қўллаш юз беради. Аммо, юқорида таъкидланганидек, термин, сўз ва атама тушунчаларининг ҳар бири ўзига хос ва алоҳида хусусиятга эга.

²⁸Маҳқамов Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро термин-элементлар // “Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011.

²⁹Мадвалиев А.П. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари // “Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари”. – Т., 1991. – Б. 58.

Жамият ва тил тараққиёти билан биргаликда, терминларнинг турли сабабларга кўра, илм-фанга кириб келиши ва фаол ишлатилиши табиий ҳодиса бўлиб, бу тил сиёсатининг, жамият тараққиётининг мантикий ва зарурий маҳсули ҳисобланади. Тилимизга кириб келаётган терминларнинг ўзбекча муқобили (атамаси) бўлган тақдирда ҳам, улардан бутунлай воз кечиб бўлмайди. Аксинча, уларни ҳам билишимиз ва улардан ҳам ўринли фойдаланишимиз лозим. Чунки терминлар дунё миқёсида фаоллиги билан, фан учун хизмат қилиши билан ажралиб туради. Жамият бор экан, илм-фан ва тараққиёт бор экан, терминларнинг қамрови ҳамда қўлланилиш доираси кенгайиб бораверади.

Илм-фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда янгидан-янги тушунчаларнинг пайдо бўлаётганлиги туфайли ўзбек тилининг хилма-хил терминологик тизимлари қарор топа бошлади. Шу муносабат билан термин ва унинг таърифи муаммоси ҳозирги тулшунослик, жумладан, лексикология ва терминологиянинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда³⁰.

Мамлакатимизда қадим замонлардан буён турли касб-ҳунар тармоқлари ривожланиб келади. Масалан, овчилик, чорвачилик, кулолчилик, дурадгорлик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, этикдўзлик каби. Шунинг учун ўзбек тилининг касб-ҳунар лексикаси доираси кенг бўлиб, кўпгина терминларни ўз ичига олади.

Термин тушунчасини фақат фан соҳаларига оид тушунчалар сифатида қараш тўғри, деб ҳисоблаймиз. Касб-ҳунар сўзлари эса, “термин” эмас, “касб-ҳунар атамалари” деб юритилгани маъқул. Чунки, терминлар адабий тилда мавжуд сўзлардир. Касб-ҳунар сўзларининг асосини шевалар лексикаси ташкил этади. Кўпгина касб-ҳунар сўзлари шевалар доирасида тушунарли бўлади. Масалан, кулолчиликка оид *таксир* (бўёқ), *булбулзор* (нақш тури),

³⁰Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., Фан, 2010. – Б. 6.

гилбўта (оқ тусли лой); этикдўзликка оид *шончўп, пошна*; сувоқчиликка оид *зувола, похса* каби сўзлар адабий тилда ишлатилмайди. *Термин* сўзининг семантикасида касб-хунар сўзларига нисбатан “кенг истеъмом доираси”, “адабий тилга хос” тушунчалар мавжуд.

“Термин”, “терминология” кабилар “атама”, “атамашунослик” лексемалари билан алмаштириб қўлланиладиган бўлди, “атама”, “атамашунослик” каби тушунчаларнинг умуммиллий характерга эга эканлиги эътиборга олинмайди. Чунки, “атама” дейилганда, ономастика (топонимия, антропонимия, ойконимия)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади. Аслида, фанда аввалдан истеъмомда бўлган “термин” ва “терминология” лексемаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир³¹.

Ҳар бир фан ўзига хос илмий терминларга эга, шунинг учун ҳам фан-техникага оид терминлар хилма-хилдир. Худди лексемалар каби терминлар семантикасига ассоциативлик хос. *Фонетика, товуш, лексема, морфема, фонема* терминлари тилшуносликни, *муболага, роман, газал* терминлари адабиётшуносликни, *симптом, паталогия, эпидемия* тиббиётни; *эра, жамият, уруг, давлат* тарихни, *водород, калий, натрий, симоб* кимёни, *аксиома, квадрат, плюс, минус, теорема* математикани, *командир, генерал, лейтенант* кабилар ҳарбий соҳани ёдга солади.

Терминлар фан тараққиёти, ундаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва такомиллашиб боради.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий ва савдо-сотик соҳаларига шиддат билан кириб келаётган ва муомалага муқим ўрнашиб бораётган турли хорижий сўз ва терминлар, айти пайтда, уларни ўзбек тилига тўғри татбиқ қилишни ҳамда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада оширишни тақозо этади.

³¹Расулов Р. Термин хусусиятлари // СамДУ Ахборотномаси. 2005 йил, 2-сон.

Терминлар илм-фан, техника ва санъатнинг фаол лексик қуроли сифатида тилнинг лексик қатламида алоҳида эътиборга молик, фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган бирликлардир.

Бирор тушунча ёки воқеа-ҳодисани ўзида акс эттириш ва ифодалашда ҳар бир тилнинг ўзига хос имкониятлари, миллий-маданий хусусиятлари мавжуд. Тиббий терминларнинг миллий-маданий хусусиятларини тил сатҳларида, хусусан, тилнинг лексика, морфология, семасиология ва этимология бўлимлари доирасида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, муайян касб-ҳунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар, кўпинча, у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Масалан, иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида *товар, клиринг, рента, маркетинг, менежмент* каби терминлар ишлатилса, тиббиёт ходимларининг нутқида *инфекция, синдром, аллергия, гипертония, гастрит, гепатит, диагноз* сингари терминларнинг ишлатилиши, табиий ҳолдир.

Инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўзгаришлар, янгиликлар, аввало тилда сўзлар орқали ўз аксини топади. Бинобарин, ўзбек тили хазинасидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан турли-туман бўлиб, улар жамият тараққиёти билан биргаликда тараққий этиб боради. Бошқача шаклда ифодаласак, тилнинг ўзи сўзларда яшайди. Ҳар қандай тилнинг бойлигини ёки кенг кўламлилигини унинг захирасидаги сўзлар белгилаб беради.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник ўзгаришлар даврида жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, янги-янги сўз ва тушунчалар юзага келмоқда. Булар эса, ўз навбатида тилимизда янги терминларни ҳам юзага келтиради. Илгаридан ишлатилиб келинаётган қатор лексемалар янги маъно касб этмоқда.

Терминнинг тузилиши масаласи, яъни унинг неча қисмдан иборат бўлиши баҳссталаб масалалардан бўлиб, бу ҳодиса ижобий ёки салбий

жихатдан баҳоланмаган³². Терминга нисбатан қўйиладиган, лекин амалда ҳар доим ҳам эришиб бўлмайдиган талаблардан бири – унинг ихчам бўлишидир.

Рус тилшунос олими Д.Лотте илмий терминлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар хусусида тўхталиб, қуйидагича фикрларни билдирган³³: “Терминларнинг кўп маънолилиги, терминлар синонимияси, муайян бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи терминнинг англатиши лозим бўлган тушунча моҳиятига уйғун бўлмаслиги, терминнинг кўп компонентлардан иборат бўлиши, термин талаффузининг ноқулайлиги, терминологиянинг ҳаддан ташқари хорижий терминлар билан тўлдириб ташланганлиги, термин яратилишида у англатиши лозим бўлган тушунча моҳияти билан ўзаро тизимлилиқнинг етишмаслиги кабилар барча тиллардаги соҳавий терминологиялар учун умумий бўлган жиддий камчиликлар саналади”.

Кейинги йилларда қатор муаллифлар томонидан терминга берилган таърифларда унинг муайян фан соҳасига оид тушунчаларнинг ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмаси эканлиги таъкидланган³⁴. Шуниси ҳам борки, терминга берилган таърифларда термин сифатида ишлатилаётган бирикмаларнинг таркиби, яъни унинг неча қисм (компонент)дан иборат бўлиши ҳақида маълумотлар берилмаган. Аксарият ҳолларда икки, уч қисмдан иборат терминлар билан бир қаторда, беш, олти, етти, ҳатто ундан ҳам ортиқ компонентлардан ташкил топган терминларни учратиш мумкин. Айрим илмий тадқиқотларда ўзбек кимё терминологиясида 94 фоиз икки қисмли бирикма термин билан бирга, беш, олти қисмдан иборат терминлар ҳам бор эканлиги қайд этилади³⁵.

³²Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., Фан, 2010. – Б. 10.

³³Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – С. 18.

³⁴Даниленко В.П. Русская терминология. – М., 1977. 90-стр., Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б. 104.

³⁵Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1986. – С. 3-8

Бошқа тиллар терминологиясида бўлганидек, ўзбек тили терминологиясида ҳам илмий-техник тушунчаларни ифодалаш учун юзлаб халқаро терминэлементлардан фойдаланиб келинади. Халқаро терминэлементларнинг асосий қисми генетик жиҳатдан мустақил сўзларни қисқартиришдан ҳосил қилинган: *авто-, агро-, аэро-, био-, макро-, микро-, ультра-* сингари термин ясовчилар ва *-лог, -логия, -бус, -фоб, -скоп, -изм* каби ўз семантикасига эга бўлган фаол термин ясовчи морфемалардир³⁶.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, муайян касб-хунар ёки мутахассисликка эга бўлган кишилар, кўпинча, у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Терминология тилшуносликнинг энг муҳим ва долзарб соҳаси ҳисобланади³⁷. Чунки ижтимоий-сиёсий турмушимиздаги барча янгилик ва ўзгаришлар биринчи навбатда тилнинг терминологик лексикасида ифодаланади.

“Шуни таъкидлаш жоизки, атамашуносликка оид тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилаётганлигига қарамасдан, ҳозирча атаманинг ҳамма эътироф этган табиатини тўлиқ қамраб олган таъриф йўқ”³⁸. Демак, терминология махсус тилнинг махсус лексик қатламидир. Унинг луғавий объекти номенклатурага нисбатан анча кенгдир.

Тилда терминлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки улар заруриятга кўра юзага келиб, сўнгра шаклланади ва тил тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, ривожланиб, ўзгариб боради.

Ўзбек тили тиббиёт терминологиясида хорижий тиллар, жумладан, юнон, лотин, рус, араб, форс-тожик ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлар ишлатиб келинмоқда. Бундай халқаро терминларнинг ҳам тилимиз тараққиётида ўз ҳиссаси бор.

³⁶Маҳкамов.Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро терминэлементлар // Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. – Т., 2011. – Б. 47.

³⁷Ғуломова. Г. Қонунчилик ва ўзбек юридик терминологияси. – Т., 2002. – Б. 17.

³⁸Қонун ва тил. – Тошкент, 1997. – Б. 143.

Ўзбек тилининг лексик қатламида сўзлар, атамалар ва терминлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасига тил бирликлари сифатида қаралади. Бугунги кунда ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар натижасида, тилимизга ўзлашаётган халқаро терминлар, аввало ҳар бир соҳа вакилининг бу борада етарли билим ва савияга эга бўлишини тақозо этади. Шунингдек, тилимизнинг лексик қатлами (*лугат сатҳи*)да пайдо бўлаётган янги-янги тушунчалар, айти пайтда тилнинг хилма-хил терминологик тизимларини ҳам қарор топтиради.

Табиийки, халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, касб-кори, турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари билан боғлиқ бўлган тушунчаларни ўзида акс эттирган тил лексикони билан биргаликда, унинг таркибий қисми бўлган терминологик тизими ҳам ривожланиб, тараққий этиб боради.

Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсидаги терминшунос олимларнинг бу борада олиб борган илмий изланишлари ва қўлланмалари ўзбек тилида терминологик тадқиқотлар олиб боришда, терминологик тизим яратишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Рус тилшунослигида таъкидланганидек, терминларни тартибга солиш амалиётида биринчи галда у ёки бу луғавий бирликни термин қаторига киритишда одатда қуйидаги талаблардан келиб чиқилади:

- муайян тизим таркибига кириши ва шу шу тизим доирасида ягона маъно билдириши;
- тартибга солиш белгиларига эга бўлиши;
- синоним (дублет)ларга эга эмаслиги;
- миллийлик касб этмаслиги;
- қисқа ва талаффуз қулайлиги кабилар³⁹.

Маълумки, умумтилшуносликда терминлар ва терминология муаммоси назарий ҳамда амалий жиҳатдан муайян даражада ўрганилган. Хусусан,

³⁹Лотте Д.С. Образование и правописание трёхэлементных научно-технических терминов. – М., 1969. – С. 27.

тиббий терминлар ва уларнинг хусусиятлари, семантика масалалари ҳам тилшунос олимларимиз томонидан ўрганилган.

Биргина термин ва сўз, уларнинг хусусиятлари хақида умумтилшуносликда турли фикрлар, баҳс-мунозаралар мавжуд. Жумладан, айрим рус тилшунослари “Термин сифатида намоён бўлувчи сўзнинг алоҳида махсус вазифаси аташдир”⁴⁰, деб терминнинг аташ, яъни номинатив вазифасини биринчи ўринга қўйса, бошқа бирлари “Агар сўз аниқ бир белги воситаси бўлиб хизмат қилса, оддий белги ҳисобланади, агар мантиқий таъриф воситаси бўлса, илмий термин ҳисобланади”⁴¹, деб таърифлайди. Шунингдек, манбалардан бирида “Термин билан сўз ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, улар ўртасида ҳам шаклан, ҳам мазмунан жиддий бир тафовут йўқ”⁴², деб мазкур ҳодисаларнинг умумий томонларига кўпроқ эътибор қаратилган.

Рус тилшуносларидан профессор О.С.Ахманова термин хақида қуйидагича фикр-мулоҳазаларни баён қилади:

“Термин махсус (илмий, техник) тилга хос бўлган, махсус тушунчани аниқ ифодалайдиган ва махсус предметларни англатиш учун яратиладиган (қабул қилинадиган, ўзлаштириладиган) сўз ёки сўз бирикмасидир”⁴³. Муаллиф нима учундир терминга изоҳ беришда унинг моҳиятини, ички хусусиятларини очишда, таърифлашда асосий мезон сифатида терминнинг аниқлик хусусиятига, белгисига урғу беради. Бундай қараш, муносабат бошқа қатор манбаларда, луғатларда ҳам учрайди⁴⁴.

Асосан терминология масаласига эътибор қаратиб келган тилшунос олимлардан бири В.П.Даниленконинг бу борадаги фикрлари қуйидагича:

⁴⁰Винокур Г. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М., 1939. – С. 6.

⁴¹Виноградов В.В. Вступительное слово на всесоюзном терминологическом совещании // Вопросы терминологии. – М., 1961. – С. 16.

⁴²Кузькин Н.П. К вопросу осущности термина // Вестник ЛГУ. Сер. Истории, языка и литературы. Вып. 4. 1962. – С. 136-146.

⁴³Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – С. 412-414.

⁴⁴Усмонов О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзларнинг изоҳли луғати. – Т., 1965.

1) термин – тилнинг муҳим лексик қатламларидан бири бўлмиш фан, техника, ишлаб чиқариш, касб-хунарга оид тушунчаларни ифодаловчи махсус луғавий бирлик (сўз ёки сўз бирикмаси)дир;

2) термин махсус нарса, ашё ёки мавҳум тушунчанинг ўзига хос номидир;

3) термин учун муайян таъриф (дефиниция) зарур, бу таъриф тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалашга, тушунчаларнинг бирини иккинчисидан чегаралаб олишга, айти пайтда, маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга имкон яратувчи белгиларни равшанроқ кўрсатишга ёрдам беради⁴⁵.

В.П.Даниленко кўп компонентли бирикма терминларнинг ижобий ва салбий жиҳатларига тўхталар экан, бундай терминлар тушунча ҳақида кўпроқ ахборот бериши ва улар ёрдамида тушунчанинг кўп миқдордаги зарурий белгиларини ифодалаш мумкинлигини таъкидлайди⁴⁶.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги сўз ва терминлар, уларнинг семантик тараққиёти билан боғлиқ масалалар, жумладан, тиббий терминлар ва уларнинг социопрагматикаси тилшуносликдан фундаментал тадқиқотларни талаб қилади. Бу ҳақда тилшунослардан проф. З.Холманова қуйидагича фикр юритади:

“Терминология тилшуносликнинг асос соҳаси ҳисобланади. Терминлар, маълум маънода, шу соҳанинг тараққиёт даражасини белгилайди. Фаннинг мазмун-моҳияти, асосий тушунчалари терминларда намоён бўлади. Шундай экан, терминологияга оид ҳар қандай масалага долзарб муаммо сифатида қаралади”⁴⁷.

⁴⁵Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М., 1977. – С. 90.

⁴⁶Даниленко В.П. Об одной модели терминов-словосочетаний // Научно-техническая терминология. – М.: Наука, 1979. №10. – С. 11-12.

⁴⁷Холманова З.Т. Ўзбек тилшунослигидаги айрим терминлар ҳақида // “Лингвист” илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011, 2-сон. – Б. 68.

Тилдаги терминларни қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, ўз ўрнида ва тўғри ишлатиш тилнинг раволиги ва таъсирчанлигини, тушунчанинг аниқлиги ва мантиқийлигини таъминлайди.

Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизим фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар тизими, тараққиёти, семантик хусусиятларини тиббий терминлар мисолида кузатамиз.

1.2. Тиббий терминларнинг лингвистик аспектдаги тадқиқи

Илмий адабиётларда тиббий терминлар тарихи милоддан аввалги 3000 – 2000-йилларга бориб тақалиши қайд этилган. Қадимги Рим, латин тилидаги тиббиёт терминологияси дунё тиббиёт соҳасининг негизини ташкил қилади. Ҳозирда тиббий терминларнинг салмоқли қисмини латин ва юнон тилидаги терминлар ташкил этади.

Ўзбек халқ таъбири ўзининг қадимий ва миллий анъаналарига эга. Тилимиздаги терминларнинг муайян қисмини ўзбекча тиббий терминлар ташкил этади. Шу билан биргаликда, ўзбек тили тиббиёт терминологиясида хорижий тиллар, жумладан, юнон, латин, рус, араб, тожик ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлар ишлатилиб келинмоқда. Бундай халқаро терминлар ўзбек тили луғат бойлигида фаол қўлланиб, тиббий тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади.

Ўрта Осиёда эса Абу Али ибн Сино, ар-Розий, Абураёҳон Беруний асарларида тиббий терминлар кўзга ташланади. Бундан ташқари, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф хос Ҳожиб асарларида, муаллифи номаълум бўлган “Китоб ат-туҳфат уззакияти фил-луғатит-туркия”да ҳам тиббий терминларга доир мулоҳазалар учрайди. Ҳаётини кузатишларимиз кўрсатадики, Абу Али ибн Сино қўллаган ва ундан кейинги даврларда фаол бўлган даволаш усуллари халқда ҳозирги даврларга қадар сақланиб қолган. Масалан, “Тиб қонунлари”да

темирчи суви, темир сув бирикувлари учрайди⁴⁸. Бу сўзлар ва бирикмалар ўрта асрлар шифокорлар нутқида фаол қўлланган. Темир суви даво мақсадида ишлатилгани маълум бўлади. Ҳозир ҳам халқда бирор нарсдан каттик кўрққан шахсга юраги жароҳатланмасин, деган мазмунда темир (темир асбоб)ни киздириб, сувга ботирилади ва беморга ичирилади.

Жаҳон фани, хусусан тиббий фанлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино ҳақиқий комусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид асарлар яратган. Бу борада у Гиппократ, Гален, Бянь Цяо ва Сушрута каби жаҳоннинг энг машҳур ҳакимлари билан бир қаторда туради. Турли манбаларда олимнинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса-да, бизгача уларнинг 242 таси етиб келган⁴⁹. Шу 242 тадан 43 таси тиббиёт илмига оиддир.

Ибн Сино тиббиётнинг ўзидан олдинги минг йиллик тараққиётига яқун ясабгина қолмай, уни янги юқори босқичга кўтарди, ҳатто, бу фаннинг кейинги асрларда эришган бир қанча ютуқларини олдиндан кўра билди. Унинг “Тиб қонунлари” номли кўп жилдли асари ўзбек ва рус тилларида чоп этилган ва 3-жилди одам организмидаги барча аъзоларнинг касаллиги ва систем касалликларга бағишланган. Касалликларнинг пайдо бўлиши, белгилари ва даволаш усуллари кўрсатиб ўтилган.

“Тиб қонунлари” китобига юксак баҳони машҳур олим ва адиб Низомий Арузий Самарқандий берган эди. У ўзининг “Мажмаъун наводир” (“Нодир ҳикоятлар”) асарида “Тиб қонунлари” китоби ҳақида сўзлаб: “Агар Гиппократ ва Жолинус тирилиб келганларида эди, улар бу китоб қаршисида сажда қилган бўлар эдилар”, деб ёзганди⁵⁰. Ибн Сино асабий ва руҳий касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш соҳасида ҳам кўп янгиликлар киритган. Унинг жарроҳлик соҳасидаги ишлари ҳам жуда муҳимдир. “Тиб қонунлари” тиббий

⁴⁸Абдулхайрова Ф. Ўзбек тилида тиббиёт атамаларининг метафорик манзараси. Филол. фан. фалс. док. дисс. – Тошкент, 2021. – Б. 17.

⁴⁹Яхё Маҳдавӣ. Фихрист-и нусахаҳо-йи мусаннафот-и ибн Сино. – Техрон, 1954.

⁵⁰Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. – Тошкент, 1985. – Б. 72.

терминлар акс этган бирламчи манба ҳисобланади. Унда IX- X асрларда фаол қўлланган тиббий тушунчалар ўз ифодасини топган: *šalīsa* (*шалисо*) – ҳар жихатдан манфаатли дори⁵¹; *taryaq* (*тарёқ*) – захарларга қарши мураккаб таркибли дори⁵². *Mitridus* – мураккаб таркибли дори, яратувчисининг номи билан аталган (Тиб қонунлари, V китоб, 235). Ар-Розий касалликлар тарихига оид махсус асар ёзган. Бу асарда *обила*, *қизамиқ*, *иситма* каби тиббий терминлар қайд этилган⁵³.

Ибн Синонинг доришуносликка қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқлидир. У таклиф этган дорилар асрлар давомида кенг ишлатилиб келинди ва ҳозир ҳам уларнинг кўпчилиги ўз қийматини йўқотган эмас.

Ибн Сино каби ўзининг бутун билими ва ҳаётини инсон саломатлигини сақлаш, табиат қонунларини очиш, адолат ва ҳақиқат учун курашга бағишлаган буюк олимларнинг асарлари кўп асрлардан бери бутун инсоният учун битмас-туганмас билим манбаи вазифасини ўтаб келиши билан биргаликда, ҳозир ҳам улар маданий тараққиётга, хусусан инсон саломатлигини сақлаш ишига хизмат қилмоқда.

Маҳмуд Кошғарий⁵⁴, Юсуф хос Ҳожиб⁵⁵ асарларида, муаллифи номаълум бўлган “Китоб ат-туҳфа аззакия фил луғат ат-туркия”, “Таржумон”⁵⁶да ҳам тиббий терминларга доир мулоҳазалар учрайди. Алишер Навоий асарларида буюк мутафаккирнинг тиббиёт билан боғлиқ қарашлари баён этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хос табиби Юсуфийнинг қарашлари тиббиётга доир илмий мулоҳазалар сифатида эътиборга моликдир. Бобурнинг тарихий шахслар тавсифи давомида келтирган тиббиётга доир терминлари, жиҳозлар номи, даволаш усуллари қимматли манбадир⁵⁷.

⁵¹Abu Ali ibn Sino. Tib qonunlari. V kitob. – Тошкент, 1992. – Б. 29.

⁵²Abu Ali ibn Sino. Кўрсатилган асар. – Б. 234.

⁵³Абу Бакр Ар-Розий, Касалликлар тарихи. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти. – 1994. – Б.73.

⁵⁴Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I том. – Т., 1960. – 250 б.; II том. – Т. 1961. – 214 б.; III том. – Т., 1963. – 257 б.

⁵⁵Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1972.

⁵⁶Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. – Т.: Фан, 1980. – 127 б.

⁵⁷Холманова З. “Бобурнома – тил комуси”. – Т., 2020.

Маълумки, тилимиздаги терминларнинг муайян қисмини ўзбекча тиббий терминлар ташкил этади. Ўзбек халқ таъбири ўзининг қадимий ва миллий анъаналарига эга. Айниқса, тилимиздаги тиббиёт терминларини семантик хусусиятлари жиҳатдан чуқур ўрганиш, улардаги маъно кўчими ва янги маъно қирраларини таҳлил ва талқин қилиш, қўлланиш доираси ҳақида кенг оммага маълумотлар бериш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир тил умумхалқ таърибаси ва маданий меросини ўзида сақловчи, тарихий-маданий воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг тараққий этиш жараёнлари ва йўллари ўзида аниқ ифодаловчи бетакрор коммуникатив ва номинатив манба вазифасини бажаради.

Ўзбек тили лексикасидаги тиббий терминлар генезиси, тузилиши ва семантикасига кўра хилма-хил бўлиб, уларни умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшларига қизиқарли тарзда ўргатиб борилса, ёш авлодда она тилимиз ва унинг кенг имкониятлари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил бўлади, тиббиёт фани бўйича ўзлаштираётган билимлари янада мустаҳкамланади.

Рус тили терминологик тизимини шакллантиришда М.В.Ломоносов ва Н.М.Карамзин катта ҳисса қўшдилар. С.В.Гринёв таъкидлаганидек, Д.С.Лотте терминология асосларини илмий усулда ёритиб берди. Унда терминологиядаги синонимлик, омонимлик ҳодисаларининг учраши, терминга қўйиладиган талаблар келтирилган⁵⁸. Умуман, рус тилшунослигида “терминология” терминининг мазмуни атрофлича ёритиб берилган⁵⁹.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши натижасида терминология тизими шахс омили нуқтаи назаридан тадқиқ қилина бошлади. Тадқиқотларда фармацевтика терминологиясининг шаклланиши, семантик доираси таҳлил қилинган. Й.Б.Нейфах немис тилидаги

⁵⁸Гринёв С.В. Введение в терминологическую лексикографию (учебное пособие). – М., 1986. – С. 3.

⁵⁹Маҳмудов. Н. Илмий матнда термин таносиб ва такомил // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. 2-сон. – Б. 3-10.

фармацевтика терминологиясини ўрганган⁶⁰. М.Н.Чернявский Гиппократ асарларида қайд этилган фармацевтика терминологиясини тадқиқ қилди⁶¹.

Тиббий терминларни тизимли равишда семантик гуруҳларга ажратиб ўрганиш ва таҳлил қилиш Е.В.Смирнова тадқиқотидан бошланган. Олима кардиологик терминларни мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилган. Кардиологик терминларнинг шаклланиш жараёни, кўчма маънодаги бирикмалар, терминларнинг юзага келишида метафоранинг ўрни ёритилган⁶².

Бир қатор тадқиқотларда стоматология терминлари таҳлил қилинган. С.М.Величкова немис ва рус тиббий терминологиясининг лингвистик хусусиятларини қиёслаб ўрганган. Тиббий терминларнинг семантик тараққиёти, термин сифатидаги маъноларнинг хосланиш жараёнлари яхши очиб берилган. Стоматология терминлари семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган⁶³. С.Степанова инглиз тилидаги онкология терминларининг семантик хусусиятларини ўрганган⁶⁴. М.В.Ознигин тадқиқотида терминлардаги кўчиш жараёнлари ёритилган. Тиббий терминлардаги энг кўп кузатиладиган кўчим тури сифатида метафорик маънолар ва улардан хосланган маъноларнинг шаклланиши таҳлил этилган⁶⁵.

Тиббий терминларнинг шакл ва маъно муносабатига ҳам эътибор қаратилган. Масалан, Г.Борисова рус тилидаги тиббий терминларнинг омонимлик хусусиятларини таҳлил қилган. О.В.Шестякнин тиббий терминлардаги кўп маънолик хусусиятлари борасида изланишлар олиб борган.

⁶⁰Нейфах Е.Б. О немецкой фармацевтической терминологии. Дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1996

⁶¹Чернявский. М.Н. О состоянии древнегреческой фармацевтической терминологии по трудам Гиппократа. дисс. канд. филол. наук. – М., 1996. – Б. 186.

⁶²Смирнова Е.В. “Структурно-семантические и лексикографический аспекты медицинской терминологии (на примере кардиологической лексики)”. Дисс. канд. филол. наук. – М., 1996. – Б. 162.

⁶³Величкова С.М Структурно-семантические особенности медицинской терминологии в сфере стоматологии (на материале русского и немецкого языков). Дисс. канд. филол. наук. – М., 2006. – Б. 154.

⁶⁴Степанова. Е.С. Типологические особенности онкологической терминологии в современном английском языке. – СГМУ, 2015. №17.

⁶⁵Ознигин М.В. “Роль метафоры в структурировании и функционировании русской медицинской терминологии. Дисс. канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – Б. 152.

А.Г.Смирнова ҳозирги рус тилидаги медицина терминларининг шаклланишига бағишланган тадқиқотида термин ва терминология, медицина терминларининг юзага келиш усуллари, лексик-семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритган. Медицина терминларининг умуми адабий тилга сингиши, уларнинг номинатив функцияси ҳақида сўз боради. Ишда медицина ва биологиянинг олами англашда муҳим ўрин тутиши, тиббиётнинг функционал сфераси инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқлиги қайд этилган.

Тадқиқотда медицина соҳасида янги йўналишларнинг юзага келгани, бир қатор янги терминларнинг шаклланиши, уларнинг изоҳига эҳтиёж туғилгани баён этилган. Медицина терминларининг рус тили соҳиблари томонидан семантик-стилистик нуқтаи назардан ўзлаштирилиши, терминларнинг адабий тилда қўлланиш доираси кенгайтирилиши, терминлардаги омонимия, синонимия каби ҳодисалар семасиологик аспектда ёритилган.

Терминларга адабий тилни бойитувчи омил сифатида ёндашилиб, тиббиёт атамаларининг соҳа ва соҳага алоқадор бўлмаган тармоқларда фаол функционал қийматга эгаллиги, коммуникатив вазифа бажариши таъкидланган⁶⁶.

Туркий тиллар доирасида ҳам тиббий терминларга оид тадқиқотлар олиб борилган. Д.Х.Бозорова тана қисмлари номи таҳлилига бағишланган тадқиқотида семантик гуруҳга ажратиш тамойилларидан фойдаланган. Инсон танаси аъзолари “бош”, “оёқ”, “қорин”, “қўл” каби мавзуй гуруҳларга ажратилиб, таҳлил қилинган. Терминлар семантикасидаги ўзгаришлар, кўп маънолилиқ, маъно кўчиш усуллари ҳақида фикр юритган⁶⁷.

Ўзбек тилшунослигида терминологиянинг назарий асосда ўрганилиши XX асрнинг 20-30-йилларидан бошланган. Р.Дониёров ўзбек тили техник терминологиясини тизимлаштириш, маъно хусусиятлари борасида фикр

⁶⁷Базарова Д.Х. Семантика наименований частей тела в тюркских языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1966. – Б. 28.

билдирган⁶⁸. К.М.Мусаев изланишларида терминологиянинг шаклланиши, хусусияти, терминологияни тизимлаштиришдаги мураккабликлар кўрсатиб берилган⁶⁹.

А.Хусанов ўзбек тилидаги касаллик номлари, уларнинг тузилишини тадқиқ қилган. Касаллик номларини ўз ва ўзлашган қатламга кўра тасниф қилган. Касаллик номлари тарихи, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий асарларида қайд этилган касаллик номлари, уларнинг маъно хусусиятлари ҳақида маълумот берган. Ўзбек тилидаги касаллик номларини мавжуд таснифларга асосланиб, семантик гуруҳлар асосида тадқиқ қилган:

1. Сурункали касаллик номлари.
2. Ўткир кечадиган касаллик номлари.

Болаларда ва катта ёшли шахсларда учрайдиган касалликларни ҳам алоҳида гуруҳларга ажратиб таҳлил қилган⁷⁰. А.Қосимов ўзбек фармакологик терминларини тадқиқ қилган. Фармакологик терминларнинг шаклланиш усуллари, доришунослик терминлари ўртасидаги шакл ва маъно муносабатларини таҳлил қилган. Дориларни тайёрланиш ашёсига кўра семантик гуруҳларга ажратиб изоҳлаган⁷¹.

Ҳ.Дадабоевнинг “X-XI асрлар туркий тиллар ёзма ёдгорликларидаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология”⁷² мавзусидаги тадқиқотида туркий тилларда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминологиянинг пайдо бўлиши ва тилда қўлланиш муаммолари атрофлича ёритилган.

З.Мираҳмедова ўзбек тилшунослигида анатомик терминларга бағишланган изланишини амалга оширди. Олима анатомик терминларни

⁶⁸Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 160.

⁶⁹Мусаев К.М. Формирование, развитие и современные проблемы терминологии. – Т., 1986. – Б. 163.

⁷⁰Хусанов А. Названия болезней и их симптомов в узбекском языке: Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 48.

⁷¹Касымов А.И. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Т.: 1982. – Б. 24.

⁷²Дадабоев. Ҳ. XI-XII асрлар туркий тиллар ёзма ёдгорликларидаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология. – Т., 1991.

партонимик, гиперогипонимик муносабатларига кўра мавзуй жихатдан гуруҳларга ажратган: а) одам гавдасининг ташки қисмлари; б) одам гавдасининг ички аъзоларини билдирувчи терминлар. Инсон тузилиши, ташки ва ички аъзоларини ички гуруҳларга ажратиб таҳлил қилган. Анатомияга оид терминлар нисбатан кўп миқдорни ташкил этади. Ўн мингдан ортиқ анатомик терминни йиғиб, одам танасини ифодаловчи атамаларни беш гуруҳга ажратган⁷³.

Анатомияга оид манбаларда айтилишича, биргина суякнинг ўзи 200 дан ортиқ номга эга, у эса ўз навбатида жуфт ва тоқ суякларга бўлинади. Ушбу ишда биз юқорида келтирилган фикрларга таянган ҳолда, З.Мираҳмедованинг анатомик терминлар гипер-гипонимик таснифини маъқул кўрдик. Тадқиқотда анатомик терминлар тизими, шаклланиш тарихи, тараққиёти ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Тадқиқотчи анатомия терминларининг тараққиёт хусусиятларини XX асрнинг бошларигача ва XX асрнинг 20-йилларидан ҳозирги кунларгача бўлган даврларга ажратган. Дастлабки босқичда тиббий терминлар арабча, форсча лексемалардан иборат бўлганлиги, иккинчи босқичда русча-байналмилал терминларнинг фаоллашгани ҳамда ички имкониятлар асосида тиббий терминларнинг шаклланиши характерли эканлиги қайд этилган⁷⁴.

А.Саидноманов тадқиқотларида ҳам тиббий терминларнинг семантик таҳлиллари кузатилади. Шунингдек, ўзбек тилидаги тиббиётга оид луғатлар ва уларнинг бир-биридан фарқли жихатлари ҳақида тўхталиб ўтган⁷⁵.

Ф.Абдулхаирова тадқиқотида тиббий терминларни метафорик моделлаштиришнинг ўзига хосликларини, номинация назарияси позицияларини, таркибий-семантик ва функционал-прагматик хусусиятларини очиб бериш мақсади қўйилган. Ишда тиббий метафора-терминлари

⁷³Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 9.

⁷⁴Ўша асар. – Б. 38.

⁷⁵Саидноманов А. Тиббиёт терминологияси ҳақида. Изланиш самаралари. ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, 2020. 2-сон. – Б. 32-34.

монографик планда ўрганилган, тиббий дискурсда метафораларнинг илмий термин сифатидаги мақоми белгиланган, метафоранинг номинация механизмлари ичида сермахсуллиги далилланган.

Тиббий метафора-терминларнинг манбалари, ясашиш тамойиллари ва таркибий-семантик белгилари ёритилган, тиббий-метафора терминларнинг когнитив ва миллий-маданий хусусиятлари ва медицина терминларини унификациялаш, тартибга солишда тиббий-метафора терминларнинг аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотда дунё миқёсидаги тиббиёт тарихи, Марказий Осиёдаги табобатчилик маданияти таҳлил этилган. “Тиб қонунлари”нинг лингвистик қирралари очиб берилган. Ишда тиббий терминларнинг кўчма маънода қўлланишига ҳам эътибор қаратилган⁷⁶.

Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг муайян таркибий қисмини тиббий терминлар ташкил этади. Шундай экан, уларни турли манбалардан аниқлаш, лексик-семантик ва этимологик жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда тўғри тизимлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кундаги муҳим масалалардан биридир.

Ўзбек тилидаги тиббий терминлар, улар билан боғлиқ сўз ва тушунчалар, реалия ва атамаларни тадқиқ қилиш асосида терминлар прагматикасига доир мезонларни ишлаб чиқиш зарур.

Тилдаги тиббий терминларни лексик-семантик ва этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида таснифлаш ҳамда улардаги тарихий, миллий-маданий, лингвокультурологик хусусиятларни очиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу асосда ўзбек тилининг умумтилшуносликдаги ўрни ва ролини, жумладан тиббий терминларни юзага келтиришдаги ҳиссасини кўрсатиш мумкин бўлади. Тиббий терминларнинг терминологик тизимдаги ўрни ва хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш орқали ўзбек тилида фаол

⁷⁶Абдулхайрова Ф. Ўзбек тилида тиббиёт атамаларининг метафорик манзараси. Филол. фан. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2021.

ишлатиладиган тиббий терминлар тезаурусини яратиш ва уларни таснифлаш, тиббий терминлардаги лакунар birlikларнинг тилдаги ўрни ва ролини аниқлаш, уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини кўрсатиб бериш – давр талабидир.

1.3. Ўзбек тили терминографияси ва тиббий терминлар луғатлари

Дунё маданияти ва тафаккур аҳлини шарқшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамisha қизиқтириб келган. Шарқ мамлакатлари кишилик жамияти тарихида илғор ғоялар ва қарашлар манзили сифатида эътироф этиб келинади.

Термин хосланган лексика, яъни муайян соҳага оид луғавий birlik хисобланади. Шу боис, бундай birlikларнинг асосий моҳияти луғатларда ифодаланади. Лексикология тилнинг луғат сатҳи, луғавий бойлиги ва луғавий birlikлар семантикасини ўрганади. Лексикография луғавий birlikларни тўплаш, тизимлаштириш, алифбо тартибида тартибга солиш ва изоҳлашни ўзида ифода этади. Манбаларда лексикография луғатлар яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи соҳа сифатида қайд этилган.

Термин семантикаси, услубий хусусиятлари, қўлланиш доираси ва частотасига кўра сўздан фарқ қилар экан, уни тўплаш, тизимлаштириш назарияси ва амалиёти билан шуғулланадиган алоҳида соҳага эҳтиёж туғилади. С.В.Гринёв терминологик луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти ҳақидаги соҳани лексикография терминиға мос равишда *терминография* деб аташни таклиф этади⁷⁷. Терминшунос олим А.Мадвалиев терминлар асосида яратилган луғатларни ўрганувчи соҳани “терминологик лексикография”, “илмий-техник лексикография” деб номлаган⁷⁸.

Терминларнинг назарий жиҳатлари кўпгина илмий тадқиқотларда таҳлил қилинди. Терминларнинг амалий масалаларини ҳал қилиш мақсадида терминлар луғатлари тузилди. Дунё тилшунослигида тилшунослик,

⁷⁷Гринёв С.В. Введение в терминологическую лексикографию (учебное пособие). – М., 1986. – С. 5

⁷⁸Мадвалиев А.П. Ўзбек терминологияси ва терминографияси масалалари. – Тошкент, – 2007. – 30 б.

адабиётшунослик, китобатчилик, ҳуқушунослик, тиббиёт сингари соҳа терминологиялари тадқиқ этилди, шу соҳаларга оид терминлар луғати яратилди.

Илм-фаннинг бир қатор соҳалари каби табобат илми ҳам Шарқ мамлакатларида ривожланган. Шарқда тиббиёт анъана сифатида шаклланган ва тараққий топган. Тиббиётга оид илмий асарлар, асосан, араб, форс-тожик тилларида ёзилган бўлиб, бошқа тилларга таржима қилинган. Туркий тилларда ҳам тиб илмига оид имлий асарлар, луғатлар юзага келган.

Қорахонийлар даврида яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад адиб Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлари”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”, муаллифи номаълум “Ўғузнома” сингари асарларда тиббий терминлар учрайди.

Таъкидлаш ўринлики, тиббиёт соҳасида луғатлар алоҳида ўрин тутди. Туркий тилда сўзлар, терминларнинг илк қиёсий тадқиқотчиси Маҳмуд Кошғарийдир. Тиббиётга оид асосий терминлар жамланган дастлабки луғат унинг “Девону луғотит турк” асаридир. “Девону луғотит турк” асари XI асргача бўлган туркий халқлар маданияти, тарихи, тили, дунёқараши, маданий муносабатлари, ижод намуналари акс этган манба бўлиши билан бир қаторда, туркологиядаги терминология тараққиётига оид муҳим маълумотларни жамлаган.

Асарда 50 га яқин соҳага оид тушунчалар ўз ифодасини топган. Шулардан бири тиббий терминлардир. Луғатда тиббиётга доир юздан ортиқ термин ишлатилган: *тумағу* – “тумов”, *иқ* – “ҳиқичоқ”, *қизламуқ* – “қизамиқ”, *буқуқ* – “буқоқ”⁷⁹, *отаёи* – “даволовчи, табиб” (ДЛТ, I, 299), *от* – “дори” (ДЛТ, I, 71), *ирағун* – “касалларга қўлланиладиган дори” (ДЛТ, I, 156), *ötrüm* – “сурғи дори” (ДЛТ, I, 131), *çurni* – “турк табиблари томонидан ясаладиган

⁷⁹Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. – Тошкент, 1960. – 250 б., II том, – Тошкент, 1961. – 214 б., III том. – Тошкент, 1963. – 257 б.

сурги дори” (ДЛТ, I, 408), *atasagun* – “табиб” (ДЛТ, I, 114), *ipwi* – “касалларни даволашда қўлланадиган ҳиндча дори (ДЛТ, I, 148).

Маҳмуд Кошғарий ўз замонасида туркий тилнинг турли лаҳжаларидаги термин, сўз ва атамаларни тўплабгина қолмасдан, уларга илмий изоҳ ва шарҳлар ҳам берган. Жумладан, *ўт* сўзининг “ўсимлик”, “қуруқ хашак” маъноларидан ташқари, “даво” ва “заҳар” тиббий тушунчаларининг ҳам ифодаланишини кўрсатиб ўтган⁸⁰. Луғатда тери касалликлари тавсифи келтирилган:

الا ала – пес, ола танли одам (пес касаллигида инсон танасида оқ доғлар пайдо бўлади).

الا ала – ола; танасида оқи бор одам.

اسرکندی исирканди – қизилча тошди. Инсон танасида қизил нуқталар пайдо бўлиши. انک باشى اسرکندی анинг баши исирканди – узоқ вақт сочини олдирмаганлиги сабабли пайдо бўлган иситма натижасида унинг бошида қизилча тошди. Исирканур – қизилча тошмоқ – исирканмак. Луғатда арабча ва форс-тожикча сўзлар билан номланган касалликларнинг туркий номлари кузатилади. Масалан, куланж, истисқо касалликларининг туркий муқобили келтирилган: اثغاق атғак – қоринда сариқ сув йиғилиши; куланж касаллиги.

Маҳмуд Кошғарий луғатида қайд этилган терминларнинг аксарияти “Древнетюрксий словарь” (“Қадимги туркий луғат”)да ҳам қайд этилган, масалан: *ot* – “дори” (ДТС, 373), *urayun* – “ҳинд дориларидан бирининг номи, қайноқ шарбат” (ДТС, 614), *ötrüm* – “ҳолсизлантирувчи дори” (ДТС, 393), *mitridus* – дори қоришмаси номи (ДТС, 338), *vezgäk* – “иситма касаллиги” (ДТС, 97), *maъzin* – “дори аралашмаси” (ДТС, 339); *darman* – “дори” (ДТС, 159), *tirjaq* – “чакқанда заҳарга қарши дори” (ДТС, 563).

Ўзбек лексикографияси ва тиббий терминографиясининг шаклланишида XIV асрга оид Абу Ҳайённинг “Китоб ул-идрок ли-лисон ул-атроқ”, Халил бин Муҳаммад бин Юсуф ал-Кўнявий томонидан яратилган “Китоби мажмуаи

⁸⁰Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент:1960, I жилд.

таржумони турки ва ажами ва муғали”, муаллифи номаълум “Китоб ат-туҳфат уззакияти фил-луғатит-туркия”, Жамолуддин Туркийнинг “Китоб булғат ал-муштоқ фи-л-луғатат-турк вал-қифчақ”, “Ал-қавонину-л куллия ли-забтил-луғатит-туркия” каби асарларда терминлар тизими, хусусан, тиббий атамалар ҳақида сўз юритилган.

XIV асрнинг ноёб ёзма ёдгорлиги “Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий”да (*титрама* – “иситма”)⁸¹, “Аттуҳфа”да (*от* – “дори”; *отачи* – “табиб”)⁸² ҳам тиббий терминлар қайд этилган. “Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий” туркий тилларга оид тематик луғатлардан бўлиб, унда тиббиётга доир махсус фасллар ажратилган: “Инсоннинг ташқи ва ички аъзолари ҳақида”, “Дард-касалликлар, дори-дармон ва ўлим ҳақида”.

Ёзма тарихий-бадий асарларда ва бу асарлар учун тузилган луғатларда ҳам бир қатор тиббий терминлар учрайди. М.Холмуродова XI асрда яшаб ижод этган ижодкор Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари туркий халқлар тиббиётига оид маълумотлар берилган илк манбалардан ҳисобланишини таъкидлаган. Асарда қўлланган *идиш*, “доришунос, доривор гиёҳлардан дори тайёрловчи” маъносидаги *идишчи* сўзи изоҳи жараёнида доришуносликнинг ўша даврларда маълум даражада тараққий топганини қайд этган. Унда инсоннинг иссиқ ва совуқ мижози, инсон феъл-атворининг таомга боғлиқлиги, емакнинг ҳатто туш кўриш жараёнига ҳам таъсир кўрсатиши байтлар мисолида таҳлил қилинган. *Ўт, ўтачи, эмчи, бахши* каби тиббий терминларни семантик жиҳатдан таҳлил қилган⁸³. М.Холмурадова “Қутадғу билиг”даги тиббий терминларни ҳаммуаллифликда нашр қилган луғатида ҳам изоҳлаган⁸⁴.

⁸¹Қаранг: Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 65.

⁸²Аттуҳфа. – Б. 240.

⁸³Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан. фалс. док. дисс. – Т., 2019. – Б. 76-83; Холмуродова М. “Қутадғу билиг”даги тиббий терминлар. Изланиш самаралари. – Т.: ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, 2020. 2-сон. – Б. 319-325.

⁸⁴Дадабоев Ҳ., Холмурадова М. “Қутадғу билиг”даги сўзларнинг инглизча, русча изоҳли луғати. – Тошкент, 2019.

“Қиссасул Рабғузий” диний манба бўлишига қарамасдан, унда тиббий терминларга доир мулоҳазалар учрайди. Жумладан, *ўлим* – “давосиз дард” сифатида тилга олинади. Асарда *пес* касаллигининг хусусияти ҳақида маълумот келтирилган. Тананинг доғ тушган қисмига нина тикилганда қон чиқса, даволаш мумкинлиги, қон чиқмаса, бедаво эканлиги қайд этилган. Ёш келинчаклар овозидаги мусикий оҳанг безовта туяларни хотиржам қилиши, яъни мусиқанинг, куйнинг руҳиятга, ҳайвон инстинктига таъсири ҳақида фикрлар баён қилинган.

Ўзбек тили терминологик тизими, хусусан, тиббий терминлар шаклланишида Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларига тузилган луғатларнинг ўрни катта. Толи Имони Ҳиравий томонидан тузилган “Бадое ул-луғат”, Туркия (Рум)да яратилган муаллифи номаълум чигатойча (эски ўзбекча)-усмонли туркча “Абушқа” (XVI аср), Муҳаммад Маҳдийхоннинг эски ўзбекча-форсча “Санглох” (1748), Фатҳали Кожар Қазвинийнинг 1862 йилда тузилган “Луғати атрокия”, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турк усмоний” каби асрларида тиббий терминлар изоҳи учрайди.

Порсо Шамсиев томонидан Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатда 73 та тиббий термин учрайди⁸⁵: *иситма* – “касаллик тури” (НАЛ, 280), *муҳриқ* – “куйдирувчи, ёндирувчи, ўртовчи” (НАЛ, 442), *иситмоқ* – “иситма қилмоқ, иситма чиқариб касалланмоқ” (НАЛ, 281), *иситмоқ* – “иситма қилмоқ, иситма чиқариб касалланмоқ” (НАЛ, 281), *балийя* – “бало, ранж, машаққат, озор, қайғу, мусибат” (НАЛ, 87), *шалойин* – “мастликда ғалва қилиш”; “ҳолсизланиб қолган касал” (НАЛ, 689), *беҳузурлиқ* – “касалнинг ҳолати” (НАЛ, 779), *жуллоб* – “гулоб, гул суви (шираси) билан асал ёки шакарни аралаштириб тайёрланган шарбат” (НАЛ, 235): *обила* – ф. 1) “пўрсилдоқ, қавариқ”; 2) “чечак” (НАЛ, 476), *мафосил* – “бўғим зирқираш касали” (НАЛ, 373), *мустаҳил* – а. “енгиллатувчи, сурадиган, ювиб

⁸⁵Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.

кетадиган, меъдани тозалайдиган” (НАЛ, 424), *муолажа* (қилмоқ) – “касалга дори-дармон қилмоқ, даволамоқ” (НАЛ, 417), *ташхис* – а. “таний олиш, ажрата билиш, аниқлаш” (НАЛ, 602); *фасд қилмоқ* – “томирдан қон олмоқ” (НАЛ, 636).

Тўрт жилдли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да 113 та тиббий термин қайд этилган: *маъжун* (АНАТИЛ, II, 270), *тарантабин* (terāñbin) – “янтоқ шакари”: *Ич қабз топар тарантабиндин, сафро ортар сиканжабиндин* (АНАТИЛ, III, 185); *добғули* – “чипқон, яра” (АНАТИЛ, I, 626); *беҳузур* – “ҳаловатсиз”, “беором”; “беҳаловат” (АНАТИЛ, I, 287).

“Бобурнома”да 47 та тиббий термин таҳлилга тортилган. Даволаш усуллари, жарроҳлик амалиётининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган⁸⁶. Тиббий терминлар Бобур асарлари учун тузилган луғатларда ҳам кузатилади: *саъб қуёнг* – “қийин, оғир, машаққатли касаллик” (БАЛ, 121), *зоча* – “туққанда содир бўладиган қон кетиш касали” (БАЛ, 50), *соҳиб узр* – “томоқ оғриғи” (БАЛ, 132), *калолат* – “сўзлашда тилнинг тутилиши” (БАЛ, 59), *резандалиқ* – ф. “тумов касали” (БАЛ, 118), *нақоҳат айёми* – “касалдан янги тузалиб, парҳез очилмаган кунлар” (БАЛ, 99); *шофий* – “шифоли” (БАЛ, 171), *басит* – “қиздирувчи дори” (БАЛ, 15); *мусҳил* – “сурғи дори” (БАЛ, 88), *ништар* – “найза, тиғ, яраларни ёришда ишлатилувчи асбоб” (БАЛ, 101), *адвия* – “даволар, дорилар” (БАЛ, 6).

Ўзбекистонда қадимдан ривожланган касб-ҳунарларга оид терминологик луғатлар тузиш тажрибаси ҳам мавжуд. Ўзбек тили лексикаси, луғатчилиги тарихида XX аср алоҳида ўрин тутади. Бу даврда турли мақсадларни кўзда тутган кўплаб терминологик луғатлар, ўқув ва имло луғатлари яратилди. Бунда, айниқса русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек ўзбек тилини бошқа Европа ва Шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатларни таъкидлаш жоиз. Жумладан, С.Иброҳимовнинг “Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси” луғати

⁸⁶Холманова З.Т. Бобурнома лексикаси тадқиқи. Фил. фан. док. ... дисс. автореферати. – Т., 2009. – Б. 30.

(1956-1959), Ш.Шоабдурахмонов таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек халқ шевалари луғати” (1972), Олим Усмонов раҳбарлигида нашр этилган “Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати” (1976) ўзбек тили терминологиясининг ривожланишига маълум даражада хизмат қилди.

А.Мадвалиевнинг “Ўзбек лексикографияси тарихидан” деб номланган мақоласида “Девону луғатит турк”, Асируддин Абу Ҳайённинг “Китоб ул идрок ли-лисонул атрок”, “Луғати Навоия вал истишҳодоти чифатоййя”, Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахабул луғат”и, Фазлуллахон Барлоснинг “Луғати туркий”, Фатҳ Алихоннинг “Китоби луғати атрокия”, Л.З.Будаговнинг “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий”, В.В.Радловнинг “Опыт словаря тюркских наречий” луғатларининг тарихий тавсифи келтирилган⁸⁷.

Кейинги даврларда, хусусан, эски ўзбек адабий тили даврида яратилган луғатларда ҳам тиббий терминлар қайд этилган.

XX аср лексикографиясида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Миён Бузрук, Исҳоқхон Ибрат, Вадуд Маҳмуд, Иброҳим Даврон, Назир Тўрақулов каби адибларнинг луғатчилик фаолияти алоҳида ўрин тутди.

Абдурауф Фитрат “Энг эски турк адабиёти намуналари” номли мажмуасида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари матнига кирган туркийча сўзларнинг маъносини луғатшуносликнинг ўзига хос тамойиллари асосида изоҳлаган. Фитрат “Девону луғатит турк”даги сўзлар тагига изоҳ беришдан кўра луғат учун алоҳида қисм ажратишни маъқул кўради⁸⁸.

Абдулла Қодирий ҳаммуаллифлигида яратилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да ўша давр умумистеъмолдаги сўзлар билан бир қаторда қўлланиши чегараланган сўзлар, жумладан, тиббий терминлар киритилган: *подмышка* –

⁸⁷Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. 2-сон. – Б. 37-41.; 2008. 3-сон. – Б. 31-36.

⁸⁸Фитрат. А. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008. – Б. 101.

қўлтиқ (анат.); паротит – қулоқ ёни безларининг шишуви (медицина), парастрескатъся - ёрилмоқ полиартрит – *poliartrit* – бир вақтда бир неча аъзонинг шамоллаши; психоанализ – руҳни текшириш (мед.), тиббий терминларнинг умумистеъмол сўзлари билан омонимлигига доир мисоллар қайд этилган: *переливание – идишдан- идишка қуйув // қон ўтказув (мед.)*⁸⁹.

Элбек 20-30-йиллар муомаласида бўлган ўзбек тилидаги омоним сўзларнинг асосий қисми ўз ифодасини топган “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати”ни тузган⁹⁰.

Ашурали Зоҳирининг “Русча-ўзбекча мукамал луғат”, Исҳоқхон Ибратнинг “Луғоти ситта ал-сина” (олти тилли луғат), Иброҳим Давроннинг “Ибн Сино асарларида қўлланган арабча, форсча сўзларнинг изоҳли луғати”, Ғози Юнуснинг “Қисқача русча-ўзбекча сиёсий-ҳуқуқий луғат” ларида тиббий терминлар изоҳига тўхталиб ўтилган. Х.Ғаттахов⁹¹, Т.Қадиров⁹², К.Мухиддинов⁹³, Э.Умаров⁹⁴, Ш.Ғайзуллаева⁹⁵, Н.Расулов⁹⁶, М.Зияева⁹⁷, С.Нормамамов⁹⁸ тадқиқотлари ҳам шулар жумласидандир.

Тиббий терминлар ҳақида маълумот берувчи асосий манбалар энциклопедик луғатлардир. “Тиббиёт қомусий луғати”да ҳозирги ўзбек тиббиёт амалиётида кенг қўлланаётган кўплаб терминлар берилган⁹⁹.

⁸⁹Нормамамов С. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни. Филол. фан. док. (DSc) дисс. – Т., 2019. – Б. 133-138.

⁹⁰Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002 й.

⁹¹Ғаттахов Х.Х. Мухаммад Риза Хаксар и его “Мунтахаб ал-луғат”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – С. 32.

⁹²Қадиров Т.Ш. Филологическое исследование словаря “Хуласа-и Аббаси” Мирзы Мухаммада Хойи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – С. 34.

⁹³Мухиддинов К. “Санглах” Мирзы Мухаммада Махдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1971. – С. 35.

⁹⁴Умаров Э.А. “Бадаи ал-луғат” и “Санглах” как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка: Автореф. дисс. ... доктора. филол. наук. – Т., 1989. – С. 47.

⁹⁵Ғайзуллаева Ш. Исследование языка памятника XVв. “Китабу булгат ал-муштак филлуғат-ит-турк вал-кифчак” Жамаладдина ат Турки: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1969. – С. 22.

⁹⁶Расулов Н.А. Исследование языка “Китаб ал-идрак ли-л-исан ал-атрак” Абу Хайяна: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1969. – С. 22.

⁹⁷Зияева М.Т. Исследование памятника XIV в. “Китаб ат-тухфат уз закийя фил-луғатит-туркийя”. – Ташкент, 1972. – С. 86.

⁹⁸Нормамамов С. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни. Филол. фан. док. (DSc) дисс. – Т., 2019. – Б. 69-70.

⁹⁹Тиббиёт қомусий луғати. – Тошкент, 1994. – Б. 288.

Тиббиётга оид сўнгги йилларда нашр қилинган луғатларга икки жилдли “Тиббий терминлар энциклопедик луғати”¹⁰⁰ ни келтириш мумкин.

Тиббиёт терминлари сўзлашгичлар таркибида ҳам келтирилган. “Русча-ўзбекча медицина сўзлашгич”да тиббиёт соҳасидаги иш юритишга оид кўплаб хужжатлар ўзбек тилида изоҳланган¹⁰¹.

Тиббий терминлар таржима луғатларида ҳам изоҳланган. Бу луғатлар тиббий терминларнинг маъносини ва улардаги семантик алоқадорликни ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди. Хусусан, “Саломатлик” энциклопедияси¹⁰²да 1345 та, “Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати”¹⁰³да 9816 та, “Катта тиббиёт ўқув луғати”¹⁰⁴да 4410 та, “Тиббиёт энциклопедияси”¹⁰⁵да 2262 та тиббий термин изоҳланган.

“Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати” тиббий терминларнинг маъносини ўрганиш ва улардаги семантик алоқадорликни ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди¹⁰⁶.

Тиббий терминларнинг мазмунини ёритадиган, уларнинг семантик хусусиятларини акс эттирадиган асосий луғатлар изоҳли луғатлардир. Ўзбек тилининг луғат бойлиги изоҳли луғатларда акс этса, терминларнинг маъно хусусиятлари ҳам терминлар изоҳли луғатида намоён бўлади. Бу борада А.И. Қосимовнинг тўрт жилдли “Тиббиёт терминлари изоҳли луғати” муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади. Луғатда қирқ мингга яқин тиббий терминга изоҳ берилган. А.Қосимов Алишер Навоий ва ҳозирги даврда ҳам ишлатиладиган терминларни қуйидагича таснифлаган:

1. Касаллик ҳамда уларнинг симптомлари ёки синдромларини англатувчи терминлар: *безгак, без, бўқуқ, тўлгақ.*

¹⁰⁰Usmonxo‘jayev A., Bositxonova E.I va b. Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati. I jild. – Toshkent, 2010. – 947 b., II jild. – Toshkent, 2010. – 1117 b.

¹⁰¹Русча-ўзбекча медицина сўзлашгич. – Тошкент, 1992. – 220 б.

¹⁰²Саломатлик. Энциклопедия. – Т.: Матбуот, 1985.

¹⁰³Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. – Т.: Камалак – Хазина, 1996. – 526 б.

¹⁰⁴Usmonxo‘jayev A. Katta tibbiyot o‘quv lug‘ati (ruscha-lotinchacha-o‘zbekcha). – Т.: Navro‘z, 2013. – 584 б.

¹⁰⁵Тиббиёт энциклопедияси. –Т.: Шарқ, 2016.

¹⁰⁶Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати (бош муҳаррир Е.Х.Тўракулов). – Тошкент, 1996. – 526 б.

2. Анатомик терминлар: *баш, тиз (тизза), бел, сақақ (ияк)*.
 3. Физиологияга оид терминлар: *кетут киши (хўрак одам), яш (ёшлик), сағ (соғлик)*.
 4. Танадан ёки аъзолардан чиқадиган суюқликларни билдирувчи терминлар: *қан, яш, сийдук*.
 5. Дори номларини билдирувчи терминлар: *яқиз (яра дориси), йипар, таёти (дори ўт)*¹⁰⁷
- “Катта тиббиёт ўқув луғати”¹⁰⁸ ва “Тиббий атамалар луғати”¹⁰⁹ тиббий терминларни ўзлаштиришда амалий аҳамиятга эга.

I боб бўйича хулоса

1. Терминлар луғавий бирликлар ҳисобланади. Ахборот бериш, тушунча англатиш хусусияти терминларни сўз сифатида тавсифлаш имконини беради, аммо терминлар семантик хусусиятлари, услубий имкониятлари жиҳатига кўра сўздан фарқланади.

Терминнинг аниқлиги, бир маънолилиги ва илмийлиги уни умумистеъмолдаги сўз ва атамалардан фарқлаб туради. Муайян фанга оид терминлар тил тизимининг энг асосий ва энг муҳим бирликлари бўлиб, шу соҳанинг мавжудлигини кўрсатади, тараққиёт даражасини белгилайди.

2. Терминология муайян терминларга хос умумий белгиларнинг яхлит тизим сифатида ифодаланишидир. Терминология бирор соҳанинг маълум тараққиёт босқичларидан ўтгани, шаклланиш тарихи, ривожланиш қонуниятларига эга эканлиги, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж натижаси эканлигини кўрсатади.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши натижасида терминология тизими шахс омили нуқтаи назаридан тадқиқ қилина бошлади. Терминларнинг тизим асосида таҳлил қилиниши соҳа

¹⁰⁷Қосимов А. Тиббиёт терминлари изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент, 2003. – 472 б., II жилд. – Тошкент, 2003. – 568 б., III жилд – Тошкент, 2008. – 576 б., IV жилд. – Тошкент, 2008. – 480 б.

¹⁰⁸Usmonxo‘jayev A., Vositxonova E va b. Katta tibbiyot o‘quv lug‘ati (ruscha-o‘zbekcha). – Toshkent: Noshir, 2011. – 584 б.

¹⁰⁹Қурбонов Т., Қурбонов Қ. Тиббий атамалар луғати. – Тошкент: “Мухаррир”, 2011. – 396 б.

муаммолари, масалалари, объекти, предмети, мақсад ҳамда вазифаларига оид муҳим маълумотлар беради. Тиббий терминлар шаклланиш жараёни, ривожланиш босқичлари, тараққиёт йўналишларига кўра турли аспектдаги тадқиқотлар учун манба бўла олади.

3. Жаҳон тилшунослигидаги тадқиқотларда рус, инглиз, немис тилларининг терминологик тизими батафсил ўрганилган. Тиббий терминлар муайян йўналишга кўра тадқиқ этилган ва терминларнинг семантик таснифига кўпроқ эътибор қаратилган.

Терминологик тамойиллар ва халқаро терминэлементлар, терминлардан фойдаланиш меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари таҳлил этилган. Турли тиллардаги тиббий терминлар қиёсий ва чоғиштирма аспектда ўрганилган. Тиббий терминларнинг семантик тараққиёти, термин сифатидаги маъноларнинг хосланиш жараёнлари яхши очиб берилган.

Терминлардаги кўчишлар, тиббий терминлардаги метафорик маънолар ва хосланган маъноларнинг шаклланиши таҳлил этилган. Тиббий терминларнинг шакл ва маъно муносабатлари ҳам монографик планда ўрганилган. Терминлардаги кўп маънолилик, омонимлик хусусиятлари таҳлил қилинган.

4. Туркологияда терминологиянинг назарий асосда ўрганилиши тиббий терминлар тадқиқига кенг йўл очиб берди. Хусусан, ўзбек тили техник терминологиясини тизимлаштириш, маъно хусусиятларини таҳлил қилиш, анатомик терминларнинг ўрганилишига эътибор қаратилди. Терминлар семантикасидаги ўзгаришлар, кўп маънолилик, маъно кўчиш усуллари ҳақида фикр юритилиб, касаллик номлари, уларнинг тузилиши тадқиқ қилинган.

Тиббий терминларни метафорик моделлаштиришнинг ўзига хосликлари, номинация назарияси позициялари, таркибий-семантик ва функционал-прагматик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Тиббий метафора-терминларнинг манбалари, ясалиш тамойиллари ва таркибий-семантик белгилари ёритилган, терминларнинг когнитив ва миллий-

маданий хусусиятлари, медицина терминларини унификациялаш, тартибга солишда тиббий-метафора терминларнинг аҳамияти очиб берилган.

5. Термин, биринчи навбатда, луғавий бирлик, шунинг баробарида хосланган лексика ҳисобланади. Бундай бирликларнинг асосий моҳияти луғатларда ифодланади. Лексикография луғавий бирликларни тўплаш, тизимлаштириш, алифбо тартибида тартибга солиш ва изоҳлашни ифода этади. Терминнинг семантикаси, услубий хусусиятлари, қўлланиш доираси ва частотасига кўра сўздан фарқланиши уни тўплаш, тизимлаштириш назарияси ва амалиёти билан шуғулланадиган терминография соҳасига эҳтиёж туғдиради.

Ўзбек тилидаги терминлар, хусусан тиббиёт терминларини тўғри тизимлаштириш, аввало, тиббий терминлар семантикаси ва хусусиятларини атрофлича ўрганиш, уларни ўзбек тилига татбиқ қилиш, шунингдек хорижий терминларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва уларни кундалик муомалага олиб кириш бугунги кунда, айниқса муҳим аҳамиятга эга.

II боб. ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ТЕЗАУРУСИ МОДЕЛЛАРИ

2.1. Тиббий терминлар тезаурусининг тизимлаштирувчи компьютер лугати сифатидаги тавсифи

Тезаурус юнонча *thesaurus* сўзидан олинган бўлиб, “хазина”, “бойлик”, “захира” маъноларини англатади. Мазкур тушунча махсус билимлар соҳаси ёки фаолият соҳасининг тушунчалари, таърифлари ва атамаларининг матнларда қўлланиши, семантик имкониятлари билан тўлиқ қамраб олувчи маълумотлар тўплами ҳисобланади. У муайян тилдаги маълум бир мавзуга оид барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини имкон қадар тўлиқ акс эттирадиган лугатдир¹¹⁰.

Тезаурус термини икки хил маънода ишлатилади:

1. Муайян лексик бирлик семантикасига оид лингвистик таҳлилларга асосланган тўлиқ маълумот ёритилган лугатлар.

2. Билимларнинг муайян соҳасига тааллуқли тизимлаштирилган ахборотлар мажмуи.

Тезаурус – сўзлар ва шу сўзлардан шаклланган лексемалар, луғавий бирликлар, сўз бирикмалари ўртасидаги турли боғланишлар (муносабатлар) ҳақидаги ахборотлар тизимидир. Тезаурус воқелик ҳақидаги ахборот билан бир қаторда, шу воқеликка алоқадор янги ахборотни акс эттирувчи маълумотлар тизимини ҳам ўз ичига олади. Тезаурус тилдаги лексик бирликларнинг тизимга солинган, муайян тартибдаги йиғиндисидир. Тезаурус тил бирликлари, улар ўртасидаги муносабатларга асосланади.

Тезаурус миллий тил, қайта ишланган табиий тил, ахборот услуги сифатида шакланган сунъий тил семантикасини белгилайди. Дунёнинг ривожланган тилларидан ҳисобланган инглиз, рус тилларидаги тезауруслар

¹¹⁰Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, 2004. – Б. 329.

миллий корпусларнинг таркибий қисми сифатида маълумотлар базаси ва тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тезаурусларга, даставвал, сўзларнинг контекстуал маънолари тўлиқ ёритилган луғатлар сифатида қаралган. Сўзлар мавзуй гуруҳлар асосида ажратилган бир тилли луғат сифатида баҳоланган. Сўзларнинг ассоциатив боғланиши назарда тутилиб, идеографик луғатлар сифатида қаралган.

Бу луғат бошқа луғатлардан фарқли ўлароқ, бирор бир илм-фан соҳасига оид луғавий birlikлар ёки бирор мавзу таркибида жойлаштирилган ана шундай birlikлар ўртасидаги семантик муносабатлар акс эттирилган идеографик луғатдир.

Тезаурус – ҳозирги замонавий тилшуносликда лексик birlikлар ўртасидаги семантик алоқалар – омоним, синоним, антоним, пароним, гипоним, гипероним ва бошқаларни кўрсатадиган умумий ёки махсус луғат, шундай луғатларнинг махсус тури. Унда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадорлиги нуқтаи назаридан гуруҳлаб берилади. Назарий жиҳатдан тезаурус лексик-семантик тизимга асосланган модел ҳисобланади.

Бирор-бир сўзнинг маъноларини эмас, балки сўзнинг ўзини, бутун маъно хусусиятлари қамраб олинган луғавий birlik қидирилганда, тезаурусларга мурожаат қилинади. Кўпчиликка маълум бўлган тушунча остидаги сўзлар гуруҳи ёки сўз шакллари ҳақида маълумотлар олинади. Манбаларда таъкидланганидек, тезаурус – бу сўз ва унинг маънолари мужассамланган маълумотлар базасидир.

Муайян ёзув ёдгорликларидан лексик birlikларни қамраб олишга асосланган (масалан, юнон, лотин тилларида тузилган) луғатлар тезаурус луғатлардир. Сўз танлаш тамойилларига кўра ёзувчилар ёки уларнинг ижодига мансуб бирор асар тили бўйича тузилган луғатлар ҳам тезаурус ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Фило Библскийнинг “Синонимлар луғати”га тилшуносликда дастлабки, оддий тузилган тезауруслардан бири сифатида

каралган. У эрамизнинг III-IV асрларида санскрит тилида битилган, шеърӣ шаклдаги биринчи ва энг муҳим Амара-кош луғатини эслатади.

Биринчи замонавий англиз тезауруси Питер Марк Рогер томонидан 1805 йилда яратилган. Мазкур тезаурус 1852 йилда Англияда нашр этилган, тахминан 15 мингта тушунчани ўз ичига олади ва ҳозиргача фойдаланиб келинади. Бундай луғатларнинг асосий мақсади матн ёзишда тегишли сўзларни танлашга ёрдам бериш, мавзу доирасида атама ёки термин ўртасидаги семантик муносабатларни тавсифловчи маълумотларни қидириб топишдан иборат. Бундай луғатлар маълум бир соҳа мутахассислари томонидан яратилган ва мавзу доирасидаги маълумотни қидириб топиш учун мўлжалланган. 1870 йилларда тезауруслардан маълумот излаш ишларида фойдаланилган.

Машҳур тезауруслардан бири Викилуғатдир. У кўп тилли бепул янгиланадиган луғат ва тезаурус бўлиб, “Викимедия” фонди лойиҳаси доирасида яратилган ва 2004 йилдан ҳозирги кунгача ишлатилиб келади. Унда 250 мингта тушунча ва 67 мингта семантик муносабатлар ўз аксини топган.

Рус тилидаги машҳур тезауруслардан бири “РуТез” деб номланади. Бу луғат 1997 йилда Ахборот тадқиқотлар маркази томонидан автоматик индексация воситаси сифатида яратилган. У ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқилган 45 мингта тушунча, 107 мингта сўз ва иборалар, 177 мингта семантик муносабатларни қамраб олади.

Тезаурус умумий маънода – махсус терминология, яъни луғат, маълумотлар йиғиндиси, корпус ёки жамланма, маълум соҳадаги билимлар ёки фаолият соҳасидаги тушунчалар, таърифлар ва терминларни тўлиқ ўз ичига олади.

Тезаурусда бир қанча луғат белгиларининг мужассамланган ҳолатини кўриш мумкин. Бу луғатлар катта ҳажмдаги материални қамраб олгани учун, асосан, электрон кўринишда бўлади. Тезаурус сўз ифодалаган тушунча,

предметлар соҳасини атрофлича тавсифлаш воситаси ҳисобланади ҳамда муайян тушунча, предмет ҳақида тўлиқ ҳолатда ахборот беради.

Изоҳли луғатларда сўз ифодалаган тушунча изоҳланса, тезауруслар тушунчани изоҳлаш билан бирга, унинг сунъий интеллект доирасида фаол қўлланадиган бошқа тушунчалар ва шу тушунчалар гуруҳига муносабатини ҳам акс эттиради. Шу билан бир қаторда, тезаурусда объект, предмет, тушунча билан бирга у ҳақда субъект эгаллаган барча маълумотларнинг мажмуаси ҳам ўз ифодасини топади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида корпус лингвистикаси масалалари кейинги йилларда илмий тадқиқот ишлари сифатида кенг ўрганила бошлади¹¹¹.

Корпусларнинг таркибий қисми бўлган тезауруслар лексемаларнинг ўз ва кўчма маънолари, коммуникатив хусусиятлари, эмоционал-экспрессив функциялари ҳақида кенг маълумот бериши билан қимматлидир.

Дунё тилшунослигида тезаурус луғатларининг қадимий кўринишларидан тортиб замонавий турларигача батафсил маълумот берилган¹¹². Туркийшуносликда А.К.Боровков, Э.И.Фозилов, А.Нажибларнинг XIII-XIV асрлар туркий ёзув ёдгорликлари асосида тузилган луғатлари ҳам глоссарий, ҳам тезаурус белгиларига эга.

Кейинги йилларда тезаурус билан идеографик луғатлар билан параллел равишда, баъзан синоним ҳолатда қўлланаётганини кузатиш мумкин.

¹¹¹Ҳамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. ф. бўйича ф.д.(PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2018., Эшмўминов. А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. ф. бўйича ф.д.(PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2019., Абдурахмонова Н.З. Ўзбек тили электрон корпусининг компьютер моделлари. Ф. ф. д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2021., Абдурахмонова Н.З. Компьютер лексикографиясининг айрим масалалари. – URL: <https://conference.fledu.uz/>, Абдурахмонова Н.З., М.Ҳайдаров. Ўзбек тилида “Wordnet” яратиш масалаларига доир. abdurahmonova.1987@mail.ru, Рахманова А.А. Ўзбек тили корпус лингвистикасини яратишда компьютер усуллари. Филол. ф. бўйича ф. д.(PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022., Рўзиматова Д.М. Ўзбекча тиббий терминлар семантикаси. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ЎЗМУ, 2021., Элова Д.Қ. Ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий тегларини яратиш тамойиллари ва лингвистик таъминоти. Фил. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореферати. Т.: ТДЎТАУ, 2022.

¹¹²Рахмонова А. Ўзбек тили миллий корпусининг компьютер моделлари. Филол. фан. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент: 2022.

Тадқиқотларда тезаурус ва идеографик луғатларнинг умумий ва фарқли хусусиятлари баён қилинган.

“Тезаурус (юн. thesauros – хазина) “Тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи луға¹¹³. Илмий-оммабоп нашрларда тезаурус қуйидагича таърифланган: “тезаурус – 1. Муайян тилдаги барча сўзларни камраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат. 2. Бирон бир илм-фан соҳасига оид луғавий бирлик (сўз) лар мавзу тартибида жойлаштирилган ва ана шу бирликлар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва бошқ.) муносабатлар акс эттирилган луғат. Бунда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жойда берилади; керакли сўз тушунчага қараб қидирилади”¹¹⁴. “Идеографик луғат – луғат тури. Бундай луғатлар алифбо тартибида эмас, балки мавзу бўйича тузилади”¹¹⁵.

Л.В.Щерба тезаурус ва идеографик луғатларни алоҳида луғатлар сифатида баҳолайди. Олим тезаурусда маълум тилдаги сўзларнинг барчаси, энг кам қўлланадиганлари ҳам, ҳатто нутқда бир бора учраганлари ҳам қайд этилишини унинг муҳим белгиси сифатида келтиради. Оддий луғатларни “фонетик сўзлар рўйхати”, идеографик луғатларни “сўз-тушунчалар ва уларнинг маънодошлари тартибли тизмаси” сифатида баҳолайди¹¹⁶.

М.П.Роженинг 1852 йилда чоп этилган “Инглизча сўз ва иборалар тезауруси” анча машҳур бўлган. ЮН.Караулов семантик майдонларнинг мавжудлик, узвийлик, бутунлик, тарихийлик каби белгиларини санаб ўтган¹¹⁷. Ҳ.Ҳамраева тадқиқотларга таяниб, тезаурус ва идеографик луғатларнинг фарқини ёритишга ҳаракат қилган¹¹⁸.

¹¹³Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат нашриёти, 2002. – Б. 103.

¹¹⁴Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. IV жилд. – Тошкент: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2002.

¹¹⁵Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. IV жилд. – Тошкент: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2002.

¹¹⁶Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. – <http://feb-veb.ru/feb/izvest/1940/03/403-089htm>

¹¹⁷Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976.

¹¹⁸Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Б.10.

Дунё лексикографиясида идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив, тематик каби турлари мажуд.

Тезаурус тушунчасини юқоридаги сифатлари билан биргаликда, луғатнинг бир тури деб олсак-да, уларнинг фарқли жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

1. Луғат ва тезаурус сўз ва унинг маъноларини билиш учун хизмат қилса-да, бироқ уларнинг сўз маънолари ҳақида маълумот бериш усуллари ҳар хил, яъни ўзаро фарқланади.

2. Луғат ва тезаурус сўзлари луғавий маъносига кўра, от ҳисобланади. Луғат кўпроқ тил ўрганувчилар томонидан сўзларнинг маънолари, талаффузи ва орфографиясини аниқлаш учун ишлатилса, тезаурус тадқиқотчилар томонидан сўзнинг синоним, антоним, омоним ва бошқа маъно шакллари топиш учун ишлатилади.

3. Тезаурус – сўз ёки терминнинг тегишли тушунчалар гуруҳидаги рўйхати. У мурожаат қилинаётган сўз билан бир хил бўлган бошқа сўзлар тўғрисида ҳам кенг қамровли маълумотлар беради.

Аксарият тадқиқотчилар синоним, антоним, пароним ва бошқа шу кабиларни билиш учун тезаурусдан фойдаланишади. Одатда, тезаурус тилда сўзларнинг келиб чиқишига унчалик боғлиқ бўлмайди, хусусан, сўзларнинг этимологияси ҳақида қўшимча маълумотлар бермайди. Этимологияга доир маълумотлар ҳамма тезаурус моделларида ҳам учрамайди. Аммо, тезаурус сўзларнинг бошқа шакллари, масалан, номинал шакллари, сифатлар ва адвербиал шакллар ҳақида жуда кўплаб маълумотлар беради.

4. Луғат – бу тилдаги сўзларни (одатда алифбо тартибида) рўйхатга оладиган ва уларнинг маъносини изоҳлаб берадиган ёки шундай сўзларни бошқа тилда берадиган, кўпинча тўғри талаффуз ҳақида маълумот берадиган китоб ёки электрон манба ҳисобланади. Бошқача қилиб ифодаласак, луғат тилдаги сўзлар ҳақида билим берадиган этимологик ва грамматик воситадир.

Луғатда сўзнинг жинси ва нутқда ишлатилиши ҳақида қўшимча маълумотлар мавжуд. У тилдаги бирорта сўз билан бир қаторда, унга қўшимча равишда маълумотлар ҳам бериши мумкин. Луғат бир нечта аниқ тилларда тузилиши мумкин, масалан, инглиз, француз, рус ва бошқа тилларда. Бир тилда тузилган луғатда бошқа тиллардаги шу сўзнинг эквивалент маънолари ҳам берилади. Одатда, бу сифатлар тезаурусга тегишли эмас.

5. Тезаурус термини, авваламбор тилнинг луғат фондини максимал даражада тўлиқлик билан ифодалайдиган хазина сифатида талқин этилади. Матнларнинг адекват талқини ва маълумотлари унинг систем маъноларини ўзида мужассам этган ва соҳа вакиллари томонидан эътироф этилган тезаурусда аниқланади¹¹⁹.

Тезаурус – бу умумий маънода махсус билим соҳаси ёки фаолият соҳасининг тушунчалари, таърифлари, атама ёки терминларини тўлиқ қамраб оладиган махсус терминология, янада қатъий ва объектив равишда луғат, маълумотлар тўплами, корпус ёки код, демакдир.

Тилда тезауруслар электрон форматда, алоҳида фан соҳаларини тавсифлашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, бирор фан ёки касб-хунар билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва шу муносабатлардаги тушунчаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тезаурус нафақат сўз маънолари, балки интеллектуал тизимларнинг илмий асосларини тўлдиришда ишлатилиши мумкин бўлган сўзларни бошқа тушунчалар ва уларнинг гуруҳлари билан ўзаро боғлаш орқали очиб беришга имконият яратади. Тилдаги ахборотлар базасида тезаурус термини субъект эга бўлган барча маълумотларнинг умумийлигини ифодалайди.

Ҳозирги вақтда тезаурусга компьютер технологияларида сўзларни қидиришда ахборот технологияларининг тарқалиши, Интернет ва машиналарнинг таржимаси билан боғлиқ луғатлар киритилади. Психологияда

¹¹⁹Валитова Н.Р. Формирование профессионального тезауруса у студентов физкультурного вуза. Автореф. на соискание учёной степени канд. пед. наук. – Омск, 2012.

шахснинг тезауруси маълумоти идрок этиш ва тушуниш билан характерланади. Бунда алоқа назарияси ва унинг элементлари ўзаро таъсир кўрсатадиган мураккаб тизимнинг умумий тушунча-тезислари кўриб чиқилади. Дунё тилларида яратилган тезауруслар моҳияти жиҳатидан бир хил бўлса-да, тузилиши, лексик-семантик муносабатларнинг қайси жиҳатлари ёритилишига кўра фарқланади.

Ҳозирги дунё тилларида тезаурусларнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Шулардан энг машҳури инглиз тилида яратилган WordNet тезаурусидир. Бу луғат инглиз тилининг семантик имкониятлари, луғат бойлигини кўрсатишга хизмат қилади.

“Матн таснифига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз борганда, лингвистик ресурслар муҳим роль ўйнайди. Шундай ресурс сифатида ўзбек тилининг лингвистик (миллий) корпусини таъкидлаш мумкин. Лойиҳалаштирилган корпуслар асосий талабларга жавоб бермайди. Бу ўринда WordNet типидagi лингвистик ресурсларни яратиш лозим”¹²⁰.

Тезаурусларда умумистеъмол сўзлари эмас, маълум соҳага доирасидаги терминлар ҳам изоҳланган. Соҳага доир тезауруслар, коорпоратив коммуникацияга ҳам ёрдам беради. Коорпоратив коммуникация – бир касб ёки бир хил тартиб-интизом билан боғлиқ инсонлар ўртасидаги мулоқотларнинг, муносабатларнинг асоси саналади. Бу муносабат, айниқса соҳаларга оид матнлар таржимасида муҳим ўрин тутаяди. Лексик-семантик, коорпоратив коммуникация (бир фан ёки касб орқали ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг мулоқотда бир-бирларини тушунишлари) учун хизмат қилади, яъни тезауруслар маълум бир фанни талқин қилишда муҳим воситалардан биридир. Шу боис, терминларни ўрганишда, оммалаштиришда,

¹²⁰Раббимов И., Кобилов С. Решение некоторых задач классификации текстов узбекского языка. “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари” // Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. – Т., 2019, – Б. 288-289.

хусусиятларини ёритишда тезаурус моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг WordNet тезаурусини ишлаб чиқишда анъанавий ўзбек тили лексикографияси ва замонавий ахборот технологияларини уйғунлаштириш лозим бўлади. Корпус технологияларидан фойдаланиш ўзбек тилидаги сўзларни ҳам таҳлил қилиш, уларнинг реал контекстуал курсовидаги лексик-семантик вариантларини акс эттирадиган ресурс яратишга имкон беради¹²¹.

Маълумки, тезаурус тушунчаси қадимдан илмда мавжуд бўлса-да, луғатнинг бундай ўзига хос тури кўпроқ инглиз, рус ва бошқа хорижий тилларга татбиқ этилган. Афсуски, ўзбек тилига тезаурус тушунчаси тўла маънода фанларга татбиқ қилинмаган. Айнан ўзбек тили терминлари ва тиббий терминларга ҳам ҳалигача тезаурус (*луғатнинг ушбу тури*) татбиқ этилмаган.

Хорижий тиллар, жумладан рус тилида яратилган тезауруслар ўрганилганда¹²² уларнинг тузилиши, моделлари жиҳатидан ҳар хилликни кузатдик. Яъни тезаурус тузишда бир хил принцип ёки критерий мавжуд эмас, шунингдек ахборот қидирув жараёнида фойдаланувчиларга қулайлик яратишга асосий эътибор қаратилганини кўрамыз.

Жумладан, ахборот хизматчиларига услубий қўлланма сифатида яратилган “Тезаурус информационно-поисковой по языкознанию” китобида (тузувчи: В.Б.Смиренский, Москва: 1977) дастлаб, термин ва тушунчалар алифбо тарзида изоҳланган, сўнгра айрим мавзулар бўйича тушунчалар

¹²¹Звегинцев В.А. Семасиология. – М., 1987., Kurbanova F. Kompyuter lugatlari: tezaurus. – Т., 2014., Матлатипов Г.Р., Мадатов Х.А. Методология автоматизации постройки некоторых онтологий типа WordNet для узбекского языка через существующих WordNet. “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари” // Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. – Т., 2019, – Б. 286-287

¹²²А.Н.Баранов таҳрири остидаги “Словарь тезаурус современной русской идиоматики”. – М.: Мир энциклопедии, 2007., В.А.Лукова таҳрири остида “Тезаурусный анализ мировой культуры”. Сборник научных трудов // – М., 2013., Крюкова М. И. Экфрастический тезаурус в прозе А.С.Грина. Дисс. на соиск уч. степени канд. филол. наук // – Новосибирск: 2018 ва б.

изоҳланган. Бирок, берилган терминларнинг маъно компонентлари тўлиқ очилмаган.

Буни, айти пайтда, муаллифнинг ўзи ҳам ишда мавжуд тажрибадангина фойдалангани, бунданга кенгроқ ахборот бериш учун кўпгина зарур терминологик компендиум мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлайди. Ёки бўлмаса, “Тезаурус информатсионно, поисковой по литературе, литературоведению, фольклору и фольклористике” китобида (тузувчи: А.Н.Орлов, Москва: 1975) дастлаб, ҳар бир адабий терминга рақам қўйилиб, яъни рақамланиб, жами 320 та термин изоҳланган, сўнгра тўлдирувчи (пермутационный) тушунчалар ҳам алифбо тартибида тасвирланган. Бу тезаурус ушбу соҳадаги, яъни адабиёт ва фольклор бўйича биринчи уриниш эканлиги алоҳида қайд этилган.

Техника фанлари доктори Ю.И.Шемакина таҳрири остида 1972 йилда чоп этилган “Тезаурус научно-технических терминов” китоби 670 бетдан иборат бўлиб, унда тезауруснинг ЭҲМ ва Ахборот-қидирув хизматларидаги роли ва аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бундай луғатларни тузиш терминологияни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса эканлиги айtilган. Унда терминларнинг лексик-семантик таркиби ва табиати очиб берилиб, тўплам сифатида тасвирланган. Терминлар алифбо тартибида жойлаштирилиб, рақам қўйилмасдан изоҳланган.

Терминология касбий мулоқотнинг ядроси ҳисобланади. Ҳар соҳа терминлари ўзаро поғонали, партонимик муносабатларга асосланган тизим сифатида намоён бўлади.

Глобал тараққиёт, ахборот алмашуви суръати, маданиятларо мулоқот ижтимоий-иқтисодий соҳалар қаторида фан доирасида ҳам тезкор ривожланиш усуллари тақозо қилмоқда.

Ҳозирги даврда таълим тизимининг бош мақсади ҳар томонлама билимли, етук мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборат. Кадрлар бозор

иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш, замонавий эҳтиёжлар талабига жавоб бериши учун, биринчи навбатда, ўз соҳасининг чуқур билимдони бўлиши керак.

Бу талаб, айниқса, рақобатбардош кадрлар тизими йўлга қўйилиши билан долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир соҳа доирасидаги билим асосида эса терминология, унинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириш ётади. Терминлар мазмуни дарслик, ўқув қўлланмалари орқали ўзлаштирилади. Терминларни ёритувчи асосий манба луғатлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дунё тилшунослигида лексикография қаторида терминография соҳаси ҳам шаклланди.

Тезауруслар замонавий, компьютер луғати бўлиб, анъанавий луғатларга қараганда кенг имкониятларга эга.

Ижтимоий турмуш тараққий этиб борган сари фандаги талқинлар, қарашлар ҳам ўзгариб боради. Тезаурусларнинг мазмун-моҳияти ҳам жамият тараққиётига мос равишда такомиллашиб бормоқда. Даставвал, тезарус термини остида маълум бир тил лексикасининг маъно ва қўлланиш имкониятлари қамраб олинмиши тушунилган. Ҳозирги кунга келиб, тезаурус ўзаро семантик муносабатларни акс эттирувчи, билим соҳасидаги асосий тушунчалар муносабатини тавсифловчи мураккаб компонентли луғатни ифода этмоқда.

Маълум бир соҳа терминологиясининг тезаурус тавсифи аҳамияти ва имкониятлари қуйидагилар асосида очиқ берилади: а) тавсифланаётган фаолиятнинг барча предметлари, объектлари, жарёнлари ўрганилади; б) ажратилган предметлар, тушунчалар ёки уларнинг қисмлари ўртасидаги муносабатни билиш; в) инсон фаолиятида намоён бўладиган, соҳага доир тушунча, предметга алоқадор барча семантик жараёнларни, муносабатларни қамраб олиш назарда тутилади.

Тезарус тадқиқотчига фан соҳасига оид тушунчалар картинасини намоён этади. Аксарият луғатлар товуш жиҳатидан уйғунлик асосида, яъни алифбо тартибида гуруҳланади. Бу бир жиҳатдан механик қидирув учун қулай бўлса,

иккинчи жиҳатдан чекланган томони ҳам бор. Чунки алфавит тартибда жойлашган сўзларда семантик алоқадорлик кузатилмайди.

Термин икки жиҳатли (яъни, ҳам шакл, ҳам мазмун қийматига эга) тил бирлиги сифатида инсон онгининг такомиллашувини, билим доираси кенгайишини ифода этадиган тафаккур билан боғлиқ.

Термин ифода планига кўра маълум бир товуш қобига эга бўлса, мазмун планига кўра тушунчага эга. Бу икки белгини бирлаштириш учун тушунчаларнинг фикрий яқинлигини ифода этувчи, реал тизимдаги аналогияни намоён этадиган, идеографик тавсифга асосланган структурани танлаш керак бўлади.

Термин тушунчаси лисоний онгда у ёки бу жиҳатдан алоқадор бўлган бошқа тушунчаларни ҳам намоён этади. Маълум бир термин шу соҳа доирасидаги бошқа терминлар билан турли даражадаги ва кўринишдаги семантик муносабатларга киришади. Бундай муносабат натижасида маълум бир соҳа доирасидаги терминосистема тушунчаси юзага келади.

Терминлар анъанавий тарзда экспрессивликдан холи, нейтраллик белгисига эга моносемантик гуруҳга мансуб лексемалар сифатида баҳоланади. Табиий тилдан терминологияга ўтиш давомида терминларнинг омонимлик, синонимлик, антонимлик муносабатларини йўқотиши ҳам таъкидланади. Шу билан бир қаторда терминологияда асимметрия (мунтазам қўлланган маънодан, бир хилликдан чекиниш) жараёни кузатилади.

Профессор В.Г. Гак грамматик қонуниятларда тил тизимида асимметрик характер кўринишлари кўп кузатилишини, шунинг учун тилшунослар бир қатор тил ҳодисалари эркин равишда бирлаштирилгани ва тасниф қилингани боис, мос келувчи идеал схемани тузишга ҳаракат қилишларини айтиб ўтади¹²³.

¹²³Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 25

Парадигматик пландаги асимметрия структураси терминлардаги полисемия, омонимия, синонимиянинг намоён бўлишига олиб келади. Лекин терминлар ўртасидаги шакл ва маъно муносабатлари умумистеъмол сўзларидаги шу жараёндан фарқланади. Бу фарқлар терминологиянинг характерли лексик-семантик белгиларини инкор этмайди. Улар терминлар семантикасини четлаб ўтиб, семантик майдоннинг чекка қисмларида намоён бўлади.

Терминологияни тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш жараёнида парадигматик муносабатларнинг антонимия, гиперо-гипонимия (тур-жинс муносабати), бутун-қисм, бутун орқали намоён бўлувчи голоним, қисм орқали англашиладиган мероним каби турларини ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Биргина “бутун-қисм” (рус тилида бу жуфтлик “часть-целое” кўринишида, яъни тил эгалари тасаввурига кўра қисмдан бутунга борилади, ўзбек тилида эса аксинча: бутундан қисмга борилади) компонентлар, хусусиятлар, транспозициялар, белгилар, функциялар, категориялар, шакллар, аспектлар, ҳолатлар қамраб олинади.

Қайд этилган муносабатлар терминлар тизими структурасини акс эттирувчи семантик тўрни ҳосил қилади. Бир қатор лингвистларнинг фикрича, терминлардаги тушунчалар алоқадорлигининг асосий тип сифатида маълум бир терминлар гуруҳини қамраб олувчи тур-жинс муносабати қайд этилган. Аммо ана шундай тизим бир неча микротизимлардан иборат бўлади. Микротизим бир турга кирувчи бир неча терминлар гуруҳини ўз ичига олади.

Терминларнинг тур-жинс муносабатига асосланган таснифи ҳар бир фан соҳасининг асосий тушунчавий-терминологик аппаратини объектив равишда ажратиш, ядровий тушунчалар атрофидаги чекка тушунчаларни белгилаш имконини беради. Натижада, фан соҳаси тушунчаларининг умумий ва тўлиқ таснифи схемаси юзага келади.

Муайян соҳа терминларининг тизимлилик, экспрессивликдан холи бўлиш, алоқаларнинг мунтазамлиги ва турғунлиги каби белгиларга эга

бўлиши терминларни тезауруслар ёрдамида тизимлаштириш имконини яратади.

Кейинги йилларда тезауруснинг лексикографик шакли турли тилларнинг ўқув мақсадидаги замонавий луғатлари таркибига кириб бормоқда. Тизимлаштиришнинг тезаурус усули махус информация беришга қаратилган, информация кидирув тизими (ИҚТ)га, гипертекс технологиясига асосланган соҳа тушунчаларини ифодалаш учун кенг қўлланмоқда.

Билимларни тақдим этишнинг тезаурус усули юридик соҳада анча вақтдан бери амалиётда қўлланаётган бўлса-да, электрон кидирув тизими ҳам такомиллаштиришни талаб қилади. Тезаурус луғатларнинг китоб варианты эса лойиҳа кўринишида қолиб келмоқда.

Тезауруснинг бугунги терминлогияда зарурат эканлигини қуйидагича асослаш мумкин: тезаурус синонимия билан боғлиқ муаммони бартараф этади, тушунчага яқин бўлган сўзларни қидириш имконини кенгайтиради, маълумотларнинг аниқлигини таъминлайди. Максимал даражадаги тўлиқлик ва аниқлик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш кўрувчи юридик соҳада муҳим бўлганидек, инсон ҳаёти, тақдирида асосий ўрин тутувчи тиббиёт соҳасида ҳам муҳим ўрин тутуди. Тезауруслар юристга қийин вазиятларда йўл топиш имконини берганидек, шифокорга ҳам аниқ хулосаларга келишига ёрдам беради.

Мавжуд тезаурус мақолларининг моделлари (С.Е.Никитина, П.И.Браславский, С.Е.Быкова, Ю.И. Горбунова ва бошқалар изланишларида қайд этилган) ва тадқиқотлар характеридан келиб чиқиб, тезаурус мақоласининг қуйидаги умумий моделини келтириш мумкин:

1) термин; 2) аниқловчи; 3) синонимлари; 4) антонимлари; 5) голо-нимлари; 6) ўз ичида компонент, белги, функция, хусусият, аспект муносабатларини қамраб олувчи меронимлари; 7) гиперонимлари; 8) гипонимлари.

Муайян термин борасидаги қидирув тизимига қулайлик яратиш учун луғат сўнгида ҳар бир терминнинг алфавит тартибини кўрсатувчи рақам жойлаштирилади. Бу ҳолатда алфавит кўрсаткичи сўздан – тушунчага ўтиш функциясини бажаради. Қидирув тизимини оптималлаштириш мақсадида терминларга илова қилинган рақамлар бутун луғат корпусини чизиқлилиқ асосида эмас, балки тизимлилиқ асосида боғланган компьютер гиперматнининг китоб варианты сифатида тасаввур қилиш имконини беради.

Юридик терминлар каби тезаурусда берилувчи тиббиёт терминларига ҳам меъёрийлик, тизимлилиқ, турғунлик, мунтазамлик муносабатларига эга бўлиш талаблари қўйилади.

Тезаурус асосидаги моделлаштиришни ҳар бир термин бир картинанинг элементи ҳисобланадиган мозаика кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу элементнинг хусусиятларини аниқлаш давомида унинг бошқа элементлар билан алоқадорлиги, муносабати аниқланади ва тизимдаги ўрни белгиланади. Бу тарздаги элементларни жамлаб, тадқиқ қилинаётган соҳанинг, хусусан, тиббиёт соҳаси тушунчаларининг бутун бошли картинасини яратиш мумкин бўлади.

2.2. Тиббий терминларнинг семантик майдон тезаурус модели

Дунё тилшунослигида терминларни тадқиқ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Терминлар фан тармоқларини ўзлаштиришнинг асосий дескрипторлари (калит сўзлари) ҳисобланиб, соҳанинг объекти, предмети, мақсади, вазифаларини ёритишда очкич вазифасини ўтайди. Терминларни ўзлаштиришда икки жиҳатдан ёндашиш мумкин.

Биринчиси, терминларни алоҳида, автоном ҳолда ўзлаштириш. Бунда жаҳон тилшунослигида ва ўзбек тилшунослигидаги мавжуд луғатларга таянилади. Терминлар луғатида соҳа тушунчалри алифбо тартибида жойлаштирилиб, ўзлаштириш ва ўрганиш жараёнида улар ўртасидаги

алоқадорлик эътибордан четда қолади. Масалан, *аллергия, жароҳат, температура, физиотерапия* терминлари алифбо тартибида луғат мақолаларининг турли ўринларида жойлашади. Уларнинг мазмуни луғат нуқтаи назаридан алоҳида ўзлаштирилади.

Иккинчи ёндашув тушунчаларни ўзлаштиришдаги терминлар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Бундай ёндашув тезаурус луғатларда намоён бўлади. Масалан, жароҳатнинг ташқи ва ички жароҳатга бўлиниши ички семантик алоқадорликка асосланган тасниф ҳисобланади ва нисбатан осон ўзлаштирилади. Шартли равишда, биринчисини *автоном ёндашув*, иккинчисини *тизимли ёндашув*, деб номладик.

Тезаурус луғатлар ўзбек тилида мавжуд бўлмагани учун инглиз ва рус тилларидаги тиббий терминлар тезаурусига мурожаат қилдик ва қуйидаги тезаурус моделларини кузатдик¹²⁴:

I-СМ (семантик майдон) Illness – “касалик”, “хасталик” семантик майдони:

<p>An abnormal state that disrupts a plant's or animal's normal bodily functioning;</p> <p>Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг меъерий тана фаолиятини бузадиган ғайритабиий ҳолат</p>	
<p>Synonyms for illness (касалик термини синонимлари)</p>	<p>affection- касалланиш, ail- касал бўлмоқ, бетоб бўлмоқ, ailment- касалик, bug- хато complaint- шикоят, complication- мураккаблик, condition- аҳвол, шарт-шароит disease- касалик, хасталик, disorder тартибсизлик, бесаранжомлик, distemper- руҳий касалик, соғлиги ёмонлашмоқ distemperature- ҳарорат, fever- иситма, ill- касал, infirmity- заифлик, кучсизлик, кувватсизлик, malady- касалик, sickness- касалик, trouble- қийинчилик</p>

¹²⁴<https://www.macmillanthesaurus.com>

<p>Words Related to illness (касалик терминиға семантик алоқадор сўзлар)</p>	<p>contagious disease- юқумли касалик, contagion- юқумли касалик, инфекция, contagium- юқумли касалик, infection- инфекция, attack- хуруж қилмоқ, bout- жанг, беллашув, fit- тетик, соғлом, spell- афсун, дуо</p> <p>debility- заифлик, decrepitude- мункилламоқ</p> <p>feebleness- заифлик, frailness- заифлик, lameness- оқсоқлик, sickness- касалик, хасталик, unhealthiness- носоғломлик, unsoundness- касалмандлик, unwellness- носозлик, weakness- чарчоқ, malaise- лоҳаслик, дармонсизлик, касал бўлмоқ, matter- масала, epidemic- эпидемия, pest- вабо, pestilence- ўлат, plague- вабо</p>
<p>Near Antonyms for illness (касалик терминининг яқин антонимлари)</p>	<p>fitness- соғломлик, healthiness- саломатлик</p> <p>heartiness- тетиклик, соғломлик, robustness- мустаҳкамлик, soundness- мустаҳкамлик</p> <p>wholeness- бутунлик, wholesomeness- соғломлик.</p>
<p>Antonyms for illness (касалик термини антонимлари)</p>	<p>health- соғломлик, саломатлик, wellness- саломатлик</p>
<p>The condition of not being in good health; Соғлиги яхши вазиятда бўлмаслик</p>	
<p>Synonyms for illness (касалик термини синонимлари)</p>	<p>indisposition- енгил хасталик, бир оз бетоб бўлиш, sickness- касалик, unhealthiness- носоғломлик, unsoundness- касалмандлик</p>
<p>Words Related to illness (касалик терминиға семантик жиҳатдан алоқадор сўзлар)</p>	<p>malaise- лоҳаслик, дармонсизлик, касал бўлмоқ, affliction- касалланиш, ailment- касалик, condition- вазият, disease- хасталик, disorder- тартибсизлик, бесаранжомлик, malady- касалик, trouble- қийинчилик, upset- хафалик, кўнгли ғашлик, debility- заифлик, decrepitude- мункиллаган, feebleness- заифлик, frailness- заифлик, infirmity- заифлик, қувватсизлик, invalidism- ногиронлик, invalidity- яроқсиз, lameness-</p>

	оқсоқлик, чўлоқлик, sickness- касаллик, weakness- заифлик, weakness-нимжонлик, дармонсизлик, қувватсизлик hypochondria- гипохондрия
Near Antonyms for illness (касаллик терминининг яқин антонимлари)	comeback- тузалмоқ, convalescence- тикланмоқ, соғаймоқ, healing- шифо, тузалиш, mending- тикланмоқ, recovery- соғаймоқ, recuperation- куч тўплаш, соғайиб кетиш, rehab- реабилитация rehabilitation- реабилитация, fitness- соғломлик, hardiness- чидамлилик, дадиллик, heartiness- тетиклик, соғломлик, robustness- мустаҳкамлик ruggedness- мустаҳкамлик, stamina- бардошлик, тоқатлилик, strength- бардошлилик, toughness- бардошлилик vigor- куч, мадор, дармон, vigorousness- бақувватлик, vitality- яшовчанлик, welfare- фаровонлик, well-being- ўзини яхши ҳис қилмоқ, тузалмоқ.
Antonyms for illness (касаллик термини антонимлари)	health- соғлик, саломатлик, healthiness- саломатлик, soundness- мустаҳкамлик wellness- саломатлик, wholeness- соғломлик, wholesomeness- соғломлик

Illness “касаллик” семантик майдони, даставвал, ўз ичига синоним тушунчаларни қамраб олган. Illness “касаллик” тушунчаси қуйидаги терминлар билан тенглик муносабатига киришади: affection- касалланиш, ailment- касаллик, ail- касал бўлмоқ, бетоб бўлмоқ, malady-касаллик, disease- касаллик, хасталик, sickness- касаллик, trouble- қийинчилик.

Қуйидаги терминлар эса “касаллик”нинг натижасини ифода этади: complaint- шикоят, distemper- руҳий касаллик, соғлиги ёмонлашмоқ, disorder- тартибсизлик, бесаранжомлик, infirmity- заифлик, кучсизлик, қувватсизлик, distemperature- ҳарорат, fever- иситма, ill- касал. Бу тушунчалар семантик майдоннинг марказида жойлашади.

Bug- хато, complication- мураккаблик, condition- аҳвол, шарт-шароит терминлари эса семантик майдоннинг чекка қисмига оид бўлиб, “касаллик”ка алоқадор тушунчаларни ифодалайди. Бу тушунчалар метонимия, метафора асосида “касаллик” тушунчасини билдиргани учун ҳам синоним сифатида олинган.

“Касаллик” сўзига семантик алоқадор терминлар сифатида юқумли касалликлар гуруҳи келтирилган: contagion- юқумли касаллик, инфекция, contagium- юқумли касаллик, infection- инфекция, sickness- касаллик, хасталик, epidemic- эпидемия, pest- вабо, pestilence- ўлат, plague- вабо.

Қуйидаги тушунчалар бевосита “касаллик” тушунчасини ифода этмайди, балки унинг натижасини англатади: bout- жанг, беллашув, debility- заифлик, attack- хуруж қилмоқ, decrepitude- мункилламоқ, feebleness- заифлик, frailness- заифлик, lameness- оқсоқлик, unhealthiness- носоғломлик, unsoundness- касалмандлик, unwellness- носозлик, weakness- чарчоқ, malaise- лоҳаслик, дармонсизлик, касал бўлмоқ.

Matter- масала термини касалликка берилган баҳони ифодаласа, spell- афсун, дуо касалликнинг тузалиши билан боғлиқ фаолият жараёни билдиради. Fit- тетик, соғлом термини эса касалликдан кейинги, соғайиш жараёнини англатади.

Семантик майдонда қуйидаги терминлар “касаллик” терминининг яқин антонимлари сифатида келтирилган: comeback- тузалмоқ, convalescence- тикланмоқ, соғаймоқ, healing- шифо, тузалиш, recovery- соғаймоқ, fitness- соғломлик терминлари бевосита касал бўлмоқ терминига зид тушунчалар ҳисобланади.

Mending- тикланмоқ, recuperation- куч тўплаш, соғайиб кетиш, rehab- реабилитация, rehabilitation- реабилитация, hardiness- чидамлилиқ, дадиллик, heartiness- тетиклик, соғломлик, robustness- мустаҳкамлик, ruggedness- мустаҳкамлик, stamina- бардошлиқ, тоқатлилиқ, strength- бардошлиқ, toughness- бардошлиқ, vigor- куч, мадор, дармон, vigorousness-

бақувватлик, *vitality*- яшовчанлик, *welfare*- фаровонлик, *well-being*- ўзини яхши ҳис қилмоқ, тузалмоқ каби терминлар бевосита “тузалмоқ” тушунчасини ифодаламайди, балки тузалиш билан боғлиқ ҳолат, белгиларни англатади. Шунинг учун бу терминлар бевосита “антонимлар” деб эмас, “яқин антонимлар” сифатида келтирилган.

“Касаллик” терминининг антонимлари сифатида *health*- соғлик, саломатлик, *healthiness*- саломатлик, *soundness*- мустаҳкамлик, *wellness*- саломатлик, *wholeness*- соғломлик, *wholesomeness*- соғломлик.

“Касаллик” семантик майдони “юқумли касаллик” семантик субмайдонини ўз ичига олади.

2- ССМ (семантик субмайдон) *Contagious disease* – юқумли касаллик:

Қуйидагилар *contagious disease* “юқумли касаллик” бирикмасининг синонимлари, яқин синонимлари ҳисобланади: “*pestilence*- ўлат”, *contagion*- юқумли касаллик, *contagium*- юқумли касаллик, *infection*- инфекция, юқумли касаллик, *pest*- ўлат, *plague*-вабо.

Қуйидаги терминлар “*pestilence*- ўлат” терминининг яқин синонимлари сифатида майдонга киритилган: *virus*- вирус, *germ*-микроб касаллик сабабларини кўрсатувчи терминлардир; *ailment*- касаллик, *ail*- касаллик, *disease*- касаллик, *illness*- касаллик, *malady*- касаллик, *sickness*- касаллик жараёни умумий тарзда ифодаловчи терминлар ҳисобланади. *Epidemic*- эпидемия, *pandemic*- пандемия касалликнинг ёйилиш хусусиятини акс эттиради. *Distemperature*- ҳарорат, *fever*- иситма терминлари касаллик белгисини билдирди. *ill*- касал, *affliction*- бахтсизлик, *complaint*- шикоятк, *trouble*- қийинчилик, *upset*-хафагарчилик, *complication*- мураккаблик, *weakliness*- чарчоқ, *disorder*- издан чиқармоқ, тартибсизлик, *frailty*- заифлик, мўртлик, *indisposition*- бир оз бетоб бўлиш, енгил хасталик терминлари касалликка берилган баҳони ифодалайди.

Қуйидаги терминлар касаллик натижасини билдиради: infirmity- заифлик, malaise- лоҳаслик, дармонсизлик, debility- заифлик, feebleness- заифлик, frailness- заифлик, invalidism- ногиронлик.


Blight- хасталик, ўсимликларда учрайдиган касаллик, distemper- ит вабоси, руҳий касаллик терминлари ифодалаган хос белгиларни ифода этади.

Pip- шахсий суғурта (хаёт, соғлиқни суғурталаш) термини касаллик билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараённи билдиради.

3- ССМ (семантик субмайдон) *pestilence* - ўлат:

Кейинги семантик субмайдон “*pestilence*” (ўлат) термини синонимлари ва унга алоқадор бўлган тушунчаларга тегишли. *Pestilence* (ўлат) термини синонимлари сифатида pest- ўлат, plague- вабо терминлари келтирилган. Қуйидаги терминлар *Pestilence* (ўлат) терминига алоқадор тушунчалар ҳисобланади: epidemic- эпидемия, pandemic-пандемия, affection- касалланиш, ailment- касаллик, illness- касаллик, blight- хасталик, malady- касаллик терминлари касаллик хусусиятини ифодалайди, contagion- юқумли касаллик, юқумли касалликни тарқатувчи микроблар, infection- инфекцияли касаллик, инфекция, sickness- дарс, хасталик, кўнгил айниш, касалликни юзага келтирувчи сабаблар ва уларнинг белгиларини ифода этади. Infirmity- заифлик, қувватсизлик термини, касаллик натижасини билдиради. Affliction- мусибат, бахтсизлик, curse- офат scourge- бало халқнинг касаллика берган баҳосини ифодаловчи терминлардир.

Тиббий терминларнинг тезаурус моделлари терминларни семантик майдон асосида таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, “касаллик” семантик майдони ўз ичида “юқумли касаллик” семантик субмайдонини, бу майдон эса ўз навбатида “вабо” микромайдонини ҳосил қилади. Бу эса лексемаларни, тиббий терминларни алоқадорликда, иерархик муносабатда таҳлил қилиш имкониятини ҳам беради.



Инфекцион, яъни “юқумли” сўзи тезауруси семантик майдонга асосланган. Тезаурусда терминнинг қуйидаги маънолари изоҳланган:

1. Юқумли касалликларни, тиббий муаммо ва вазиятларни тасвирлаш учун ишлатиладиган сўз.

2. “Инфекция ва инфекцияга қарши кураш” маъносида қўлланилади.

3. Туйғуларни ифодалаш учун ишлатиладиган умумий сўзларни билдиради.

4. “Ўзини касал ва носоғлом ҳис қилмоқ” маъносида қўлланилади.

Инфекция сўзи ўзбек адабий тилида ишлатилади. Инфекцион “юқумли” маъносида қўлланилади. Ўзбек тилида биринчи ва иккинчи маъноларда келади. Аммо учинчи ва тўртинчи маънолар ўзбек тилида учрамайди.

“Инфекцион (Infectious)” семантик майдони *ўтқир, ривожланган, асемптоматик, аутистик, атоиммун, бариатрик, тунмоқ, сурункали, клиник, юқумли, тугма* каби 79 та терминни ўз ичига олган.

“Инфекция ва инфекцияга қарши кураш” маъносида “инфекция” термини семантик майдони 42 та алоқадор сўзни ўз ичига олади: *биохавфсизлик, кандида, ташувчи, юқумли касаллик, ўзаро контаминация, инфекция юқиши, мудофаа, ҳимоя механизми, йиринглаш, хорижий, бегона жисм*. Бу сўзлар орасида *кандида* инфекцияни ифодаласа, *мудофаа, ҳимоя*

механизми жараённи англатади. *Йиринглаш* эса инфекция натижасини кўрсатади. Бундан семантик майдондаги алоқадорлик турли семаларга асосланиши маълум бўлади.

Инфекциянинг “туйғуларни ифодалаш учун ишлатиладиган умумий сўзлар” маъноси ўзбек тилида кузатилмайди. Бу мазмундаги семантик майдон 65 та лексик бирликни ўзида жамлаган: *кескин, таъсирчан, асосий, аччиқ, кўр, ёнаётган, тасодифий, чуқур, чуқур илдиз отган, чуқур жойлашган, чуқурлик, ҳиссий*. Бу мазмун кўчма маънога асосланган.

Инфекцион (Infection s) инглиз тилида кўчма маънода ҳиссиётларга нисбатан кенг қўлланади. Бунда, асосан, ҳиссиётларнинг юқумлилик даражаси инобатга олинади. Чунки инсондаги қувонч ёки ғамгинлик атрофдагиларга тез ўтади, яъни “юқади”.


“Ўзини касал ва носоғлом ҳис қилмоқ” маъносидаги *инфекция* семантик майдони 64 терминни ўз ичига олади: *касал, олдинги ҳолатини йўқотиш, касалланиш, тўшакка михланган, юқумли, танқидий, ўлик, ақдан озган, касал, жирканч, тартибсиз, бош айланиши*.

Тезаурусда сўзнинг синонимлари ҳам келтирилган: *касал, заиф, яроқсиз, ёмонроқ, мўрт, носоғлом, муваффақиятсиз, ёмон, касал*.

Cardiology семантик майдони cardiology – noun (кардиология – от). Тезаурусда *кардиология* иккита семантик майдон узви сифатида қуйидагича изоҳланган:

1. “Юрак билан боғлиқ тиббиёт соҳаси сифатида семантик майдон узви” сифатида изоҳланган. Бу семантик майдонда асосан ўзаро алоқадор сўзлар жамланган. *Юрак* ушбу семантик майдоннинг ядроси ҳисобланади. *Антикоагулянт, аорта, артерия, ортиқча холестерин, урмоқ, қон кетиши, қон* терминлари юракка алоқадор тушунчалардир. Бу семантик майдонда кардиология термини майдоннинг бошқа узвларига нисбатан ҳокимлик мақомидадир.

2. “Тиббиёт фанининг тармоғи сифатида семантик майдон узви” ҳисобланган. Тиббиёт семантик майдонида кардиология термини эндокринология, неврология каби бошқа семантик гуруҳлар қаторида семантик майдоннинг марказий қисмида жойлашади. Кардиология термини мазкур семантик майдоннинг *этиология, цитология, стоматология, эмбриология, эндокринология, эпидемиология, гастроэнтерология* каби узвларига нисбатан тенглик муносабатини ифодалайди.



Тезауруснинг
экранда
намоён
бўлиши

Эндокринология термини ҳам иккита семантик майдонда қайд этилган:

1. *Эндокринология* – танадаги гармонлар ва кимёвий моддалар маъносидаги семантик майдон узви. Бунда эндокринология адреналин, эндорфин, эстроген, гликоген, ўсиш гармони, гармон, гидрокортизон, инсулин, ирисин, мелатонин, эстроген тушунчаларига нисбатан ҳокимлик мақомидадир. Бу семантик майдонда 16 та термин келтирилган.

2. *Эндокринология* – тиббиёт соҳаси сифатидаги семантик майдон узви. Тиббиёт семантик майдонида эндокринология термини мазкур семантик майдоннинг *этиология, биомуҳандислик, биотиббиёт, кардиология,*

чироподия, циотология, стоматология, диетатика тушунчаларига нисбатан тенглик муносабатидадир. Бу семантик майдонда 40 та термин келтирилган.

Gastroenterology – noun (гастроэнтология – от). “Гастроэнтерология” тиббиёт тармоғи семантик майдонида *этиология, биомухандислик, биотиббиёт, чироподия, циотология, стоматология, диетатика, эмбриология, эндокринология, ENT (КББ), эпидемиология, гастроэнтерология, умумий амалиёт, генетика, гериатрия, геронтология, гинекология, гематология, иммунология, дори, неврология* тушунчалари билан тенг мақомда жойлашади. Бу семантик майдон 40 та терминни ўз ичига олади.

С.Е.Быкова француз-рус юридик терминологиясини тезаурус моделлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотида терминларни тезауруснинг қуйидаги семантик соҳаларига ажратиб таҳлил қилган:

1. СО¹²⁵ “droit, legislation – ҳуқуқ, қонунчилик” семантик соҳаси қуйидаги семантик майдонларни ўз ичига олади: СП “droit – ҳуқуқ”; СП “legislation – қонунчилик”.

2. СО “tribunal, justice – суд, маҳкама” семантик соҳаси қуйидагилардан иборат: СП “tribunal – суд” семантик майдони; ССП “tribunal-суд” семантик субмайдони; ССП “chambre – палата” семантик субмайдони; ССП “greffe – суд девонхонаси” семантик субмайдони; СП “justice – маҳкама” семантик майдони; СП “jurisprudence – юриспруденция” семантик майдони.

3. СО “documents juridiques – ҳуқуқий ҳужжатлар” семантик соҳаси қуйидагилардан иборат: СП “acte – ҳужжат” семантик майдони; СП “types de sdocument sjuridiques – юридик ҳужжат типлари” семантик майдони; ССП “easier – криминал ҳисоб” семантик субмайдони; ССП “code – кодекс” семантик субмайдони; ССП “convention – конвенция” семантик субмайдони; ССП “loi – қонун” семантик субмайдони; ССП “mandat – қарор” семантик

¹²⁵Бунда СО – семантическая область (семантик соҳа – СС), СП – семантическое поле (семантик майдон – СМ), ССП – семантическое субполе (семантик субмайдон ССМ), СМ – семантическое микрополе (семантик микромайдон – СММ).

субмайдони; ССП “memoire – маъруза қайди” семантик субмайдони; ССП “obligation – мажбурият” семантик субмайдони.

4. СО “crime – жиноят” қуйидаги семантик майдонларни ўз ичига олади: СП “crime – жиноят” семантик майдони; ССП “crime жиноят” семантик субмайдони; ССП “delit – ҳуқуқбузарлик” семантик субмайдони; ССП “contravention – қонунни бузиш” семантик субмайдони; СП “typesde crimes – жиноят турлари” семантик майдони; ССП “abandon – кетиш” семантик субмайдони; ССП “abus – ҳуқуқбузарлик” семантик субмайдони; ССП “atteinte – зарар” семантик субмайдони; ССП “attentat – суиқасд” семантик субмайдони; ССП “brigandage – қуролли ҳужум” семантик субмайдони; ССП “cambriolage – ўғрилик” семантик субмайдони; ССП “chantage – вымогательство” семантик субмайдони; ССП “collusion – учинчи шахсга етказилган зарар ҳақида келишув” семантик субмайдони; ССП “concussion – порахўрлик” семантик субмайдони, ССП “contrefaon – қалбаки” семантик субмайдони; ССП “detournement – талон-тарож” семантик субмайдони; ССП “effraction – взлом” семантик субмайдони; ССП “escroquerie – қаллоблик” семантик субмайдони; ССП “extorsion – товламачилик” семантик субмайдони; ССП “faute – айбдор ҳаракат” семантик субмайдони; ССП “forfait – жиноят” семантик субмайдони; ССП “fraude – қаллоблик; контрабанда” семантик субмайдони; ССП “illegalite – яширин; жиноят” семантик субмайдони; ССП “kidnapping – гаров пули олиш учун ўғрилаш” семантик субмайдони; ССП “meurtre – қотиллик” семантик субмайдони; ССП “prejudice-зарар” семантик субмайдони; ССП “tapag enocturne – жамоат осойишталиги” семантик субмайдони; ССП “viol-зўрлаш” семантик субмайдони; ССП “vol-ўғрилик” семантик субмайдони¹²⁶.

Тезарус луғатларнинг юқоридаги моделлари терминлар семантикасини таҳлил қилиш учун қулай моделлар ҳисобланади. Тезаурусларнинг термин

¹²⁶Быкова С.Е. Тезаурусное моделирование юридической терминологии (на материале французского языка в сопоставлении с русским). – Екатеринбург, 2006. – С. 14-15.

семантикасига асосланиши унинг сўз сифатидаги мақомини намоён қилади. Ҳар қандай сўз ўзининг этимологик тарихига эга бўлиб, семантик жараёнларнинг содир бўлишида бошқа бирликлар ўртасидаги иерархик, партонимик муносабатлар муҳим ўрин тутди. Бу муносабатлар семантик майдон таҳлилида тўлиқ намоён бўлади.

“Семантик майдон алоҳида тил системаси сифатида мураккаб лисоний структурага эга. Майдоннинг структур ўзагини барча парадигматик гуруҳлар йиғиндиси ташкил этади. Парадигматик муносабатлар турли хил характерда, у ёки бу мазмуний белгилари билан яқин бўлган лексик бирликларнинг ҳар хил синфлари ёрдамида намоён этилиши мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқли эмаслиги билан фарқланади”¹²⁷.

“Терминологик системаларга айнан хос бўлган ушбу фикр асосини ҳуқуққа оид терминлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқда намоён бўлмаслигини сиёсат, иқтисодиёт, дипломатик муносабатларга оид тушунчалар ҳам ушбу терминосистемада акс этганида кўриш мумкин. Буни ҳуқуқий муносабатлар жамият ва халқаро ҳаётнинг барча жабҳаларига хос эканлиги билан изоҳлаш мумкин”¹²⁸.

2.3. Тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезаурус модели

Юқорида ўрганилган рус адабиётлари ва айрим хорижий адабий манбаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, биз ушбу масалада қуйидагича, яъни бирмунча самаралироқ мезон (критерий) асосида ишлашни лозим, деб топдик:

Биринчидан, тушунча ёки терминнинг, аввало алифбо тартибида, соф лингвистик жиҳатлари (унинг морфологияси ва синтаксиси каби)ни қисқа ва

¹²⁷Эргашева М. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши. Молодой учёный. №3.1 (107.1) Филология. 2016. – Б. 62.

¹²⁸Собирова Э.Ш. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг берилиши, Фил. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореферати. Т., 2022. – Б. 15.

аниқ ёритиб бериш. Сўнгра, унинг нутқда талаффуз этилиши ва семантик хусусиятларини ифодалаш.

Иккинчидан, берилаётган айна тушунча ёки терминнинг асл ва кўчма маъноларини асосли мисол ва далиллар ёрдамида тасвирлаб бериш.

Учинчидан, мазкур терминнинг гипероними, гипоними ва этимологияси билан боғлиқ тушунчаларни далиллаш.

Тўртинчидан, изоҳланаётган терминнинг тил ва нутқда кенг қўлланилиши каби муҳим томонларни ҳам қамраб олиш.

I. Тиббий терминлар тезаурусини яратишда илк бор қуйидаги мезонлар асосга олинди:

1. Сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги:

бунда изоҳланаётган тиббий терминнинг соф лингвистик жиҳатлари қайд этилди, яъни сўз шакли, тузилиши, сўз туркуми ва гапдаги вазифалари белгиланди.

2. Талаффуз қилиниши: ҳар бир лексик birlikнинг товуш томони кўрсатилди.

3. Семантик таркиби: ҳар бир лексеманинг маъно компонентлари, қайси тушунча учун хизмат қилиши ва хос хусусиятлари акс эттирилди ва уларга тегишли мисоллар ҳам берилди.

4. Сўзнинг асл маъноси: ушбу терминдан, айна пайтда англашиладиган реал маънолар кўзда тутилди.

5. Кўчма маъноси: мазкур терминнинг маъно кўчимлари (агар бўлса) мисоллар билан кўрсатилди.

6. Синоними: агар синоними мавжуд бўлса, улар ҳам берилди.

7. Омоними: агар омоними мавжуд бўлса, мисоллар билан изоҳланди.

8. Антоними: антоними бўлса, акс эттирилди.

9. Гипероними: ҳодисанинг умумий тури (номи) изоҳланди.

10. Гипоними: мазкур ҳодисанинг ўз ичидаги турлари (атрибутилари) тасвирланди.

11. Этимологияси: албатта, изоҳланаётган тиббий терминнинг келиб чиқиши ва ривожланиш жараёнлари кўрсатилди. Шунингдек, бугунги кундаги сўз шакли ва маъноси изоҳланди.

12. Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: агарда мазкур термин ибораларда ишлатилса, у ҳам мисоллар воситасида кўрсатиб ўтилди.

13. Бирикмалар таркибида қўлланиши: ҳар бир лексик birlikнинг бирикмалар таркибида ёки улар билан қўлланилиши мисолларда берилди.

14. Бошқа тилларда қўлланиши: ушбу тиббий терминнинг рус ва инглиз тилларидаги таржимаси ҳам берилди.

Тезауруснинг тармоқ кўринишдаги моделидан мақсад, асосан, луғавий birlikлар, уларнинг морфологик мансублиги, маънолари, маъновий муносабатлари, омонимлари, антонимлари, гипероним-гипонимлари, этимологияси ҳақида кенг маълумот беришдир. Қуйида айрим тиббий терминларнинг тармоқ кўринишидаги тезаурусини кўриб чиамиз:

КУЙДИРГИ:

- сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: **куйдирги** термини ясама сўз, яъни **куй-** буйруқ шаклидаги феълга шакл ясовчи **-дир** қўшимчасини қўшиш ва мазкур ҳосила сўзга **-ги** пайт маъносини англатувчи от ясовчи қўшимчани қўшиш билан ҳосил қилинган.

Куйдирги сўзи от туркумига киради, мавҳум от ва нима сўроғига жавоб бўлади. Мазкур сўз гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари бўлиб келади.

- талаффуз қилиниши: *куйдирги*.
- семантик таркиби: *куйдирги* – одам ва ҳайвонларда учрайдиган ўткир инфекция, юқумли касаллик. Зооноз касалликлар гуруҳига киради. Одамга касал ҳайвонлардан – ҳайвонни сўйиш, гўштини нимталаш вақтида,

шунингдек, сув, тупроқ, чорвачилик маҳсулотлари орқали юқади; тери, меъда-ичак йўли ва ўпкага зарар етказади.

Сўзнинг асл маъноси: *куйдирги* – одам ва ҳайвонларнинг юқумли касаллиги. Масалан, *У ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, куйдирги, бўлма, қутуриши каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди.*

Кўчма маъноси: *У куйдирги (одам) ҳозир қаерда юрган экан?*

Синоними: *дарди бедаво*

Омоними: *куйдирги* – *дардисар* (сўзлашув услубида).

Гипероними: *касаллик номи, тури.*

Гипоними: одам ва ҳайвонлардаги куйдирги касаллигининг хусусиятлари ўзаро фарқланади.

Этимологияси: *куйдирги* сўзи **куй** – буйруқ феълидан ясалган бўлиб, “аланга (иссиқ) таъсирида ёниб, истеъмолга яроқсиз (кўмир) ҳолатига ет”, демакдир. *Чиқиндилар оловда бирпасда куйиб кул бўлди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **кой** тарзида талаффуз қилинган, ўша даврлардаёқ, **о** унлиси **ў** унлисига алмашган. Ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кой** → **кўй** → **куй**.

Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: *Ҳа сени.. тилингга куйдирги чиққур* (сўзл. т.); бу термин *куйдирги келсин ёки куйдирги чиқсин* каби салбий маъно (оттенка)ларда ҳам қўлланилади.

Бирикмалар таркибида қўлланиши: *куйдирги яра, куйдирги касал.*

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *сибирская язва*, инглиз тилида: *anthrax*.

Куйдирги терминининг тезаурус модели, маъно хусусиятлари, термин таркибидаги семантик муносабатлар бошқа бирликлар билан алоқадорлигини ёритишда аҳамиятлидир.

ПИЛЛА:

● сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: ***пилла*** тиббий термини тожикча; нима сўроғига жавоб бўлади ва тил нуқтаи назаридан мавҳум от ҳисобланади. Гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади.

● талаффуз қилиниши: *пилла*.

● семантик таркиби: *пилла* – тиш милкининг шишиб, йиринг бойлаши билан боғлиқ касаллиқини ифодаловчи термин. Тиш атрофидаги суяк усти пардасининг ўткир яллиғланиши. Оқибатда лунж ҳам шишади. Тиш чириши (кариес) асорати ҳисобланади. Бунда йиринг тиш канали орқали атрофидаги тўқималарга ўтади, натижада тиш қаттиқ оғрийди.

Сўзнинг асл маъноси: *пилла* – инсон танасига оид тиш-милк касаллигининг номи. Масалан: *Боланинг милклари шишиб, пилла бўлибди*.

Синоними: *пилла, шиш, чипқон, флюс*.

Омоними: *пилла I* – (*ф.*, *ипак қурти пилласи, гумбак*) ипак қурти гумбакка айланишидан олдин ўз устига ўраб ҳосил қилган қобиқ, ипак қуртининг маҳсули; табиий ипак олинадиган хомашё. *Пилланинг ҳар толаси – Шойи-атлас онаси* (“Қўшиқ”дан).

Гипероними: *касаллик номи, тури*.

Гипоними: *пилла*.

Этимологияси: 1) *пилла* – бу от, яъни ***пилла I*** (ПРС, 102)да **пиле** шаклида, (ТЖРС, 306)да **л** товуши иккиланган, **е** товуши **а** товушига алмаштирилган **пилла** шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакл олиниб, “ипак қуртининг ўз устига ўраб ҳосил қиладиган чўзинчок, думалоқ ипак қобиғи” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

2) *пилла* – бу от, яъни ***пилла II*** аслида ***пилла I*** отидан шаклий ўхшашлик асосида ўсиб чиққан бўлиб, “тиш оғриғи ёки шамоллаш оқибатида милкда ҳосил бўладиган пуфак шиш” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

Бирикмалар таркибида қўлланиши: *йирингли пилла, тиш пилласи, оғиз пилласи.*

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *флюс*, инглиз тилида: *flux*.

ЧЕЧАК:

● сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: **чечак** – *ўзбекча сўз, касаллик номи, от туркумига киради, мавҳум от ҳисобланди. Бу сўз гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлар вазифасида келади. Масалан, Ер юзида чин чечак буткул тугатилганлиги расмий равишда эълон қилинди (“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” дан).*

● талаффуз қилиниши: *чечак.*

● семантик таркиби: *чечак* – одам ва ҳайвонларнинг ўткир юқумли касаллиги. Ўтмишда ер юзидаги барча мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, у ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги Миср ва Хитой кўлёмаларида учрайди, кейинроқ юнон ва римлик врачларнинг асарларида қайд этилган. Ўрта асрларда Розий “Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб” номли асар яратиб, тиббиёт тарихида биринчи марта чечакни таърифлаб берди ва чечакка қарши эмлаш керак, деган фикрга келиб, уни амалда қўллади.

Чечакнинг олдини олиш ҳақидаги фикрлар Абу Али ибн Сино асарларида ҳам илгари сурилган.

Сўзнинг асл маъноси: *баданга сувли тошмалар тошириб, иситма чиқарадиган юқумли касалликнинг умумий номини англатади. Чечак* баданга сувли пуфакчалар тошириб, иситма чиқарадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касаллик. Масалан: *Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса, сезарсиз: мисоли галвирак бодом (А.Қодирий, “Кичик асарлар”).*

Кўчма маъноси: *бировдан нарса тиланган кишига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, Пулига чечак чиққан.*

Омоними: *чечак* – бу от, яъни **чечак I** табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул. *Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст (М.Осим, “Карвон йўлларида”).*

Гипероними: касаллик номи, тури.

Гипоними: чинчечак, сувчечак, қора чечак, геморрагик чечак.

Этимологияси: қадимги туркий тилда ҳам ана шундай маънони англатган бу от асли **чӓчӓк** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 376); кейинроқ биринчи бўғиндаги **ӓ** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, I, 369): **чӓчӓк** → **чечӓк** → **чечак**.

Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: пулини қизғаниб, ишлатмайдиган одамга нисбатан: *Пулингга чечак чиққанми? (сўзлашув тилидаги ибора).*

Бирикмалар таркибида қўлланиши: сувли чечак, сувсиз чечак,

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *оспа*, инглиз тилида: *smallpox*.

ҚИЗАМИҚ:

● сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: **қизамиқ** – бу от асли ўзбекча, “қизил тус ол” маъносини англатган **қыз-** феълнинг кучайтириши маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ва ҳосилага феълнинг ноаниқ шаклини ҳосил қилувчи **-моқ** (қадимги **-мук**) қўшимчасини қўшиши орқали вужудга келган. **Қизамиқ** – касаллик номи, от туркумига киради, мавҳум от ҳисобланиди.

● талаффуз қилиниши: *қизамуқ, қизамиқ.*

● семантик таркиби: **қизамиқ** – болаларда баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. Гавда температурасининг кўтарилиши, юқори нафас йўллариининг шамоллаши (*йўтал, тумов, товуш бўғилиши*), кўз шиллиқ пардалари, оғиз бўшлиғининг яллиғланиши ва терига қизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан характерланади.

Сўзнинг асл маъноси: *кўпинча болаларда учрайдиган юқумли касалликнинг умумий номини англатади.* Масалан: *Онанинг назарида қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди (И.Раҳим).*

Синоними: *қизамиқ, гул (шеваларда).*

Омоними: *гул* – бу от, яъни *гул I* (Б.Миллер, Персидско-русский словарь, 1953, 425)да *гол* шаклида, (ТжРС, 106)да *гул* шаклида келтирилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган; “ўсимликнинг урчиш учун хизмат қиладиган гулбарг, чангдон, гулкосадан иборат қисми”, “чечак” маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 195). Бу от билан ўзбек тилида *гулла*-феъли, *гулчи* оти ясалган, *гулқайчи* қўшма оти тузилган.

Гул II маъно тараққиёти йўли билан *гул I* отининг “қизил рангли гул” маъносидан ўсиб чиққан бўлиб, “қизилча, қизамиқ” каби касалликларда баданда пайдо бўладиган майда қизил рангли тошма” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

Антоними: *қизамиқ (гул) эмас.*

Гипероними: *касаллик номи, тури.*

Этимологияси: қадимги туркий тилда худди шундай маънони англатган бу от асли “қизил тус ол” маъносини англатган **қыз** – феълнинг кучайтириш маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **-муқ** қўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик, ўзбек тилида учинчи бўғиндаги у унлиси **ы** унлисига, **а** унлиси чўзиқ **а:** унлисига алмашган.

Сўнгра бўғинлардаги ва **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыз + а → қыза+муқ → қызамуқ → қизамиқ**. Бу от Маҳмуд Кошғарий луғатида **қызламуқ** шаклида келтирилган (Девон, I, 480), яъни сўз таркибидаги кучайтириш маъноси **-ла** қўшимчаси билан ифодаланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида **-ла** қўшимчаси воситасида ҳаракатни тезлатиш, кучайтириш, бошлаш маънолари мавжуд ва бу маъно бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан, *тезла, тезлатиш (теза+тиш), юкла, бошла* каби.

Қизамиқ терминининг келиб чиқиш тарихи (этимологияси) кўрсатадики, сўзнинг ўзаги “қизимоқ”, “исимоқ” маънолари билан боғлиқ, яъни *қизи* феъли бўлиши мумкин. Сабаби, бу лексема таркибидаги мазкур маъно касалликнинг

қизима ёки иситма билан, яъни температура билан кечиши хусусиятига ҳам бевосита боғланади.

Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: *Уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бир йўла уч қизини тутдай тўкиб кетди.* (Д.Нурий, “Осмон устуни”).

Бирикмалар таркибида қўлланиши:

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *корь*, инглиз тилида: *measles*.

ҚИЗИЛЧА:

● сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *қизилча* ўзбекча, ясама сўз: **қизил** ранг маъносидаги сифат сўзга **-ча** – кичрайтириш, эркалаш оти ясовчисини қўшиш билан ҳосил бўлган. *Қизил сўзи – аслий сифат, оддий даражада, қандай сўроғига жавоб бўлади, даражаланади: қизил – қизғин; қизил – қизилроқ – қип-қизил; бирор нарсанинг белгисини билдиради. Қизилча – касаллик номи, от туркумига киради, мавҳум от, нима сўроғига жавоб бўлади.*

● талаффуз қилиниши: *қизил, қизилча.*

● семантик таркиби: *қизилча* ўткир юқумли касаллик, гавда температурасининг кўтарилиши, бир оз катарал ҳолатлар (тумов, йўтал), энса лимфа тугунларининг катталашиши ва оғриши ҳамда териға тошмалар тошиши билан характерланади. Қизилчани вирус қўзғатади.

Ўзбек тилида *қизилча* касаллиги қизил ранг билан боғлиқ ҳолда талқин этилган, бироқ рус тилида берилган юқоридаги изоҳларда касаллик қизил ранг билан боғланмайди. Бу эса ўзбек тилининг ўзига хос термин ҳосил қилиш морфологиясидан далолат беради.

Сўзнинг асл маъноси: *кўпинча болаларда учрайдиган касалликнинг номини англатади.*

Кўчма маъноси: *қизил рангли отларга нисбатан маъно кўчиши мумкин. Масалан, Қизил Ярим ой жамияти; қизил шафақ.*

Синоними: қизил сўзига нисбатан *гулгун, синжоби, қирмизи, алвон* каби синонимлар қўлланади.

Омоними:

Антоними: *қизилча эмас.*

Гипероними: *касаллик номи, тури.*

Гипоними: *қизил, қизилча.*

Этимологияси: *қизилча* терминининг қизил қисми – *қон рангидаги, алвон.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли *қизил тус ол* маъносини билдирган **қыз** феълидан **-(ы)л** қўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик, унлиларнинг қаттиқлик белгиси йўқолган.

Қизил – ранг номи. Туркий халқлар учун муқаддас саналган. Навқиронлик, хукмронлик, хурсандчилик рамзи. “Қутадғу билик” асарида бу ранг *ёшлик, хотиржамлик, шодмонлик, гўзаллик, соғломлик* маъноларини англатган.

Замонавий руҳшуносликда *кўтаринки кайфият, ўзига кучли жалб этувчи,* шу билан бирга, *умидбахшлик* ва *муҳаббат ранги.* Одам аурасидан қизил ранг таралса, бу унинг кучли ирода ва шижоат эгаси эканлигидан далолат беради.

Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: “*Ўзлинг одам бўлса, узун тилингни, қизинг одам бўлса, қизил тилингни тия бор*”(Мақол).

Бирикмалар таркибида қўлланиши: *қизилчани даволаш,* \“*Тоглардаги қип-қизил лола, бўлиб гўё ёқут пиёла. Булоқлардан узатади сув, эл кўзидан қочади уйқу*”(Ҳ.Олимжон, “Ўзбекистон” шеъри).

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *краснуха,* инглиз тилида: *rubella.*

Тезауруснинг тармоқ модели, асосан, ўз қатламга оид тиббий терминларни изоҳлашда амалий натижа беради. Биз тезауруснинг тармоқ кўринишидаги моделидан ўз қатламга оид тиббий терминларни изоҳлашда фойдаландик. Бунинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

-ўз қатламга оид тиббий терминлар умумистеъмол сўз кўринишида ҳам қўлланади. Бу ҳолат терминнинг сўз хусусиятлари, лексема сифатида лисоний онгда мавжудлиги билан изоҳланади;

-терминнинг луғавий бирлик сифатида лисоний онгда мавжудлиги мазкур термин билан боғлиқ семантик жараёнларни акс эттиришга ёрдам беради.

(Ўзбек тилидаги жами 120 га яқин тиббий терминлар ва лакунар бирликларнинг семантик майдон, шунингдек тармоқ асосидаги тезаурус моделлари иловада ўз аксини топган).

II боб бўйича хулоса

1. Тезаурус фаолият соҳасининг тушунчалари, таърифлари ва атамаларининг матнларда қўлланиши, семантик имкониятларни тўлиқ жамловчи маълумотлар тўплами ҳисобланади. У муайян тилдаги маълум бир мавзуга оид барча сўзларни қамраб оладиган, тизимли равишда таҳлил қилишга йўналтирилган компьютер луғатидир. Тезаурус луғатлар катта ҳажмдаги материални қамраб олгани учун, асосан, электрон кўринишда бўлади. Тезаурус сўз ифодалаган тушунча, предметлар соҳасини атрофлича тавсифлаш воситаси ҳисобланади ҳамда муайян тушунча, предмет ҳақида тўлиқ ҳолатда ахборот беради.

2. Тезауруслар тушунчани изоҳлаш билан бирга, унинг сунъий интеллект доирасида фаол қўлланадиган бошқа тушунчалар ва шу тушунчалар гуруҳига муносабатини ҳам акс эттиради. Тезаурусда объект, предмет, тушунча билан бирга у ҳақда субъект эгаллаган барча маълумотларнинг мажмуаси ҳам ўз ифодасини топади. Тезаурус нафақат сўз маънолари, балки интеллектуал тизимларнинг илмий асосларини тўлдиришда ишлатилиши мумкин бўлган сўзларни бошқа тушунчалар ва уларнинг гуруҳлари билан ўзаро боғлаш орқали очиб беришга имконият яратади.

3. Тиббий терминлар тезауруси терминлар ўртасидаги шакл ва маъно муносабатлари семантик майдоннинг чекка қисмларида намоён бўлишини ҳам

кўрсатади. Терминологияни тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш жараёнида парадигматик муносабатларнинг антонимия, гиперо-гипонимия (тур-жинс муносабати), бутун-қисм каби кўринишлари ҳам ўз аксини топади. Терминлардаги тушунчалар алоқадорлигининг асосий типи сифатида маълум бир терминлар гуруҳини қамраб олувчи тур-жинс муносабати қайд этилган. Бу тизимлар бир неча микроtizимлардан иборат бўлади. Микроtizим бир турга кирувчи бир неча терминлар гуруҳини ўз ичига олади.

Терминлар ўртасидаги семантик муносабатлар соҳа тушунчавий аппаратини тез ва осон ўзлаштиришда амалий аҳамият касб этади. Терминларнинг тур-жинс муносабатига асосланган таснифи ҳар бир фан соҳасининг асосий тушунчавий-терминологик аппаратини объектив равишда ажратиш, ядровий тушунчалар атрофидаги чекка тушунчаларни белгилаш имконини беради. Натижада, фан соҳаси тушунчаларининг умумий ва тўлиқ таснифи схемаси юзага келади.

4. Тезаурус асосидаги моделлаштириш тадқиқотларда ҳар бир термин бир картинанинг элементи ҳисобланадиган мозаика кўринишида тасаввур қилинган. Бу элементнинг хусусиятларини аниқлаш давомида унинг бошқа элементлар билан алоқадорлиги, муносабати таҳлил қилинади ва тизимдаги ўрни белгиланади. Бу тарздаги элементларни жамлаб, тадқиқ қилинаётган соҳанинг, хусусан, тиббиёт соҳаси тушунчаларининг бутун бошли картинасини яратиш мумкин бўлади.

Тезаурус миллий тил, қайта ишланган табиий тил, ахборот услуги сифатида шакланган сунъий тил семантикасини белгилайди. Инглиз, рус тилларидаги тезауруслар миллий корпусларнинг таркибий қисми сифатида маълумотлар базаси ва лингвистик тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қилмоқда.

5. Замонавий компьютер лингвистикасида “семантик тўр” деган тушунча мавжуд бўлиб, луғавий birlikлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка

асосланади. Туркологияда моҳиятан семантик тўрни эсалатадиган кўпгина таҳлиллар амалга оширилган.

Терминлар тизими тил структурасини акс эттирувчи семантик тўрни ҳосил қилади. Тезауруслар сўзлар ўртасидаги семантик алоқадорликка асосланар экан, тиббий терминлар тезауруси шу тушунчалар доирасида ҳам семантик муносабат мавжудлигини кўрсатади. Тезаурус муайян тушунчалар, сўзлар, ўзак морфемаларнинг янги луғавий бирликлар шаклланишига асос бўлиш жараёнини кузатиш имконини беради.

6. Дунё тилшунослигида терминларни тадқиқ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Терминлар фан тармоқларини ўзлаштиришнинг асосий дескрипторлари (калит сўзлари) ҳисобланиб, соҳанинг объекти, предмети, мақсади, вазифаларини ёритишда очқич вазифасини ўтайди. Терминларни ўзлаштиришда икки жиҳатдан ёндашилган. *Биринчи* ҳолатда терминлар автоном ҳолда ўзлаштирилади. Луғавий бирликлар алифбо тартибида жойлаштирилган луғатлар терминларнинг автоном ўзлаштирилишини таъминлайди.

Иккинчи ёндашув тушунчаларни ўзлаштиришдаги терминлар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Бундай ёндашув тезаурус луғатларда намоён бўлади. Семантик алоқадорликдаги ёндашув терминлар мазмун-моҳиятини ўзлаштиришда, тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни англашга, тиббий жараёнлар моҳиятини билишга хизмат қилади.

Шартли равишда, биринчи ёндашувни *автоном ёндашув*, иккинчисини *тизимли ёндашув*, деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

III БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОН ТЕЗАУРУС МОДЕЛИ

Яқин тарихимизда XVIII – XIX асрлар ўзига хос тараққиёт босқичи ҳисобланади. Аниқ ва табиий фанлар тараққиёти ижтимоий-гуманитар соҳаларга, хусусан, тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ч.Дарвиннинг ўсимликлар оламига оид тадқиқотлари, кашфиёти тилшуносликда генеологик таснифнинг шаклланишига олиб келди. Химия фанидаги атом-молекуляр таълимот сўзни морфемаларга ажратиш қонуниятининг юзага келишига асос бўлди. XIX асрга келиб физикадаги майдон назарияси таъсирида тилшуносликда ҳам “майдон” тушунчаси шаклланди. Майдон назариясини тилшуносликка татбиқ этишда ва ривожлантиришда Л.Вейсбергер, В.Порсиг, Г.Ипсен, Ф.Дорнзейф, В.Вартбург, А.А.Уфимцева, Н.И.Филичёва, Е.Н.Караулов, Г.С.Щур каби олимларнинг изланишлари муҳим ўрин тутди. Тилшуносликда семантик майдон, макромайдон, микромайдон тушунчалари фаол қўллана бошлади. Майдон назариясининг моҳиятини ёритувчи илмий изланишлар юзага келди¹²⁹.

Лексемалар инсон онгида муайян гуруҳларга жамланган ҳолда мавжуд бўлади, деган қараш мавжуд. Аниқроғи, сўзлар лисоний онгда бир-бирига ёндош тушунчаларни жамлаш хусусиятига эга. Бир тушунча ҳақида сўз борганда унга алоқадор бошқа тушунчалар ҳам идрок этилади. Масалан, *касал* лексемаси *дори*, *шифокор*, *касалхона* тушунчаларини гавдалантиради. Терминларни семантик гуруҳ ва семантик майдон асосида ўрганиш тушунчаларнинг моҳиятини анада тўлиқроқ ёритиш имконини беради¹³⁰.

Тиббиётга доир терминлар ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва интернет тармоқларида семантик гуруҳларга ажратилган¹³¹. Шу манбаларга кўра тиббий терминларни қуйидаги гуруҳлар асосида таснифлаш мумкин:

¹²⁹Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. – М.: Наука, 1974. – С.19-21.

¹³⁰Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 164 б.

¹³¹Data.gov.uz/ru/datasets/6477?dp-1-sort=G1

1. Айрим юқумли ва паразит касалликлар номлари.
2. Асаб тизими касалликлари номлари.
3. Жароҳат ва заҳарланиш билан боғлиқ тушунчалар.
4. Қон айланиш тизими касалликлари номлари.
5. Қон ва қон яратиш аъзолари касалликлари номлари.
6. Кўз ва унинг қўшимчалари касалликлари номлари.
7. Қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта касалликлари номлари.
8. Нафас олиш аъзолари касалликлари номлари.
9. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари номлари.
10. Перинатал даврда пайдо бўладиган айрим ҳолатлар номлари.
11. Руҳий айниш билан боғлиқ тушунчалар.
12. Сийдик таносил тизими касалликлари номлари.
13. Симптом ва аниқланмаган белгилар.
14. Суяк, мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари номлари.
15. Тери ва тери ости тўқималари касалликлари номлари.
16. Туғма аномалия тушунчалари.
17. Ҳомиладорлик, туғиш ва туққандан кейинги даврга оид тушунчалар.
18. Эндокрин тизими касалликлари номлари.
19. Янги пайдо бўлган ўсмалар.
20. Касалликнинг умумий номлари.

Касалликлар тарқалиш доирасига кўра қуйидагича гуруҳланган:

1. Хусусий касалликлар (бирламчи касалликлар).
2. Умумий касалликлар (тарқалган касалликлар).
3. Тиббий кўриқда аниқланган касалликлар.

Бутунжаҳон медицина соҳаси учун Халқаро касалликлар классификацияси эълон қилинган. Бу классификацияда касалликлар гуруҳларга, гуруҳлар кичик гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз ичида янада кичик қисмларга ажратилган¹³².

¹³²Data.gov.uz/ru/datasets/6477?dp-1-sort=G1

Тарихий ва тадрижий тараққиёт жараёнида ўзбек тилига ўзга тиллардан кўплаб сўзлар ўзлашди ва аксинча, ўз ўрнида ўзбек тили ҳам дунё тилларини жуда кўплаб янги-янги сўз ва терминлар, фразема ва неологизмлар билан бойитди. Жаҳон коммуникатив алоқа ва ахборот тизимида ўзбек тилининг ўзига хос ўрни бор.

Бугунги кунда ўзбек тили луғат бойлигида туркий сўзлар қатлами билан биргаликда, бошқа тиллардан олинган сўзлар қатлами ҳам мавжуд ва бу қатлам таркибида хитойча, арабча, мўғулча, форсча, русча ва бошқа тил сўзлари анчагина. Бундай сўзларнинг ўзбек тили (туркий тил) луғатига кўплаб олинishi ислом дини Марказий Осиёга кириб келган даврлардан бошланган бўлиб, ўзбек тилига асосан бевосита (араб тилида ёзилган манбалардан) ёки билвосита (форс тилида ёзилган манбалардан) ўзлашган¹³³.

Сўз маъносини семалар асосида таҳлил қилишга кейинги пайтларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бундай усулдаги таҳлил сўз семантикасига алоқадор жуда кўп ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри белгилашга имкон беради¹³⁴. Семалар семеманинг мундарижасини ташкил этади. Масалан, *атроф* лексемасининг семемаси *ҳамма* ва *томон* сўзларидан; *касал* лексемасининг семемаси *организм*, *фаолият* ва *бузилмоқ* сўзларидан; *кучаймоқ* лексемасининг семемаси *кучли*, *даража* ва *олмоқ* семаларидан таркиб топган.

Сўзнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга доир айрим рус тилшуносларининг илмий қарашларига мурожаат этамиз: “Сема лексик маънонинг энг кичик бўлагидир. Сўзларнинг маъно компонентлари таркибини аниқлашда семеманинг барча параметрлари билан маъно қирраларини ҳисобга олиш зарур”¹³⁵.

¹³³Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т.: Университет, 2003. – Б. 3.

¹³⁴Ғойибов С. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. – Б. 203.

¹³⁵Новиков Л.Н. Семантика русского языка. – М., 1982. – С. 130.

Тилшунос Л.М.Васильев лексемаларнинг минимал бирлиги сифатида семаларнинг ўндан зиёд тури борлигини қайд этади¹³⁶. У семаларни нафақат лексик маъно нуқтаи назаридан, балки тил бирликлари ва тил сатҳларининг барча семантик кўрсаткичлари бўйича семик таҳлил этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Тил бирликларининг ҳар бир узвида семемалар мавжуд бўлиб, морфемадан бошлаб, матн даражасигача ҳаммасида маъно компонентлари бор. Тил сатҳлари уч ярусли бўлиб, уларнинг ҳар биридаги сатҳлар ва сатҳлараро семантик муносабатларни юзага чиқариш ва таҳлил этиш семалар асосида амалга оширилади, деб таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослигида семемани ҳосил қилувчи маъно бўлаклари сема деб аталади¹³⁷. Профессор Ш.Раҳматуллаев сема ва семеманинг ўзаро муносабатини қуйидагича талқин қилади: “Бир туркум семемаси асосида бошқа бир туркум семемаси юзага келиши учун туркумлик семаси (*предмет, белги, ҳаракат* кабилар) бу семемаларнинг семалар таркибига тил босқичида бириктирилган бўлиши керак. Акс ҳолда, бир туркум лексемасининг бошқа бир туркум лексемаси каби (ўрнида) ишлатилиши ҳодисаси юз беради, бунда янги семема ҳам, янги лексема ҳам юзага келмайди”¹³⁸

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилига ўзлашган сўзлар, хусусан арабча тиббий терминлар товуш жиҳатидан айнан олинмай, маълум даражада ўзбеклаштирилиб, кўп ҳолларда ўзбек тилининг товушлари тизимига мослаштирилиб олинган. Шунингдек, сўз ва терминларнинг этимологиясини таҳлил қилишда ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, компьютер

¹³⁶Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. – М., Высшая школа, 1990. – С. 175.

¹³⁷Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Т., 1995. – Б. 58.

¹³⁸Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 11-12.

технологияларининг имкониятлари ҳисобга олиниб, ўзлашган сўзлардаги товушлар лотин ҳарфларида ифодаланган¹³⁹.

Ўзлашма тиббий терминлар тезауруси маъно жиҳатдан шартли равишда 5 та семантик майдонга бўлинди¹⁴⁰:

1. Тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслар оти семантик майдони.
2. Анатомик терминлар семантик майдони.
3. Касаллик номлари семантик майдони.
4. Даволаш жараёни билан алоқадор терминлар семантик майдони.
5. Тиббиётга оид ўрин-жой номлари семантик майдони.

3.1. Тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслар номи семантик майдон тезауруси

Ўзбек тилидаги тиббий терминлар мавжуд илмий тадқиқотларга таянган ҳолда, ўзаро семантик гуруҳларга ажратилиб, қуйидаги модел асосида таҳлил қилинди:

СС – семантик соҳа; СМ – семантик майдон; ССМ – семантик субмайдон; СММ – семантик микромайдон.

Тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслар номи семантик майдонини қуйидагича талқин қилдик:

СС – тиббиёт соҳаси.

СМ – тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслар номи семантик майдони.

ССМ – тиббиёт билан шуғулланувчи шахсларни умумлаштириб номловчи семантик субмайдон: *ҳаким, табиб, шифокор*.

¹³⁹Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган тиббий терминларни таҳлил қилиш ва уларни ёзув (график) жиҳатдан тасвирлашда “Ўзбек тилининг этимологик луғати” (Ш Раҳматуллаев, 2003)га асосланилди.

¹⁴⁰Тиббий терминлар ўз ва ўзлашган қатлам сўзларидан иборат. Ўзлашма сўзлар қатламини қадимги санскрит тилидан олинган, юнонча, лотинча, арабча, тожикча, мўғулча сўзлар ҳамда русча-байналмилал сўзлар ташкил қилади. Диссертацияда ўзлашма қатламдан арабча, тожикча, русча ҳамда рус тили орқали ўзлашган юнонча, лотинча терминлар таҳлил қилинди. Бу терминларнинг аксарияти кенг истеъмол луғат фонди асосида шаклланган бўлиб, ўзбек халқи лисоний онгида изоҳсиз ҳам маълум когнитив ахборотни намоён қилади.

СММ – тиббиётнинг тор соҳаси билан шуғулланувчи шахсларни билдирувчи семантик микромайдон: *жарроҳ, ҳамшира, анестезиолог.*

Тиббиёт билан шуғулланувчи шахсларни умумлаштириб номловчи семантик субмайдон: *ҳаким, табиб, шифокор.*

Тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни номлашда уларнинг бажарган вазифаларидан келиб чиқиб ёндашилган. *Ҳаким, табиб, шифокор* терминлари тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни умумлаштириб номлайди. Бу сўзлар тиббиёт билан шуғулланувчи шахслар номи сифатида алоҳида семантик субмайдон ҳосил қилади. Тиббий фаолиятнинг маълум тури билан машғул бўлган шахслар шу семантик майдон гуруҳларини ҳосил қилади.

Ҳаким – бу арабча сўз асли **ḥakīm(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **ҳ** ундошига, **чўзиқ** **ї** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥakīm** → **ҳаким**. Аслида “донишманд бўлди” маъносини англатувчи **ḥakuma** феълидан (АРС, 188) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), дастлаб “донишманд” маъносини англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида “ўткир табиб” маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 678). Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, муаннас шакли **ҳакима** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, 567).

Бу лексема ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, ўткир табиб, врач маъноларини англатади. Масалан, *Касалга чалинганимда, бир ҳакимга бордим. У томиримни ушлаб: “Сизники косиб касали далага чиқинг”, - деди* (Ойбек, “Қутлуғ қон”). Бу сўз тилимизда, айниқса, мумтоз манбаларда донишманд, файласуф маъноларида ҳам ишлатилади. Масалан, *Луқмони ҳаким (ҳар бир сўзи даво маъносида); Бир замонда, - деди дадам, – Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан.*

Ҳаким сўзининг “донишманд” сифати маъноси ҳозирги кунда ҳам доминант маъно ҳисобланади.

Табиб – бу сўз араб тилидан ўзлашган бўлиб, аслида **tibīb(un)** шаклига эга (АРС, 466); ўзбек тилига **итқи** ундошини **т** ундошига, **і** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ї** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tibīb** → **табиб**. Асли кўп маъноли **tabba** феълининг “даволади” маъноси билан ҳосил қилинган **I** боб масдари бўлиб, араб тилида “шифокор”, “врач” маъноларини англатади (АРС, 466); ўзбек тилида “халқ табобати асосида даволовчи шифокор” маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 103).

Бу сўздан ўзбек тилида **табобат**, **табиблик**, **табибчилик** сўзлари ясалган. Сўзлашув тилида **табиб** сўзи **тайиб** тарзида ҳам талаффуз қилинади (ЎТЭЛ, 402). Табобат тиббиёт оламини ифода этса, *табиблик*, *табибчилик* шахс фаолияти билан боғлиқ жараён номларини англатади.

Табиб терминида арабча *табба* феълининг *даволади* маъноси доминант маъно ҳисобланади. *Табиб* лексемаси қадимда беморларни турли гиёҳлар билан даволовчи мутахассис маъносида кенг қўлланган. Бугунги кунда ҳам халқ табобати асосида даволовчи мутахассис маъносида ишлатилади. Табиблик Шарқ халқларида бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб ривожланиб келган. “Авесто”да таъкидланишича, табиблар қарор топган қонун-қоидалар асосида беморларни даволашган. Айниқса, Марказий Осиёда халқ табобати билан даволаш яхши ривож топган. Тажрибали, етук табибларни халқ ҳаким деб атаган. Буқрот (Гиппократ), Жолинус (Гален), Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино каби ҳакимлар машҳур бўлган. Айни пайтда, айтиш мумкинки, тиббиёт фани билан биргаликда, халқ табобати илми ҳам фан сифатида жадал ривожланмоқда.

Халқимиз тарихида табиб термини даволовчи шахсларнинг исмларига кўшилиб, касб-корни ифодаловчи нисбат даражасини ўзида ифодалаган.

Шифокор – ўзбек тилига ўзлашган бу сўз аслида арабча **ṣifāʿ** сўзига тожикча **-кор** кўшимчасини кўшиш билан (ТЖРС, 542) ясалган бўлиб,

“даволовчи” маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418; ЎТЭЛ, 509). Ушбу термин араб ҳамда форс-тожик тиллари асосида юзага келган: **шифо + (-кор) → шифокор**. Касалликдан халос қилувчи, даволовчи, табиб маъноларида қўлланилади. Масалан, *Шифокорлар қадимги даврлардаёқ, заҳарли моддаларнинг инсон сиҳат-саломатлиги учун нафи борлигини эътироф этганлар* (Э.Эгамбердиев, “Заҳарнинг нафи”).

Шифо ўзагидан ўзбек тилида *шифоли, шифобахи, шифоловчи, шифохона* каби янги сўзлар ҳосил қилинган.

Тиббиётнинг тор соҳаси билан шуғулланувчи шахсларни англатган терминлар микромайдони. Шахс отларини билдирувчи тиббий терминлардан айримлари тиббиётнинг тор соҳаси билан шуғулланувчи шахсларни номлаган: масалан, *жарроҳ, ҳамшира, анестезиолог*.

Танани ёки тананинг маълум қисмини тиф, электр асбоблари, нур ёрдамида тилиб, кесиб даволовчи шахслар жарроҳлардир. **Жарроҳ** – бу арабча сўз **ḥarrāh(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига чўзиқ **ҳ** унлисини **о** унлисига, ҳойи хутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ḥarrāh → жаррāҳ → жарроҳ**. Асли “жисмоний шикаст етказди” маъносини англатувчи **ḥaraha** феълидан (АРС, 124) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), “хирург” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 274).

Жарроҳ термини *жароҳат* атамасига алоқадор, чунки бу касб вакиллари “жароҳат солиб” даволайди. *Жарроҳ* (хирург) термини арабча “жисмоний шикаст етказди” маъносини англатувчи **ḥaraha** феълининг I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб, бугунги кунда касалликни шу йўл билан даволайдиган мутахассис, врач маъносида ишлатилади. Бу сўзнинг аслидаги *шикастлаш, кесиш, тиг ишлатиш* сингари маънолари жарроҳ сўзини юзага келтирган. Зеро, бу касб эгасининг иш фаолияти айнан шу маънолар (фақат ижобий маънода) билан боғлиқ.

Жарроҳ термини, асосан, мустақилликдан кейин оммалашди. Унгача ҳозир истеъмолдан чиқиб бораётган *хирург* термини фаол қўлланган.

Ҳамшира – бу от тожик тилида “бирга” маъносини ифодалайдиган **хам-** олд кўшимчаси билан (ТЖРС,544) “сут” маъносини англатадиган **шир** отидан (ТЖРС, 458) тузилган **хамшир** сифатига **-а** кўшимчасини (ТЖРС,543) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли “бир онани эмган аёллар бири-бирига нисбатан” маъносини англатиб, кейинчалик “сингил”, “шифохона ходимаси” маъноларини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II,685). **Ҳамшира** [ф-т] ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган бўлиб, опа ёки сингил демакдир. Ҳамшира сўзининг шифохона ходими, тиббий ҳамшира каби маънорлари ҳам бор.

Ҳамшира сўзининг **-шир** ўзак қисми омоним сўз бўлиб, ўзбек тилида **шир I** товушга тақлид сўз ва **шир II** айн., ичиладиган сут маъноларида кўлланади.

Анестезиолог – (юн. an – инкор кўшимчаси ва aesthesis – сезги, ҳис этиш), анестезиология соҳасидаги мутахассис врач. Масалан, *Бемор билан анестезиологнинг ўзи гаплашиб, тушунча берди.* Анестезиология фани клиник тиббиёт соҳаси, жарроҳликда организмни оғриқсизлантириш, операция вақтида унинг муҳим ҳаётий фаолиятини бошқариш масалаларини ўрганади. Бундан бир неча ўн йил илгари мустақил фан сифатида шаклланган. Йирик шифохоналарда махсус анестезиология бўлимлари, кафедралари бор. Анестезиология кафедраларида анестезиолог мутахассислар тайёрланади ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Анестезиолог термини юнон тилидан ўзлашган шахс оти, ким сўроғига жавоб бўлади, соҳа мутахассиси номини билдиради.

Тиббий фаолият билан шуғулланадиган шахс отларини ифодаловчи терминлар семантик майдони шахс фаолиятини умумлаштириб ва хусусийлаштириб ифодалаш билан фарқланади.

3.2. Анатомик терминлар семантик майдон тезауруси

СС – тиббиёт соҳаси.

СМ – тана аъзолари номлари семантик майдони.

ССМ – танани умумлаштириб номловчи семантик суб майдон: *аъзо*, *бадан*

СММ – тана қисмини билдирувчи семантик микромайдон: *кифт*, *хужсайра*.

Тана аъзолари номлари алоҳида семантик майдон сифатида ўз ичида бир неча гуруҳларни қамраб олади.

Танани умумлаштириб номловчи терминлар: *аъзо*, *бадан*. Даставвал, танани умумлаштириб номловчи терминлар фарқланади: “аъзо”, “бадан”, “тана” тушунчалари умумлашган ҳолда ифода этилади.

Аъзо – “инсон ёки бошқа жонзотлар танасининг бирор қисми”. Бу арабча сўз **باَدْنٌ(un)** шаклига эга (Х.Баранов, Арабско-русский словарь (АРС), 523); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, **дзад** товушини **з** товушига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ь** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **й** унлисини **о** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнини ташлаб қабул қилинган: **باَدْنٌ** → **аъзй** → **аъзо** тарзида. Бу сўз асли “тананинг бирор вазифасини бажарувчи қисми” маъносини англатувчи **узв** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 521), ўзбек тилида birlik шаклидаги сўз сифатида тушунилади, кўплиги **аъзолар** тарзида ифодаланади (ЎТИЛ, I, 66). Бу сўздан ўзбек тилида **аъзолик** мавҳум оти ясалган (ЎТЭЛ, 56).

Бадан – “инсон ёки бошқа жонзотлар танасининг яхлит юзаси”. Бу сўз арабча **badan(un)** шаклига эга (АРС, 61); “жуссали бўлди” маъносини англатувчи **baduna** феълининг I боб масдари бўлиб (А.Ковалёв, Учебник арабского языка (УАЯ), 568), “кишининг танаси яхлитлигича” маъносини ангалатади ва шу маъно асосида **бадантарбия** (физкультура) қўшма сўзи тузилган. **Бадан** сўзи кейинчалик “тананинг сирти” маъносини ҳам англата бошлаган: *Баданим жимирлаб кетди* (ЎТИЛ, I, 70).

Ўзбек тилида *аъзо* ва *бадан* сўзлари биргаликда ҳам ишлатилади. Бундай ўринларда *аъзо* ва *бадан* сўзлари бир бутун тана ёки инсон танасининг барча

аъзолари маъносида қўлланилади. Масалан, *Бир неча ойдан бери аъзойибаданим қақшаб оғрийди.*

Аъзо лексемаси инсон танасининг бирор қисми маъносидан ташқари, бирор ташкилот ёки жамиятга кириш, унга аъзо бўлиш маъносини ҳам англатади. Масалан, *Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.*

Тана қисмини билдирувчи семантик микромайдон: *кифт, меъда* терминлари “тана” семантик майдонига кирадиган аниқ тана қисмлари номларидир.

Кифт – бу сўз асли араб тилида **katf(un)**, **katif(un)**, **kitf(un)** шакллариغا эга (АРС, 677); ўзбек тилига **kitf** шакли **tf** товушларининг ўрнини алмаштириб қабул қилинган: **kitf** → **kift**. Кўп маъноли **katafa** феълининг “қўлларини боғлади” маъноси билан (АРС, 677) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (Н.Иброҳимов, Араб тили грамматикаси (АТГ), 142), араб тилидан ўзбек тилига “елка” инсон танасининг аъзолари маъноси билан ўзлашган (ЎТИЛ, I, 389).

Араб тилидаги *кифт* сўзи ўзбек тилига маълум бир товуш ўзгариши, яъни товуш алмашинуви йўли билан ўзлашган: **кифт** → **кифт** тарзида. Ушбу сўз таркибидаги охириги ундошларнинг ўрни алмашган. Араб тилидаги *катафа* – “қўлларини боғлади” феълидан ўзбек тилида *кифт* – “елка” маъносидаги турдош от ҳосил қилинган. Бу ерда ўзбек тилининг сўз ўзлашириш борасидаги ўзига хос хусусиятини ҳам кўришимиз мумкин. Қуйида яна шундай мисолларни келтирамиз:

Меъда – ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бу сўз асли **miъdat(un)** шаклига эга (АРС, 760); ўзбек тилига **i** унлисини **э** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **miъdat** → **меъда**. “Ошқозони оғриди” маъносини англатувчи **muъida** феълидан (АРС, 760) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), асли “ошқозон” маъносини англатади (АРС, 760), ўзбек тилида “овқат ҳазм қилиш

органи”, “овқат ҳазм қилиш фаолияти” маъноларида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 461).

Араб тилидаги *муъда* – “ошқозони оғриди” феълидан ўзбек тилида *меъда* – “ошқозон” маъносини англлатувчи турдош от юзага келган.

Ўзбек тилида *меъда* лексемаси, айти пайтда, омонлексема бўлиб, алоҳида лексик бирлик ҳисобланади. ***Меъда I*** лексемаси инсон организмнинг бир қисми – “овқат ҳазм қилиш аъзоларидан бири”, “ошқозон” маъносида ишлатилади.

Меъда II лексемаси, арабча “териди оқ ёки рангли доғлар ҳосил қиладиган касаллик”, шундай касалликнинг номи. Бу касаллик меъда шиллик пардасининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлиб, *меъда катарри* деб ҳам юритилади. Меъда (ошқозон) шиллик пардасининг турли без ҳужайраларида ишлаб чиқиладиган овқат ҳазм қилиш шираси таркиби (меъёри)нинг бузилиши билан боғлиқ касаллик¹⁴¹.

Ҳар икки лексема от туркумига мансуб бўлиб, турдош от, яъни инсон органи ва касалликнинг умумий номини англатади. Шунингдек, *меъда* сўзи ўзбек тилида “*жонга тегмоқ*”, “*ёқмай қолиш*”, “*зада қилмоқ*” сингари кўчма маъноларда ҳам қўлланилади, масалан, *Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага зигир ёғдек тегиб турибди* (Ҳамза, “Майсаранинг иши”)¹⁴².

Бу семантик микромайдоннинг энг кичик узвлари сифатида қараладиган терминлар ҳам мавжуд:

Ҳужайра – бу арабча сўз **ҳуҷайрат(un)** шаклига эга (АРС, 157); ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **т**товушини ташлаб қабул қилинган: **ҳуҷайрат** → **ҳужайра**. **Наҳага** феъли мақоласида берилган бу сўз араб тилида “алоҳида хона”, “ячейка”, “клетка” маъноларини англлатиши айтилган (АРС, 157); ўзбек тилига охириги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 709; ЎТЭЛ, 595).

¹⁴¹Саломатлик энциклопедияси. – Т.: Матбуот, 1985, – Б. 264-265

¹⁴²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981, – С. 462.

Хужайра лексемаси инсон ёки тирик мавжудот танасининг таркибий тузилишда мавжуд бўлган *майда танача* ёки *аъзо* бўлиб, унинг яшашини, ҳаётийлигини таъминлайди. Ёш организмнинг хужайрасида сув миқдори кексаларга нисбатан кўпроқ бўлиши фанда маълум. Ҳар бир хужайрада сувдан ташқари, бошқа микроэлементлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, *Тери устини қоплаган хужайралар аста-секин ҳалок бўлади* (Н.Исмоилов, “Касалларни парвариш қилиш”).

Ўзбек тилида *хужайра* сўзи “алоҳида хона”, “уй” маъносида *хужра* деб ишлатилади. Масалан, *Болалигим мана шу кичик хужрада ўтган. Мен ўзимга яна бир хужра сотиб олдим* каби.

Анатомик терминлар семантик майдони танани умумий ҳолда номловчи ва тана қисларини ажратиб номловчи семантик микромайдонга бўлинади. Бу терминлар ўзаро партонимик муносабатни намоён қилади.

3.3. Касаллик номлари семантик майдон тезауруси

СС – тиббиёт соҳаси.

СМ – касаллик номлари семантик майдони.

ССМ – касаллик тушунчасини умумлаштириб номловчи семантик суб майдон: *касал, касалманд, касалнамо, дард, эпидемия, эпидемиология, пандемия, вабо.*

СММ – касалликнинг аниқ турини билдирувчи семантик микромайдон: *жароҳат, жировик, катаракта, инсульт, инфаркт, истисқо, хафақон, қабзият, бод, газак, гул, пилла, сўзак.*

СММ – касаллик белгисини билдирувчи семантик микромайдон: *тиббий, асорат, асабий, басир, восвос, ирсий, мажруҳ, майиб, фалаж, шабкўр, бедаво, бетоб.*

СММ – касаллик билан алоқадор тушунчаларни ифодаловчи семантик микромайдон: *сиҳат-саломатлик, кома, диагноз, иммунитет, шифобахи.*

Касаллик тушунчасини умумлаштириб номловчи семантик суб майдон. Ҳар бир тилда касаллик тушунчасини умумлаштириб номловчи бирликлар мавжуд. Ўзбек тилида ўзлашган ва ўз қатлам сўзлари умумий маънода “касаллик” тушунчасини билдириб келади. Шулардан айримлари борасида тўхталамиз.

Касал – бу сўз асли арабча бўлиб, **kasal(un)** шаклига эга (АРС, 689); “эринчоқ бўлди”, “ланж бўлди” маъноларини англатувчи **kasila** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида “эринчоқлик”, “зерикиш” маъноларини англатади (АРС, 689); ўзбек тилида бу сўз “тана аъзоларининг одатдаги фаолияти бузилган”, “бетоб” (**касалманд**, (касалванд)), “бетоблик” (**касалга чалиниш**), “бетоб киши” (**касал**) маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 370). Бу сўз билан ўзбек тилида **касаллик** мавҳум оти, **касаллан**-феъли ясалган, **касал бўл**- кўшма феъли тузилган (ЎТЭЛ, 196).

Касалманд – бу сўз ўзбек тилида арабча **kasal** сўзидан тожикча **-манд** кўшимчаси билан (ТЖРС, 542) ясалган сифат бўлиб, “тез-тез бетоб бўлиб турадиган”, “дардчил” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **касалванд** шаклида ҳам талаффуз қилинади, бунда **м** ундоши **в** ундошига алмашади: (**лм** → **лв**).

Касалнамо – ўзбек тилидаги бу сўз арабча **kasal** сўзига “нимагадир ўхшаб кўрин-” маъносини англатувчи тожикча **намудан** феълининг **намо** ҳозирги замон асосини (ТЖРС, 256-257) кўшиб тузилган; “касал бўлгандек” каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 371).

Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган *касал*, *касалманд*, *касалнамо* лексемалари битта ўзакдан ҳосил қилинган. Касал термини арабча *касила* – “эринчоқ бўлди”, “ланж бўлди” маъносини англатувчи феъл. Ушбу феълнинг ўзбек тилига ўзлаштирилиши жараёнида унга маълум маънода *соғлигини йўқотган одам*, яъни *касал*, *бетоб* маънолари кўшилган ва ўзбек тилида феълдан нисбий сифат ҳосил бўлган.

Кейинчалик, ушбу ўзлашган нисбий сифатга такрорийлик маъносини ифодаловчи тожикча -**манд** ва ўхшашлик маъносини ифодаловчи тожикча – **намо** кўшимчалари кўшилиб, янги маъноли сўзлар ясалган.

Дард – бу тожикча от кўп маъноли бўлиб, “оғриқ”, “касаллик,” “қайғу” каби маъноларни англатади. Бу отдан ўзбек тилида *дардлаш*- феъли ҳосил қилинган; тожик тилидан шу от билан тузилган *дарди бедаво* изофа бирикмаси ҳам олинган (ЎТИЛ, I,210).

Дард лексемаси ўзбек тилида омолексема бўлиб, айти пайтда, кўп маъноли хусусиятга ҳам эга. *Дард I [ф-т]* Оғриқ, касаллик. Масалан, *Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади; Танаси бошқа дард билмас* (Мақол).

Дард II [ф-т] Койиш сўзи. Масалан, *Али десанг, бали дейди, ўл десанг, дард дейди* (А.Қаҳҳор, “Хотинлар”).

Бу лексеманинг ўзбек тилида *руҳий азоб, гам-алам, қайғу, ҳасрат, иш, ташвиш, ноилож қолмоқ, доғда қолмоқ* каби кўчма маънолари ҳам мавжуд.

Дард лексемасининг кейинги маъно толалари унинг бош маъноси, яъни касаллик, оғриқ маъноларига бориб боғланади.

Бугунги кунда тилимизда янги пайдо бўлган ва ўзлашаётган, шунингдек бутун дунёни ларзага солаётган “*COVID-19*” номли ўткир респиратор касаллигини олсак. Мазкур тиббий термин мутлақо янги термин бўлиб, инглизча “CO”-корона, “VI”-вирус, “D”-касаллик демакдир.

Дастлаб, ушбу касаллик 2019 йилги коронавирус ёки “2019-nCov” деб номланган. Текширувлар натижасида, кейинчалик ушбу коронавируснинг генетик тузилишига кўра, 2002 йили Хитойнинг Гуандун вилоятида пайдо бўлган “оғир даражадаги ўткир респиратор синдроми (инглизча “SARS” Severe acute respiratory syndrome) коронавирусини билан ўзаро ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги аниқланди.

Хитой расмийлари вирус одамдан одамга ҳаво орқали ўтиш хусусиятига эга эканлигини тасдиқладилар. Хитойлик мутахассисларнинг таъкидлашича, вируснинг инкубацион даври 2 кундан 12 кунгача чўзилиши мумкин, лекин

ўртача 7 кунни ташкил этади. Яъни коронавирус инсонга юққандан кейин, 2 кундан 12 кунгача ўз симптомларини зоҳир қилмаслиги мумкин. Энг ёмони, бу вақтда ўз баданида мазкур вирусни ташувчи киши ўзининг хасталанганини билмаган ҳолда, мулоқотга киришган ўзга кишига юқтириши мумкин.

Барча коронавируслар каби “2019-nCov”нинг шикаст етказиш зоналари нафас йўллари, ўпка, юрак, ошқозон-ичак тракти, жигар, буйраклар ва асаб тизими ҳисобланади.

Касаллик симптомлари оддий шамоллаш кўринишида бошланиб, тезлик билан ривожланади ва ўткир респиратор касаллиги вужудга келади, ўпка шикастланади ва инсоннинг ҳаётига хавф солувчи ўткир нафас олиш етишмовчилиги юзага келади.

Коронавирусларнинг оддий грипп вирусларидан фарқи шундаки, улар нафақат инсон, балки қуш, мушук, ит, қорамол, туя, чўчка ва қуёнлар каби ҳайвонларни шикастлайди, балки вирус мазкур ҳайвонлар баданида генетик мутацияга йўлиқади. Бунинг натижасида, унинг хавфлилиги, кучлилиги, ўткирлиги, ва мураккаблиги бир неча баробар ортиб кетади. Бундай вируслар юққан организмда касаллик синдромлари типик эмас атипик хусусият касб этади.

Масалан, вирус юқиши натижасида пайдо бўлувчи ўпка яллиғланиши оддий ҳолатдагидан кўра кучлироқ ва ўткирроқ тарзда намоён бўлади. Бундай вируслар, муолажага осонликча “бўйин эгмаслиги” ва агрессивлиги билан ажралиб туради. Гоҳи, касаллик симптомлари оддий диарея, интерит каби қорин оғриғи ва ич кетиш кўринишида ҳам зоҳир бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда, касалликка қарши барча чора-тадбирларни қўллаш билан биргаликда, энг самарали чора касаллик ўчоғини чегаралаб қўйиш ҳисобланади. Бирдан бошланиб, тез тарқалиб, кўпчиликнинг ўлимига сабаб бўлувчи юқумли касалликлар умумий маънода, вабо, ўлат ва тоъвун деб аталади.

Зеро, ҳар қандай эпидемиологик характерга эга бўлган вирус жуда тез тарқалиши билан биргаликда, жуда тез сўнади ҳам. Эпидемиянинг авж нуқтаси ортда қолгандан сўнг, маълум вақт ўтиб, вируснинг атвори ўзгаради ва одамларда ҳам унга мойиллик камаяди. Бу янги вирусдир ва ҳозирги кунга қадар “COVID-19” ўткир респиратор касаллигининг хусусиятлари (симптомлари)тўлиқ ўрганилган эмас.

Бугунги кунда “COVID-19” номли ўткир респиратор касаллиги мутахассислар тилида эпидемия эмас, пендемия деб аталмоқда ва дунёнинг 220 дан ортиқ давлатларига тарқалган.

Эпидемия – инфекциян касалликлар билан касалланишнинг юқори даражаси бўлиб, одатда маълум вақт давомида муайян территорияда қайд этилади.

Эпидемиология – касалликни бутун дунё аҳолиси ўртасида ёппасига тарқалиши ва шу ҳодисани ўрганувчи соҳа маъносини билдиради.

Пандемия – эпидемик касалликнинг бир мамлакат ёки бир нечта мамлакат, қитъа ёки континентда интенсив тарқалиши. Пандемик тарқалиш ҳаво-томчи йўли билан юқади¹⁴³.

Аллома Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси ва тўғри овқатланиш масалаларига катта аҳамият берган. Унинг бу соҳадаги нодир маслаҳатлари ҳозирги кунгача ўз қийматини йўқотмаган. Касалликларни (хусусан, ички касалликларни) тўғри аниқлаши, уларнинг қандай кечишларини аниқ, батафсил тасвирлаб берганлиги ва тиббий соҳадаги қатор кашфиётлари алломани ҳозирги замон тиббиёт терапиясининг асосчиларидан бири деб аташга имконият яратди.

Ибн Сино ошқозон яраси, ўпка яллиғланиши, сариқ касаллиги қизамиқ, чечак, турли яралар ва бошқа қатор касалликларни шу қадар тўғри ва муфассал таърифлаб берганки, унга ҳатто ҳозирги замон шифокорлари ҳам қойил қоладилар. Инсон танасига ташқи омилларнинг таъсири масаласига

¹⁴³Саломатлик энциклопедияси. – Т.: Матбуот, 1985. – Б. 329.

катта аҳамият берган аллома баъзи касалликларнинг сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди¹⁴⁴.

Унинг илғор фикрлари бугунги кундаги “COVID-19” ўткир респиратор касаллиги пандемиясининг олдини олиш ва даволашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга қадар рўй берган ва ҳозирда давом этаётган тарихий-маданий ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни табиий равишда, аввало, тилимизнинг лексикасида ўз аксини топиб боради. Яъни, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, янги-янги сўз, тушунча ва терминлар, жумладан тиббий терминларнинг юзага келишида ўзбек тили ўзига хос илм-маданият ўчоғи сифатида намоён бўлади.

Вабо – “қирғин, ёппасига ўлим олиб келувчи юқумли касаллик” номи. Бу арабча сўз **vabāʿ(un)** шаклига эга (АРС, 869); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **о**унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **vabāʿ** → **вабā** → **вабо**. Бу сўзасли “ўлат (чума) касаллиги билан оғриди” маъносини англатувчи **vabīʿa** феълининг (АРС, 869) масдари бўлиб (УАЯ, 568), “ўлат”, “чума” касаллигини англатади (ЎТИЛ, I, 169).

Вабо лексемаси касалликнинг умумий номи бўлиб, ўзбек тилида оммавий қирғин келтирувчи касалликларнинг барча турларига нисбатан қўлланилади. Аслида **вабо** – организмнинг сувсизланиши билан кечадиган, одамни тезда ҳалок қиладиган ўткир юқуми касаллик бўлиб, ўта хавфли ичак касалликларидан саналади.

Вабо лексемаси кўчма маънода офат, кулфат каби кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Касалликнинг аниқ турини билдирувчи семантик микромайдон.
Жароҳат – бу араб тилидан кирган сўз **ḥirāḥat(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига **i** унлисини **a** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **o** унлисига, ҳойи хутти товушини **ḥ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ḥirāḥat** → **жарāҳат** →

¹⁴⁴Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т., 1994., III жилдлик, I жилд, – Б. 7-8.

жароҳат. Асли “жисмоний шикаст етказди” маъносини англатувчи **çaraha** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), “жисмоний шикаст”, “яра-чақа” маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 274). Бу сўздан ўзбек тилида **жароҳатла(н)-** феъли, **жароҳатли** сифати ясалган.

Жароҳат лексемаси ўзбек тилига шу қадар сингиб кетганки, тилимизда худди ўзбекча сўз каби ишлатилади. Бироқ ушбу сўзнинг *шикаст, яра* каби маънолари етакчи ўрин тутди. Ушбу сўз тилда кўчма маънода юракдаги алам, яра, доғ сингари маъноларда ҳам қўлланилади, масалан, *қалб жароҳати, тил жароҳати* каби. Масалан, *Ёмон сўз инсоннинг юрагини жароҳатлайди ва бу жароҳат бир умр кетмайди.*

Жировик – (юн. *lipos* – ёғ, *oma* – ўсма), ёғ тўқимасидан ривожланадиган хавфсиз ўсма. Масалан, *Ҳалима опанинг бўйнидан чиққан яра жировик экан.* Ҳар хил катталиқда бўлади. Кўпинча, тери ости ёғ қавати, чарви, фасциялар, бўғимларда, баъзан пай пардалари, шунингдек орқада, бўйинда, қориннинг олдинги девори ва бошқа жойларда учрайди. Жировик бириктирувчи тўқимали капсула билан ўралган бўлиб, секин ўсади. Организм фаолиятларига зарар етказмайди, заруратга қараб, жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

Жировик термини юнонча, турдош от, нима сўроғига жавоб бўлади, касалликнинг умумий номини билдиради.

Катаракта – (юн. *Katarrhaktos* – шаршара), кўз гавҳарининг хиралашиши. Бунда кўзга тушаётган ёруғлик нурларининг йўли қисман тўсилиб қолиб, кўз баъзан кўрмай қолади. Масалан, *Катаракта билан оғриган бемор кўз касалликлари шифохонасига ётқизилди.* Кўз гавҳарининг қайси қисми хиралашишига қараб, катарактанинг олд ва орқа поляр, халтали, ядроли, урчуқсимон, плёнкасимон, қаватли, зонуляр ва бошқа турлари фарқланади. Катаракта туғма ёки орттирилган бўлади.

Катаракта термини юнон тилидан олинган, нима сўроғига жавоб бўлади ва турдош от туркумига киради.

Инсулт – (лот. Insult – човут солмоқ, ҳужум қилмоқ), бош мияда қон айланишининг тўсатдан бузилиб, мия тўқимасининг зарарланиши ва фаолиятининг издан чиқиши; мияга қон қуюлиши ёки миянинг бир қисмида қон билан таъминланишнинг бирдан бузилиши. Масалан, *Қўшимиз Йўлдош ака инсулт касаллиги сабабли 68 ёшида вафот этди*. Кўпинча тананинг ўнг ёки чап қисми фалаж бўлади (*гемиплегия*), бемор тилдан қолади, тузук гапира олмайди, нутқи бузилади. Касаллик инсоннинг хотира ва эслаш қобилиятига ҳам таъсир қилади.

Инсулт термини тилимизга лотин тилидан ўзлашган бўлиб, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига мансуб, турдош от ва нима сўроғига жавоб бўлади.

Инфаркт – (лот. Infarctus – тўлдираман, тикиштираман), одам организмида узоқ вақт қон етишмаслиги, шунингдек тўсатдан қон айланишининг бузилиши натижасида аъзо ёки тўқиманинг бирор қисми ҳалок бўлиши, некрозга учраши. Масалан, *Профессор К.Назаров инфарктни бошидан ўтказганлиги боис, одамлар билан жуда эҳтиёт бўлиб, вазминлик билан муносабат қиларди*. Инфаркт деярли барча аъзолар (юрак, ўпка, буйрак, талоқ, ичаклар, бош мия ва б.)да кузатилади.

Инфаркт термини лотинча, от туркумига киради ва нима сўроғига жавоб бўлади.

Истисқо – (арабча), юрак, буйрак ва бошқа органларнинг касалланиши натижасида одам танаси тўқимасида сув тўпланиши касаллиги (транссудат). Масалан, *Мен фалон бойваччанинг хотини бўлар эдим. У киши яқинда истисқо касали билан ўлди* (Ғ.Ғулом, “Тирилган мурда”). Суюқлик қайси аъзода тўпланишига қараб, бош мия, кўкрак, мойк, қорин ва бошқа аъзолар истисқоси фарқланади.

Истисқо термини араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган, турдош от, нима сўроғига жавоб бўлади ва касалликнинг умумий номини билдиради.

Хафақон – арабча сўз бўлиб, “урмоқ”, “титрамоқ” маъноларини англатади. Бу от (ПРС, 195)да **хафаган** шаклида келтирилиб, “юррак ўйноғи”, “қон томирларининг сиқилиши”, “қон характланишининг тўсилиши” маъноларини англатиши айтилган; (ТЖРС, 421)да **хафақон** шаклида келтирилиб, *мед.* “астма”, “удушье” деб изоҳланган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да биринчи маъно деб “мунгли”, “ғамгин” маъноси, иккинчи маъно деб “қон босими ортиши туфайли юз берадиган касаллик” маъноси таъкидланган (ЎТИЛ, II, 321). Ушбу от таркибидаги **хафа** қисмининг маъноси аниқ, лекин **қон**, **гон** қисмларининг маъноси луғатларда изоҳланмаган. Бу от “қон босимининг кўтарилиши билан юз берадиган касаллик” маъносини англатади, дейиш тўғри.

Хафақон касаллиги – юракнинг тез ёки нотекис уришини сезиш ҳолати. Бу сезги юрак-томир ва бошқа тизимлар (нерв, эндокрин тизими) касалликларида, соғлом кишиларда кучли ёки одатдан ташқари жисмоний зўриқиш, ҳаяжонланиш кабиларда пайдо бўлади.

Қабзият – ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган ушбу сўз асли **qabziyyat(un)** шаклига эга (АРС, 618); ўзбек тилига **изғи** ундошини з ундошига алмаштириб, **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **qabziyyat** → **қабзийат** → **қабзият**. Кўп маъноли **qabaʔa** феълининг “қисди”, “ушлаб қолди” маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **qabʔ(un)** сўзидан (АРС, 618) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида “маош” маъносини англатади (АРС, 618); ўзбек тилида бу сўз “ичнинг қотиши” маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 630; ЎТЭЛ, 517-518).

Қабзият лексемасининг араб тилидаги *қисди*, *ушлаб қолди* маънолари ўзбек тилидаги ичнинг яхши юришмаслиги маъносига асос бўлган, бироқ *маош* маъноси аксинча маъно ифодалайди. Ушбу сўз кўчма маънода диққати ошган, юраги сиқилган кишининг ҳолатини ҳам аск эттиради. Қабзият сўзи

бугунги кунда ичнинг қотиши билан боғлиқ касалликнинг умумий номини англатади ва тиббиётда кенг қўлланилади.

Бод – бу отнинг дастлабки маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (ЎТИЛ, 1981)да шабада деб берилган: **бод I** [ф-т]кт. Шамол, ел.

Бод II [ф-т]. Бўғин ва мушакларнинг яллиғланиш касаллиги; ревматизм (ЎТИЛ,125). “Таджикско-русский словарь” (1954)да **бод II** отининг бош маъноси “шамол” дейилиб, тўртинчи маъно сифатида “опухоль”, “злокачественная опухоль” деб изоҳланган (ТЖРС, 74). Ревматизм касаллиги об-ҳавонинг ўзгариши, намгарчилик билан боғлиқ; шунга кўра ўзбек тилида **бод II** оти ревматизм касаллигини англатиш учун ишлатилганлиги, табиий.

Бод лексемаси ўзбек тилида икки хил маънода қўлланилади: биринчиси *бод* (*бода, шаббода*) – шамол маъносида. Масалан, *Арзимни айтай боди сабога, Шояд гапиргай ул гул қабога* (Муқимий). Иккинчиси *бод* – ревматизм (*юн. rheumatismos* – шиллик), яъни бириктирувчи тўқиманинг кенг тарқалган яллиғланиши билан тавсифланадиган касаллик.

Тожиқ тилидан ўзлашган *бод* лексемасининг иккинчи, яъни касаллик маъноси ўзбек тилида фаол ишлатилади. Бу касалликда асосан юрак, бўғимлар ва бошқа аъзолар яллиғланади. Ўзбек тилида мазкур лексеманинг учинчи “мақтаниш”, “ғурурланиш” маъноси ҳам мавжуд. Масалан, *Аҳмадбой нимасига бод олади, ўзи бир камбағал оиладан чиққан бўлса?; Бу сафар Равшан ака нимагадир бодиланиб гапирди.*

Бу ўринда ҳам ушбу сўзнинг дастлабки шабада маъноси, *ҳаволаниш, кўтарилиш* маънолари асос бўлган.

Газак – бу от, яъни **газак I** “чақ-,” “жароҳатла-” маъноларини англатадиган тожиқча **газидан** феълининг **газ** ҳозирги замон асосига (ТЖРС, 95) -ак қўшимчасини (ТЖРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу отнинг маъноси (ТЖРС, 95 ва ЎТИЛ, 182)да “яра, шикастланган жойнинг яллиғланиши” деб, (Л.Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий (ССТН) II, 127)да “шамоллаш оқибатидаги шиш”деб, (П.Шамсиев, С.Иброҳимов,

Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат (ЎКААҚЛ), 155)да “яранинг совуқ тегиб қизариши” деб изоҳланган. Кўринадики, бу отнинг маъносини “жароҳатланган жойда пайдо бўладиган яллиғланиш” деб изоҳлаш тўғри. Бу от билан ўзбек тилида *газакла*- феъли ҳосил қилинган, *газак ол*- бирикмаси тузилган.

Газак – бу от, яъни *газак II* асли “тишла”- маъносини англатадиган тожикча *газидан* феълининг *газ* ҳозирги замон асосига (ТЖРС, 95) **-ак** кўшимчасини (ТЖРС, 543) кўшиб ҳосил қилинган. Бу отнинг маъноси (ТЖРС, 95)да “закуска” деб, (ЎКААҚЛ, 68)да “май ичишда кетидан ейиладиган оз миқдордаги егулик ёки ширинлик, закуска” деб, (ЎТИЛ, 182)да “ичкилик устидан ейиладиган овқат, закуска” деб изоҳланган. Демак, бу отнинг маъносини “ичган заҳоти ейиладиган бир тишлам овқат” деб таърифлаш тўғри. Бу от билан ўзбек тилида газак ҳам бўлмайти (кўчма “асло кифоя қилмайти”) ибораси ҳосил қилинган.

Газак I ва газак II лексемалари тожикча бўлиб, бугунги кунда ўзбек тилида *яллиғланиш (йиринглаш)* касаллиги ва *таом (бирор таъсирни енгиш учун истеъмол қилинадиган)* маъноларида кенг қўлланилади. *Ароқдан сўнг, газазига шўр бодринг яхши кетади.*

Шу билан биргаликда, кейинчалик, ўзбек тилида газак сўзининг учинчи *кучаймоқ, зўраймоқ, жиддийлашмоқ* сингари кўчма маънолари ҳам юзага келган. Масалан, *Дилсиёҳлик газаклаб кетди, Нарзи тоға изза тортиди* (Ш.Тошматов, “Эрк қуши”).

Касаллик маъносидаги газак тиббий термини кундалик ҳаётимизда, ҳудудларда кенг қўлланилади, бироқ тиббиётда, илм-фанда нисбатан камроқ ишлатилади.

Гул – бу от, яъни *гул I* (Б.Миллер, Персидско-русский словарь, (ПРС, (1953) 425)да **гол** шаклида, (ТЖРС, 106)да **гул** шаклида келтирилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган; “ўсимликнинг урчиш учун хизмат қиладиган гулбарг, чангдон, гулкосадан иборат қисми”, “чечак” маъноларини

англатади (ЎТИЛ, I, 195). Бу от билан ўзбек тилида **гулла**-феъли, *гулчи* оти ясалган, *гулқайчи* қўшма оти тузилган.

Гул – бу от, яъни **гул II** маъно тараққиёти йўли билан **гул I** отининг “қизил рангли гул” маъносидан ўсиб чиққан бўлиб, “қизилча, қизамиқ” каби касалликларда баданда пайдо бўладиган майда қизил рангли тошма” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

Гул лексемасининг иккинчи – *қизилча, қизамиқ, чечак* маънолари унинг дастлабки маъносидан ҳосил қилинган. Бу ерда маъно кўчишининг метафора усули (юнонча *metaphora* – “кўчирма”) реаллашган. Яъни бирор предмет ёки ходиснинг бошқа бир шундай предмет, ҳодиса билан ўзаро ўхшашлик асосида номланиши кузатилади. Аслида қизилча, қизамиқ, чечак касалликлари ўзаро фарқли (айни пайтда, хусусиятлари ва кўриниши ўхшаш) касалликлар бўлса-да, уларни қадимда бир сўз билан, яъни гул деб қўя қолишган.

Гул II (қизамиқ) – ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий интоксикация, юқори нафас йўллари ва кўз шиллик пардасининг яллиғланиши ҳамда баданга қизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан кечади. Қизамиқ Ер юзида энг кенг тарқалган, вирусли инфекциялардан, унга барча ёшдаги кишилар, асосан ёш болалар берилувчан бўлади. Касаллик мавсумий бўлиб, куз-қиш ва баҳорда кўпроқ учрайди.

Пилла – бу от, яъни **пилла I** (ПРС, 102)да **пиле** шаклида, (ТжРС, 306)да л товуши иккиланган, е товуши а товушига алмаштирилган ва **пилла** шаклига келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакл олиниб, “ипак қуртининг ўз устига ўраб ҳосил қиладиган чўзинчоқ, думалоқ ипак қобиғи” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

Юнон тилидан олинган **колит** термини *kolon* – *йўғон ичак* маъносини англатган, ҳозирги кунда бу термин йўғон ичакнинг юқумли касаллик, нотўғри овқатланиш ва бошқа сабаблар натижасида ўткир ёки сурункали яллиғланиши касаллиги номини ўзида ифода этади. Колит лексемасининг *ичак*

яллиғланиши касаллиги маъноси ҳам маъно кўчишининг ўзаро боғлиқлик асосида рўй бериши, яъни метонимияга мисол бўлади.

Колит термини, дастлаб инсон аъзоларидан бирининг номини, яъни йўғон ичакни англатган бўлса, вақт ўтиши билан тил тараққиётининг кейинги босқичларида ана шу ичак билан боғлиқ касалликнинг умумий номини ўзида мужассам этган. Вақт ўтиши билан тилдаги сўзларда маъно ўзгаришлари, яъни маъно кенгайиши ёки торайиши кузатилади. Колит лексемаси айнан маъно кенгайишига яққол мисол бўлади.

Бу лексема дастлаб, инсон кичик аъзоларидан бирининг номини англатган, кейинчалик шу аъзо билан боғлиқ ҳолда, пайдо бўладиган бутун бир касаллик номини ўзида мужассамлаган. Агарда, биз шу касалликнинг кўпгина ички турларини ҳисобга олсак, у ҳолда, ушбу лексемадаги маъно кенгайиши янада ойдинлашади.

Сўзак – бу от (ПРС, 296)да **сузак** шаклида, (ТжРС, 372)да **сўзоқ** шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожикча шаклидан **о** товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган; асли “оғриқ” маъносини англатадиган **сўз** отига (ТжРС, 371) **-ак** кўшимчасини (ТжРС,543) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “сийдик йўллариининг яллиғланишидан иборат юқумли таносил касаллиги” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94).

Сўзак (гонорея, триппер) лексемаси тожик тилидан ўзбек тилига муайян товуш ўзгариши билан қабул қилинган, юқумли жинсий касалликнинг умумий номини билдиради. Гонококклар кўзгатадиган венерик касаллик номи. Кўпинча, тасодифий жинсий алоқа қилиш оқибатида келиб чиқади. Шу боис, асосан сийдик чиқариш канали ва жинсий аъзолар зарарланади.

Сўзак сўзи аслида омолексема ҳисобланади: **сўзак I** [ф-т]мед. Сийдик йўллариининг яллиғланиши билан кечадиган таносил касаллиги. Масалан, *Касалхонага ётқизилган бемор сўзак касали билан оғриган.*

Сўзак II [ф-т] Қаттиқ совуқ таъсирида панжа учларида сезиладиган санчиқли оғриқ.

Тоб – тожикча **тоб I** оти “куч”, “тоқат” маъноларини англатади (ТЖРС, 395). Ўзбек тилида *тобим қочди, тобим йўқ* каби жумлалар таркибида ишлатилади; сўзлашув тилида бу жумалалар таркибида **б** товуши **в** товушига алмаштирилиб айтилади: *Товим қочди* каби (ЎТИЛ, II, 193).

Тоб лексемаси аслида, яъни тожик тилида омоним бўлмаса-да, ўзбек тилида маъно тараққиёти натижасида омонимия ҳодисаси реаллашган: **тоб I** [ф-т] Киши организмнинг нормал ҳолати, соғлиқ.

Тоб II “пайт”, “фурсат”, “он”. *Шу тобда меҳмон келиб қолди. Бу ишларни оби-тобида бажариш керак.*

Шунингдек, ўзбек тилида **тоб** сўзининг *етилиш даражаси, пайт, хоҳиш, рағбат, қингир-қийиш, эгри-бугри бўлиб қолиш, айниб, лоқайд, суст бўлиб қолиш* сингари кўчма маънолари пайдо бўлган.

Касаллик белгисини билдирувчи семантик микромайдон. Бир қатор терминлар касаллик белгисини билдиради.

Тиббий – бу арабча сўз **tibbiyy (un)** шаклига эга (АРС, 466); ўзбек тилига **итқи** ундошини **т** ундошига алмаштирилиб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **tibbiyy** → **тиббий**. Кўп маъноли **tabba** феълининг “даволади” маъноси билан (АРС, 266) ҳосил қилинган **tibb (un)** I боб масдаридан (АТГ, 142) - **iiy (un)** кўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), “даволаш бўйича” маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 169; ЎТЭЛ, 442-443).

Ушбу лексема табобат (медицина) билан боғлиқ бўлиб, ўзбек тилида сифат сўз маъносида қўлланилади. Бугунги кунда тилимизда тиббий муолажа, тиббий кўрик, тиббий хулоса, тез тиббий ёрдам каби сўзлар фаол ишлатилмоқда.

Асорат – “бирор ҳолат ёки касалликнинг таъсири, белгиси”. Бу арабча сўз **ʔaṣārat(un)** шаклига эга (АРС, 24); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, **се** товушини **с** товушига, чўзиқ **ʔ** товушини **о** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ʔaṣārat** → **асāрат** → **асорат**. Бу сўз асли

“таъсир ўтказди” маъносини англатувчи **yaşara** феълининг (АРС, 23) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568; АРС, 23), ўзбек тилида араб тилидаги “қолдиқ” маъноси асосида юзага келган “касаллик ёки бирор ножўя ҳолат, фаолиятнинг салбий қолдиғи” маъносини англатади: *шамоллашнинг асорати* (ЎТИЛ, I, 58), “*covid*”нинг *асорати* каби.

Арабча *асара* – “таъсир ўтказди”, “қолдиқ” маъноларини англатувчи феълдан ўзбек тилида *асорат* – “касаллик, бирор ножўя ҳодиса, ҳолат ёки фаолиятнинг салбий қолдиғи” маъносидаги мавҳум от ҳосил бўлган. *Асорат* лексемаси ўзбек тилида бирор нарса-ҳодисадан сўнг қолган ёки ундан сўнг пайдо бўлган *белги, из, ўзига хос хусусият* маъноларида ишлатилади.

Ҳар қандай воқеадан сўнг, бирор белги ёки из қолиши, табиий ҳолат. Айниқса, бугунги кунда “*covid-2019*” деб ном олган юқумли, ўткир респиратор касаллик ўзидан сўнг мушак ва бўғинлар оғриғи, балғам ҳосил қилиш, қон босимининг ўзгариши, қондаги қанд микдорининг ортиши, ҳолсизлик, иштаҳасизлик каби турли оғир асоратларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, ўзбек тилида *асорат* лексемасининг синоними сифатида унинг қисқартирилган шакли – *асар* сўзидан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, *Бир ойдан сўнг касалликдан асар ҳам қолмаган*. Асар сўзи ўзбек тилида омоним сўз бўлиб, унинг *ижод намунаси, китоб* маъноси ҳам бор.

Асабий – “тезда қизишиб, тутақиб кетадиган касаллик”. Бу сўз арабча **yaşabiyy(un)** шаклига эга (АРС, 518); ўзбек тилига фатҳали **айн** товушини **а** товушига, **сад** товушини **с** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **yaşabiyy** → **асабий**. Бу сўз араб тилида **асаб** сўзидан (қ.) - **ийу(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), бир неча маъноларни англатади.

Ўзбек тилига бош маъноси – “бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган” маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 56). Ўзбек тилида бу сифатдан **асабийлан-**, **асабийлаш-** феъллари ясалган (Ш.Раҳматуллаев, Ўзбек тилининг этимологик луғати (ЎТЭЛ), 42).

Асабий лексемаси ўзбек тилида, кўпинча, доимо асабийлашиб, яъни жаҳлланиб юрадиган, жиззакни одам ёхуд ҳайвонларга нисбатан қўлланилади. Масалан, *Маҳкамнинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай чақчайган, қонсиз юзидаги муқуллар асабий учар эди* (П.Қодиров, “Уч илдиз”). Бу тиббий термин, аслида касалликнинг умумий номини билдиради. Яъни асаб (нарв) тизимида бирор камчилик ёки нуқсонни бўлган одам. Бесабаб, бирдан қизишиб кетадиган, ҳар хил арзимайдиган нарсаларга асабийлашиб, аламзада бўлиб, жаҳлланиб юрадиган шахс. Бундай касаллик туғма (ирсий – ота-онадан фарзандга ўтган) ёки орттирилган бўлиши ҳам мумкин. Асабийлик касали одамлардаги анормал ҳолат бўлиб, асаб тизимининг бузилиши натижасида юзага келади.

Басир – “кўзи яхши кўрмайдиган”. Бу сўз арабча бўлиб, **bašir(un)** шаклига эга (АРС, 74); ўзбек тилига **сад** товушини **с** товушига, чўзиқ **ї** товушини қисқа **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **bašir** → **басир**. Бу сўз асли “кўрди”, “назари тушди” маъносини англатувчи **bašira** феълидан (АРС, 73) **faʼil(un)** вазнида ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), “кўзининг кўриш қуввати яхши” маъносини англатади (АРС, 74).

Бу сўз (Таджикско-русский словарь (ТЖРС, 50), (Б.Миллер, Персидско-русский словарь (ПРС, 69) ларга шундай маъноли сўз сифатида киритилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (ЎТИЛ, I, 83) ҳам бу сўз асли “кўрувчи”, “кўрадиган” маъносини англатиши қавслар ичида таъкидланган, лекин амалиётда бу сўз “кўр”, “сўқир” маъносини англатиши айтилган.

Бундай ҳолат аёллар нутқида учрайдиган **басир бўлгур** каби тескари қарғишнинг таъсирида воқе бўлгандир: “кўрадиган бўлгур”ни тескари тушуниш оқибатида “кўрмайдиган бўлгур” маъноси юзага келган ва шу асосда **басир** сўзига “кўр” маъносини бириктириш юз берган.

Басир лексемасининг ўзига хос диққатни тортадиган жиҳати шундаки, араб тилида бу сўз “кўзининг кўриш қуввати яхши” маъносини ифода этувчи аслий сифат бўлиб, бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилида аксинча маъно бахш

этиб, “кўзи кўрмайдиган”, “кўр”, “сўқир” маъносини англатади. Тилда бундай акс маъно пайдо бўлиши камдан-кам учрайди.

Васвос – “ақлдан озиш, хаёлига келган нарсани қилиш билан боғлиқ касаллик”. Бу сўз араб тилида **vasvās(un)** шаклига эга (АРС, 889); ўзбек тилига чўзиқ **ă** унлисини **о**унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vasvās** → **васвăс** → **васвос**. Бу сўз асли “кўнглига ғулғула, шубҳа солди” маъносини англатувчи **vasvasa** феълининг масдари бўлиб, “шайтоннинг таъсирига берилиш”, “ёмон ўй-хаёллар таъсирига берилиб, тинчини, соғлигини йўқотиш” каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 173).

Бу сўз АРСда (889) **васвăс** шаклида берилган, дарсликларда эса (УАЯ, 236; АТГ, 339) бундай сўз **филăл(ун)** вазнида ҳосил қилиниши таъкидланган; биринчи бўғинда **и** унлиси эмас, **а** унлисининг келгани бу сўз асли **вас** тақлид сўзининг такроридан тузилгани билан изоҳланади. Сўзлашув тилида **васвос** сўзи, кўпинча, **восвос** тарзида талаффуз қилинади.

Васвос лексемасининг араб тилидан ўзбек тилига ўзлашиши жараёнида сўзнинг иккинчи бўғинида унли товушлар алмашинуви юз берган: **а** → **о**. Бу руҳий касалликнинг хусусияти тиббиёт нуқтаи назаридан шайтон (жин) билан боғланади. Шунингдек, **васвос** касаллиги жиддий ва хатарли бўлиб, кўпинча инсоннинг ўзини ўзи нобуд қилиши, ўз жонига қасд қилиши билан тавсифланади.

Ирсий – бу араб тилидан ўзлашган сўз асли **ʔiršiyu(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, **се** уношини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ʔiršiyu** → **irsiy** → **ирсий**.

Асли “меросга эга бўлди” маъносини англатувчи **variša** феълининг (АРС, 881) I боб масдари **ʔirš(un)** сўзидан **-iyu(un)** қўшимчаси билан ясалган (АТГ, 48) нисбий сифат бўлиб, “наслдан-наслга ўтадиган”, наслий касаллик маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 333).

Араб тилидаги *вариса* - “меросга эга бўлди” маъносидаги феълдан ўзбек тилида *ирсий* – касаллик турини англатувчи нисбий сифат юзага келган. Кейинчалик, ушбу сифат сўздан араб тилида *-ият* қўшимчаси билан “тирик организмнинг жисмоний ва психик хусусиятларини сақлаш ва наслдан-наслга ўтказиш қобилияти” маъносини англатувчи мавҳум от ясалган.

Ўзбек тилида ҳар икки лексема, яъни *ирсий* ва *ирсият* лексемалари, аслида одамлар ёки тирик мавжудотлардаги наслдан-наслга ўтувчи касалликка нисбатан ишлатилади. Масалан, *Одам организмидаги айрим касалликлар ирсий бўлиб, аجدодлардан авлодларга ўтиб боради*. Фақатгина *ирсият* сўзида касалликдан ташқари, одам организмида бўладиган бошқа белги, хусусиятлар ҳам кўзда тутилади.

Мажруҳ – араб тилидан ўзлашган бу сўз асли **maçrûh(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига чўзиқ **û** унлисини **у** унлисига, ҳойи хутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maçrûh** → **мажруҳ**. Аслида “жисмоний шикаст етказди” маъносини англатувчи **çaraha** феълнинг (АРС, 124) I боб мажхул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), “жароҳатланган”, “ногирон”, “майиб” маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

Ушбу арабча лексема ўзбек тилига муайян товуш ўзгариши билан қабул қилинган. Аслида арабча *жараҳа* – “жисмоний шикаст етказди” маъносини ифодаловчи феълнинг сифатдош шакли ўзбек тилига *мажруҳ* – “жароҳатланган”, “ногирон”, “майиб”, “ярадор” маъноларидаги нисбий сифат шаклида ўзлаштирилган. Бу сўз кўпроқ, бирор шикаст ёки жароҳат олиш билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда тиббиётда ушбу термин кенгроқ маънода организм тузилишидаги туғма нуқсонлар, аномалиялар маъносида қўлланилади. Қариндошлик никоҳлари ёки турли венерик касалликлар оқибатида мажруҳлик келиб чиқади.

Майиб – бу арабча сўз **maʼyib(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига айнини ташлаб, чўзиқ **î** товушини **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган:

maʻib → **майиб**. Бу сўз асли “бирор камчилик топиб уришди” маъносини англатувчи **ʻāba** феълининг I боб мажхул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), бош маъносида “камчилиги, нуқсони бор” маъносини англатади (АРС, 552), ўзбек тилида маъно тараққиёти юз бериб, “жисмоний шикаст натижасида ногирон бўлиб қолган” маъносини англатадиган бўлган (ЎТИЛ, I, 442).

Майиб лексемаси ўзбек тилига ўзлаштирилганда муайян товуш ўзгаришларига учраган. Масалан, арабча *ʻayn* товуши тушиб қолган, чўзиқ *ī* товуши *йи* товушларига алмашган. Шунингдек, бу лексеманинг бош маънолари сақланган, чунки *уриш*, *куч ишлатиш*, *зарба бериш*, *зўриқтириш* каби маънолар майиб сўзи билан боғлиқ. Нега деганда, одам ёки ҳайвон бирор нарса, ҳодиса таъсирида майиб бўлади. Агарда туғма бўлса, у ногирон дейилади.

Бугунги кунда *майиб* лексемаси сўзлашув тилида лат еган, пайи чўзилган маъноларида ҳам ишлатилади. Масалан, *Кеча оғир кўтариб, белимни майиб қилдим*.

Фалаж – бу сўз ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, аслида **fāliç(un)** шаклига эга (АРС, 607; ПРС, 363); ўзбек тилига (шунингдек тожик тилига ҳам) чўзиқ **ʻā** унлисини **а** унлисига, **ī** унлисини ҳам **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fāliç** → **фалаж**. **Falaça** феълининг “иккига бўлди” маъноси билан (АРС, 607) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли “яримта” маъносини англатган, кейинчалик “тананинг ҳаракатсиз бўлиб қолган ярми” маъносини (АРС, 363) ва охири “тананинг ҳаракатсиз бўлиб қолиш касаллиги” маъносини англатишга хизмат қилган (ЎТИЛ, II, 293; ЎТЭЛ, 459).

Фалаж (шол) – асаб тизимининг ишдан чиқиши натижасида бирор орган ёки тана аъзоларидан бирининг тамомила ҳаракатсиз бўлиб, қолишидан иборат касаллик. Ушбу лексеманинг *яримта* маъноси ўз доминантлигини

сақлаб қолган. Чунки, кўп ҳолларда, бирор аъзонинг ярми ишдан чиқиши кузатилган.

Шабкўр – бу сифат тожик тилида “тун”, “кеча” маъносини англатадиган **шаб** оти билан (ТжРС, 448) “кўрмайдиган” маъносини англатадиган **кўр** сифатидан (ТжРС, 199) тузилган бўлиб, “қоронғу тушганда кўриш қобилиятини йўкотадиган” маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 389).

Шабкўр (гемералопия) – қоронғида кўриш қобилиятининг бузилиши, кўзнинг кўриш билан боғлиқ касаллиги. Бу сўз тожикча *шаб* отига тожикча кўр сифатини қўшиш билан ҳосил қилинган: **шаб + кўр → шабкўр**.

Кўр сўзи ўзбек тилида *кўрмоқ* феълининг буйруқ шакли бўлиб, аксинча маъно, яъни кўзнинг кўришини ифодалайди. Кўрмайдиган, сўқир кўзни ҳам англатади. Кўр сўзи шу нуқтаи назардан омоним (от ва феъл) ва айни пайтда, антоним, яъни зид маъноли сўзлардир (кўрувчи – кўрмас). Шу боис, бу сўздан ўзбек тили оғзаки нутқида “*Шу қўйни кўр, ўзи кўр, айланиб кўр, яхшилаб кўр!*” каби сўз ўйинлари яратилган.

Кўр лексемасининг *онгсиз, билимсиз, бирор воқеанинг моҳиятини англай олмадиган* каби кўчма маънолари ҳам бор.

Бедаво – бу сифат “йўқ” маъносини ифодалайдиган тожикча *бе*-олд қўшимчасини (ТжРС, 544) “дори-дармон”, “шифо” маъносини англатадиган арабча *даво* отига (АРС, 265) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “давоси йўқ”, “тузалмайдиган” маъносини англатади (ЎТИЛ, 94). Ўзбек тилида бу сифат билан тузилган тожикча *дарди бедаво* изофа бирикмаси ҳам ишлатилади.

Бедаво лексемаси тожикча олд қўшимча *бе*- ҳамда арабча *даво* сўзидан таркиб топган. Мазкур олд қўшимча инкор маъносини англатади, даво сўзига қўшилиб уни инкор этади. Аслида даво сўзи ўзида ижобий маъно акс эттиради.

Даво [ф-т] Беморнинг шифо топиши учун қўлланиладиган восита, дори-дармон.

Ўзбек тилида даво сўзининг *тадбир, чора, илож* сингари кўчма маънолари ҳам мавжуд. Масалан, *Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога?* (Мақол).

Бетоб – бу сифат “йўқ” маъносини ифодалайдиган тожикча *бе*-олд кўшимчасини (ТжРС, 544) “куч”, “мадор” маъносини англатадиган тожикча **тоб 1** отига (ТжРС, 395) кўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66); “мадорсиз”, “хасталанган” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

Бетоб лексемаси худди шундай *бе*-олд кўшимчасини тожикча *тоб* сўзига кўшиб ҳосил қилинган. Тоб лексемасининг маъно хусусиятлари юқорида изоҳланди. Бетоб деганда, касал, хасталанган одам тушунилади.

Касаллик билан алоқадор тушунчаларни ифодаловчи семантик микромайдон. Бир қатор терминлар касаллик билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди.

Сиҳат-саломатлик – асосидаги *сиҳат* сўзи араб тилида **ṣihhat(un)** шаклига эга (АРС, 429); ўзбек тилига **сад** ундошини **с** ундошига алмаштириб, **hh** товушларидан бирини ташлаб, иккинчисини **х** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ṣihhat** → **сиҳат**. Кўп маъноли **ṣahha** феълининг “соғлом бўлди” маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 429), араб тилида “соғломлик”, “тигиена” маъноларини англатади (АРС, 429); ўзбек тилига “соғломлик” маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 60).

Сиҳат лексемаси ўзбек тилида тан соғлиги, соғлик, саломатлик маъноларини билдиради. Масалан, *Сиҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг кўп дема* (Мақол). Бу сўздан ўзбек тилида *сиҳатлан* – феъли, *сиҳатлик* – оти, *сиҳатсиз* – сифати, *сиҳат-саломатлик* жуфт сўзлари ҳосил қилинган.

Кома – (юн. кома – чуқур уйқу), марказий нерв системаси фаолиятининг издан чиқиши, бутунлай хушдан кетиш, ташқи таъсирларга жавоб бермаслик, организмнинг ҳаёт учун муҳим фаолиятлари бошқарилишининг бузилиши билан ифодаланади. Масалан, *Бола қаттиқ шамоллаши ва иситма кўтарилиши натижасида комага тушиб қолди.*

Кома термини юнонча, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига мансуб.

Диагноз термини юнонча diagnosis – *билиш, аниқлаш* демакдир. Яъни касалликнинг тури ва характери, шунингдек беморнинг аҳволи ҳақидаги қисқача тиббий хулоса ва касалликнинг номини англатади. Тиббиётнинг касаллик белгиларини аниқлаш, диагноз қўйиш усуллари ва тамойилларини ўрганадиган бўлими.

Кейинги пайтларда бу термин клиник, патологоанатомик, эпидемиологик, суд-медицина диагнози маъноларини қамраб олди. Бу ўринда маъно тараққиёти бир сўз туркуми доирасидан чиқиб, иккинчи сўз туркумига ўтган. Яъни, диагноз лексемасининг *билиш, аниқлаш* каби ҳаракат маъноларидан *қисқача тиббий хулоса* ва *касалликнинг номи* маънолари юзага келган.

Туркум жиҳатдан мазкур лексемага феъл, яъни ҳаракат маъносидан ташқари от, яъни ном, исм маъноси ҳам юкланган. Диагноз лексемасининг кейинги *қисқача тиббий хулоса* ва *касалликнинг номи* маъноларининг юзага келиши маъно кўчишининг ўзаро боғлиқлиги, яъни метонимия ҳодисаси асосида реаллашган. Термин сифатида диагноз бирор касалликнинг тури ва фарқловчи белгисини аниқлаш маъносида ишлатилади.

Бунда, албатта табиий равишда, касалликни билиш ва аниқлаш йўллари кидирилади. Шу асосда, бирор восита ёки усул ёрдамида касалликка аниқ ташхис ёки хулоса белгиланади. Диагноз лексемасининг кейинги тараққиёт босқичларида *диагноз қўядиган марказ* ёки *жой* маънолари вужудга келган. Масалан, Шаҳар диагностика маркази, Республика диагностика маркази каби.

Худди шундай маъно тараққиётини *иммунитет* терминида ҳам кузатишимиз мумкин. Иммуитет термини лотинча immunitas сўзидан олинган бўлиб, *бирор нарсадан халос бўлиш, қутулиш, холи бўлиш* маъноларини англатади. 1 *биол., тиб.* Организмнинг ўзидан ирсий жиҳатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига

хослигига зарар етказадиган микроорганизмлар (касаллик кўзгатувчилар), захарли моддалар ва бошқалардан ҳимояланиш реакцияси.

Ана шундай иммун ҳимоядан тиббиёт амалиётида кишилар ҳаёти ва соғлигини сақлашда кенг фойдаланилади.

2 ҳуқ. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари фойдаланадиган *алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар*.

3. Қонун чиқарувчи давлат органлари аъзолари (депутатлар)нинг дахлсизлиги.

4 ҳуқ. Гувох бўлмаслик дахлсизлиги¹⁴⁵.

Иммунитет лексемасининг дастлабки *халос бўлиш, қутулиш* каби ҳаракат маъносидан *ҳимояланиш реакцияси, имтиёз, дахлсизлик* сингари предмет маънолари ўсиб чиққан. Маъно тараққиёти феъл туркумидан от туркумига оид маъноларни юзага келтирган. Иммунитет лексемасининг юқорида санаб ўтилган маънолари орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар бир бош маъно, яъни *холи бўлиш* маъносига туташади. Бу эса сўзларда маъно кўчишининг метонимия усулига мисол бўлади.

Таъкидлаш жоизки, *иммунитет* термини бугунги кунда ижтимоий-сиёсий мазмун-моҳият касб этмоқда. Масалан, “Ўзбекистон халқи *мафкуравий иммунитетининг* таркибий қисмлари: “мафкуравий огоҳлик”, “мафкуравий хушёрлик”, “мафкуравий курашчанлик” ва ҳ.к.тушунчалар профессор-ўқитувчиларнинг қизгин маъруза, чиқишларида фаол муомалага киритилмоғи керак” жумласида иммунитет термини тиббий саломатлик муҳофазаси маъносидан узоқлашиб, ғоявий-ижтимоий ҳимоя маъносини ўзида мужассамлаган.

Демак, бирор соҳага оид терминлардаги маъно тараққиёти бошқа соҳа терминларининг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. *Мафкуравий иммунитет* термини айни шу ҳодисага яққол мисол бўла олади.

¹⁴⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 202.

Шифобахи – бу сўз тожик тилида арабча **ṣifāʿ** сўзига тожикча “бер”, “инъом қил” маъносини англатувчи **бахшидан** феълининг **бахш** ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган (ТЖРС, 52); “соғайтирадиган”, “соғломлаштирадиган” маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 418; ЎТЭЛ, 509).

Бундан ташқари, *шифобахи* термини бирор касалликка, дардга малҳам берувчи, даво бўладиган дарахт, гиёҳ, сув ва бошқа шунга ўхшаш нарса-ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, *Беҳи дарахти шифобахи бўлиб, унинг барглари қуритилиб ичилса, қанд касаллигига даво бўлади. Бу ерларда фақат шифобахи гиёҳлар ўсади.*

3.4. Даволаш жараёни билан алоқадор терминлар семантик майдон тезауруси

СС – тиббиёт соҳаси.

СМ – даволаш воситаларини ифодаловчи семантик майдон.

ССМ – даволаш тушунчасини билдирувчи семантик субмайдон: *муолажа, шифо.*

СММ – дори номлари семантик микромайдони: *дори, аспирин, анальгин, пенициллин.*

Даволаш тушунчасини билдирувчи семантик субмайдон. Муолажа – араб тилидан ўзлашган ушбу сўз **muʿālaḡat(un)** шаклига эга(АРС, 532); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали **айн** товушини чўзиқ **ā** товушига, сўнгра чўзиқ **ā** унлиси **o** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muʿālaḡat** → **муāлажа** → **муолажа**. Аслида “даволади” маъносини англатувчи **ʿālaḡa** феълининг(АРС, 532) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), “касалликни даволаш” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481). Муолажа лексемаси арабча бўлиб, ўзбек тилда *даво, даволаш, даволаниш* маъноларида ишлатилади.

Шифо – ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган ушбу сўз асли **ṣifāʿ(un)** шаклига эга (АРС, 410); ўзбек тилига чўзиқ **ā**унлисини **a** унлисига

алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **şifāʼ** → **шифā** → **шифо**. “Соғайтирди” маъносини англатувчи **şafā** феълидан (АРС, 410) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), “соғайиш” маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418; ЎТЭЛ, 509).

Доригар – бу от ўзбек тилидаги *дори* отига “шуғулланувчи”, “тайёрловчи” маъносини ифодалайдиган **-гар** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “дори тайёрловчи” (фармацевт) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234). *Доригар* ўзбек тилида мавжуд сўз ясашиш қолипига эга бўлса ҳам деярли қўлланмайди. *Доришунос* термини ишлатилади. Лекин бу сўз “дори тайёрловчи” эмас, “дорини ўрганувчи” маъносини англатади.

Дори, *доригар* лексемалари аслида *дору* тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилига ўзлашганда, ушбу сўзхнинг охиридаги **у** товуши **и** товушига алмашган: **дору** → **дори**. Тожикча **-гар** қўшимчаси касб-хунар оти ясовчи қўшимча ҳисобланади. Масалан, *заргар*, *чилангар*, *мисгар* ва бошқалар. *Доригар* деганда ҳам, албатта *дори* билан шуғулланувчи, тайёрловчи шахс тушунилади.

Дори номлари семантик микромайдони. *Дори* – бу тожикча от асли *дору* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 136), ўзбек тилига охиридаги **у** товушини **и** товушига алмаштириб олинган; ҳар икки тилда бу от “касални даволаш учун ишлатиладиган модда” маъносини англатади (ЎТИЛ, 234). Бу от билан ўзбек тилида *дори-дармон жуфт* оти, *дорила-* феъли ҳосил қилинган.

3.5. Тиббиётга оид ўрин-жой номлари семантик майдон тезауруси

СС – тиббиёт соҳаси.

СМ – тиббиётга оид ўрин-жой номлари семантик майдони.

ССМ – касални даволаш билан боғлиқ ўрин-жой номлари семантик субмайдони: *клиника*, *поликлиника*, *касалхона*, *шифохона*, *оромгоҳ*, *сиҳатгоҳ*.

СММ – даволаш воситалари билан боғлиқ ўрин-жой номлари семантик микромайдони: *дорихона*.

Касални даволаш билан боғлиқ ўрин-жой номлари семантик субмайдони. Ҳозирги пайтда тиббиёт соҳасида кенг кўламда қўлланиб келаётган *клиника* терминини олсак, бу термин юнонча *klinike* – *ётган касални парваршилаш, даволаш* маъноларини, шунингдек *кўрпа-тўшак* маъносини англатади. Беморларни ётқизиб (стационар) даволаш билан бирга, тиббий таълим ва илмий текшириш ишлари олиб бориладиган махсус шифохона. Клиникада, одатда беморлар даволанади, шунингдек талаба-ёшларга тиббиёт мутахассисликлари бўйича дарс берилади ҳамда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Бугунги кунда стационар касалхона, шифохона, даволаниш муассасаси, маслаҳат олиш муассасаси (юридик клиника) маъноларида ишлатилмоқда.

Мазкур лексеманинг *касалхона, шифохона, даволаниш муассасаси, маслаҳатхона* сингари маънолари ўзаро боғлиқлик асосида, яъни метонимия (юнонча *meta* – *алмаштирмақ, опота – ном*, яъни қайта номлаш демакдир) усулига кўра юзага келган. Чунки, касал бўлган киши, албатта кўрпа-тўшак билан ётиши ёки уни ўзи билан олиб келиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, касал одамни даволаш, унга тегишли маслаҳатлар бериш лозим. Маслоҳатлар турлича бўлиши мумкин: врач маслаҳати, табиб маслаҳати, бирор соҳа мутахассисининг маслаҳати, юрист (ҳуқуқшунос) маслаҳати ва ҳоказо. Клиниканинг *муассаса, маслаҳатхона* маънолари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган. Ушбу лексеманинг *юридик клиника* маъноси *врач маслаҳати* маъносидан ўсиб чиққан.

Аслида, *врач маслаҳати* маъноси инсон саломатлигини асрашга хизмат қилса, *ҳуқуқшунос маслаҳати* маъноси эса инсонга тўғри яшаш қонун-қоидаларини, яъни ҳаёт қонуниятларини, йўл-йўриқларини ўргатишга хизмат қилади. Ана шу инсон билан боғлиқ умумий (бош) маъно кейинги маъноларнинг юзага келишига замин яратган.

Клиника термини *юридик клиника* маъносидан ишлатилганда, унинг *врач маслаҳати* маъноси ўзгариб, тамоман янги маънога эга бўлади. Зеро, *юридик*

клиника деганда, *врач маслаҳати* эмас, балки юридик соҳага доир бўлган *ҳуқуқшунос маслаҳати* тушунилади. Айни пайтда, юридик клиникада ўқувчи-ёшларга инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ амалий машғулотлар ҳам олиб борилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, *клиника* термини ҳозирги кунда тиббиёт соҳасидан ташқари, ижтимоий-сиёсий, илм-фан соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Айни пайтда, мазкур терминнинг ижтимоийлашувини кузатишимиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўзнинг бош маънодан ташқари, яна бир неча ясама маъноларга эга бўлиши сўзлардаги маъно тараққиёти қонунларига асосланади. Ана шундай қонунларга *маъно кўчиши*, *маънонинг кенгайиши*, *маънонинг торайиши* ҳодисалари киради.

Сўз маъносининг кўчиши *метафора* (ташқи ўхшашлик), *вазифадошлик* (вазифадаги ўхшашлик), *метонимия* (ўзаро боғлиқлик), *синекдоха* (қисм билан бутун муносабати) сингари ҳодисаларни ўз ичига олади¹⁴⁶. Сўзларда маъно кўчганда, асл маънолари инкор қилинмайди, балки асл маъноларига қўшимча равишда янги маънога эга бўлади ва шу билан уларнинг маъно доираси ҳам кенгайди.

Сўз маъноларининг кўчирилиши предмет, воқеа ва ҳодисалар орасидаги ўзаро ўхшашлик ёки боғлиқликни бир-бирига таққослаб кўрсатиш билангина чекланиб қолмайди, балки маълум предметни билдирувчи сўз билан предмет ўртасида ўзаро муносабат мавжудлигини ёки ўхшашлик борлигини белгилайди. Тиббий терминлар мисолида “*поликлиника*” терминини олсак, даволаш-профилактика муассасаси; қатнаб даволанадиган ва уйида ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассаса¹⁴⁷.

¹⁴⁶Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б. 21.

¹⁴⁷Тиббиёт энциклопедияси. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 391.

Шу билан биргаликда, ўзбек тилида *шифохона*, *касалхона*, *сиҳатгоҳ* сингари реаліялар ҳам мавжуд бўлиб, улар оғзаки нутқда ўзаро алмаштирилиб қўлланаверади.

Тилшуносликда термин ва реаліяларга бир хил birlik сифатида қаровчи олимлар ҳам бўлса-да, бироқ улар маъно англатиши (семантик) жиҳатдан ўзаро фарқланади. Термин миллий, тарихий ва маҳаллий бўёқларга эга эмас ва одатда номинатив функция бажаради. Реаліялар эса ўзида миллий бўёқни акс эттириб, маълум бир халқ тилига хос бўлган сўзлардир. Терминлар тилдан тилга осонгина ўзлашса, реаліяларни тилдан тилга ўтказиш қийинроқ кечади, чунки у миллий характерга эга бўлган сўздир.

Худди шундай “*шифохона*” сўзи даволаш муассасаси бўлиб, беморларни стационар шароитда даволаш, аҳолига диспансеризация усулида хизмат кўрсатишга мўлжалланган жой.

“*Касалхона*” беморларни ётқизиб даволайдиган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади. Касалхона “*поликлиника*” билан бирлаштирилган, яъни унинг таркибида поликлиника ҳам мавжуд бўлиши ёки касалхона “*поликлиника*” билан бирлаштирилмаган, яъни таркибида поликлиника мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин, деб таъкидланади илмий манбаларимизда.

“*Сиҳатгоҳ*” сўзининг маъноси соғломлаштириш, дам олиш, яъни соғликни тиклашга қаратилган дам олиш масканидир.

Касалхона – бу сўз араб тилида “бетоблик” маъносини англатадиган **kasal** сўзига “уйнинг алоҳида бўлмаси” маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган бўлиб (АРС, 689; ТЖРС, 426), “касаллар ётиб даволанадиган муассаса”, “касал киши ётиб даволанадиган шифохона” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

Бу лексема қадимдан мавжуд бўлиб, касалларни, беморларни мунтазам кузатиш ва даволаш учун жойлаштириладиган муассаса, шифохона маъноларида қўлланилади. Ўзбекистон ҳудуди (Мовароуннаҳр, Хуросон)да касалхоналар сифатида алоҳида бинолар қурилган. Айни пайтда, поликлиника

билан бирлаштирилган ва поликлиника билан бирлаштирилмаган касалхоналар мавжуд.

Касалхона тиббий терминининг *касал* маъноси салбий аттенкага эга бўлиб, унга жой маъносини англаторувчи *-хона* қўшимчаси қўшилган. Шу боис, аслида, ушбу терминни бугунги кун тиббиётида кенг қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Шифохона – бу сўз “соғайиш” маъносини англаторувчи арабча **ṣifāʿ** сўзига тожикча “уй”, “жой” маъносини англаторувчи **хона** сўзини қўшиб тузилган (ТЖРС, 426); “соғлиқни тиклаш муассасаси” (лечебница), “тоби йўқ кишиларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаси” маъноларини англаторуви (ЎТИЛ, II, 418; ЎТЭЛ, 509).

Шифо лексемаси асли арабча бўлиб, унга тожикча *-бахш*, *-хона* қўшимчалари қўшилиб, юқоридаги *шифобахш* – сифати, *шифохона* – от сўзлари ҳосил қилинган. Ушбу сўзлар касалларни даволаш воситалари, даволаш жойлари ва бошқа маъноларни билдиради.

Таъкидлаш жоизки, юқорида таҳлил қиланган тиббий терминларнинг барчаси бугунги кунда инсон танаси билан боғлиқ касалликларни аниқлаш ва даволашда кенг қўлланилади.

Ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган лексик бирликлар, жумладан терминлар орасида тожик (форс)ча терминлар ҳам мавжуд. Хусусан, ўзбек тилига тожик (форс) тилидан ўзлашган тиббий терминлар ҳам маълум бир фоизни ташкил этади.

Тилда “*шифохона*” сўзини ёки “*поликлиника*” терминини ўз ўрнида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, аммо “*касалхона*” сўзини қўллаш мантиқан тўғри эмас. Чунки бу сўзнинг замирида “*касал*” маъносидаги салбий аттенка мавжуд бўлиб, касалларни янада касал қиларувчи жой маъносида ҳам тушунилиши мумкин. Аслида эса касалларни даволайдиган ёки уларга шифо берадиган маскан ёки жой бўлиши керак.

Бундай масканларни *касал* сўзи билан боғлиқ ҳолда аташ ёки ном бериш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Гарчи кундалик мулоқотимизга бу сўз рус тилидан тўғридан-тўғри таржима (калька) сифатида ўзлашган бўлса-да, аҳоли, айниқса мутахассислар бундай сўзлардан фойдаланишмаса, аста-секин умумистеъмолдан чиқиб кетади.

Афсуски, тилимизда *касалхона* сўзи, аксинча кенгроқ доирада қўлланилади. Буни юқорида *касалхона* сўзига берилган таърифдан ҳам англаб олиш мумкин. Мана шундай ўринларда, албатта тилдаги терминлар прагматикаси ёки сўз қўллаш меъёрлари билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Оромгоҳ – бу тожикча от **ором** оти билан “жой” маъносини англатадиган **гоҳ** отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, “дам олиб роҳат қиладиган жой” маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 542).

Оромгоҳ лексемаси тожикча *тинч, роҳат, дам олиш, ҳузур* маъноларини англатувчи **ором** сўзига тожикча жой оти ясовчи *-гоҳ* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган: **ором + (-гоҳ) → оромгоҳ**.

Оромгоҳ [ф-т] кишилар дам оладиган, роҳат қиладиган жой. Масалан, *Биз ўтган йили Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ оромгоҳида бўлдик*.

Даволаш воситалари билан боғлиқ ўрин-жой отлари семантик микромайдони. *Дорихона* – бу от **дору** (дори)отига “жой” маъносини англатадиган **хона** отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “дори тайёрланадиган, сотиладиган жой” (аптека) маъносини англатади (ТжРС, 135; ЎТИЛ, I, 235).

Дорихона лексемаси тожикча *дору* отига, тожикча жой маъносини англатувчи *-хона* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган: **дору → дори + (-хона) → дорихона**. **Дорихона [ф-т]** дори тайёрланадиган ва сотиладиган жой, аптека.

Тиббиёт терминларининг соҳаси “тиббиёт” деб белгиланди. Бу семантик соҳа ўз ичида семантик майдонларга, семантик майдонлар эса семантик

субмайдонларга, семантик субмайдонлар эса микромайдонларга ажралади. Тезауруслардаги бу майдонлар терминларнинг тизимли муносабати асосида шаклланган. Семантик майдонлар ўртасида ҳам умумийлик, алоқадорлик мавжуд бўлади.

III боб бўйича хулоса

1. Дунё тилшунослигида тиббий терминлар умумий луғат фонди таркибида тезаурус базалари сифатида шакллантирилган. Тезауруслар терминлар орасидаги семантик майдонларни ўзаро алоқадорлик мезони кўлам асосида ажратиш имконини беради. Семантик майдон ўз ичида кичик семантик майдонларга ажратилади. Тезаурусларда семантик майдонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам акс этади.

2. Мавжуд тиббий терминлар тезаурусига Бутунжаҳон медицина соҳаси учун қабул қилинган Халқаро касалликлар классификацияси асос қилиб олинган. Бу классификацияда касалликлар гуруҳларга, гуруҳлар кичик гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз ичида янада кичик қисмларга ажратилган. Даставвал, хусусий касалликлар ва умумий касалликлар фарқланган. Ҳар бир семантик майдон ўзига мансуб, семантик алоқадор бўлган кичик гуруҳларга ажратилган.

3. Тарихий ва тадрижий тараққиёт жараёнида ўзбек тилига ўзга тиллардан кўплаб тиббий терминлар ўзлашди ва аксинча, ўз ўрнида ўзбек тили ҳам дунё тилларини жуда кўплаб янги-янги сўз ва терминлар, фразема ва неологизмлар билан бойитди. Бугунги кунда ўзбек тили луғат бойлигида туркий сўзлар қатлами билан биргаликда, бошқа тиллардан олинган тиббий терминлар қатлами ҳам мавжуд ва бу қатлам таркибида хитойча, арабча, мўғулча, форсча, русча-байналмилал сўзлар анчагина. Ўзбек тили луғат фондида тиббий терминлар фаоллиги кузатилади.

4. Сўз маъносини семалар асосида таҳлил қилишга кейинги пайтларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бундай усулдаги таҳлил сўз семантикасига алоқадор жуда кўп ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри

белгилашга имкон беради. Сема лексик маънонинг энг кичик бўлаги ҳисобланиб, термин шаклланишидаги ментал онг, тафаккур, идрок белгиларини ёритишда муҳим ўрин тутди. Тиббий терминларнинг маъно компонентлари таркибини аниқлашда семеманинг маъно қирралари билан боғлиқ семаларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Тиббий терминлар тезуруси семалардаги фарқларни ҳам ёритиш имкониятига эга.

5. Хорижий тиллардаги мавжуд тезауруслар ўзига хос ифодалаш моделларига эга. Энг фаол кузатилган модел сифатида СО – семантическая область (семантик соҳа – СС), СП – семантическое поле (семантик майдон – СМ, ССП – семантическое субполе (семантик субмайдон ССМ), СМ – семантическое микрополе (семантик микромайдон – СММ) қабиларни келтириш мумкин. Бу моделлар тиббий тушунчаларни семантик майдон асосида акс эттириш имкониятини яратади.

6. Ўз қатламга оид терминларни умумистеъмол сўзлари учун хосланган тезаурус моделлари кўринишида изоҳлаш семантик таҳлиллар учун муҳим хулосалар беради. Бунда терминнинг морфологик таркиби, мансублиги, ўз ва кўчма маъноси, паронимлари, омонимлари, антонимлари, гипогиперонимлари, этимологияси, яқин тушунчалари, бирикмалар таркибида, иборалар таркибида келиши эътиборга олинади. Тезаурус луғатлар тиббий терминлар ўртасидаги семантик алоқадорлик, валентлик, тушунча ва когнитив билим асосларини ёритиш имкониятига эга.

IV БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАРМОҚ ТЕЗАУРУС МОДЕЛИ

Терминлар тил бирликлари сифатида лексик-семантик хусусиятларга эга. Терминларнинг семантик тараққиёти деганда, сўз семантик структурасидаги ўзгаришлар, маълум бир семаларнинг юзага келиши, семантик торайиш ва кенгайиш тушунилади. Шу билан биргаликда, ҳар бир термин ўз келиб чиқиш тарихига эга. Хорижий тиббий терминлар ҳам сўз сифатида ўзининг шаклланиш жараёни ва этимологик тарихига эга.

Мазкур бобда ўз қатламга мансуб тиббий терминларнинг этимологик таҳлили борасида тўхталамиз. Ўзбек тили лексикасидаги тиббий терминлар генезиси, тузилиши ва семантикасига кўра хилма-хил бўлиб, муайян шаклланиш жараёнини босиб ўтган. Ўз қатламга оид тиббий терминлар этимологик хусусиятига кўра қуйидаги асослардан юзага келган:

1. Касаллик белгиси асосида шаклланган тиббий терминлар.
2. Семантик усулда шаклланган тиббий терминлар.
3. Ранг билан алоқадор тиббий терминлар семантикаси.

4.1 Касаллик белгиси асосида шаклланган тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси

Лексик бирликнинг янги маънога эга бўлиши тилнинг муайян ички ёки ташқи имкониятлари ва қонуниятлари асосида рўй беради. Ижтимоий ҳаёт, илм-фан, техника ва тафаккур тараққийси табиий равишда тилдаги сўзлар ва терминлар, уларнинг маъноларини ҳам ривожлантиради, янги маъноларнинг пайдо бўлиши ва қўшилишига, шунингдек янги сўз ва терминларнинг юзага келишига олиб келади.

“Полисемиянинг ёндош ҳодисалардан фарқланувчи белгиларини аниқлаб чиқиш зарур. Полисемантик сўз структураси маълум даражада ўрганилган бўлса ҳам, уни мукамал деб бўлмайди. Полисемияни юзага

келтирувчи ҳодисалар тилшуносликда кўп ўринилган бўлса ҳам, у бир ёқлама бўлиб қолган”.¹⁴⁸

Дарҳақиқат, сўзлардаги кўп маънолилик ҳодисасини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, сўзнинг лексик маъносини бошқа маъно турларидан фарқлаш масаласи белгилловчи ўрин тутди. Янги маъноли сўзнинг пайдо бўлиши ана шу лексик маъно билан боғлиқ ҳодисадир.

Қуйида терминологик тизимдан ўрин олган ўзбекча тиббий терминларнинг баъзиларини уларнинг луғатларда берилиши, лексик-семантик хусусиятлари, яъни маъно доиралари нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз:

Безгак (малярия) – паразитар касаллик; иситма тутиши, қонда ўзгаришлар содир бўлиши, жигар ва талокнинг катталашуви билан кечади. Безгакнинг қўзғатувчиси плазмодийлар бўлиб, улар безгак чивини ва одам организмида кўпайиб, ривожланади. Касаллик манбаи бемор ва безгак чивинининг урғочиси ҳисобланади. Касаллик оғлом одамга чивин чакқанда, одам организмига унинг сўлаги орқали қўзғатувчилар тушганда юқади.

Қон оқими билан улар жигарга тушади, бу ерда ривожланишнинг биринчи (тўқима) цикли рўй беради, сўнгра яна қонга тушади ва эритроцитлар ичига кириб олади, бу ерда иккинчи (эритроцитар) ривожланиш цикли ўтиб, эритроцитларнинг парчаланиши ва қонга кўп миқдорда қўзғатувчилар чиқиши билан тугалланади, бу жараён одамни иситма тутиши билан ўтади (СЭ, 41).

Безгак – Ўзбекистонда кам учрайди. Қувватсизлик, эт увишиб, жунжикиш ва иситмалаш билан бошланади. Иситма бир неча кун кўтарилиб, пасайиб туриши мумкин. Иситма кўтарилганда одам қалтирайди, пасайгандан сўнг терлайди. Иситма ҳар 2 ёки 3 кунда бир неча соатга кўтарилиб туради. Бошқа кунлари касал тузалиши мумкин¹⁴⁹.

Безгак (италиянча malaria, mala aria – “бадбўй ҳаво”) – безгак плазмодийлари қўзғатадиган инфекцион касаллик; иситма тутиши, қонда

¹⁴⁸Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Т.: Фан, 1975. – Б. 13.

¹⁴⁹Вернер Д. ва бошқалар. Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси. – Т., 2014, – Б. 46.

жиддий ўзгаришлар содир бўлиши, камқонлик, жигар ва талоқнинг катталашуви билан кечади. Безгак плазмодийси тўрт хил, шунга кўра безгакнинг уч кунлик, тўрт кунлик, тропик ва Африка хиллари бор¹⁵⁰.

Тиббиёт соҳасида безгак термини синоним тарзда **малярия** термини фаол қўлланади (БМУС, 255).

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *безгак* терминининг қуйидаги икки хил маъноси ўз аксини топган¹⁵¹:

1. Вақти-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юқумли касаллик. *Саратоннинг айни қизгин кунларида безгак авж олади* (Ҳ.Ғулом, “Феруза”).

2. Безгак касаллиги билан оғриган одам. *Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон, безгакдай қалтираб кетди* (Ойбек, ТАТ).

Безгак терминининг шу касаллик билан оғриган одам маъноси, ўзбек тилида маъно кўчиши асосида юзага келган ва кўчма маънода ишлатилади. Бу ерда сўзларда маъно кўчишининг метафора усули (юнонча *metaphora* – “кўчирма” демакдир) кузатилади. Яъни бирор предмет ёки ҳодиса бошқа бир шундай предмет, ҳодиса билан ўзаро ўхшашлик асосида номланади.

Мазкур лексеманинг келиб чиқиши ҳақида илмий манбаларда қуйидагича фикр юритилади:

Бу от қадимги туркий тилда “*қалтира*” маъносини англаган **без-** феълининг (ДЛТ, II, 15) “*такрор*” маъносини ифодаловчи **-га** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **-к** қўшимчаси билан ясалган (ДЛТ, II, 334). **Без + га → безга + к → безгак** (ЎТЭЛ, 42).

Юқоридаги изоҳдан маълумки, **безгак** касалининг номи ясама сўз бўлиб, **без** феълига такрорийлик отини ясовчи **-га** қўшимчасини қўшиш билан ясалган. Сўнгра бу ҳосила сўзга **-к** от ясовчи қўшимча қўшилган ва ўзбек тилида касаллик номини ифодаловчи тиббий термин юзага келган. Бу сўзда,

¹⁵⁰Тиббиёт энциклопедияси. – Т.: Шарк, 2016. – Б. 54.

¹⁵¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2006. – Б. 210.

дастлаб феълдан от ясалгани ва яна отдан от ясалганлиги, яъни икки хил от ясовчи кўшимчалар (-га ва -к) иштирок этганини кўришимиз мумкин.

Буқоқ (зоб) – қалқонсимон безнинг ўсма шаклида катталашуви. Касаллик кўпинча шу без функцияси ва организм умумий ҳолатининг бузилиши билан кечади. Буқоқнинг бир неча тури бор. *Эндемик буқоқ* билан кўпинча Ўрта Европанинг тоғли ҳудудлари (Альп, Карпат), Осиё (Ҳимолай, Тянь-Шань), Африка (Эфиопия), Америка (Кордильера, Қояли тоғлар)да яшайдиган аҳоли касалланади.

Санитария-гигиена шароитининг ёмонлиги ва асосан сув, тупроқ ҳамда ҳавода, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларида йод етишмаслиги касалликка сабаб бўлади. Соғлом одамга бир кеча-кундузда граммнинг миллиондан 100-200 қисмича йод керак. Йод шундан кам истеъмол қилинса, қалқонсимон без йодли гормон – тироксинни кам чиқаради.

Спорадик (онда-сонда учрайдиган) *буқоқ* беморнинг турар жойига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади, касаллик кенг тарқалмайди.

Диффуз токсик буқоқ касаллигида қалқонсимон без катталашуви билан бирга функцияси кучаяди (гипертиреоз). Буқоқнинг айрим формалари қалқонсимон безнинг хроник яллиғланиши ёки ўсмалар пайдо бўлиши билан кечади.

Буқоқ 1. Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида ушбу безнинг катталашуви билан боғлиқ касаллик; шу касаллик натижасида катталашган қалқонсимон без. *Олдин шу сабил буқоғимни даволатиб олсайдим* (С.Нуров, “Нарвон”).

Буқоқ 2. Шу касалликка йўлиққан, қалқонсимон беzi катталашган одам. *Салим буқоқ.*

Буқоқ 3. Дарахт танасининг зарарланиши натижасида унда ҳосил бўлган шиш, ғурра. *Ёнгоқ буқоғи* (ЎТИЛ, I, 392).

Буқоқ – бу сўз қадимги туркий тилда “томоқдаги шиш” маъносини англатган **бук** отидан (Древнетюркский словарь (ДС), 124) кичрайтириш

маъносини ифодаловчи **-(а)қ** қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган (Э.Севортян, Этимологический словарь тюркских языков (ЭСТЯ), II, 202). Ўзбек тилида **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **о** унлисига алмашган: **буқ+ақ** → **буқақ** → **буқоқ** (ЎТЭЛ, 73).

Буқоқ тиббий термини от туркумига киради ва нима саволига жавоб бўлади. Тиббиёт соҳасидаги касаллик номларидан бирини англатувчи мавҳум, турдош от ҳисобланади.

Буқоқ – қалқонсимон безнинг катталашуви. Касаллик шу без фаолияти ўзгармасдан (эутиреоз), фаолияти сусайиши (гипотиреоз) ёки кучайиши (тиреотоксикоз) билан кечади. Буқоқнинг бир неча шакли бор. Эндемик буқоқ атроф-муҳитда (сув, тупроқ, ҳавода) йод оз бўлган муайян географик чегараланган ҳудудларда (жумладан, Ўзбекистонда) учрайди. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларида йод етишмаслиги касалликнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Соғлом одамга бир кеча-кундузда 100-200 микрограмм йод керак, шу миқдор камайса, қалқонсимон без гармонлари (тироксин, трийодтиронин)нинг ҳосил бўлиши камаяди. Оқибатда, қалқонсимон безнинг катталашиши кузатилади, болаларда бўй ўсмай қолади, руҳияти ўзгаради, ақли ожиз бўлади (кретинизм), баъзан касаллик шиш ҳосил бўлиши билан кечади (қ. Микседема), (Тиббиёт энциклопедияси (ТЭ), 78). Буқоқ илмий тилда **зоб** деб юритилади (СРЯ, 203); (БМУС, 181-182).

Буқоқ тиббий терминининг рус тилидаги изоҳида қушлар, ҳашаротлар, моллюскаларнинг овқат ўтиш (қўшимча овқат ҳазм қилиш) йўлининг кенгайган қисми унинг дастлабки маъноси сифатида кўрсатилган. Ушбу терминнинг иккинчи маъноси қалқонсимон безнинг катталашуви билан боғлиқ касалликдир. Унинг учинчи маъноси томоқ остидаги бўйинни ёғ босиши деб берилган.

Ўзбек тилидаги изоҳида ушбу терминнинг биринчи маънолари қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши ва безнинг катталашуви билан

боғлиқ касаллик номи; шу касаллик натижасида катталашган қалқонсимон без. Иккинчи маъноси шу касалликка йўлиққан, яъни қалқонсимон беги катталашган одам ва учинчи маъноси дарахт танасининг зарарланиши натижасида унда ҳосил бўлган шиш, ғурра.

Буқоқ терминининг кейинги учинчи маъноси ўзаро ўхшашлик асосидаги метафорик маъно кўчимига мисол бўлади. Дарахтдаги шиш, ғурра одамнинг томоғидаги ғуррага ўхшатиш.

Темиратки (лишай) – ташқи кўриниши, кечиши ва келтириб чиқарувчи сабаблари турлича бўлган, кўпчилик тери касалликларини ифодаловчи термин. Қичишиб, усти қипиқланиб турадиган ҳар хил тошмалар қадимдан темиратки деб аталган. Қизил ясси темиратки, пушти темиратки, юздаги оддий темиратки, *псориаз* – қипиқли темиратки, *трихофития* – қирма темиратки, тукли темиратки ва бошқалар фарқ қилинади (СЭ, 406). *Темиратки* – терида хиёл қизарган пуфакчалар пайдо бўлиши (БМУС, 249).

Темиратки – “шўрлаган ёки кўтирсимон тери касаллиги”. *Эчкининг сути темираткига дори бўлармиши* (Сайид Аҳмад). Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида **тепрәкү** шаклида (Девон, I, 453), бошқа луғатда **тепрәгү** шаклида (ДС, 551), кўпчилик туркий тилларда бу сўз **тепрегү**, **темирәткү** шаклида (ЭСТЯ, III, 190), ўзбек тилида **темиратки** шаклида ишлатилиши таъкидланган. Бу сўзнинг охиридаги **-ки** қисми от ясовчи кўшимча, иккинчи бўғинидаги **и** унлиси кейинчалик кўшилган, **-т** феълнинг орттирма шаклини ясовчи кўшимчадир. Демак, қадимги туркий тилда **тепрә** феъли мавжуд бўлган, лекин у қандай маънони англатгани ноаниқ. Асли **тепрә** сўзи ҳам туб сўз эмас, балки бу феъл **-рә** кўшимчаси билан ясалган бўлиши мумкин. Унда **теп** қисми от ёки сифат бўлиб чиқади, лекин бу сўз манбаларда таъкидланмаган (шўралаш касаллигини англатган от бўлиши мумкин).

Бошқа бир луғатда бу сўзнинг **темирөткү** шакли келтирилган (К.Юдахин, Киргизско-русский словарь (КРС), 723), лекин асосий шакл **темирәтки** экани таъкидланган.

Темиратки тиббий термини нима сўроғига жавоб бўлади ва тил нуқтаи назаридан мавҳум турдош от ҳисобланади, яъни **тепрә** феълига -т шакл ясовчисини қўшиш ва **-ки** ўрин, пайт ваҳолат отларини ясовчи қўшимчани қўшиш билан ҳосил қилинган: **тепрә** + **т** → **тепрәт** + **ки** → **тепрәтки**. Кейинчалик, бўғинларда товуш ўзгаришлари юз берган: **тепрәтки** → **темирәтки** → **темиратки** тарзида. Рус тилидаги талқинида темиратки касаллигининг ўнга яқин тури ўзаро ажратилган ҳолда, шу билан биргаликда, фарқли хусусиятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, 1) *лишай красный плоский* (lichen ruber planus), 2) *лишай опоясывающий* (herpes zoster), 3) *лишай отрубевидный или разноцветный* (pityriasis, versicolor), 4) *лишай розовый* (pityriasis rosea) ва бошқалар (МС, 554-555). Шунингдек, ўзбек тилида ҳам мазкур касалликнинг 5-6 та тури ўзаро фарқланиши манбаларда таъкидланган.

Тепки (эпидемик паротит) – одамларда, кўпинча ёш болаларда бошнинг чақак қисмида, томоқ ва қулоқ тутушган жойда без яллиғланиши туфайли пайдо бўладиган шиш, юқумли касаллик. Масалан, *Тепки кўпроқ қиш, баҳор фаслларида учрайди* (И.Фозилов, “Тепки”). Бу касалликнинг номланиши миллий-маданий хусусиятга эга. Яъни тепмоқ сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, маълум урф-одатлар, расм-русумлар билан боғлиқ. Бу касалликни даволашда ўзбек халқида беморнинг шу жойига ёш болаларга тептириб, муолажа қилиш урфлари мавжуд.

Одатда тепки билан 5-15 яшар болалар касалланади, катталарда ҳам учрайди. Ёшига тўлмаган чақалоқларда тепки кам кузатилади. Касаллик ҳавотомчи йўли орқали, бемор билан яқин муносабатда бўлиш: сўзлашганда, йўталганда, акс урганда ҳавога чиқадиган сўлак ёки шилимшиқ томчилари, шунингдек бемор тутган идиш, сочиқ орқали юқади.

Беморда тана ҳарорати кўтарилиши, бош оғриғи, иштаҳасизлик, дармонсизлик ҳолатлари кузатилади. Тепки оғир кечганда, бурун қонаши, қусиш, тиришиш аломатлари пайдо бўлади. Бемор оғзини зўрға очади, оғриқ айниқса чайнаганда, ютинганда зўраяди.

Бу лексема ўзбек тилида *теп* феълидан *-ки* – от ясовчи кўшимча билан ҳосил қилинган. **Теп** – “оёқ билан зарб бер”. *Итни қопмас, отни тепмас, деб бўлмас* (мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл, дастлаб, **тип**-(ПДП, 430) тарзида талаффуз қилинган; кейинроқ **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, II, ДС, 552): **тип** → **теп** + **(-ки)** → **тепки**.

Ўзбек тилида унинг *тошма, қизил доғ, пуфакча* сингари маънолари ҳам бор. Масалан, *Қизилча касали юқадиган бўлиб, иккинчи кунда киши танасига қизил тепкилар чиқади* (Тоҳирий, “Соғлиқни сақлаш”).

Тепки термини ўзбекча сўз, от туркумига киради, нима сўроғига жавоб бўлади ва касалликнинг номини билдиради.

Тиришма (**аппендицит** лотинча *appendix* – ўсимта демакдир) – бугунги кундаги кўричак билан боғлиқ касалликнинг қадимги номи. Тиришма кўричакнинг пастки қисмида жойлашган чувалчангсимон ўсимтанинг эмбрионал ривожланишда ўсмай қолган қисмидан пайдо бўлади. Узунлиги ўртача 5-7 см., баъзан 18-20 см. гача, диаметри 3-7 мм. бўлади. Ўсимта, одатда, осилган ҳолатда туради. Узунлиги, баъзан чаноқ бўшлиғигача боради. Баъзан у кўричакнинг орқа томонида жойлашиб, ўнг буйракка тегиб туради. Ана шу ўсимтанинг яллиғланиши тиришма (аппендицит) деб аталади.

Ҳозирги кунда тиришма термини ҳаётимизда умуман қўлланилмайди ва унинг ўрнига лотинча аппендицит сўзи ишлатилади. Тиришмада микроблар ўсимтага турли йўллар билан киради. Айрим сабабларга кўра уларнинг патогенлик хусусияти ошиб, ўсимта шиллик қаватларидан остки қисмига ўтиб, уни яллиғлантиради. Тиришма билан турли ёшдаги кишилар оғриши мумкин. Тиришма ўткир ва сурункали бўлади.

Касаллик бошланишида одамнинг ўнг биқин соҳаси тўсатдан санчиб оғрийди ва аста-секин зўрая боради. Беморнинг кўнгли айниб, қайд қилади, томири тез уради, ҳарорати кўтарилади. Ўнг ёнбош соҳасини қўл билан босиб кўрилганда, оғриқ зўрайиши ва ўнг томондаги мушакларнинг

таранглашишиши аниқ сезилади. Қонда лейкоцитлар ортади. Касаллик аниқлангач, ўсимта жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

Бу лексема қадимги туркий тилдаги **тириш** – “терининг буришуви натижасида ҳосил бўлган чуқур, из, ажин” маъносидаги феълнинг буйруқ шаклига **-ма** инкор оти ясовчисини қўшиш билан ҳосил бўлган: **тириш + (-ма)** → **тиришма**, яъни феълдан от ясалган.

Тиришма термини ўзбекча сўз, турдош от туркумига мансуб, нима сўроғига жавоб бўлади.

Тутқалоқ (эпилепсия) – юнонча *epilepsia*. Синонимлари *қуёнчиқ*, *тутқаноқ* – вақти-вақти билан эс-хушнинг бузилиши, оёқ-қўлларнинг тортишиши ва хушдан кетиш билан намоён бўладиган хуружли касаллик. Бунда бемор ҳеч нарсани сезмайди ва баъзи мускуллари беихтиёр ҳаракат қила бошлайди.

Бош миянинг тутқаноқ тутишига нисбатан туғма ёки турмушда орттирилган ўта мойиллиги эпилепсияга сабаб бўлади. Шикастланишлар, касалликлар, турли хил зарарли омиллар касалликнинг авж олиб кетишига имкон беради.

Эпилепсиянинг наслдан-наслга ўтиши мумкинлиги аниқланган; кўп беморларда унга алкоғолизм (ота ёки онанинг алкоғолли ичимликларни кўп истеъмол қилиши) сабаб бўлиши исботланган.

Эпилепсия турли хил кўринишда намоён бўлади. Кўпинча, тўсатдан узоқ давом этадиган тутқаноқ тутади. Бемор хушдан кетиб йиқилади, сўнгра гавдаси таранглашиб, барча мускуллар қисқариб, оёқ-қўллар тортишади (тоник талваса) кейин гавданинг ҳамма қисми бир неча бор қисқаради (клоник талваса). Деярли кўп ҳолларда бевосита тутқаноқ тутишидан олдин бир неча секунд давом этадиган ўткир руҳий ҳолат – аура юз беради.

Бунда бемор ўзини ёмон ҳис қилади, боши айланади, юраги қаттиқ уради, эти увишади, иситмалайди, шунингдек унинг кўзига даҳшатли манзаралар кўриниши, бурнига қўланса ҳид кириши, қулоғига шовқин-сурон

эшитилиши мумкин. Баъзан, бемор бу вақтда бир хилдаги ҳаракатларни қилади. Масалан, олдида турган нарсаларни йиғаверади ёки бир жойда гир айланади, ўз-ўзидан югуриб кетади ва ҳоказо.

Тоник талвасада беморнинг қўл-оёқлари букилганича қотиб қолади, жағларини маҳкам қисиб олади (бунда бемор, кўпинча, тилини тишлаб олади). Нафас мускулларининг қисқариши туфайли бемор кўкариб (айниқса юзи) кетади. Талваса бошланиши билан бир вақтда бемор хушдан кетиб йиқилади. 20-30 секунддан кейин бу ҳолат гавда мускулларининг ритмик қисқариши – клоник талваса билан алмашинади.

Бунда бемор бошини ва тирсагини ётган еридаги нарсаларга уради, оғзидан кўпик чиқади, унга кўпинча қон аралашган бўлади (тилини тишлаб олгани сабабли), баъзан беихтиёр сийиб ва бавл қилиб юборади. 1-2 минутдан сўнг тиришиш аста-секин тўхтайдди, бемор нафас ола бошлайди.

Қисқа тутқанок, одатда, талвасасиз ёки камроқ талваса билан ўтиб (болаларда), бир неча секундда тугайди. Бунда аксарият бемор бир лаҳза эс-хушини йўқотиб (масалан, юриб кетаётган бўлса, бирдан тўхтаб қолади ва б.), сўнг яна ўзига келиши мумкин. У, кўпинча, ўзига нима бўлганини билмайди, лекин атрофдагилар бу ҳодисани беморнинг ранги оқарганидан, кўлидаги нарсани тушириб юборганидан, дарҳол пайқаб оладилар.

Булардан ташқари, беморларда транс ҳолати – сиртдан одатдаги хатти-ҳаракатларни онгсиз (онг назоратисиз) бажариш кузатилади; бемор ҳушига келганидан сўнг, нима бўлганини, қаерда эканлигини эслай олмайди. *Сомнамбулизм* – транснинг бир тури ҳисобланади (СЭ, 475).

Тутқалоқ – “тўсатдан тутиб қолиб, кишини акашак қилиб қўядиган асаб касаллиги”, “куёнчик”, “эпилепсия”. *Соҳиблар миробга: “Тутқалоги тутди итваччанинг”*, - деб қулди (Жуманиёз Шарипов). Бу от асли эски ўзбек тилида “ушла” маъносини англатувчи тут феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **-қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан “такрор”

маъносини ифодаловчи **-ла** кўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **-қ** кўшимчасини қўшиб ясалган.

Кейинчалик, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **о** унлисига алмашган: **тут + қа → тутқа +ла → тутқала + қ → тутқäлақ → тутқалок**. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз шевага, тутқаноқ шакли эса адабий тилга мансуб деб таъкидланган (ЎТИЛ, IV, 212-213), ваҳоланки, тутқаноқ сўзи шева талаффузини акс эттиради: **л** ундоши ўрнига **н** ундоши талаффуз қилинади (ЎТЭЛ, 362-363).

Тутқалоқ терминининг ўзаги **тут** сўзи бўлиб, тутмоқ феълининг буйруқ шаклидир. Ушбу феълга **-қа** ва **-ла** шакл ясовчи кўшимчалар ҳамда **-қ** шахсоти ясовчи кўшимчаси қўшилган. Кейинчалик, ушбу сўз таркибидаги товушлар ўзгаришга учраган.

Ўзбек тилида, шунингдек рус тилида ҳам ушбу касалликнинг келиб чиқиши ва клиник хусусиятлари ҳақида бир хил изоҳ берилганини кўрамиз, бироқ касалликнинг ўзбекча номланиши узоқ тарихий-ижтимоий жараёнларни босиб ўтган. Шу билан биргаликда, *тутқалоқ* термини касалликнинг асосий белги-хусусиятлари (симптомлари)ни ўзида кўпроқ мужассам этганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Чурра (ирра) – 1. Одамда ички аъзолардан бири (масалан, ичак)нинг осилиб, ташқарига туртиб чиқиб қолишидан иборат касаллик; дабба. Қадимда ирра шаклида ишлатилган (ДЛТ, 30). Масалан, *Искандар тоға чурра касаллигига йўлиқди*. 2. *Кўчма*. Катта зарар кўриб ёки чиқимдор бўлиб, синди. Масалан, *Тўй қиламан деб чурраси тушди*. Бу касаллик қадимдан мавжуд бўлиб, асосан зўриқиш ёки оғир юк кўтаришдан пайдо бўлади. Инсон танасига ортиқча юк бериш натижасида бирор аъзо ишдан чиқади, яъни чурра бўлади. Мия, кўкрак, қорин чурралари, умумртқаларо диск (Шморл) чурраси ва бошқа чурралар фарқланади. Кишиларда қорин чурраси, чов, сон, киндик, қориннинг олдинги девори чурраси кўпроқ учрайди. Унинг кўчма маъноси

хам ана шу зўриқиш билан боғлиқ, бироқ бунда одам иқтисодий жихатдан зўриқади ёки чарчайди.

Чурра термини ўзбекча сўз ва от сўз туркумига киради, турдош от, нима сўроғига жавоб бўлади.

Шиллиқ (трахома) – 1). *Тиб.* Кўз жилди ҳамиша кизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик; трахома. *Биров букри, биров шол, биров шиллиқ* (К. Яшин, “Ҳамза”). 2). Шу касаллик туфайли кўздан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш. *Мастона хола енги билан кўзларининг шиллигини артиб бўлгач, эгачи сингилга бир-икки қараб олди* (Уйғун, “Турсуной”). 3). *С.т.* Шундай касалликка йўлиққан киши ва унинг исмига кўшиб айтилувчи сўз (ЎТИЛ, 571). *Мўмин шиллиқ Кўрғончадаги бир беванинг қизига уйланаётибди* (П.Турсун, “Ўқитувчи”).

Шиллиқ – кўзнинг юқумли сурункали касаллиги; чуқур инфилтрация, сўрғичлар гипертрофияси, фоллокуллар, паннус ва сўнгги даврида чандиқлар ҳосил қилади (БМУС, 470-471).

Трахома (*юн.* trachus – ғадир-будир) – кўз шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши билан кечадиган юқумли касаллик. Трахомани chlamydia trachomatis кўзғатади. Бемор касалликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Соғлом кўзга кир қўл ёки уй-рўзғор буюмларидан (кўпчилик битта ёстик, сочиқ, адёл ва б.дан фойдаланганда) юқади. Болалар боғча ва яслиларда ўйинчоқлар орқали зарарланиши мумкин.

Трахома сезиларсиз бошланиб, аста-секин зўраяди. Аввалига кўзга бир нарса қадалгандек, қовоқлар оғирлашгандек туюлади. Юқори қовоқ шиллиқ пардасида шиш ва фолликулалар (доначалар) пайдо бўлади, кўз қизаради ва қовоқлар торая боради. Бемор яқинда уйқудан тургандек ёки чала ухлагандек бўлади.

Касаллик авж олганда куз мугуз пардасида ҳам доначалар пайдо бўла бошлайди. Бунда кўз ёшланади, бемор кўзини очолмай қолади. Қовоқ четидаги киприклар ўзаги чандиқланиб, улар нотўғри ўсиб чиқади ва кўз

мугуз пардасига таъсир этиб, унга қадалаверади. Қовоқ шиллиқ пардасида чандиқлар пайдо бўлиши натижасида пастки қовоқ чети ичига қайрилади.

Касаллик енгил, ўртача ва оғир кечиши мумкин. У кўп жиҳатдан бемор организми ҳолатига боғлиқ бўлиб, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, витаминлар етишмаслиги, маҳаллий касалликларнинг кўшилиши ва б.да бирмунча жиддий кечади.

Трахома ўз вақтида аниқланиб, даволанмаса, 5-10 йиллаб давом этиб, бемор бутунлай кўр бўлиб қолиши мумкин, чунки кўз мугуз пардасини намлаб турадиган кўз ёши йўллари чандиқланиб, бекилиб қолади, натижада мугуз парда қаҳраб, оппоқ оқариб, садафга ўхшаб кўринади.

Касалликнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, аҳолининг маданий турмуш даражасини ошириб бориш катта аҳмиятга эга. Трахомага гумон қилинганда, дарҳол шифокорга кўриниш лозим. Бемор тўғри ва мунтазам даволанса, бутунлай соғайиб кетиши мумкин. Ҳозирда трахома деярли учрамайди (ТЭ, 296-297).

Шилпиқ – “кўз жилди доим қизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик”, “трахома”. *Шилпиқ касаллигини даволаш анча оғир кечади.* Бу отни ўзбек тилидаги **шилвира** – сўзи билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил** қисми бажарган, лекин луғатларда бундай от ўз аксини топмаган.

Аслида бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, “елимсимон модда” маъносини англатган. **Шилпиқ** сўзи ана шу отга **-ба** қўшимчасининг **-пы** шаклини қўшиб ясалган феълдан **-қ** қўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шыл + пы → шылпы + қ → шылпық → шилпиқ** (ЎТЭЛ, 454).

Шилпиқ термини тилда кўз касалликларидан бирини англатади, от туркумига киради, мавҳум от. Бу тиббий терминнинг ўзаги **шил** сўзи бўлиб, унинг қадимги шакли **шыл** тарзида талаффуз этилган ва елимсимон модда маъносини билдирган. Кейинчалик, унга **-пы** шакл ясовчи қўшимча ва **-қ** от

ясовчи кўшимчалари кўшилган ва ниҳоят отдан от сўз ясалган. Бу от энди “елимсимон модда” эмас, балки касаллик номи бўлиб, янги маъно касб этган.

Мазкур сўзнинг “кўздан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш” маъноси кўчма маъно бўлиб, ўзаро боғлиқлик асосидаги метонимик маъно кўчишига мисол бўлади. Ушбу сўзнинг учинчи лақаб маъноси кўшимча изох, яъни номинатив маъно ифодалайди.

Қизамиқ (корь) – ўткир юқумли касаллик. Гавда температурасининг кўтарилиши, юқори нафас йўллариининг шамоллаши (йўтал, тумов, товуш бўғилиши), кўз шиллиқ пардалари, оғиз бўшлиғининг яллиғланиши ва териға кизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан характерланади.

Касаллик кўзғатувчиси – вирус бемор йўталганда, аксирганда ва гаплашганда балғами ва тупигининг майда томчиларидан ҳавога тушади, кейин нафас йўллари орқали соғлом боланинг организмига ўтади (инфекциянинг ҳаво-томчи йўли билан юқиши). Қизамиққа одатда ҳамма кишилар берилувчан бўлади. Касалликдан сўнг иммунитет қолади. Қизамиқ кўпинча 5 ёшгача тошади. Чақалоқлар қизамиқ билан касалланмайди (СЭ, 508-509).

Қизамиқ (гул) – асосан болаларда айрим аъзоларнинг яллиғланиши, баданга кизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли касаллик. *Уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бир йўла уч қизини тутдай тўкиб кетди.* Д.Нурий, Осмон устун (ЎТИЛ, 276). Қизамиқ маъносидаги гул сўзи тожик тилидан ўзлашган бўлиб, ўсимлик гул маъносидан пайдо бўлган.

“Қизамиқ гўё сафродан пайдо бўладиган чечакка ўхшайди. Бошқа кўп ҳолатларда бу иккаласининг ўртасида фарқ йўқ, фарқ фақат шундаки, қизамиқ сафродан пайдо бўлади ҳамда унинг ҳажми кичикроқдир. У гўё теридан юқорига чиқмагандек туюлади ва айниқса, бошланишида айтарли қаварчимайди, чечакнинг бошланишидаёқ, дўнглик ва қавариш содир бўлади.

Қизамиқ чечакка қараганда камроқ хавфлидир, унинг кўзга тошиши ҳам чечакдагидан камроқ”¹⁵².

Қизамиқ – “болаларда баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли касаллик”. *Онанинг назарида қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди* (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда худди шундай маънони англатган бу от асли “қизил тус ол” маъносини англатган **ҚЫЗ** – феълнинг (ДС, 450) кучайтириш маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **-муқ** қўшимчаси билан ясалган.

Кейинчалик, ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига, **а** унлиси чўзиқ **а:**унлисига алмашган. Сўнгра бўғинлардаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ҚЫЗ + а → ҚЫЗА+муқ → ҚЫЗАМУҚ → ҚИЗАМИҚ**. Бу от Маҳмуд Кошғарий луғатида **ҚЫЗЛАМУҚ** шаклида келтирилган (Девон, I, 480), яъни сўз таркибида кучайтириш маъноси **-ла** қўшимчаси билан ифодаланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида **-ла** қўшимчаси воситасида ҳаракатни тезлатиш, кучайтириш, бошлаш маънолари мавжуд ва бу маъно бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан, *тезла, тезлатиш (теза+тиш), юкла, бошла* каби.

Қизамиқ терминининг келиб чиқиш тарихи (этимологияси) кўрсатадики, сўзнинг ўзаги “қизимоқ”, “исимоқ” маънолари билан боғлиқ, яъни *қизи* феъл ўзагига феълнинг ноаниқ шаклини ҳосил қилувчи **-моқ** (қадимги **-муқ**) қўшимчасини қўшиш орқали вужудга келган. Бу лексема таркибидаги мазкур маъно касалликнинг қизима ёки иситма билан, яъни температура билан кечиши хусусиятига ҳам бевосита боғланади.

Қоқшол (столбняк) – ўткир инфекцион касаллик. Қўзғатувчиси нерв тизимига ҳаддан ташқари кучли таъсир қиладиган экзотоксин ишлаб

¹⁵²Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т., 1994. III жилд. – Б. 96.

чиқарувчи спорали таёқчадир. Қоқшолнинг умумий ва маҳаллий хили тафовут қилинади. Умумий (тарқоқ) қоқшол оғир ўтиши ва ўлимга кўп (40 – 60 % гача) сабаб бўлиши билан характерланади.

Қоқшолнинг клиник манзарасига умумий интоксикация, мускуллар кўзгалувчанлиги кучайиб, чайнов, мимика мускуллари, энса, орқа, гавда мускулларининг тортишиб, қисқариб туриши хосдир. Чайнов мускулларининг тортишиб, қисқариши натижасида оғизни очиш ва чайнаш қийинлашиб қолади (тризм), мимика мускулларнинг тортишиб, қисқариб туриши одамнинг юзини истехзо билан кулаётгандек ғалати бир кўринишга солиб қўяди.

Энса, орқа, гавда мускулларининг тоник қисқариши натижасида опистотонус ва лордоз пайдо бўлади. Яъни қаттиқ талваса тутган пайтларда бемор энсаси ва товонлари ўринга таяниб, худди камалакдек эгилиб, ётиб қолади. Ҳар қандай ташқи таъсирлар зўр клоник талвасаларга сабаб бўлиши мумкин. Асфиксияга олиб келадиган ўпка-юрак етишмовчилиги ҳам кўкрак, қовурғалар орасидаги мускуллар, овоз тирқиши ва диафрагманинг тортишиб, қисқариб туришига боғлиқ.

Касаллар доим уйқусизликдан безор бўлади, эс-хуши одатда жойида бўлади. Температураси кўтарилиб, пневмония авж олади, сийиш қийинлашиб қолади. Касаллик ўлим билан тугамайдиган бўлса, умуман икки ҳафтадан саккиз ҳафтагача давом этади (МХС, 160).

Қоқшол – “орикликдан қоқ қуриб қолган”, “қоқ қурук”. *Она яна қоқшол қўллари билан ўғлининг елкасини силади* (Парда Турсун). Бу сифат эски ўзбек тилидаги “қуриб қоқ бўл” маъносини англлатувчи **қақша** феълига (КРС, 327) - л сифат ясовчи қўшимчани қўшиш билан ҳосил қилинган. Кейинчалик, **а** унлилари **о** унлиларига алмашган: **қақша + л → қақшал → қоқшол** (ЎТЭЛ, 569).

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, *қоқшол* тиббий термини ясама сифат бўлиб, яъни *қақша* феълидан ясалган. Бугунги кунда маълум бир касалликнинг номини англатади. Шу билан биргаликда,

таъкидлаш жоизки, ушбу феълнинг юқорида қайд этилган “қуриб қоқ бўл” маъносидан ташқари, *қақшаб оғримоқ, қақшамоқ, қуримоқ, суви тортилмоқ* сингари маънолари ҳам бор. Масалан, *ўнг қўлим қақшаб оғрийди. Ёйилган хашаклар офтобда қуриб-қақшаб кетибди.*

Ушбу касалликнинг белги-хусусиятлари ўзбек ва рус тилларида деярли бир хил изоҳланган, бироқ касалликнинг номлари маъно жиҳатдан ҳар хил. Ҳар икки тилда касалликни номлашда унинг ҳар хил белги-хусусиятлари асосга олинган, яъни рус тилидаги номида *қақшаб оғриши* ёки *қуриб кетиши* сингари маънолар ўз аксини топмайди.

4.2. Семантик усулда шаклланган тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси

Одатда, термин (лотинча “*терминус*” – “чек”, “чегара белгиси”) фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси, атама¹⁵³. Ҳозирги даврда терминларни атрофлича тадқиқ этиш билан биргаликда, уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Ўзбек тилининг барча лексик ресурсларида бўлгани каби терминларнинг ҳам ўз бойиш йўллари бор ва улар тилимиз тараққиётидаги умумий қонуниятларга мувофиқ келади.

Тиббий терминларни ҳосил қилишда халқ ўзининг кузатишларига, дунёқарашига таянган. Термин муаммолари билан боғлиқ ишларнинг деярли барчасида термин моҳиятига дахлдор белгилардан бири сифатида унинг бир маънолилиги ҳамиша қайд қилинади. Терминнинг бу хусусияти, табиийки, термин мансуб бўлган система таркибида ўзини намоён қилади. Аммо термин

¹⁵³Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б.104.

Ўзи мансуб бўлган тизимдан ташқарида мазкур хусусиятни тўлалигича намоён эта олмайди.

Шунинг учун ҳам айрим мутахассислар терминларнинг кўп маънолилик хусусиятини ҳам касб этадиган реал нутқий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, уларга хос бўлган бир маънолилик белгисига эгаллигини мутлоқ ҳолат деб қарамаслик мақсадга мувофиқлигини қайд этадилар.

Терминологик лексиканинг айти шу хусусияти кўп ҳолларда уларнинг махсус соҳалардан ташқарида тасвирий воситалар тизимига жалб қилинишига имкон беришини ҳамда терминнинг бир маънолилиги ва эмоционал-экспрессивликдан маҳрумлиги фақат махсус тизим ичидагина эканлигини таъкидлайдилар¹⁵⁴.

“Термин гўёки ихчам иқтибосдир. Иқтибослаштириш қоидаларига мувофиқ, термин муайян билим соҳасига оид барча илмий асарларда айнан бир маънода сақланиши керак”¹⁵⁵.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полисемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши-семантик ёки лексик-семантик усул билан сўз яшаш дейилади¹⁵⁶.

Тиббий терминларни тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш шуни кўрсатадики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ҳосил бўлган. Масалан: *бош*-гавданинг бошланиши; *оёқ-адоқ*-бирор нарсанинг охири, сўнги, тугалланиш қисми маъноларини англатиб, кейинчалик одам организми номи сифатида қўллана бошлаган.

Шунингдек, ҳозирги кунда тамоман бошқа-бошқа сўз ҳисобланган *қовурга-қовоқ*, *қопқоқ* (*бош қопқоғи*), *қоп* (*ўт қопи*) каби терминларнинг барчаси *қопламоқ* феълидан ҳосил бўлган. *Томоқ*, *томир* сўзлари эса “*томчи*

¹⁵⁴Маҳмудов. Н. Илмий матнда термин таносиби ва такомилли // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2020. 2-сон. – Б. 3-10.

¹⁵⁵Рожественский Ю.В. Введение в общую филологию. – М.: Высшая школа, 1979. – С.141.

¹⁵⁶Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., Фан, 2010. – Б. 127.

ҳолатига туш” феълидан ҳосил қилинганлиги ҳақида мулоҳазалар бор, соқол-сақоқ (бадий асарларда “ияк”) сўзлари эса “сақ” – “*паст томонга йўналмоқ*”¹⁵⁷ маъносини англатиб, асосдошлик касб этган.

Аслига кўра, полисемантик бўлган ушбу сўзлар маънолари орасидаги ички боғланиш йўқолган. Ушбу мисоллардан семантик усулда сўз яшашнинг диахроник хусусиятга эга эканлиги яққол кўринади.

Терминшуносларнинг билдирган фикрига қараганда, метафора семантик усулда термин ҳосил қилишда асосий рол ўйнайди. Бунда умумадабий ёки жонли тилдаги сўзларнинг бирор хусусиятини шаклан ўхшашлигини, ранг-тусидаги бир хилликни асос қилиб олиш туфайли янги-янги терминлар вужудга келган¹⁵⁸. Ўзбек тилининг турли соҳа терминологик тизимларини ўрганишга бағишланган кўпгина ишларда семантик усул билан термин яшаш терминологияни бойитувчи муҳим бир манба сифатида эътироф этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, семантик усулда термин яшаш бошқа соҳалар терминологиясига нисбатан тиббиётда кенг қўлланади. Бунинг асосий сабаби тиббий терминларнинг ўтмиш даврларда халқ тили асосида юзага келиб, жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқадорликда ривожланганлигидадир. Шунинг учун тиббий терминларда халқ тилига хос бўлган кўпгина метафорик қўлланишлар ўз аксини топган.

Метафора ҳодисаси икки минг йилдан ортиқ вақтдан буён дунё филология илмида тадқиқ этиб келинаётган бўлса-да, бу тадқиқотлар бадиият, стилистика, риторика доирасидан ташқарига чиқмаган. Яна ҳам тўғрироғи, ўтган асрнинг бошларига қадар метафорани фанга, фан тилига, терминологияга ёт бўлган ҳодиса сифатида талқин этиш устувор бўлиб келди¹⁵⁹.

XX аср бошларига келиб, когнитив тилшуносликнинг шаклланиши ва жадал ривожланиши билан метафоранинг кўп қиррали, ниҳоятда мураккаб

¹⁵⁷Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т., 2000. 1 ж. – Б. 279.

¹⁵⁸Кабулжанова Г. Метафора ва унинг табиатига қараш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. 2-сон. – Б. 40-45.

¹⁵⁹Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // М.: Прогресс, 1990. – С. 5-32.

ходиса эканлиги тан олинб, фундаментал билиш фаолиятининг намоён бўлиши сифатидаги моҳияти очиб берилди. Метафоранинг оламни билиш воситаси сифатидаги хусусиятларини тадқиқ этган Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар метафора, одатда, тафаккур ва фаолият билан эмас, балки сўзлар билан боғлиқ лисоний хусусият сифатида талкин этган.

Метафоранинг ўрганилиш тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Аристотел замонидан буён у риторика, психология, фалсафа, услубият, адабиётшунослик каби бир қанча фанлар доирасида таҳлил этиб келинди.

“Поэтика” асарида метафора (тўғрироғи *эпифора*) тушунчасига таъриф берилгандан буён бу ҳодисага қизиқиш кучайди. Ўтган давр мобайнида метафорага кўплаб таърифлар берилган бўлиб, шу соҳа билан шуғулланганларнинг ҳаммаси, албатта, Аристотел таърифини бир эслаб ўтадилар¹⁶⁰.

Ўзбек тилшунослиги терминологиясининг тарихи жуда узун бўлмаса-да, XX асрга келиб, когнитив тилшуносликнинг пайдо бўлиши билан метафорага қараш бутунлай ўзгарди. Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, метафора моҳиятидаги икки ёқламаликка кўра, бу ҳодисанинг икки асосий тури фарқланади, яъни лисоний метафора ва поэтик (бадий) метафора.

Когнитив метафора инсоннинг ўз билимларини намоён қилиш ва концептуаллаштириш усулларида бири бўлиб, бир объектни бошқа бир объект воситасида тушунтириш ва тушунишдан иборатдир, дейилади. Лисоний метафора ўхшашлик асосидаги номлашни ифодаласа, “нолисоний” метафора (когнитив) лисоний метафора юзага келишига замин яратади.

Лисоний метафора когнитив метафорасиз юзага кела олмайди. Улар ўз қонуниятларидан келиб чиқиб, бири иккинчисини тақозо этади¹⁶¹. Метафора воқеликни образли акс эттиришнинг асосий усулларида бири бўлиб, дунёнинг маълум бир лингвистик тасвирини терминологияда акс эттиради.

¹⁶⁰Кабулжанова Г. Метафора ва унинг табиатига қараш // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2017. 2-сон. – Б. 40-45.

¹⁶¹Маҳмудов.Н. Термин, сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013. 4-сон. – Б. 5-11.

Метафоранинг универсал хусусияти шундаки, у ҳар қандай инсон онгида, қайси тилда гаплашишидан қатъи назар, мавжуддир.

Фан тилининг асосини терминлар ташкил қилиши, терминлар фан тили деган тушунчанинг устунлари эканлиги маълум. Замонавий тиббий терминология терминлар тизимидаги энг мураккабларидан биридир. У ўзида минглаб сўз ва сўз бирикмаларини қамраб олган.

Тиббиёт терминологияси – бу ўзига хос таркибий, семантик, сўз яшаш ва услубий хусусиятларига кўра, оддий сўзлардан фарқ қиладиган ва шу билан биргаликда, тилнинг лексик тизимида алоҳида ўрин тутадиган сўз ва сўз бирикмаларининг ўзига хос қатламларидан биридир.

Тиббиёт тилини тиббий метафора-терминлар таркибида алоҳида маънога эга бўлган, касалликни номлаш ёки изоҳлаш учун муҳим бўлган содда нутқ лексемалари ташкил этади. Буни ушбу соҳанинг қадимийлиги билан изоҳлаш мумкин. Қадимги даврларда ибтидоий одамлар янги тиббий ҳодисани номлашда уларни кундалик ҳаётда ўраб турган нарсалар билан таққослашган. Шундай қилиб, тиббиётда мавжуд бўлган метафора-терминлар ўтмишдаги одамларнинг билиш қобилиятлари ҳамда мулоҳазаларини акс эттирган.

Метафора – тиббий терминларни шакллантиришнинг самарали усули. Статистик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, энг фаол метафора-терминлари офталмология, психиатрия, юқумли касалликларни ўрганишда, дерматовенерология, жарроҳлик, суд тиббиёти, терапия, гинекология, акушерлик, анатомия, травматология, ортопедия, физиология, стоматология, гистология, онкология, оториноларингология ва эндокринологияда кенг қўлланилади.

Тиббиётда ишлатиладиган *қуштомоқ, ногора парда, шох парда, қорасон, сувчечак, чечак, қоқшол, тўр парда, кўз олмаси, балиқ тангачаси (балиқча), қулоқ супачаси, бурун супраси чиганоғи, қулоқ супраси чиганоғи, сийдик найи* каби терминларнинг ишлатилиши бевосита метафора билан боғлиқ.

Масалан, *бош косаси, кўз косаси, буйрак жоми, калла қутиси* каби бирикмалардаги *коса, жом, қути* бирликлари халқ тилида бирор нарсани солиш учун ишлатиладиган *идиш* маъносини билдиради. Тиббиётда шу идишлар шаклига ўхшаган аъзолар ёхуд уларнинг қисмлари мавжудки, бу ўз навбатида, метафорик ўхшатиш асосида юқоридаги терминларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Метафора асосида ҳосил бўлган тиббий терминларни эса қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Инсон, унинг биологик хусусиятлари ўхшашликка сабаб бўлган тиббий терминлар. Бунда, асосан, биологик хусусиятлар (*ўлим, уйқу, кўриш*) кабилар ўхшашликка асосланган ҳолда, терминлар ҳосил қилинган: *кўричак, ўлик пулпа, ўлик ҳужайра* каби.

Кўричак – одам ва сут эмизувчи ҳайвонларда йўғон ичакнинг бошланиш қисми, ўнг ёнбош чуқурчасида жойлашган бўлиб, унинг ёнбош ичакка қўшилиш жойида ярим ойсимон бурмалари, қопқоғи бор¹⁶².

Терминга эътибор қаратадиган бўлсак, унинг бир тарафи ёпиқ бўлгани учун шу ном билан аталишига сабаб бўлган, ундаги ёпиқ семаси метафорага асос бўлган. Тиббиётда тана қисмлари номлари метафора йўли билан бошқа орган номи сифатида ҳам қўлланилган: *қоринча, оёқ, бош, бошча, лаб, бел, тилча* каби терминлар бирикмали ҳолатда ҳам ишлатилади. *Суякнинг боши, буйрак бели, юрак қоринчаси, қон таначаси, бачадон бўйни, мушакнинг орқа қорин қисми, ўн икки бармоқли ичак, танглай тилчаси, мия оёқчаси, тўрт бошли мускул, уч бошли мускул* сингари терминлар бунинг ёрқин мисолидир.

Рус тилшунослигида бундай терминлар антроморфик метафора номи билан юритилади.

¹⁶²Озингин.М.В. Роль метафоры в структурировании и функционировании русской медицинской терминологии. Автореферат канд. дисс. – М., 2015. – С. 27.

2. Кийим-кечак ва уларнинг қисмларини англаувчи сўзлар билан боғлиқ тиббий терминлар: *мия тўни, қорин бурмаси, совут юрак, елка камари*¹⁶³.

3. Кундалик ҳаётда ишлатиладиган рўзғор буюмлари, турли нарса-предмет номлари метафора йўли билан термин ҳосил қилишда иштирок этган: *сийдик пуфаги, ўт пуфаги, мия ўроғи, қулоқ сақичи, жигар тугуни, ногора парда, шох парда, калла гумбази, суяк қавати, тиш тоши, тўр парда қадаҳчалари, киндик тизимчаси, буйрак калаваси, сўргич толалари, нерв толаси, товуш пардаси, буйрак тўпи, қорин чарваси, қулоқ ойнаси, соч кепаси, касаллик ўчоғи, кўкрак қафаси, ичак сўргичи, буйрак жоми, жаҳаннам тоши (кумуш нитрат), тасбеҳ донаси синдроми, мушак урчуги, пай урчуги каби.*

Қоп – “сочилувчи нарсаларни солиб қўйиладиган мато, чипта ва шу кабилардан тикиладиган халтадан катта, қанордан кичик рўзғор буюми¹⁶⁴. Тиббиётда, хусусан, анатомияда эса “одам ва кўпчилик ҳайвонларда ўт йиғиладиган аъзо – *ўт қопи*¹⁶⁵.

4. Ботаник объектлар ва уларни англаувчи терминлар. Ўзбек тилининг тиббий терминологиясида ботаникага оид тушунчалар ҳам тиббиётга оид терминларнинг ҳосил қилинишида иштирок этганлигини кузатиш мумкин:

1) айрим ўсимлик номлари тиббий термин сифатида учрайди: *карам буқоғи, мия сўғони, таъм пиёзчаси;*

2) ўсимликнинг ривожланиш босқичлари, улар тузилишидаги қатор қисмларнинг номлари: *таъм куртаклари, мия пўстлоғи, бронх дарахти, томоқ муртағи, бодомча без, буйрак усти беzi пўстлоғи, пўстлоқ хужайра, кўз гули, нерв илдизчаси, мия пояси, чечак, сувчечак, олча данағи синдроми, думгаза шохлари.*

¹⁶³Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., Фан, 2010. – Б. 61.

¹⁶⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V ж. – Тошкент, 2006. – Б. 335.

¹⁶⁵Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар луғати. – Т.: Камалак – Ҳазина, 1996. – Б. 527.

5. От-улов жабдуқларининг номлари: *турк эгари, лаб юганчаси, узангича.*

6. Зооморфик метафоралар ҳайвонларнинг номлари, тана қисмлари ва уларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бошқа исмларни бирлаштиради: *мия чувалчанги, йўлбарс юраги, бўританглай, от думи, балиқ тангачаси, товуқ эти, қуёнлаб, филоёқ, гоз териси, “эчки оёқ”асбоби, “қўйбурун” тери сили, кўкрак қурбақаси, бақача, денгиз оти, балиқ икриси синдроми, туяпайпоқ, қушюз, гозжигар, капалак синдроми, тўтитумшуқ, йўлбарс тили, каби терминлар метафора йўли ҳосил бўлган билан тушунчалар – жисм ёки органлар, шунингдек касаллик белгиси ва номлари сифатида қўлланилади.*

7. Ранг билан боғлиқ метафораларда ранг даволашда муҳим рол ўйнайди. Рангни ифодаловчи сўзни ўз ичига олган терминлар аниқ бир аломатни кўрсатади, уни аниқлайди. Бундай терминлар касалликни аниқлаштиришда ёрдам беради, тиббиёт ходимининг касалликни аниқлаши, унга ташхис қўйишида катта аҳамият касб этади.

Ранглар тиббиёт ва унинг тили ривожланганлигидан далолат беради. Тиббиётда рангларни кодлаш касалликлар, симптомлар, тери ва бошқаларнинг асосий диагностик белгиларидан биридир. Ўзбек тили тиббий терминологиясида эса қуйидаги ранг билдирувчи терминларни кўриш мумкин: *кўкйўтал, оқ иситма, оқчечак, оқ сим, оқ қон, оқ алаҳлаш, сариқ, қора сариқ, сариқ иситма, сариқ тана, сариқдоғ, тарғил тана, қизилча, қизилча, қизамиқ, қоражигар, қорачечак, қорақўтир, қора оқсоқ, қорасон* сингари.

8. Географик терминларнинг тиббиётда термин ҳосил қилишдаги иштироки: *сийдик канали, қон-томир канали, кўрув канали, қон оролчаси, Лангерганс оролчаси, суяк канали, чов канали, меъда канали, тиш канали, сон канали, жағ ‘ қирғоқлари, географик тил.*

Тиббий терминлар таҳлилида *қин даҳлизи, кўзнинг олд хонаси, юрак эгатлари* каби номлар уй қисмлари ҳамда экин майдони билан боғлиқ

тушунчаларни ифодалайди¹⁶⁶. Баъзи терминлар бирданига икки сабаб билан шу ном билан аталади, чунки у ўз семантикасида турли хил нарсаларга тегишли иккита қиёсий хусусиятни акс эттирган бўлиши мумкин. Шу ўринда тиббиётдаги *Одам олмаси (Адамовое яблоко)* терминини эсга олиш кифоя. Ушбу термин, нафақат, шундай ном билан, балки ўзбек тилида *кекирдак олмаси* номи билан ҳам юритилади.

Илмий тиббиётда юқоридаги ном билан юритилади. Ушбу атаманинг этимологияси *Одам Атонинг томоғига тикилиб қолган олма ҳақидаги афсонага тақалади. Ушбу атама шаклининг ўхшашлигига (олма шакли билан) ҳам, жойлашиш ўхшашлигига (Одамнинг томоғи) ҳам асосланиб, бир вақтнинг ўзида иккита мавзуй гуруҳга – ботаника ва антропоморфик метафораларга ишора қилади¹⁶⁷.*

Метафора тил доираси билан чекланиб қолмайди, чунки инсоннинг фикрлаш жараёнларининг ўзи метафора. Метафора инсоннинг концептуал тизимида мавжуд ва тиббий терминларни шакллантиришнинг самарали усули ҳисобланади¹⁶⁸. Метафора номинациялари умумий қабул қилиш, қулайлик каби фазилатларни эгаллашга ёрдам беради. Метафора инсон онг-у тафаккури ҳамда билишнинг энг сермахсул ҳодисаси эканлиги билан ажралиб туради.

Кўп маънолилик терминологияга хос хусусият бўлмаса-да, тиббий терминларнинг шаклланишида маъно кўчиш усуллари, хусусан, метафора етакчи ўринни эгаллайди.

4.3. Ранг билан алоқадор тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси

Ўзбек тилида тиббий терминларнинг семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда, терминларга тил маданияти ва нутқ маданияти билан ўзаро

¹⁶⁶Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т.: Фан, 2010. – Б. 65.

¹⁶⁷Ознигин. М.В. Роль метафоры в структурировании и функционировании русской медицинской терминологии. – М., 2015. – С. 32.

¹⁶⁸Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // – М.: Прогресс, 1990. – С. 5-32.

алоқадор ҳодисалар сифатида ёндашув кўпгина масалалар, жумладан, тилдаги терминларнинг маъноси ва тарихий-этимологик тараққиёти масаласига аниқлик киритишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тил шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг ўзаро алоқа-аралашув воситаси сифатида халқнинг кўп минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатлари, маънавияти ва қадриятларини аجدодлардан авлодларга, ўтмишдан келажакка олиб ўтишда бевосита кўприк вазифасини ўтайди.

Бу борада тил замон ва маконда чегараланмайди, яъни муайян маълумотлар тил воситасида исталган вақтда, исталган жойга узатилади ва етиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир тил умумхалқ тажрибаси ва маданий меросини ўзида сақловчи, тарихий-маданий воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг тараққий этиш жараёнлари ва йўлларини ўзида аниқ ифодаловчи бетакрор коммуникатив ва номинатив манба вазифасини бажаради.

Юқоридаги фикримизни рус тилшунослигининг қуйидаги баъзи илмий-назарий манбалари ҳам тасдиқлайди:

“Ҳар бир маданият ўзида умуминсоний тафаккурнинг муайян тимсолларини танлаб акс эттиради”¹⁶⁹, “Шундай предмет ёки воқеа-ҳодисалар борки, улар тилнинг ижтимоий мазмунида узоқ муддатга, шунингдек предмет ва ҳодиса ўртасидаги муносабат туфайли синтаксисда умумий ва мавҳум ҳолда, матнларнинг барча шаклларида қаттиқ ўрнашиб қолади”¹⁷⁰.

Кўринадики, бирор воқеликни ўзида акс эттиришда ҳар бир тилнинг маълум ўлчовлари ва ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари мавжуд. Ана шу хусусиятлар мазкур тилнинг маданий даражаси – лингвокультурологияси доирасини белгилаб беради. Айниқса, тиббий терминларнинг миллий-маданий хусусиятларини тил сатҳларида, хусусан, тилнинг лексика, морфология ва этимология бўлимлари доирасида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹⁶⁹Саяхова Л.Г. Лингвокультурология. – Уфа, 2006.

¹⁷⁰Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М., 1977.

Маълумки, ўзбек халқ табобати ўзининг қадимий ва миллий анъаналарига эга. Токи бугунги кунга қадар рўй берган ва ҳозирда давом этаётган тарихий-маданий ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни табиий равишда, аввало, тилимизнинг лексикасида ўз аксини топиб боради. Яъни, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, янги-янги сўз, тушунча ва терминлар, жумладан тиббий терминларнинг юзага келишида ўзбек тили ўзига хос маданият ўчоғи сифатида намоён бўлади.

Ўзбек тилининг луғат фондида истеъмолда бўлган тиббий терминлар орасида ранг билан алоқадор луғавий бирликлар маълум фоизни ташкил этади.

Ранг билан алоқадор тиббий терминларнинг юзага келишида, даставвал касалликнинг клиник белгилари, кўриниши назарда тутилса, сўнгра касалликнинг юзага келиши, даври, оқибати билан боғлиқ халқ қарашлари муҳим ўрин тутари.

Қуйида ранг билан алоқадор бўлган тиббий терминларнинг юзага келишида тил ва маданият муносабатлари, касалликларнинг ранг билан боғлиқ ҳолда номланишига олиб келувчи лингвистик жараёнларни кўриб чиқамиз:

Кўкйўтал (коклюш) касаллиги – ўткир инфекцион касаллик¹⁷¹. Кетма-кет қаттиқ йўтал тутиши билан кечади. Қалта таёқча шаклидаги бактериялар кўзгатади. Касал бола аксирганда, йўталганда ҳавога тарқалган майда балғам ва шиллиқ томчилардаги кўкйўтал таёқчаси соғлом боланинг нафас йўллари орқали организмга киради (инфекциянинг ҳаво-томчи йўли билан юқиши).

Касаллик беморга яқин юргандагина юқиши мумкин, чунки кўкйўтал кўзгатувчиси чидамсиз ва организмдан ташқарида дарров ўлади. Амалда касаллик теvarак-атрофдаги нарсалар орқали юқмайди. Кўпинча 1-5 яшар болаларда учрайди, баъзан 1 ёшгача бўлган болалар ҳам оғрийди.

¹⁷¹Саломатлик энциклопедияси. – Т.: Матбуот, 1983. – Б. 234.

Кўкйўтал кўзғатувчиси бола организмда 2-15 кун давомида ҳеч қандай касаллик аломатларини пайдо қилмай (инкубацион давр) туриши мумкин. Кейин бола йўтала бошлайди. Йўтал тутиш даври касалликнинг асосий ва доимий аломати бўлиб, йўтал иккита-учта қаттиқ йўталиш билан бошланади, кейин бемор тинмай кетма-кет, калта-калта йўталаверади ва нафаси ичига тушиб кетади. Қаттиқ йўтал натижасида зарб товуши эшитилади. Йўтал кетма-кет тутади.

Касалликнинг оғир-енгиллиги йўталнинг қанча давом этиши ва қанча вақтда қайта тутишига боғлиқ. Гўдакларда йўтал узок (2-3 минутга) чўзилади, чийиллаган товуш чиқармай нафас олиб, калта-калта йўталади. Йўтал тутганда боланинг юзи аввал қизариб, кейин кўкаради. Кўзи ёшланиб, унга қон қуюлиши мумкин, тили осилиб кетади, бўйин томирлари бўртади.

Кўкйўтал термини кўк ва йўтал сўзларидан таркиб топган, яъни *кўк* – рангни англатувчи аслий сифат ҳамда *йўтал* – касаллик номини англатувчи мавҳум отдан иборат. Бугунги кунда *кўкйўтал* термини йўталиш билан кечадиган, йўтал тутганда, организмда кўкариш, бўйин томирларининг кўкариб бўртиши, яъни бошқа йўталлардан фарқ қилувчи кўк ранг ёки овоз асосга олинадиган касалликнинг номини англатади ва шу маънода қўлланади.

Бу касаллик беморнинг кўриниши, ранги аломатига кўра номланган. *Кўк* ранг касалликнинг аломатларидан бири бўлса-да, бироқ бу ерда касалликнинг умумий номини ўзида мужассамлаган ва бугунги кунда тиббиётда кенг қўлланилади.

Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) асарида *кўк* сўзининг қуйидаги беш хил маъноси қайд этилган¹⁷²:

1) *кўк* – *осмон*, 2) *кўк* – *оҳанг*, 3) *кўк* – *кўклам*, 4) *кўк* – *қадог*, 5) *кўк* – *сабза*.

Кўк – *мовий*, *зангори*. Қадимги туркий тилда шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу сифат асли *кўк* тарзида чўзиб талаффуз қилинган,

¹⁷²Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. МАТ.16-том. – Т.: Фан, 2000. – Б. 18.

кейинчалик ўзбек тилида чўзиқлик ва юмшоқлик белгиси йўқолган (Ш.Раҳматуллаев, ЎТЭЛ, 223).

Агарда *кўкйўтал* лексемасини *кўк* сўзининг маънолари доирасида кўриб чиқсак, касалликнинг *оҳанг* маъноси билан боғлиқ томони ҳам намоён бўлади. Касалликнинг симптомлари сифатида бемор тинмай кетма-кет, калта-калта йўталавериши, нафаси ичига тушиб кетиб, товуш ёриғи қисқариши натижасида товуш чиқиши санаб ўтилган.

Демак, беморнинг овози ёки оҳангида бўладиган ўзгаришга кўра *кўкйўтал*, яъни оҳанг ўзгариши билан боғлиқ бўлган йўтал деб номланган. Бу ерда *кўк* сўзининг ҳар иккала этимологик маъносини асосга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчиси – *мовий*, *осмон ранги* маъноси, иккинчиси – *оҳанг* маъноси.

Йўтал – рефлектор ҳодиса, бронх, ҳиқилдоқ шиллик пардаларининг таъсирланиш белгиси (А.Усманходжаев, Большой медицинский учебный словарь (БМУС), 210).

Йўтал шамоллаш билан боғлиқ, йўталиш билан кечадиган кўпгина касалликларнинг симптомлари бўлиши мумкин, бироқ *кўкйўтал* деганда ана шу йўталларнинг маълум бир тури англашилади. *Кўкйўтал* лексемаси ўзбек халқ таъбаотида қадимдан касалликнинг номи сифатида мавжуд. *Кўкйўтал* лексемасидаги *кўк* белгиси мазкур касалликни бошқа йўтал турларидан ажратади.

Шу ўринда ўзбек тилининг номинатив вазифаси яққол кўзга ташланади. Буни кейинги ўринлардаги тиббий терминлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. *Кўкйўтал* терминида *кўк* сўзи миллий-маданий белги сифатида ўзбек тилида касалликнинг ўзига хос турини реаллаштирган. Хусусан, рус тилида *кўкйўтал* – **коклюш** деб номланиб, луғатларда изоҳланган.

Мавжуд изоҳларда *коклюш* термини рус тили табиати нуқтаи назаридан *кўк* ранг билан боғланмайди. Бу ерда термин ҳосил қилишда ўзбек тилининг нақадар аниқ ва мукамал эканлиги *кўкйўтал* термини мисолида кўринади.

Кўкйўталнинг рус тилидаги номи ўзбекча асосдан шаклланган бўлиши мумкин, бироқ бу борада асосли далиллар топиш керак бўлади.

Таъкидлаш керакки, ўзбек халқи кўкйўтал касаллигини даволашда ўзига хос миллий-маданий анъаналардан келиб чиқиб, кўк қарғанинг патидан ва гўштидан тайёрланган маҳсулотлардан фойдаланган ва кўп ҳолларда шу йўл билан ушбу касалликни даф этган.

Оқ сим (ящур) касаллиги – иситма билан оғиз, тил, бурун шиллик пардасида, шунингдек бармоқлар орасида ва тирноқлар ёнидаги терида афталар (ярачалар) ҳосил бўлиши билан ўтадиган ўткир юқумли касаллик. Оқ симни вирус қўзғатади, у ҳайвонлар жунда, хашакда 1 ойгача сақланиши мумкин, бироқ қуёшда 60 градус ва ундан юқори температурада қиздирилганда, дезинфекцияловчи воситалар таъсирида тез нобуд бўлади.

Оқ симга мойил кемирувчилар (юмронқозик, сичқон, каламуш), шунингдек сўна инфекция ташувчи ҳисобланади. Оқ сим билан туёқли ҳайвонлар (сигир, эчки, қўй, чўчқа) касалланади. Одамга оқ сим касаллиги ҳайвонларни боққанда, уларнинг пиширилмаган сути ва шу сутдан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилганда юқади.

Вирус одам организмида 2-12 кунгача (аксарият ҳолларда 3-4 кун) касалликнинг клиник аломатларини вужудга келтирмайди (инкубацион – яширин давр). Касаллик ўткир бошланади, бош оғрийди, мускулларда оғрик пайдо бўлади, эт жунжикади, температура 38-39 гача кўтарилади. Тез орада лаб, тил, лунж шиллик пардаларида, шунингдек қўл ва бармоқлар тирноқлари олдида, бармоқлараро бурмаларда аввалига тиниқ, кейинчалик лойқа суюқлик билан тўлган майда пуфакчалар пайдо бўлади.

Оғиз бўшлиғига тошмалар тошганда, сўлак кўп оқади, сўзлашганда, овқат чайнаганда, ютганда оғритади ва ачишади. Пуфакчалар ёрилиб, 10-14 кунда тузаладиган афталар ҳосил қилади. Касаллик 15-20 кунга чўзилади.

Сим I – форсча “металл чивик”, “ип”, “кумуш”. 1). Ип, чилвир, чивик кўринишдаги узун металл буюм. Масалан, *мис сим*. 2). Электр ёки телефон линиясига тортиладиган ўтказгич. *Электр сими*.

Сим II – *кт. айн.* Сийм. Хазинанинг симу зарга эҳтиёжи не даражада? Ойбек, “Навойи” романи (Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ), V, 505).

Оқ сим касаллигининг рус тилидаги изоҳида оқ рангга ишора йўқ.

Оқ қон (лейкоз) касаллиги – (юнонча leukos – “оқ”), лейкомия, оқ қон, қон раки – қон яратиш тизимининг ўсма касаллиги¹⁷³. Ўткир ва хроник бўлади. Ўсма қандай хужайралардан тузилганига қараб, оқ қон касаллигининг турлари фарқ қилади. Хроник оқ қон (лейкоз) касаллиги хавфсиз ўсма ҳисобланади. Хроник лимфолейкоз, миелолейкоз, эритремия ва миелом касалликлари оқ қон касаллигининг энг кўп тарқалган турларидир.

Оқ қон касаллигининг ҳар икки турида қондаги лейкоцитлар сони ортади, лейкоцитар формула ўзгаради, аста-секин авж оладиган анемия (камқонлик) кузатилади. Эритремияда юз, кафт кўкимтир-қизғиш тусга киради ва қизил қон таначалари билан гемоглобин миқдори ортиб кетади.

Оқ қон касаллигининг ранг билан боғлиқ номи ўзбек тили нуқтаи назаридангина кузатилади. Бошқа тилларда мазкур касаллик ранг билан боғланмаса-да, бироқ беморнинг қони таркибидаги тегишли сифат ўзгаришлари билан боғлиқ бўлади.

Ўзбек тилида оқ қон терминининг касаллик номи билан боғланиши маданий-тарихий асосга эга. Бу қоннинг таркибий ўзгариши билан характерланади, яъни бундай касалликка чалинган беморнинг қонида айнан ранг билан боғлиқ ўзгаришлар кузатилади. Бу ўринда сўзларда маъно кўчишининг метонимия усули, яъни ўзаро боғлиқлик асосидаги маъно кўчиши реаллашган.

Оқ – *қор, сут рангидаги*. Бу сифат сўз қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган ва **а:қ** тарзида чўзиқ талаффуз қилинган. Ўша даврдаёқ,

¹⁷³Саломатлик энциклопедияси. – Т.: Матбуот, 1983. – Б. 238.

а: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. Ўзбек тилида чўзиқ **а:** унлиси қисқа **а** унлисига, сўнгра **о** унлисига алмашган: **а:к → ак → оқ** (ЎТЭЛ, 262).

Қон – “тирик вужуд аъзо ва хужайраларини озиқлантирувчи, модда алмашинувини таъминловчи қизил рангли суюқлик”. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қан** тарзида талаффуз қилинган (М.Кошғарий, Девону луғотит турк (ДЛТ), III, 172). Ўзбек тилида **а** унлиси **о** унлисига алмашган: **қан→ қон**.

Таъкидлаш жоизки, оққон касаллигининг русча изоҳида оқ ёки бошқа бирорта ранг билан боғлиқлик мавжуд эмас. Ўзбек тилида бу тиббий терминнинг юзага келишида ўзига хос миллийликни, яъни оқ ранг билан боғлиқликни кўришимиз мумкин.

Сарик (желтуха) касаллиги – жигарда ҳосил бўладиган билирубин – ўт пигментининг тўқималарда тўпланиши туфайли тери, кўз оқи ва шиллиқ пардаларининг сарик тусга кириши. Сарик касаллиги қонда билирубин миқдорининг ошиб кетиши натижасида пайдо бўлади. Келиб чиқиш сабаблари ва ҳосил бўлиш механизмига кўра сарик касаллиги жигарда пайдо бўлувчи, механик ва гемолитик хилларга бўлинади.

Жигарда бўладиган (паренхимага оид) сарик касаллиги жигар хужайраларининг инфекцион ёки токсик заҳарланиши натижасида пайдо бўлиб, жигарда турли хил ўзгаришларни келтириб чиқаради, билирубинни ичакка ўтказди: ахлат ранги оқариб, сийдик тўқ рангга ўтади. Жигардаги сарик касаллиги, кўпинча, Боткин касаллиги (вирусли гепатит) туфайли, шунингдек жигар хужайраларининг алкоголь таъсирида заҳарланиши оқибатида келиб чиқади.

Механик сарик касаллиги ўт (сафро)нинг ўт йўлларида ўта олмаслиги, масалан, ўт пуфагида тошлар пайдо бўлиши натижасида ўтнинг ичакка ўта олмаслиги ва шу туфайли ўт йўлларида тўхтаб қолган сафродаги билирубин тўғридан-тўғри қонга ўтиб кетиши сабабли келиб чиқади. Гемолитик сарик

касаллигида эритроцитларнинг парчаланиши одатдагидан анча тез ва билирубиннинг қондаги миқдори кўп бўлади.

Одатда, аввал кўз оқи, кейин юмшоқ танглайнинг шиллик пардаси, тил ости ва тери сарғаяди. Сарикликнинг кучли-кучсизлиги қондаги билирубин миқдорининг кўп-камлигига боғлиқ. Сарик касаллигида, кўпинча тери кичишади, чунки ўт кислота теридаги периферик нерв толаларини кўзғатади.

2-3 кунлик чақалоқларда, кўпинча жигар функциясидаги вақтинчалик етишмовчилик натижасида бадан сарғайиши – физиологик сариклик кузатилади.

Сарик касал лексемасидаги сарик сифат сўз бўлиб, ранг, белги маъноларини англатади. Халқ жонли тилида *сариклатма* ёки қисқартирилиб, *сарик* деб ҳам юритилади. Қўлланишига кўра, *сариклатма* сўзи бирмунча тўғрироқ, чунки *сариклатма* буйруқ феъли касалликни кўп ўтказиб юборма, деган маънода ишлатилган. Агарда бемор танасида сарик ранг кўпайиб, касаллик кучайиб кетса, бу хавфли дегани.

Сарик касаллигининг ўзига хос белгиларини таҳлил қилсак, беморда, аввал кўзнинг оқи, сўнгра танглай, тилнинг ости ва тана териси сарғаяди, яъни сарик тусга киради. *Сарғаймоқ* феъли сарик *ранг*, *белги* сифатининг қуйидаги буйруқ шаклидан пайдо бўлган: *сариг* + *ай*.

Сарик – *сомон рангли*. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат *сариг* тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилида *г* ундоши *қ* ундошига алмашган. Бу сўз охиридаги **-қ (-иқ)** қисми – сифат ясовчи кўшимча, лекин **сари- (сар-)** қисмининг маъносини изоҳлаш қийин. Бу қисм “сарик ҳолатга айлан” маъносини англатувчи феъл. Кўпчилик туркий тилларда бу сифатнинг **сары** шаклида мавжудлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди (ЎТЭЛ, 276).

Сарик касаллигининг бошқа касалликлардан фарқловчи асосий белгиси танада сарик рангнинг ошиб кетишидир. Бу эса касалликнинг ана шу ранг билан боғлиқ ҳолда аталишига олиб келган.

Сарик (ранг номи) – туркий халқлар маданиятида муқаддас саналган.

Рухшунослик илмида кишининг бу рангга мойиллиги унинг атрофдагиларда яхши таассурот қолдиришини таъминлар экан. Аурадан сарик рангнинг таралиши бу инсоннинг *эхтиросли ва шиддаткорлигини, кайфияти кўтаринки, беғубор ва хушчақчақ* эканлигини билдиради. Замоनावий тиббиётда асабларни тинчлантирувчи хусусияти ҳам бор.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳоқон Фарҳодга атаб қурдирган тўрт қасрдан бири шу тусда бўлган. Достонда бу ранг хазон ва кексалик рамзи бўлиб келган. *Заъфарон, заъфароний* каби синонимлари ҳам мавжуд¹⁷⁴.

Сарик касаллиги – желтуха, -и, ж. Болезнь печени, сопровождающаяся пожелтением кожи. II *прил. Желтушный*, -ая, -ое (СРЯ, 164).

Кўринадики, рус тилида ҳам *сарик касаллиги* ранг билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Бу эса икки ҳар хил тил оилалари ўртасида айнан бир хил термин юзага келганини, касалликнинг маданий-тарихий этимологияси бир-бирига яқин эканлигини кўрсатади.

Сарик касаллиги терминининг синоними сифатида айрим тиббиётга оид адабиётларда гепатит термини қўлланган. Масалан, гепатит (*сарик касаллиги*) кўпинча жигарни шикастловчи вирус орқали юзага келади. Касаллик кичик болаларда енгил, катталар ва ҳомиладор аёлларда эса оғир кечади.

Касал кўпинча 2 ҳафта оғир бўлиб, кейинги биринчи уч ой қувватсиз бўлади. Кўзидаги сариклик йўқолгандан сўнг ҳам 3 ҳафта ўтгунга қадар бемордан вирус осонгина юқади. Баъзан инфекция (Б, С-сурункали гепатит) кетмайди. Сарикнинг ушбу турлари кам учрайди ва жинсий алоқа орқали ёки онадан болага ўтиши мумкин. Касаллик белгилари бола катта бўлганидан сўнг намоён бўлади¹⁷⁵.

¹⁷⁴Алишер Навоий. Қомусий луғат. I жилд. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 502.

¹⁷⁵Вернер Д. Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси. – Тошкент, 2014. 180-б.

Дунё табобат илмининг султони, исми-шарифи медицина тиббий терминининг вужудга келиши учун асос бўлган (яъни *ибн Сино* → *авиценна* → *медицина*) буюк қомусий аллома Абу Али ибн Сино ўз асарларида кўпгина касалликлар, жумладан, *сарик* касаллигининг хусусиятлари ва уни даволаш масалаларига ҳам аниқлик киритган. Алломанинг “Тиб қонунлари” асарида бу ҳақда, хусусан, шундай дейилади:

“*Сарик ва қорасарик*. Сарик касаллиги бадан рангининг хунук суратда сарғайиб ёки қорайиб ўзгаришидан иборатдир; бунга сарик ёки қора хилтнинг сасимасдан терига ва тери остига оқиб бориши сабаб бўлади; агар сарик хилт сасиб борса, уч кунлик иситма, қора хилт сасиб борса, тўрт кунлик иситма пайдо бўлади. Сарик касаллигининг сабаби, кўпинча, жигар ва ўт қопчаси томонидан бўлади, қорасарикники эса талоқдан ва гоҳо жигардан ҳам бўлади. Гоҳо сарик ва қорасарик касалликларининг иккаласида ҳам баданга умумий бўлган мизож сабаб бўлади.

Энди сарик касаллиги ҳақида сўз бошлаб айтамикки, сарик касаллиги ё сафронинг кўп туғилишидан ёки уни чиқариш мумкин эмаслигидан пайдо бўлади; сафронинг кўп туғилишига эса уни туғдирувчи аъзо ёки у пайдо бўладиган модда сабаб бўлади ёки унинг сабаби бадандан ташқарида бўлади”¹⁷⁶.

Юқоридаги иқтибосдан кўринадикки, ибн Сино сарик касаллигини қора ранг билан ҳам боғлиқ ҳолда изоҳлаган ва сарик, қорасарик тиббий терминларини ишлатган. Бу икки рангни ўзаро боғлиқ бўлган икки хил касаллик номи сифатида кўрсатган. Сарик касаллигининг мазкур изоҳи ўзига хос бўлиб, бошқа тилларда кузатилмайди. Бу ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологияси, яъни алоҳида тил маданиятидан далолат беради.

Сарик касаллигининг қора ранг билан боғлиқлиги ўзбек тилидагина ўз ифодасини топган бўлиб, бошқа тилларда, хусусан рус тилида мавжуд эмас. Балки касалликнинг иккинчи тури сифатида қўлланган *қорасарик* термини

¹⁷⁶Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. III жилд. – Т., 1994. – Б. 224-225.

бошқа тилларга ҳали ўзлашиб улгурмаган бўлиши мумкин. Бу ҳам, умуман, сариқ касаллигининг тиббиёт тарихида илк бора туркий халқларда чуқур ва атрофлича ўрганилгани ва унинг хусусиятлари (симптомлари)га тўлақонли баҳо берилганлигини кўрсатади.

Қизилча (краснуха) касаллиги – ўткир юқумли касаллик, гавда температурасининг кўтарилиши, бир оз катарал ҳолатлар (тумов, йўтал), энсалимфа тугунларининг катталаниши ва оғриши ҳамда териға тошмалар тошиши билан характерланади. Қизилчани вирус қўзғатади.

Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда балғами, сўлаги таркибидаги вирус ҳавоға тушади, сўнгра соғлом одамнинг нафас йўллари орқали унинг организмиға киради (инфекциянинг ҳаво-томчи йўли билан юқиши). Қизилча барча ёшдаги кишиларға юқиши мумкин, бироқ, кўпинча 2-10 ёшгача бўлган болалар оғрийди. Касалликдан кейин организмда турғун иммунитет қолади.

Қизилча билан оғриган беморлар тошма тошишидан 2 кун олдин ва тошма йўқолиб кетгунча юқумли бўлади. Қизилча вирусини организмда 16-21 кун мобайнида касаллик белгиларини пайдо қилмай туриши мумкин. Касаллик бошланишидан олдинги давр (продромал давр) бир оз тумов ва йўтал билан намоён бўлиб, аксари сезилмай қолади. Бу белгилар билан бир вақтда ёки 1-2 кун кейин юзга ва баданнинг ҳамма жойиға оч пушти майда-майда доғлар тошади. Тошма 2-3 кундан кейин ҳеч қандай асоратсиз қайтади (Саломатлик энциклопедияси (СЭ), 510).

Қизилча термини *қизил* – аслий сифатға **-ча** – кичрайтириш, эркалаш оти ясовчисини қўшиш билан ҳосил бўлган. *Қизилча* касаллиги киши баданиға қизил рангли (оч пушти) майда доғлар тошиши билан кечадиган касаллик. Кўриниб турибдики, касалликнинг номи шу қизил ранг билан боғлиқ.

Қизил лексемаси белгини ифодаловчи аслий сифат бўлиб, айни пайтда, касалликнинг номини англатади. Ўз-ўзидан маълумки, сифат сўз бу ерда от

ясовчи қўшимчани олиб, отлашган ва юқорида таъкидланганидек, тилнинг номинатив вазифасини юзага чиқарган.

Эндиликда *қизилча* сўзидаги белги маъносига ҳодисани номлаш, воқеликни ифодалаш маъноси ҳам қўшилган. Негаки, қизил ранг билан боғлиқ касалликнинг номини ўзида мужассамляпти. Сўз маъноларининг ўзгариши нуқтаи назаридан бу ерда *қизил* сўзи сифат туркумидан чиқиб, от туркумига, яъни бир туркум доирасидан иккинчи бир туркум доирасига ўтган. Отлашиш ҳодисаси юз берган.

Қизил – *қон рангидаги, алвон*. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли *қизил тус ол* маъносини билдирган **қыз** феълидан **-(ы)л** қўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик унлиларнинг қаттиқлик белгиси йўқолган (ЎТЭЛ, 539).

Қизил – ранг номи. Туркий халқлар учун муқаддас саналган. Навқиронлик, хукмронлик, хурсандчилик рамзи. “Қутадғу билик” асарида бу ранг *ёшлик, хотиржамлик, шодмонлик, гўзаллик, соғломлик* маъноларини англатади.

Замонавий руҳшуносликда *кўтаринки кайфият, ўзига кучли жалб этувчи*, шу билан бирга, *умидбахшлик* ва *муҳаббат ранги*. Одам аурасидан қизил ранг таралса, бу унинг кучли ирода ва шижоат эгаси эканлигидан далолат беради. Бироқ бу рангдаги жўшқинлик жанговарлик билан ҳам омукта бўлгани учун руҳшунослар бу рангни болалар билан бўладиган мулоқотларда тавсия этишмайди.

Алишер Навоий ижодида куйланган шароби ноб (асл шароб), гулоб (гулдан тайёрланган қизил рангли ичимлик, гул шарбати) ва ёрнинг лаби (лаъл, ёқут) ҳам шу рангда бўлади. Тилимизда *гулгун, синжоби, қирмизи* каби синонимлари ҳам ишлатилади. Хусусан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида хоқон Фарҳодга атаб қурдирган тўрт қасрнинг биринчиси гулгун

(қизил) рангда бўлиб, дostonда у *навқиронлик* ва *баҳор фасли* рамзида ифодаланган¹⁷⁷.

Ўзбек тилида *қизилча касаллиги* қизил ранг билан боғлиқ ҳолда талқин этилган, бироқ рус тилида берилган юқоридаги изоҳларда касаллик қизил ранг билан боғланмайди. Бу эса ўзбек тилининг ўзига хос термин ҳосил қилиш морфологиясидан далолат беради.

Қора оқсоқ (бруцеллёз) касаллиги – одам ва уй ҳайвонларининг юқумли касаллиги. *Brucella* номли бактериялар гуруҳи қўзғатади. Синонимлари *мальта иситмаси, ўрта ер денгизи иситмаси* (БМУС, 77).

Қора оқсоқ – тиббий термини қора ва оқсоқ сўзларидан, яъни *қора* – сифат (аслий), оддий даража; *оқсоқ* – сифат (ясама): **ақса** феълига **-қ** қўшимчасини қўшиш билан ясалган, оддий даража. Бу қўшма сифатлардан битта касалликнинг номи пайдо бўлган.

Қора – *қўмир тусидаги, энг тўқ ранг*. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир неча маъноларни англатган бу сифат асли **қара** тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси қаттиқлашиб, **о** унлисига алмашган: **қара** → **қора**. (ЎТЭЛ, 566).

Оқса – “Бир оёқ калталиги туфайли чайқалиб юр”. Бу сўз қадимги туркий тилдаги “бирор томонга эгил” маъносини англатган **а:ғ-** феълидан (ЭСТЯ, I, 69) “майл” маъносини ифодаловчи **-са** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 76); ўша даврлардаёқ, **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган **ағсағ** (ДС, 23); ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **о** унлисига алмашган: **а:ғ + са** → **а:ғса** → **ағса** → **оқса**.

Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **ахса** шаклида келтирган (Девон, I, 274), демак, қадимги туркий тилда бу сўз таркибидаги **ғ** ундоши **х** ундошига алмашган. Ўзбек тили шеваларида бу сўзни шундай талаффуз қилиш ҳозир ҳам мавжуд: **ахса (охса)** тарзида (ЎТЭЛ, 263-264).

¹⁷⁷Алишер Навоий. Қомусий луғат. II жилд. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 195.

Бруцеллэз кўзгатувчиси ҳар хил турдаги бруцеллалардир. Бу касаллик иситма чиқиб туриши, бўғимлар, лимфа тугунлари, нерв тизими, турли ички органлар ва тўқималарнинг зарарланиши билан намоён бўлади. Касалликнинг ўткир кўринишлари зоҳир бўлиб турган беморлар касалхонага ётқизилиши керак. Даволаш учун бруцеллэзнинг босқичи ва шаклига қараб антибиотиклар, вакцина, гормонлар, физиотерапия, шифобахш жисмоний тарбия, массаж қўлланилади.

Бруцеллэз билан оғриган касаллар кўп терлайдиган бўлгани учун уларнинг бадани терисининг аҳволига синчиклаб қараб бориш, ички кийимларини вақтида алмаштириб туриш, ётоқ яралар ва йирингли тошмалар пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун бадан терисини камфора спирт билан артиб туриш зарур. Бемор мўл-кўл суюқликка муҳтож бўлади, мева ва сабзавот сувлари бериб туриш ўринли (Медицина ҳамшираси справочниги (МҲС), 149).

Луғатлардаги изоҳлардан кўришимиз мумкинки, мазкур касалликнинг хусусиятларида қора ранг билан боғлиқлик йўқ, бироқ ўзбек тилида касалликнинг номланишида қора ранг мавжуд. Бу эса мазкур терминни, унинг миллий-маданий ҳамда патологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишимизни тақозо этади.

Қорасон (гангрена) касаллиги – тирик организмдаги тўқималар нобуд бўлиши (некроз)нинг бир тури¹⁷⁸. Барча тўқима ва органларда (тери, тери ости ёғ қатлами, мускуллар, ичак, ўт пуфаги, ўпка), кўпинча қўл-оёқ ва қорин бўлиғидаги органларда учрайди. Қорасон касаллигида тўқима суюқлиғи буғланиши сабабли унинг намлиги тез камаяди, ҳалок бўлган тўқима тўқ қўнғир тус олади (мумиёланиш жараёни), қурийди, қотади ва бурушади.

Тўқима суюқлиғи кўп бўлиб, унга чиритувчи ёки йирингли инфекция тушса, ириш процесси авж олади. Бунда тўқималар юмшаб, ирий бошлайди, кўкимтир, баъзан қорамтир рангга киради, қўланса ҳид келади. Емирилган

¹⁷⁸Саломатлик энциклопедияси. – Т.: Матбуот, 1983. – Б. 85.

тўқималардан ажралган моддалар организмни захарлаши оқибатида беморнинг умумий аҳволи оғирлашади, тана температураси кўтарилади, интоксикация аломатлари кузатилади.

Сон сўзи ўзбек тили омоними сифатида асосан икки хил маънода қўлланади¹⁷⁹:

1) *сон* – *нарсаларнинг қанчалигини, саногини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган восита, математик тушунча*. Масалан, каср *сон*, бутун *сон* каби.

2) *сон* – *одам ва ҳайвон оёгининг тизза билан тос ўртасидаги қисми*. Масалан, *сон* суяги.

Қорасон сўзини маънолари жиҳатдан таҳлил қилсак, *қора тусга кирган, қорайган* сонни тушунамиз. Агарда касалликнинг тўқималар юмшаб, кўкимтир, баъзан қорамтир рангга кириши, қорамтир веналарнинг кўриниши аломатини ҳисобга олсак, унинг айнан *қора* ранг билан боғлиқ эканлигини аниқ кўришимиз мумкин. Бу ерда *қора* сифат лексемага *сон* от лексема кўшилиб, отлашиш юз берган. От туркумига хос бўлган касалликнинг номини ўзида ифодалаган.

Ўзбек тилида қорасон касаллиги ранг билан боғлиқ ҳолда изоҳланган. ***Қора*** – *кўмир тусидаги, энг тўқ ранг*. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат аслида **қара** тарзида талаффуз қилинган: **қара** → **қора**. (ЎТЭЛ, 566).

Қораламоқ – Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидланган юзта феълнинг эллик учинчиси.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланувчи ушбу феъл қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Қора тус бермоқ, қора тусга киритмоқ, қора ранг билан бўяммоқ;
2. *Кўчма*: айблаб, ёмонлаб гапирмоқ; ёмон, зарарли томонларини кўрсатиб сўзламоқ ёки ёзмоқ;

¹⁷⁹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. III жилд, – Б. 551-552.

3. Кўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб юрмоқ.

Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги **қара** тарзида талаффуз этилган сифатга **-ла** феъл ясовчи қўшимчасининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Мазкур феъл, аслида, қора рангга киритиш маъносини англатса-да, бадий асарларда, аксарият ҳолларда айблаш, норизолик, маломат қилиш маъноларида қўлланган¹⁸⁰.

Қорасон касаллигининг рус тилидаги изоҳларида касалликнинг қора ранг билан боғлиқлиги қайд этилмайди, бироқ ўзбек тилида мазкур тиббий термин этимологиясида айнан қора ранг билан алоқадорлик мавжуд.

4.4. Лакунар тиббий терминларнинг семантик тармоқ тезауруси

Ҳозирги замонавий тилшуносликнинг тил ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқаларини ўрганувчи долзарб масалаларидан бири – бу маданиятлараро коммуникация ҳисобланади. Бу эса, кўпинча, коммуникация жараёнида ўзаро алоқага киришувчи томонларнинг миллий-маданий ўзига хослиги билан боғлиқ.

Маданиятлараро коммуникация томонларнинг тили ва маданияти ўртасидаги доимий ҳамкорлик шароитида амалга ошади ва бунда муайян тил тизими ва маданиятлараро ҳар хиллик, ўзига хосликлар воқеланади.

Маданият назариясида *лакуна* термини ёрдамида тил ва маданиятлараро “маданий масофа” сақланиб туради. У умумгуманитар соҳа термини сифатида коммуникация жараёнида юзага келадиган “*ҳар хиллик*”, “*мос келмаслик*”, “*лингвистик ожизлик*”, “*маъносизлик*”, “*фарқланиш*” каби қатор бир-бирига яқин тушунчаларни ифода этади.

Хорижий тилшуносликда “лакуна” ҳодисасининг юзага келиши айрим тил ва маданият феноменлари универсаллиги (лингвистик ва маданий универсаллик) ва маълум бир маданиятда ушбу феноменнинг тақдим этилмаганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, лакунар бирликлар бир

¹⁸⁰Алишер Навоий. Қомусий луғат. II жилд. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 200.

тилнинг ўзида ҳам кузатилиши мумкин. Гарчи маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган лексемалар мавжуд бўлса-да, барибир тил захирасида, унинг лексик тизимида “*бўш жойлар*”, “*тўлдирилмаган жойлар*” кўп бўлади. Бунда тилдаги муайян тушунчалар аниқланмаган, умумистеъмолга кирмаган ёки қўлланмаган бўлади.

Лакуна – lacuna – лотинча 1. Ичида суюқлик бўлган чуқурча, ботиқлик, бўшлиқ жой. 2. Бирор нарсани ўтказувчи жой¹⁸¹.

Лакуна терминини ишлатмаган бўлса-да, бироқ ушбу ходисага биринчилардан бўлиб асос солган буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳисобланади. У ўзининг “*Муҳокамат-ул луғатайн*” (“*Икки тил муҳокамаси*”) асарида туркий тил билан форс-тожик тилини ўзаро қиёсий таҳлил қилиб, туркий тилдаги айрим сўз ва тушунчаларнинг форс-тожик тилида мавжуд эмаслиги, яъни маданий бўшлиқ ҳақидаги илк ғояларни илгари сурди.

Масалан, “*Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабог дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқтур*”, “*Ва ҳусн таърифидида улугроқ холгаким, турклар менг от қўюптурлар, алар от қўймайдурлар*”.

“*Егуликлардин агарчи қўй мучаларидин баъзига от қўюптурлар, аммо орқани ва ошуглуғ иликни ва ён сўнзакни ва қобургани ва иликни ва ўрта илик ва бўғизлағуни туркча айтурлар. Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва қўймоғ ва уркамошни ҳам туркча айтурлар*”¹⁸².

Бугунги кунда ушбу терминнинг илмий изоҳлари ҳар хил:

Лакуна – бирор бир тилда эквивалент тушунчанинг мавжуд эмаслиги натижасида юзага келадиган “*оқ доғлар*”, “*бўшлиқ*” дир¹⁸³. Бундай ёндашув фақат тор маънода, тилнинг лексик қатлами доирасида тушунилади. Масалан,

¹⁸¹Тўрақулов Ё.Х., Усмонхўжаев А. ва бошқалар. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. – Т., 1996. – Б. 161.

¹⁸²Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. МАТ. 16-том. – Т., 2000. – Б. 16-17., 21.

¹⁸³Эйнуллаева Е.А. Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение в межкультурной коммуникации (на примере английского и русского языков) // Автореф. дисс. на соискание уч. степени канд. фил. наук. – М., 2003.

тилшунос олим Л.С.Бархударов эквивалентсиз лексикани тасниф қилар экан, бир гуруҳ “*тасодифий лакуналар*”ни ажратади ва тилларнинг биридаги бу лексик бирлик қайсидир сабаб билан бошқа тилда сўз шаклида ёки турғун бирикма шаклида мавжуд бўлмайди¹⁸⁴, деб таъкидлайди.

“Ҳар бир маданият, ҳар битта тил бу дунёни ўзича кўради ва ўзича алоҳида дунёдир”¹⁸⁵, деб ёзади таниқли лингвист Октавио Пас.

Тилшунослардан И.А.Стернин ва Г.В.Быкова муайян халқларнинг ўзаро алоқаларидаги лакуналарни 2 та асосий турга – *ички* ва *тиллараро* лакуналарга ажратади¹⁸⁶. Улар: бир тил ичидаги лакуналар, яъни ички лакуналар (*бир тилнинг ўзида у ёки бу лексик бирлик ёки айни маънодаги сўзнинг йўқлиги*) ва тиллараро лакуналар (*бир тилдаги лексик бирлик ёки айни маънодаги сўзнинг бошқа тилда мавжуд эмаслиги*).

XX асрнинг 2-ярми ва XXI аср бошларида тилнинг қурилиш тизими парадигмаси ўтган юз йил давомида тегишли матншунослик масалаларига жавоб бериш билангина чекланди, натижада, лингвистика инсон факторига мурожаат қилди.

Тил ва маданият ўртасидаги муҳим боғловчи восита – бу инсон ҳисобланади. Инсон камолоти шахсий (субъектив) фаолият сифатида аниқ бир жамиятдаги қадриятлар тизими билан биргаликда амалга ошади. Инсоннинг қобилияти аниқ бир вақт бирлигида, аниқ бир тарихий-ижтимоий борликда шаклланади. Унинг тил ва нутқ қобилияти ана шу маданият ёки қадрият билангина чекланмайди, балки барча мулоқотдаги инсонлар билан ўзаро алоқада ривожланади.

Айни пайтда, маданиятнинг барча жиҳатлари миллий руҳ билан суғорилган бўлади, яъни ҳеч бир маданият миллатсиз мавжуд эмас. Инсон ана шундай маданият, қадриятни бир бутун тарихий шахс сифатида ўзида

¹⁸⁴Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М., 1975, – С. 93.

¹⁸⁵Октавио Пас. Перевод // Перевод – средство взаимного сближения народов: – М., 1987, – С. 159.

¹⁸⁶Стернин И.А., Быкова Г.В. Концепты и лакун // Методы исследования языкового сознания. – М., 1998. – С. 55-67.

мужассам этади. Булар, ўз навбатида, ўзига хос умумхалқ маданияти (ёки миллий маданият) ҳақида сўз юритишга имконият яратади. Бу ўзига хослик турли халқларда дунё манзарасини миллий руҳда қабул қилиш ва унинг тилда акс этиши билан узвий боғлиқ.

Кўпчилик тилшунослар лакуна тушунчасини умумий маънода узул алоқанинг ҳолати, жараёни ва реалияга хос характерга эга бўлган ҳодиса сифатида ҳам талқин қилишади¹⁸⁷.

Шундай қилиб, лакуна термини кенг маънода қиёсланаётган тил ва унумаданият вакиллариининг ўзига хос миллий хусусиятларини ўзида мужассам этса, тор маънода бир тил ёки тиллар доирасида мавжуд бўлмаган сўз ёки лексик бирликларни ўзида қамраб олади. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, лакуна терминиининг фанда ва фалсафада умумназарий қоидаси ҳали мавжуд эмас¹⁸⁸. Айниқса, фалсафа тарихида унинг турлича феноменлари талқин ва тадқиқ қилинган.

Кўпгина тадқиқотчилар бундай ўзаро номутаносибликни, яъни бир тилда бўлиб, иккинчи тилда мавжуд бўлмасликни нафақат тилнинг лексик қатламида, балки қиёсланаётган тилларнинг грамматик қатламида ҳам бўлишини таъкидлайдилар. Масалан, тилшунослардан В.Л.Муравьев француз тилида кўп қўлланиладиган, умумқабул қилинган *mon, ton, son* сингари сифат сўзлар рус тилида грамматик категория сифатида ўз аналогига эга эмаслигини қайд этади¹⁸⁹.

Худди шундай таҳлиллар тадқиқотчилар томонидан олиб борилган этнопсихоллингвистик тадқиқотларда ҳам “маданий ҳодиса” сифатида кўзга ташланади. Улар бадий таржима асарлари асосида тил ва маданиятлардаги ўзаро фарқни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келишади:

¹⁸⁷Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М., 1980. – С. 85.

¹⁸⁸Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты // Автореф. дисс. на соискании уч. степени док. филос. наук. – Краснодар: 2010.

¹⁸⁹Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир: СГПИ, 1975. – С. 148.

Бадий таржималарда хато ёки тушунарсиз даражадаги ғайритабий номутаносибликлар, ўзаро мос келмаслик тиллар феноменидаги ўзига хосликнинг белгиси ёки ўзга тилнинг характерли психологик хусусиятидан келиб чиқади. Инглиз тилшуноси К.Хейл туб австралияликлар тили ва этномаданиятини инглиз тилида сўзлашувчиларнинг тили билан солиштирар экан, “*gap*” (“бўшлик”) терминидан фойдаланади¹⁹⁰.

Таниқли немис ёзувчиси Г.Карау ўз асарларида немис тилида сўзлашувчиларнинг ўзига хос маданиятини сақлаган ҳолда, қуйидагича реалиядан лакунар бирлик сифатида мақсадли фойдаланган:

*“Da endlich steht er unter der heißen Dusche, trinkt, schon im Halbschlaf, einen Magenbitter, genießt wie sich alles in ihm entspannt und löst”*¹⁹¹.

*“Потом он стоит под горячим душем, полусонный пьет магенбиттер и с наслаждением ощущает во всем теле приятную теплоту и покой”*¹⁹².

Таржимаси:

“Сўнгра у иссиқ душ тагида туриб, ярим уйқуда магенбиттер (ошқозон учун шифобахш гиёҳлардан тайёрланган аччиқ дамлама) ичади ва хузурланиб, бутун танасида ёқимли иссиқлик ва хотиржамлик ҳис этади”.

Рус тилшуноси И.А.Стернин лакунар бирликлар ҳақида шундай дейди: “Ҳар бир тилда кўп сонли тил ичидаги лакунар бирликлар мавжуд, яъни гарчи маъносига кўра яқин лексемалар мавжуд бўлса-да, тилнинг лексик тизимида бўш, тўлдирилмаган жойлар учрайди”¹⁹³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лакуна терминига қуйидагича аниқлик киритиш мумкин:

Лакуна – қиёсланаётган тиллар ёки маданиятлар ўртасида ўзаро бирига тенг (мос) келмасик, ҳар хиллик бўлиб, айти воқеа-ҳодиса ёки

¹⁹⁰Hale K. Gaps in grammar and culture // Linguistics and anthropology: in honor of C.F. Volgelin-Jisse. Univ. Press, 1975. – P. 77-98

¹⁹¹Karau G. Go oder Doppelspiel im Untergrund. Roman. Militärverlag der DDR, 1982. – S. 288.

¹⁹²Карау Г. Двойная игра: Роман. – М.: Воениздат, 1991. – С. 312.

¹⁹³Стернин И.А. Концепты и лакуны. Лингвистические основы межкультурной коммуникации // – Нижний Новгород: 2003

тушунчанинг бирор тилда ёки ўзга тилда мавжуд эмаслиги ёхуд ўзига хос ифодаланишидир.

Лакуна тушунчасини тил бирликларининг барча соҳасига тегишли феномен, деб қараш мақсадга мувофиқ. Лакуна терминига тилшуносликда ўзига хос кўп қиррали тушунча деб қаралади, лекин унинг ички шаффофлиги ўз-ўзидан тил илмида аниқлик ва бир маънолиликини таъминлайди.

Тадқиқотчилар (Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А.) ижтимоий-маданий лакуналарни қуйидагича тасниф қиладилар¹⁹⁴:

- Субъектив лакуналар, миллий-маданий ўзига хосликларни акс эттиради; Коммуникатив фаолият лакуналари, алоқа-аралашув (коммуникация)даги турли миллий-маданий номувофиқликларни акс эттиради;

- Матн лакуналари, матнларда юзага келадиган ўзига хос мулоқот курали бўлиб, улар матн мазмунида, акс эттириш, материални қабул қилиш шаклларида муаллифнинг мўлжали ва поэтикасида ўз аксини топади;

- Маданий кўлам (ландшафт) лакуналари, кенг маънода у ёки бу аниқ коммуникатив ҳолатни акс эттиради.

Дунё манзараси, бир томондан, ўзгарувчан, кўп вариантли ва индивидуал, бошқа томондан унда тил эгаларининг катта гуруҳи ва миллатнинг ижтимоий-типик тасаввури ўз аксини топган. Шунга кўра, биз дунёнинг миллий ўзига хос тасвири ва тафаккурини ўзида мужассам этган миллий-маданий тил ва хусусий тил ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

Айнан мана шу ўзига хослик – “лакуналар тавсифи” ҳақидаги концепция, ички лингвомаданий коммуникациянинг асоси бўлиб хизмат қилади.

¹⁹⁴Марковина И.Ю. Лакуны как инструмент описания специфики локальных структур // Проблемы организации речевого общения. – М., 1981. – С. 161-181., Сорокин Ю.А. Теория лакун и оптимизация межкультурного общения // Единицы языка и их функционирование. Вып. 4. – Саратов СГУ, 1998. – С. 3-9.

Тилшунос А.Ҳасанов лакуна тушунчаси ҳақида шундай дейди: “Маълумки, икки лексик тизимни қиёслашда кузатилувчи лингвистик ҳодисалар эквивалентлик ва эквивалентсизлик тушунчалари орқали умумлаштирилади. Лакуна ва реалия ҳодисалари эквивалентсизликнинг таркибий қисми сифатида қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлмаган бирликни ифодалашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, эквивалентсизлик лакуна ва реалия ҳодисаларини умумлаштирувчи гипероним тушунчадир.

Лакуна тилда ҳам тушунча, ҳам сўз ҳолида мавжуд бўлмаган, аммо тилда фақат тушунча ҳолида мавжуд бўлган бирлик. Реалия (бирор тилда?) ҳам тушунча, ҳам сўз ҳолида мавжуд бўлган, аммо (бошқа?) тилда тушунча ҳолида ҳам, сўз ҳолида ҳам мавжуд бўлмаган бирликдир”¹⁹⁵.

Масалан, *йўлдаги кўндаланг бўртиқ, қўлнинг тирсакдан елкагача бўлган қисми* – ҳали тилимизда номланмаган.

Кўқим (кир-чанг), *эрати* (вақтинча олиш), *ёққич* (включатель), *капча* (ихчам бел), *қумқулоқ* (ўткир зеҳнли), *милмиллатмоқ* (паст олов), *пичма* (бичилган кўй), *чақ-чуқ*, *идрамоқ*, *кайпанг*, *жартилламоқ*, *чибжингламоқ*, *пашишаламоқ* ва ҳ.

Муаллифнинг юқорида лакуна ҳодисасига берган таърифида зиддият бор: “Лакуна тилда ҳам тушунча, ҳам сўз ҳолида мавжуд бўлмаган, аммо тилда фақат тушунча ҳолида мавжуд бўлган бирлик”. Аввал, тилда тушунча ҳолида ҳам мавжуд бўлмаган, деб сўнг тилда фақат тушунча ҳолида мавжуд бўлган бирлик, дейди. Тилдаги реалия ҳодисасига тўғри ва асосли таъриф берилган.

Хуллас, реалия – бирор тилда мавжуд бўлиб, бошқа тилда мавжуд бўлмаган предмет, белги ёки ҳаракат-ҳодиса бўлса, лакуна – аслида бирор тилда (бошқа тилларда ҳам) мавжуд бўлган тушунча, бироқ сўз сифатида

¹⁹⁵Ҳасанов А. Ўзбек адабий тилидаги лексик лакуналарнинг диалектал асослари. Фил. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореферати. Тошкент: 2021. – Б. 12-13.

ифодаланмаган ёки муомалага кирмаган предмет, белги ёки ҳаракат-ходисадир.

Таъкидланганидек, лакуна ва реалия терминлари ўзаро фарқланади. Масалан, “*кўмач*” – кулга кўмиб пишириладиган хамир тиббий соҳага оид реалия бўла олади. Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида *истисқо*, яъни қоринда сув йиғилиши касаллигини тузатиш учун қўлланиладиган шифобахш егулик сифатида тилга олинган. Ушбу сўз бошқа маданиятда учрамайди. Лакуна эса бошқа маданиятларда ҳам учрайди, аммо сўз билан ифодаланмайди.

Лакунар бирликлар тушунчаси лингвокультурологияга оид тушунчалардир. Термин ҳам, даставвал, сўз бўлгани учун халқнинг қадриятлари, миллий-маданий муносабатларини, касалликка берилган баҳони қамраб олади. Лакунар бирликларга келадиган бўлсак, адабиётларда бу терминга ёндош тушунчалар мавжудлиги, баъзи манбаларда реалия билан аралаш ҳолда қўлланганлиги, баъзи олимлар томонидан манбаларда термин ва реалия бир-бирига ёндош тушунча сифатида баҳоланганлигини кўрамыз. Масалан, руминиялик олимлар С.Флорин, С.Влахов шулар жумласидандир.

Реалияларга бир халқ ҳаётига (турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий ва тарихий ривожланишига) хос ва бошқа халқ учун бегона бўлган объектларни англатувчи, миллий ва тарихий колоритни акс эттирувчи ва одатда бошқа тилларда аниқ тўғри келадиган сўзлар (эквивалентлар)га эга бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари, деб қаралади.

Лакуналар ҳақида Р.Д.Филатов фикр билдириб, лакуналикни икки турга: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган турларга ажратади. Адабий тил лексик тизимида у ёки бу тушунчани англатувчи ёки унинг ҳудудий турларини бошқа турлар билан қиёслаганда, лексик бирликнинг мавжуд эмаслигини, тўлиқ лакуналик, деб номлайди. Агар ўзлаштирилган тил тизимини тўлдирган номларнинг муайян сонидан қўшимча коннотатив ёки коннотатив-номинатив маълумот берувчи синонимик-фразеологик бирликлар намоён бўлса, у ҳолда гап тўлиқ бўлмаган лакуналар ҳақида боради, деб фикр юритилади.

Лакуна ҳодисасини реалияга синоним сифатида қўллаш тўғри эмас. Уларнинг синоним сифатида қўлланиши реалия бирлик тушунчаси доирасини қисқартириб юбориши билан бир қаторда, нотўғри ёндашувни юзага чиқаради. Чунки лакуна ўз номи билан lakun “бўшлиқ”, “номланмаган тушунча” маъносини ифодалайди. Лакуна ҳодисасини маданиятларда мавжуд тушунчаларнинг сўз ифодаси йўқлигига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда “мулоқот воситаси бўлган тилда сўз орқали ифодаланиши керак бўлган, аммо ифодаланмаган” тушунчага нисбатан “бўшлиқ”, “бўш қолган, тўлдирилмаган ўринлар” сифатида ёндашилади. Масалан, *иллаки, отлиқмоқ, калчик, кучукламоқ, кўкичак, кўтарам* кабилар.

Реалияларни “бўшлиқ” сифатида баҳолаш тўғри эмас. Негаки реалия ифодалаган тушунча бошқа маданиятда кузатилмайди, ўз-ўзидан, уни номлаш зарурати ҳам бўлмайди.

Турли тиллар доирасида ички ва ташқи лакунар бирликларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Абкам – (ар.), “гунг”, “соқов”, “тилсиз”, “лол” бўлиб қолиш, тилдан қолиш. Масалан, *Дард мени қилибдур ул сифат абкамки, айта олмасмен* (А.Навоий). Абкам термини тил ва онгни йўқотиш, нутқни йўқотиш касаллиги, шундай касалликнинг номи. Касаллик бош мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Абкам термини қадимда кўп қўлланилган, бироқ бугунги кунда камдан-кам ишлатилади. Бу лексема арабча бўлиб, от сўз туркумига киради. Қадимда унинг арабча *алкан* шакли ҳам ишлатилган. Алкан сўзи аслида “гунг”, “соқов” маъноларида қўлланилган. Масалан,

Дўст зикрини гар этсам таътил,

Ўзга сўздин тилим алкан бўлсун (М.Хоразмий).

Абсанс – (фр.), ABSENCE – қисқа муддатга, 1-2 секунд хушдан кетиш ва ҳодисани эслай олмаслак. Масалан, *Бахтсиз ҳодисадан сўнг, Салим ака абсанс ҳолатга тушди*. Бундай ҳолат турлича сабабларга рўй бериши мумкин.

Организмнинг ички ҳолатлари, шунингдек ташқи таъсирларга кўра юзага келади. Кишиларда беҳушлик, жазава ва тутқаноқ тутганда кузатиладиган сезувчанликнинг вақтинча йўқолиши *абсенция* дейилади.

Абсанс термини француз тилидан олинган бўлиб, касал, яъни анормал ҳолатнинг номини англатади. Ҳаракат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли равиш сўз ҳисобланади. Қандай сўроғига жавоб бўлади.

Мараз (мариз) – (ар. маразнинг кўплиги *амроз*, маризнинг кўплиги *марзо* – “касал” демакдир), халқ жонли тилида касалликнинг номини, унинг тури, йирингли яранинг тури, нуқсон, иллат маъноларини англатган¹⁹⁶. Масалан, *Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари, ҳар маразларнинг шифоси, яъни Луқмондир китоб* (Ҳамза).

Бу лексема ҳозирги кунда ҳам ишлатилади ва унинг *ярамас, зарарли* каби маънолари ҳам бор. Масалан, *Маҳалламиздаги Шариф ҳожи мараз одам, ундан яхшилик чиқмайди*.

Мараз термини ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган, от сўз туркумига мансуб.

Мошаро – (ар.), одамда қон хуружи ва ҳарорат чиққан пайтида пайдо бўладиган вирусли, қонли яра, яранинг тури (тожикча захм). Оғир оқибатларга олиб борадиган, юқумли таносил касаллиги. Масалан, *Мадаминхоннинг аъзойи-баданини мошаро хуружи эгаллади*. Бу термин қон сизиши билан кечадиган яранинг турини ифодалайди. Мошаро лексемаси қадимги манбаларда учрайди, бугунги кунда деярли қўлланилмайди.

Мошаро термини араб тилидан ўзлашган от бўлиб, касалликнинг умумий номини билдиради.

Мўнди – (ф-т), одам танасининг бирор (аслида мавжуд бўлган) қисмини кейинчалик муайян сабаб билан кесиб олиб ташлаш туфайли мавжуд бўлмаслиги, йўқлиги. Масалан, *Каромат аканинг 50 ёшлардан сўнг икки қўли*

¹⁹⁶Таджикско-русский словарь (под редак. М.В.Рахими и Л.В.Успенской). – М.: Гос. изд. ин.и нац. словарей, 1954. – С. 215.

кесилиб, мўнди бўлиб қолди. Мўнди термини бугунги кунда ҳам халқ тилида кенг қўлланилади. Унинг “сопол кўза”, “хумча” маънолари ҳам мавжуд. Масалан, *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол – мўндига* (Халқ мақоли).

Мўнди термини тожикча, от сўз туркумига киради, турдош от. Бу сўз шундай касал одамга нисбатан ишлатилганда, маъно кўчади, сифатлашади ва сифат сўз вазифасини бажаради, белги маъносига эга бўлади. Кичкина, калта, хумчага ўхшаш, юмалоқ одамларга нисбатан ҳам мўнди термини ишлатилади.

Пашшахўрда (пошшахўрда) – (ф-т), инсон терисининг чуқур ёғ қатламида (иклим, танадаги ўзгаришлар, баъзан ҳашарот чақиши сабабли) пайдо бўладиган, тузалиши бирмунча қийин кечадиган тери касаллиги. Масалан, *Болангизнинг қўлидан пашшахўрда чиқибди.* Пашшахўрда термини касалликнинг умумий номи бўлиб, бугунги кунда ҳам одамларда учрайди.

Бу касаллик одамдан-одамга яқин масофадан, ярага тегинилганда, юқади, бироқ ушбу касаллик билан оғриган одамга юқмайди. Сабаби касаллик одам организмида антитела пайдо қилади. Шунинг учун камдан-кам одамларда учрайди. Пашшахўрда инсон танаси тизими, соғом турмуш тарзи билан боғлиқ касаллик бўлганлиги сабабли уни тезда даволаб бўлмайди.

Пашшахўрда термини ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган бўлиб, от туркумига киради, нима сўроғига жавоб бўлади ва турдош от ҳисобланади. Пашшахўрда, айни пайтда, кўшма сўз бўлиб, *пашша* ва *хўрда* сўзларидан таркиб топган. Ҳар иккала сўз ҳам тожикча, пашша – ёзда кўпайиб кетадиган кўш парда қанотли ҳашарот. Масалан, *Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша гингиллайди* (А.Қаҳҳор, “Бемор”). Пашша сўзи айрим ўзбек шеваларида чақадиган, қон сўрувчи ҳашарот маъносида ҳам ишлатилади. Хўрда сўзи ҳам тожикча “емоқ” маъносини англатади.

Пашшахўрда ўзбек тилида омоним сўз ҳисобланади:

Пашшахўрда I – (ф-т), юқорида таъкидланган инсон териси касаллиги.

Пашшахўрда II – (ф-т), бирор жойга тез-тез келиб турадиган, хира бўлиб, ёпишиб олган одам. Масалан, *Карвонсаройда нияти бузуқ, шубҳали одамлар ҳам пашшахўрда бўларди.* (М. Осим, “Ўтрор”).

Хасмол (хасмар) – (ф-т), одамнинг танасида, кўпинча бармоқлардан суякни, эт билан тирнокни ёриб, қаттиқ оғриқ билан чиқадиган ёмон яра тури. Масалан, *Файзулла тоғанинг чап қўлидан хасмар чиққан.* Ушбу термин ҳозирги кунда тилимизда кенг қўлланилади. Хасмол асосан суякларга ташқи таъсир ўтказилганда ёки ички таъсир – суяклардаги моддалар алмашинуви бузилганда юзага чиқади. Бу ярани даволаш бирмунча мураккаброқ кечиши мумкин, бундай ҳолларда жарроҳлик амалиёти қўлланилади.

Хасмол термини ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган турдош от ҳисобланади.

Қабарчук – (ар), “шиш”, “қадоқ”, “пуфак” ҳосил қиладиган яра тури, яра. Масалан, *Оғир меҳнат сабабли Жонтемирнинг оёқлари қабарчук бўлиб кетган эди.* Ушбу лексема қабармоқ феълидан олинган, яъни ишқаланиш ёки куйиш натижасида пайдо бўладиган пуфакча демакдир. Қабарчук, кўпинча одамнинг қўл ва оёқларида бўлади. Бу термин қадимда кўп ишлатилган, ҳозирги кунда тилимизда кам қўлланилади.

Қабарчук термини ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, от сўз туркумига мансуб.

Қулунж – одамнинг ички органлари – ичак, ошқозон билан боғлиқ касаллик тури. Қоринга санчиқ бериб оғриши билан характерланади. Қадимги тиббий-тархий манбаларда *қулунж* шаклида қайд этилиб, “ичакка оғриқ берувчи касаллик”, деб номланган¹⁹⁷. Масалан, *Сайид Юсуфбек бир неча кун бурунроқ қулунж заҳмати билан тенгри раҳматиға бориптур.* Бу термин ҳозирги кунда деярли ишлатилмайди.

¹⁹⁷Абу Бакр Ар-Розий. Касалликлар тарихи. – Т.: Халқ мероси, 1994. – Б. 215.

Қулунж термини араб тилидан ўзлашган бўлиб, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига мансуб.

Ҳар бир тилда ташқи лакуналар билан бир қаторда ички лакунар бирликлар ҳам катта ўрин тутаяди. Гарчи маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган лексемалар мавжуд бўлса-да, барибир тил захирасида, унинг лексик тизимида бўш жойлар кўп бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, лакуна тушунчасини ички ва ташқи лакунага ажратиш мумкин, яъни бир тил асосидаги лакуналар *ички лакуна* ҳисобланади. Дунё тиллари, хусусан, ўзбек тилида ҳам ички лакунар бирликлар кам ўрганилган.

Қуйида айрим шундай ички лакунар бирликларни таҳлилга тортамыз:

Акашак – 1. Мушакларнинг қаттиқ тортишуви натижасида одам танасининг бирор қисми ишламай, ҳаракатланмай қолиши. Масалан, *Гулнор оёқларининг акашаклана борганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сезди* (Ойбек, “Қутлуғ қон”).

Акашак термини бугунги кунда халқ тилида тез-тез ишлатилиб туради. Бу касалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тўсатдан, кутилмаганда, бирданига содир бўлади. Киши танаси аъзоларининг нерв толалари ёки томирлари тортишиб қолиши натижасида пайдо бўлади. Шу боис, одамнинг оёқлари, қўллари, бўйни, тили ва ҳоказо аъзоларига нисбатан қўлланиши мумкин.

2. Тоб ташламоқ, қийшайиб қолмоқ. Масалан, *Ефим тога болгани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдига борди* (Ҳ.Назир, “Сўнмас чакмоқлар”).

Акашак термини ўзбекча сўз бўлиб, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига мансуб.

Ағин (агин) – туғма ёки орттирилган “соқов”, “гунг”, “тилсиз” маъноларини англатади. Бу термин тарихий асарларда кўплаб учрайди ва бугунги кунда ҳаётимизда камдан-кам қўлланилади. Жумладан, Носириддин

Бурхониддин Рабғўзийнинг “Қиссас-ул Рабғўзий”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам худди шу маънода қўлланган. Масалан, “*Тағи ишламаганлар бири қарағу, иккинчиси сағир, учинчи агин*” (Н.Рабғўзий, “Қиссас-ул Рабғўзий”).

Жим турадиган ёки жуда кам гапирадиган одамларга нисбатан кўчма маънода ҳам ишлатилади. Масалан, *Налук сўзламассен агинтег бўлуб* (Ю.Х.Ҳожиб, “Қутадғу билиг”).

Агин термини ўзбекча, сифат сўз бўлиб, нисбий сифат, қандай сўроғига жавоб бўлади.

Баччаеми – асосан бир ёшгача бўлган болаларда кузатиладиган, иситма билан кечадиган, боланинг оғиз бўшлиғи, тиш милклари, лунж ва танглайдан чиқадиган оқ, пуфакчасимон тошма. Бу касал билан оғриган болаларни даволаш жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Яъни мазкур тошмаларни битталаб ёриб чиқиб, унинг ўзак қисми олиб ташланади ва тегишли муолажа қилинади. Шундан сўнг, бола тузала бошлайди.

Баччаеми билан оғриган болалар, одатда, яхши ухлай олмайди, иситма чиқаради ва она кўкрагини эма олмай, қийналади ва қайд қилади. Масалан, *Хафиза опанинг боласи баччаеми бўлган кўринади, милклари оқ-оқ бўлиб турипти.*

Баччаеми термини ўзбекча, от туркумига мансуб.

Бebilчак (бebilсак) – одамнинг оёғи остидаги кафтсимон қисм, оёқнинг юзи. Масалан, *Ёзнинг кунда иссиқ қум одамнинг бebilчагини куйдиради.* Бebilчак киши танаси аъзоларига тегишли номни англатади.

Бebilчак – *диал.* Оёқ юзининг дўнг жойи (ЎТИЛ, I, 93). Масалан, *Туфли бebilчагимни сиқяпти.* Ушбу термин оёқнинг ерга тегадиган қисми маъносида ҳам бугунги кунда ишлатилиб туради. Шунингдек, оёқнинг шу қисми сезувчан бўлиб, нерв толаларининг тугалланма жойи ҳисобланади. Кўпгина касалликларни даволашда бebilчакка таъсир қилиш, унга иссиқ бериш фойда беради.

Бибилчак термини ўзбекча, от туркумига мансуб.

Борак (бурак) – ёшлигида чечак ёки қизамиқ (гул) чиқиб, ўз вақтида даволанмаганлиги учун юзида чандиқ, доғ белгилари қолган одам. Масалан, *Қурбон бурак маҳалламизда кўринмай қолди*. Бундай одамлар кўпроқ ҳали тиббиётда эмлаш амалиёти бўлмаган пайтларда шу касалликлар билан оғриб, тахминан XX асрнинг 80-йилларигача яшашган. Кейинчалик, медицина ривожланиб, чечак, қизамиқ (гул), қизилча ва бошқа шунга ўхшаш касалликларнинг олдини олиш чоралари топилган. Ҳозирги кунда бундай одамлар деярли учрамайди.

Борак термини ўзбекча, тил нуқтаи назаридан келиб чиқиши от туркумига киради, турдош от. Бу термин шундай касаллик билан оғриган одамга нисбатан ишлатилганда, сифатлашади ва шахснинг белгисни, яъни юзида доғлари бор одам маъносини ифодалайди.

Зарча – одатда аёлларда туғриқдан сўнг, овқатланиш меъёри бузилганда, яхши пиширилмаган, хамирли, хом овқатлар истеъмол қилинганда пайдо бўлади. Бу касаллик ич кетиши, кўнгил айнаши, оғиз бўшлиғида ҳар хил яралар, тошмалар тошиши билан характерланади. Қадимда ота-боболаримиз бу касалликни типратикан гўшти билан даволашган. Масалан, *Ойша холанинг келини зарча бўлиб, дўхтирга кетди*.

Зарча термини ўзбекча, касалликнинг умумий номини билдиради, от туркумига мансуб.

Майриқ (мийқи) – одам танаси аъзолари (оёқ-қўл ва оёқ-қўл панжалари)нинг қийшиқ шаклланиши касаллиги. Масалан, *Одина опа қиз фарзанд кўрди, аммо оёқлари майриқ тугилди*. Майриқ касаллиги туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Мазкур касалликнинг ўзига хослиги шундаки, оёқ-қўл, панжалар орасидаги меъёрий кенглик бузилган, яъни ўзгарган бўлади. Бунда қўл-оёқ ва панжалар ён томонга ёки ички томонга силжийди, қийшаяди. Ушбу термин бугунги кунда ҳам тилимизда кенг қўлланилади.

Майриқ (мийқи) термини ўзбекча, нисбий сифат бўлиб, даражаланади.

Майриқ лексемаси ўзбек тилида “эгик”, “мункайган” маъносида ҳам ишлатилади. Бу сўз ҳаракатнинг белгиси маносида, кўпинча, майрилган тарзда қўлланади. Майрилмоқ – *диал.* Эгилмоқ, букилмоқ, мункаймоқ¹⁹⁸. Масалан, *Энди сўзни Равшанхоннинг энасидан.. юраги куйиб, майрилиб қолган кампирдан эшитинг* (“Равшан” достонидан).

Мўначоқ (мўночоқ) – одам танаси аъзоларидан бирининг туғма мавжуд бўлмаслиги, йўқлиги. Масалан, *Абдураим бобонинг қизи туғма мўначоқ, чап қўли йўқ эди.* Мўначоқ касаллиги ирсий, яъни аждоддан-авлодга, авлоддан-авлодга ўтиши, шунингдек орттирилган, яъни бирор касаллик ёки етишмовчилик туфайли она қорнида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Ушбу термин, бугунги кунда, асосан одамнинг оёқ-қўлларига нисбатан тез-тез қўлланилади.

Мўначоқ термини ўзбекча, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига киради, асосан бирликда ишлатилади.

Мункис – кишилардаги нутқ органи бўлган тил фаолиятининг ўз мувозанатини йўқотиши ёки одамнинг тилидаги нуқсон. Масалан, *Рисолат бувининг тили мункисланиб қолган.* Тили мункис одам гапираётганда унинг сўзлари тўхтаб-тўхтаб, каловланиб, ноаниқ бўлиб чиқади. Бу термин ўзга хос белгига эга ва ўзбек тилида мункимоқ феъли билан маъно жиҳатдан боғлиқ. Мункимоқ деганда, қоқилмоқ, тоймоқ, нотўғри йўлга кирмоқ кабилар тушунилади. Бу ўринда ана шундай белгилар тилда намон бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда, тили мункис одам тўғри гапира олмайди.

Мункис термини ўзбекча, от туркумига мансуб. Бу сўз одамга нисбатан қўлланганда, сифатлашади, яъни шундай белги маъносини ифодалайди.

От – бу сўз қадимда дори, даво маъносида ишлатилган, бугунги кунда тилда қўлланилмайди. Ушбу сўздан “табиб” маъносидаги отачи сўзи ясалган.

¹⁹⁸Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981, – Б. 443.

Масалан, *От ичдим (дори ичдим). Бек анга от берди* (М.Кошғарий, Девону луғатит турк (ДЛТ), 2017:28).

От термини ўзбекча (туркий) бўлиб, нима сўроғига жавоб бўлади, от сўз туркумига киради. Ўзбек тилида от лексемаси омоним сўз бўлиб, **от I** якка туёқлиларга мансуб, сут эмизувчи йирик иш-улов ҳайвони, **от II** кишининг шахсий исми, ном ва бошқа маъноларда ҳам қўлланилади.

Оқий – кўзга оқ парда тушиши натижасида пайдо бўладиган касаллик, шундай касаллик туфайли инсон кўзининг кўрмай, хира тортиб қолиши. Масалан, *Мустафо аканинг кўзи оқий эканлигини билмайсизми? Шунинг учун ҳасса билан юради.*

Оқий касаллиги бугунги кунда ҳам халқ тилида кенг қўлланилади. Ушбу касаллик кўзнинг шоҳ пардасида пайдо бўладиган оқ доғлар билан боғлиқ бўлиб, кўпроқ ёши улуг одамларда учрайди. Халқ жонли тилида оқий касаллигининг сабаби кўзга гул тушиши билан ҳам изоҳланади. Гул деганда, одатда кўз гавҳаридаги оқ ранг билан боғлиқ бўлган турли хил доғлар ҳам тушунилади.

Оқий термини ўзбекча, касалликнинг умумий номини англатади, от сўз туркумига киради. Айти пайтда, ушбу сўз шундай касаллик билан оғриган одамларга нисбатан ишлатилганда, сифатлашади ва шундай сифатга эга, касал одам маъносини билдиради. *Қандай одам? Кўзи оқий одам* каби.

Теппатиш – ёш болаларнинг танглай қисмидан чиқадиган қўшимча тиш (суяк, ўсимта). Бу касални қадимда, яъни тиббиёт ҳали ривожланмаган вақтларда ота-боболаримиз қўл билан босиб қўйишган ва шу йўл билан даволашга уринганлар. Ҳозирги кунда жарроҳлик йўли билан, шунингдек лазер (электротерапея)ни қўллаш билан бартараф этилади. Масалан, *Одатда теппатиш касаллиги болаларда учрайди.*

Теппатиш термини ўзбекча, от туркумига мансуб.

Удуз – тери касаллиги, кўтир (ДЛТ, 36). Масалан, *Тулки ўз инига урса, удуз бўлур* (Мақол), яъни тулки ўз инига қараб улиса, кўтир бўлади, дегани. Бу лексема қадимда қўлланилган, ҳозирги кунда тилимизда ишлатилмайди.

Удуз термини ўзбекча, от туркумига хос бўлиб, турдош от ҳисобланади.

Ум – меъда бузилиши, ошқозон-ичак касаллиги (ДЛТ, 34). Масалан, *Бемор ум бўлди (беморнинг ошқозони (меъдаси) бузилди)*. Ушбу термин бугунги кунда тилимизда деярли ишлатилмайди.

Ум термини ўзбекча (туркий) сўз, касалликнинг номи бўлиб, от сўз ҳисобланади.

Хўразак – одамларда учрайдиган томоқ ва томоқ йўли касалликларидан бири бўлиб, бу касалликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бемор нафас олганда ёки нафас чиқарганда худди хўрозга ўхшаш қиғиллаган овоз чиқаради. Шунинг учун уни хўразак деб номлашган.

Ушбу термин *хўроз* сўзига **-ак** кичрайтириш аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган. Сўзлардаги маъно кўчишининг метафора усулига асосланган. Яъни бу касаллик билан оғриган одам хўрозга ўхшатишган. Масалан, *Кўшимиз Хўроз ака ёшлигида хўразак касали билан оғриган экан, касали тузалиб кетсин, деп унинг отини Хўроз қўйишган*. (Ўзбек тилидаги *Менгнор, Норменгли* каби исмлар ҳам шу тарзда юзага келган).

Хўразак термини ўзбекча, касалликнинг умумий номини билдиради ва от туркумига киради.

Эгир (ийир) – қорин оғриғини даволаш учун қўлланиладиган ўсимлик номи (ДЛТ, 36). Масалан, *Эгир бўлса, эр ўлмас* (Мақол). Одамнинг ёнида шу дори бўлса, ўлимдан сақланади, демоқчи. Чунки қорин оғриғига дучор бўлган одам уни ичса, тuzалган. Бу термин қадимда тилимизда кенг қўлланилган ва бугунги кунда ҳам айрим шеваларимизда аҳён-аҳёнда ишлатилади.

Эгир термини ўзбекча (туркий) сўз бўлиб, гиёҳ номини билдиради, нима сўроғига жавоб бўлади, от сўз туркумига мансуб.

Эскан (эшкан) – овқат, чанг-тўзон, иқлим ёқмаганлиги сабабли баданга тошиб чиқадиган қизил тошма, шиш. Масалан, *Фанишер шаҳардан қайтгач, қишлоқ ҳавоси ёқмаганиданми эшканлаб қолди*. Эскан, одатда, одам танасини бутунлай қоплаб олади. Эсканлаган одам безовталаниб, қичиниб қолади. Бундай ҳолатлар баъзан кишилар баданига ҳашаротлар ўрмалаган ёки чакқан пайтларда ҳам юз бериши мумкин. Бугунги кунда ҳам ушбу термин халқ тилида тез-тез ишлатилади.

Эскан аллергия касаллик белгиларини ўзида намоён этса-да, бироқ унга аллергия, деб қараш нотўғри бўлади. Чунки эскан ва аллергия – бу икки хил касаллик бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам ҳар хил. Чунки, қон таркибидаги ўзгаришлар, шамоллаш, инфекция кабилар ҳам эсканлашга олиб келади.

Эскан термини ўзбекча, от туркумига киради. Шундай тошма тошган одамга нисбатан ишлатилганда, ушбу отдан феълнинг буйруқ шакли ясалади: **эскан (эшкан) + (-ла) → эсканла (эшканла)**.

Ўз – юрак ва қоринга тегишли аъзолар (ДЛТ, 33). Масалан, *Ўзим (қорним (ичим) оғриди)*.

Ўз термини ўзбекча, қадимда айни шундай маънони англатган, бугунги кунда тилимизда қўлланилмайди, от туркумига киради, нима сўроғига жавоб бўлади.

Ўтуғ – ич кетиш, қусиш касаллиги (ДЛТ, 40). Масалан, *Уни ўтуғ тутди (унинг ичи кетиб, қусди)*. Кўпинча, одамнинг бирор овқат ёки ичимликдан заҳарланиши оқибатида юзага келадиган касаллик ҳисобланади.

Ўтуғ термини ўзбекча, касалликнинг умумий номини англатади, от туркумига мансуб.

Қалчиллоқ (қолчиллақ) – одам аъзоларидан бирортасининг ихтиёрсиз тебраниб, қалтираб туришидан иборат касаллик номи. Бунда қўл, оёқ ёки бошқа органлар беихтиёр бир хил ҳаракатланиб, тебраниб туради. Масалан,

Эгамберди бобо кексайиб қолганидан кейин унинг қўллари қалчиллоқ бўлиб қолди.

Қалчиллоқ термини ўзбекча сўз, *қалчилла*- феълига **-қ** от ясовчи кўшимчани кўшиш билан ҳосил қилинган, охириги бўғиндаги **а** товуши **о** товушига алмашган: *қалчилла* + **(-қ)** → **қалчиллоқ**. Қалчиллоқ сўзи касалликнинг умумий номини англатади ва турдош от туркумига киради.

Қилтомоқ – одамларда кузатиладиган хавfli томоқ касалликларидан бир тури. Томоқ яраси ёки қизилўнгачнинг торайиб, овқат ўтмай қолишидан иборат касалликнинг умумий номи. Бу касаллик томоқда ўсма пайдо бўлиши (саратон касали) билан боғлиқ бўлиб, томоқдан овқат ўтмай, торайиб қолади.

Ўсимта тўсиши натижасида, томоқ қисилиб қолади, шу боис, *қилтомоқ*, яъни одамнинг томоғи кичрайиб, қилдай ингичка бўлиб боради. Бундай касалда, кўпинча, беморнинг ҳолати ва касалликнинг табиатидан келиб чиқиб, жарроҳлик усулидан фойдаланилади. Қилтомоқ лексемаси ўзбек тилида омоним ҳосил қилади:

Қилтомоқ I – томоқ яраси, томоқдан овқат ўтмай, кичрайиб қолиш касаллиги. Масалан, *Кўшни қишлоқдаги Обод хола қилтомоқ касалидан вафот этди.*

Қилтомоқ II – шундай касалга дучор бўлган одам. Масалан, *Тўра қилтомоқ.*

Қилтомоқ III – кам овқат ейдиган, чимхўр одамга нисбатан кўлланилади. Масалан, *Қилтомоқмисан, овқатингни есангчи?*

Қилтомоқ термини ўзбекча, касалликнинг номини билдиради ва от туркумига киради. Қилтомоқ кўшма сўз бўлиб, *қил-* (соч) ва *-томоқ* сўзларидан таркиб топган. Ҳар иккала қисми от сўз туркумига мансуб ва нима сўроғига жавоб бўлади. Бу кўшма сўзнинг шаклланиши маъно кўчишининг метафора усулига мисолдир.

Қобиз (ишурия) – одамда сийдик органлари фаолиятининг бузилиши натижасида сийдик чикмай, қовуқда туриб қолиши, сийдик тутилиши ёки

сийдик охиригача чиқарилмай қолиши касаллиги. Масалан, *Уста Алиқул ака қобиз бўлиб қолди ва охир-оқибат ҳаёт билан видолашди*. Қобиз термини халқ тилида ҳозирги кунда ҳам тез-тез қўлланилади.

Қобиз касаллигида, асосан сийдик копи яхши ишламай қолади ва натижада сийдик охиригача чиқарилмасдан оз-оздан сийдик қолиб кетаверади, оқибатда одамнинг қонига сийдик тарқала бошлайди. Бу касаллик қаттиқ шамоллаш, баъзи ҳолларда буйрақлар фаоляти билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Қобиз термини ўзбекча, от сўз туркумига киради.

Қуён (варикоз) – одам танасида вена қонтомирларининг мешсимон, тугунсимон кенгайиб кетиши натижасида, кўпинча оёқ, қўл, бўйин ва бошқа жойларда пайдо бўладиган касаллик. Масалан, *Ойгул ҳомиладор бўлганида, оёқлари қуён касалига чалинди*. Қуён термини ушбу касалликнинг қадимги, миллий-маданий номи бўлиб, ҳозирги кунда тилимизда камроқ ишлатилади. Қуён касаллигининг хусусияти шундаки, одам танасида кўплаб вена томирлари мавжуд ва уларнинг баъзилари туғма заифроқ бўлади. Ана шундай заифроқ томирлар вақт ўтиши ёки танага бирор оғирлик тушганда кенгайиб қолади.

Қуён термини ўзбекча, туркумлик нуқтаи назаридан турдош от ҳисобланади.

Тил тараққиётида бир тил доирасидаги ички лакуналар муҳим ўрин тутади. Хусусан, тиббий лакунар бирликлар тиббий терминологияни бойитувчи ички манба ҳамдир. Масалан, *атлиқмақ* (отлиқмоқ) – кўз косаси, қорин кабиларнинг ичидаги нарсалар кучли зарб билан чиқмоқ (Қашқадарё, Мираки); *и:ллаки* (иллаки) – танглай касаллиги (Бухоро, Қоракўл шеваси); *и:мадоқ* (имодук) – оғир касалликдан кейинги заиф ҳолат (Чимкент шеваси); *жириқ* (йириқ) – лаби тиртиқ, туғилишда лаби кесик бўлиб туғилган бола (Қашқадарё, Чирокчи); *кусўкламақ* (кучукламоқ) – тирноқ олдидаги тери устки юпқа пардасининг кўтарилиб, ажралиб қолиши (Қашқадарё, Галамўла; Н.Т.);

коксақабарзик (кўкчақабаржик) – болаларда учрайдиган тери касаллиги (Бухоро, Қорақўл шеваси); *котарам* (кўтарам) – белни кўтаролмаслик касали (Андижон, Избоскан, Тешикмозор шеваси); *лапша, дилбаё* (лапша, дилбош) – терлаб туриб сув ичиш натижасида касалланиш (Самарқанд, Қўшработ шеваси); *сизлақ* (сизлак) – силоғич, ғудда (Жанубий Қорақалпоғистон ўзбек шеваси); *томмиқ* (тўммиқ) – жонли мавжудот баданидан бўртиб чиққан шиш; *хамжоза* (хамёза) – ташқи муҳит таъсирида одамда рўй берадиган ҳолат ўзгариши; кўпинча касаллик хамёза билан бошланиб, хамёза билан арийди (Дехқонобод); *ёақа* (чақа) – 1) ёш болалар сонининг юқори, ички томонининг кизариб қолиш ҳолати (Қашқадарё, Давтош); 2) яранинг бошланиш ҳолати; 3) яранинг устидаги қора парда қисмининг кетиб, таги қизил бўлиб гўшти кўриниб қолиш ҳолати (Қашқадарё, Чироқчи).

Диссертацияга ўзбек тили тиббий терминларининг компьютер луғати – “Uzmedtezaurus”нинг маълумотлар базаси учун тавсия қилинган лингвистик таъминот илова қилинган.

IV боб бўйича хулоса

1. Терминлар тил бирликлари сифатида лексик-семантик хусусиятларга эгадир. Терминларнинг семантик тараққиёти семантик структурадаги ўзгаришлар, маълум бир семаларнинг юзага келиши, семантик торайиш ва кенгайиш жараёнларини ифода этади.

Ҳар бир термин ўзининг келиб чиқиш тарихига эга. Бунда терминнинг луғавий бирлик сифатидаги хусусияти намоён бўлади. Ўз қатлам ва ўзлашган қатламга оид тиббий терминлар сўз сифатида шаклланиш жараёни, этимологик тарихига эга.

2. Ўзбек тили лексикасидаги тиббий терминлар генезиси, тузилиши ва семантикасига кўра хилма-хил бўлиб, муайян шаклланиш жараёнини босиб ўтган. Ўз қатламга оид тиббий терминлар этимологиясига кўра бир қатор хусусиятларга кўра юзага келган.

Тиббий терминлар шаклланишида ранг билдирувчи сўзлар, касаллик белгиларига алоқадор сўзлар кўп миқдорни ташкил этади. Метафора усулида терминлар юзага келиши кўп кузатилади.

3. Ҳозирги даврда терминларни атрофлича тадқиқ этиш билан биргаликда, уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Терминологик лексиканинг ўзига хос хусусияти терминлар шаклланишидаги маъно кўчиш усулларида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз маъносининг ўзгариши, маъно кўчиши, полисемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши – семантик ёки лексик-семантик усул билан сўз яшаш жараёнлари кузатилади. Тиббий терминларнинг тарихий-этимологик таҳлили кўпгина терминларнинг соф семантик усул билан ҳосил бўлишини кўрсатади.

4. Ўз қатламга мансуб тиббий терминлар соҳа асосларини чуқур ўзлаштиришда, фан доирасидаги масалаларни атрофлича таҳлил қилишда муҳимдир.

Терминологияга оид шундай сўзлар борки, улар ўзлашма қатлам сўзларида ҳам, ўз қатлам бирликларида ҳам кузатилмайди. Булар адабий тилда ёки терминологияда номланмаган тушунчалар ҳисобланади. Бу ҳодиса фанда *лакуна* ҳодисаси ва бирликлар *лакунар бирликлар* номи билан юритилади. Лакунар бирликлар тилнинг ички имкониятларини кўрсатувчи, ҳар бир халқнинг сўз бойлиги (захираси), шунингдек миллий маданияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини намоён этишга хизмат қиладиган лингвистик ҳодиса сифатида баҳоланади.

5. Тиббиётга оид лакунар бирликларда ўзбек халқи, шунингдек барча туркий халқларнинг умуммиллий маданияти, уларнинг тилидаги сўз шакллари, товуш тизими, сўз яшаш усуллари ва бошқалар ўз аксини топган. Касаллик номларининг шаклланиш жараёни ва этимологик асосларида

халқнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъналари, воқеликка муносабати, ментал онги, идроки, лисоний қобилияти, тиббий жараёнга берган баҳоси ўз ифодасини топади.

6. Тиббиёт соҳасига оид ўз қатлам терминлари тезаурусини яратиш соҳа асосларини осон ва тушунарли тарзда ўрганиш учун омил бўлади. Ўз қатлам сўзлари ментал онгдаги нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги-хусусият ҳақидаги билимга асосланади.

Шу боис, ўз қатламга доир терминлар касаллик белгилари, хусусиятлари ҳақида маълум ахборот беришга хизмат қилади. Бу ахборот изоҳларсиз, луғатларсиз ҳам тушунча ҳосил қилади. Айни пайтда, соҳа терминларининг ўз қатлам сўзлари ўзбек халқининг миллий-маданий анъаналари ва ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Терминлар ахборот бериш, тушунча англатиш хусусиятига кўра луғавий бирлик ҳисобланиб, соҳанинг асосий тушунчаларини ифода этади ва тараққиёт даражасини белгилайди. Бошқа луғавий бирликлардан фарқли равишда хосланган маънога, аниқлик, бир маънолилик, илмийлик белгиларига эга бўлади. Терминология муайян терминларга хос умумий белгиларнинг яхлит тизимини ифода этади, соҳанинг тараққиёт босқичлари, шаклланиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж билан алоқадорликда такомиллашиб боради.

2. Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши натижасида, терминология тизими шахс омили нуқтаи назаридан тадқиқ қилина бошлади. Тилшуносликда терминларни турли йўналишда тадқиқ этиш билан бир қаторда уларни тартибга солиш, тизимлаштириш ва барқарорлаштириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Терминларнинг ўзига хос тизимлиги, соҳа моҳиятини ёритувчи таянч тушунчалар эканлиги, фаннинг муҳим масалаларини акс эттириши ва лисоний онгда ўз ифодасини топиши, идрок этилиши семантик, психолингвистик, когнитив аспектлардаги тадқиқотлар йўналишини белгилаб беради.

3. Тиббий терминлар терминология соҳасида семантик алоқадорликдаги алоҳида тизимни ташкил этади. Жаҳон тилшунослигида рус, инглиз, немис тилларининг тиббий терминологик тизими атрофлича ўрганилган. Терминларнинг семантик таснифига кўпроқ эътибор қаратилган. Тиббий терминларнинг шакл ва маъно муносабатлари монографик планда ўрганилган. Терминологик тамойиллар ва халқаро терминлардан фойдаланиш меъёрлари ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари таҳлил этилган. Турли тиллардаги тиббий терминлар қиёсий ва чоғиштирма аспектда ўрганилган.

4. Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили тиббий терминологияси қадим тарихга эга. Тиббий терминларнинг этимологик илдизлари туркий қатламга ҳамда қадимги санскрит, хитойча, арабча, форс-тожикча ўзлашмаларга бориб

тақалади. Туркологияда анатомик терминлар, терминлар семантикасидаги ўзгаришлар, кўп маънолилиқ, маъно кўчиш усуллари, касаллик номлари ўрганилган, тиббий терминларнинг ўз ва ўзлашган қатламга кўра таснифи амалга оширилган. Тиббий терминларни метафорик моделлаштиришнинг ўзига хосликлари, номинация назарияси позициялари, таркибий-семантик ва функционал-прагматик хусусиятлари таҳлил қилинган. Бу эса терминларнинг тил тизимида тутган ўрнини белгилаш, луғавий бирлик сифатидаги семантик хусусиятларини ёритиш имконини беради.

5. Термин маъноси, биринчи навбатда, луғавий бирлик сифатида луғатларда ёритилади. Тарихий луғатлар, мумтоз ёзма манбалар тиббий терминлар изоҳланган дастлабки манбалар сифатида қимматлидир. Ҳозирги даврда тиббий терминлар энциклопедик, филологик, энциклопедик характердаги луғатларда изоҳланган бўлиб, энциклопедик луғатларнинг салмоғи кўпроқдир. Терминнинг семантикаси, услубий хусусиятлари, кўлланиш доираси ва частотасига кўра сўздан фарқланиши уни тўплаш, тизимлаштириш назарияси ва амалиёти билан шуғулланадиган терминография соҳасининг юзага келишига замин яратди. Терминография тараққиёти терминларни тизимлаштириш, луғавий бирлик сифатида тил соҳибининг лисоний онги ва идроки жиҳатидан ўрганишда янги босқичнинг юзага келишига замин яратади.

6. Терминларни ўзлаштиришда икки жиҳатдан ёндашилади. Биринчиси – терминларни алоҳида, автоном ҳолда ўзлаштириш. Бунда жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги мавжуд луғатларга таянилади. Терминлар луғатида соҳа тушунчалари алифбо тартибида жойлаштирилиб, ўзлаштириш ва ўрганиш жараёнида улар ўртасидаги алоқадорлик эътибордан четда қолади. Иккинчи ёндашув тушунчаларни ўзлаштиришда терминлар ўртасидаги алоқадорликка, тизимлилиқка асосланади. Бундай ёндашув тезаурус луғатларда намоён бўлади. Тизимлилиқ ва семантик алоқадорлик тиббий терминларни осон ва моҳиятни англаган ҳолда ўзлаштириш имконини яратади.

7. Тезаурус миллий тил, қайта ишланган табиий тил, ахборот услуби сифатида шакланган сунъий тил асосида семантик имкониятларни намоён этувчи маълумотлар базасидир. Тезауруслар, луғавий бирликларнинг контекстуал маънолари тўлиқ ёритилган, сўзлар мавзуй гуруҳлар асосида ажратилган, муайян илм-фан соҳасига оид терминлар ўртасидаги семантик муносабатлар акс эттирилган бир тилли, идеографик луғатдир.

Тезаурус асосидаги моделлаштириш тадқиқотларда ҳар бир термин бир манзара элементи ҳисобланадиган мозаика кўринишида тасаввур қилинган. Бу элементнинг хусусиятларини аниқлаш давомида унинг бошқа элементлар билан алоқадорлиги, муносабати таҳлил қилинади ва тизимдаги ўрни белгиланади. Компьютер луғатлари ҳисобланган тезаурус моделлари асосида тиббий терминларни жамлаш тиббиёт соҳаси тушунчаларининг тўлиқ манзарасини яратиш имконини беради.

8. Компьютер луғатларининг тезаурус моделлари луғавий маънони ўзлаштиришдаги лингвистик компетенцияни шакллантиришда муҳим қийматга эга. Максимал даражадаги тўлиқлик ва аниқлик тиббий терминларни ўзлаштиришда аҳамиятлидир.

Тезауруслар ортиқча такрорлар ва мантикий хатолар билан боғлиқ муаммони бартараф этади, тушунчага яқин бўлган сўзларни қидириш, синонимларини топиш имконини кенгайтиради. Шунингдек, тезауруслар таржима матнларнинг нисбатан мукамаллигига хизмат қилади.

9. Ўзбек тилидаги тиббий терминлар семантикасини ёритишда дунё тажрибасида мавжуд бўлган семантик майдон тезаурус моделидан фойдаланиш тушунчаларни тизимлаштириш, мазмуний алоқадорликда ўрганишда амалий аҳамият касб этади.

Семантик майдон тезаурусиди тиббий терминлар СС – семантик соҳа, СМ – семантик майдон, ССМ – семантик субмайдон, СММ – семантик микромайдон модели асосида таҳлил қилинади. Бу тезаурус модели ҳар бир семантик майдон ва уни ташкил қилувчи бир неча микромайдонларга

асосланади. Микротизимлар бир турга кирувчи бир неча терминлар гуруҳини ўз ичига олади. Тиббий терминлар ўртасидаги семантик муносабатлар соҳа тушунчавий аппаратини тез ва осон ўзлаштиришда муҳимдир.

10. Тиббий терминларни семантик тармоқ тезаурус модели асосида тизимлаштириш луғавий бирликнинг семантик таркиби ва семантик муносабатларга асосланади. Семантик тармоқ тезаурус модели терминларни морфологик белгиси, талаффузи, семантик таркиби (асл маъноси, кўчма маъноси), омоними, синоними, антоними, гипероними, гипоними, этимологияси, ўзакдошлари, фразеологизмлар, бирикмалар компоненти сифатида қўлланиши, бошқа тиллардаги варианты каби стандарт белгилар асосида тизимлаштиради. Семантик тармоқ тезаурус модели тиббий терминларнинг сунъий интеллект доирасида фаол қўлланадиган бошқа тушунчалар ва шу тушунчалар гуруҳига муносабатини ҳам акс эттиради. Тезаурусда термин ҳақидаги лисоний онг, тафаккурдаги маълумотлар, интеллектуал тизимларнинг илмий асослари ҳам ўз ифодасини топади.

11. Тиббий терминлар тезауруси ўзбек тили лексикасидаги тиббий терминларнинг генезиси тузилиши ва семантикасига кўра хилма-хиллигини, муайян шаклланиш жараёнини босиб ўтганини ёритишда ҳам аҳамиятлидир. Ўз қатламга оид тиббий терминлар этимологиясига кўра бир қатор хусусиятларни ўзида мужассамлайди. Тиббий терминлар шаклланишида ранг билдирувчи сўзлар, касаллик белгиларига алоқадор сўзлар кўп миқдорни ташкил этади. Метафора усулида терминларнинг юзага келиши кўп кузатилади. Тиббий терминлар шаклланишининг семантик усуллари тиббий терминологияни ўз қатлам терминлари ҳисобига бойитишга хизмат қилади.

Тиббий терминларнинг тарихий-этимологик таҳлили кўпгина терминларнинг соф семантик усул билан ҳосил бўлганини кўрсатади.

12. Шева сўзлари тиббий терминологияни бойитувчи ички манба ҳисобланади. Шеваларда ўзлашма тиббий терминларга муқобил бирликлар билан бир қаторда адабий тилда лексема кўринишида ифодаланмайдиган

тушунчаларни англлатувчи сўзлар кузатилади. Бундай лакунар бирликлар тилнинг ички имкониятларини кўрсатувчи, ҳар бир халқнинг сўз бойлиги, шунингдек миллий маданияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини намоён этишга хизмат қиладиган лингвистик бирликлар сифатида баҳоланади. Тиббиётга оид лакунар бирликларда касаллик номларининг шаклланиш жараёни, этимологик асослари, халқнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъналари, воқеликка муносабати, ментал онги, идроки, лисоний қобилияти, тиббий жараёнга берган баҳоси ўз ифодасини топган.

13. Тиббиёт соҳасига оид ўз қатлам терминлари тезаурусини яратиш соҳа асосларини ўрганиш, тиббий термин билан алоқадор тушунчаларни аниқлаш учун омил бўлади. Ўз қатлам сўзлари ментал онгдаги нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги-хусусият ҳақидаги билимга асосланади. Шу боис, ўз қатламга доир терминлар касаллик белгилари, унинг келиб чиқиши ва миллий хусусиятлари ҳақида кенгроқ ахборот беришга хизмат қилади. Бундай ахборот изоҳларсиз, луғатларсиз ҳам тушунча ҳосил қилади. Айни пайтда, соҳа терминларининг маълум қисми ўз қатлам сўзлари, ўзбекча сўзлардан иборат бўлиши миллий тил ривожининг белгиловчи хусусиятларидан бири сифатида мулоқот воситасининг соҳалараро мавқеини оширишга хизмат қилади.

ДИССЕРТАЦИЯДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. **АРС** – Баранов Х. Арабско-русский словарь. – Москва, 1958
2. **БМУС** – Усманходжаев. А. Большой медицинский учебный словарь. – Тошкент, 2013
3. **Девон** – Қошғарий М. Девону луғатит турк. – Тошкент, 1960-1967
4. **ДС** – Древнетюркский словарь. – ЛГР., 1969
5. **КРС** – Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965
6. **МС** – Медицинский справочник. – Москва, 1967
7. **МҲС** – Медицина ҳамшираси справочниги. – Тошкент, 1989
8. **НАЛ** – Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972
9. **ПДП** – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – Москва, 1951
10. **СРЯ** – Ожегов С. Словарь русского языка. – Москва, 1953
11. **ССТГН** – Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. – Санктпетербург, 1969 – 1971
12. **СЭ** – Саломатлик энциклопедияси. – Тошкент, 1983
13. **ТРС** – Магазаник Д.А. Турецко-русский словарь. – Москва, 1945
14. **ТЭ** – Тиббиёт энциклопедияси. – Тошкент, 2016
15. **ЭСТЯ** – Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – Москва, 1974 – 1989
16. **ЎМЭ** – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, – Тошкент, 2000
17. **ЎТИЛ** – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. – Москва, 1981
18. **ЎТМЛ** – Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1977
19. **ЎТОИЛ** – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1984
20. **ЎТЭЛ** – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: “Университет”, 2000

Фойдаланилган адабиётлар

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28-сон, (6722).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармониغا 1-илова. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. – www.lex.uz.ru/docs/3913188/otherlang

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли қарори.

– http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210647

5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.

7. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “O‘zbekiston”, 2021. – 464 б.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1). Миллий нашрлар

8. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари. – Тошкент: 1994
9. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: 1992. – Б. 32
10. Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. – Т. 16. – 335 б.
11. Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Тошкент, 1978. – С.167.
12. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 130 б.
13. Бекмуродов Й. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: 2009
14. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 217 б.
15. Вернер Д. ва бошқалар. Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси. – Тошкент: 2014. – 46 б.
16. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
17. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. – Тошкент, 1956.
18. Искандаров Ш. Т. Тиббиёт статистикаси. – Тошкент, 2006.
19. Искандаров Ш.Т. Аҳоли орасида демографик жараён ва касалланишни ўрганиш усуллари. – Тошкент, 2009.
20. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2007. – 105 б.
21. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. – Тошкент: Фан, 1972. – 197 б.
22. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар). – Тошкент, 2009. – 176 б.

23. Камолов Ф. Лексикология ва семасиология // Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 94 –101.
24. Мадвалиев А. П. Изоҳли луғатда терминлар талқини. – Тошкент: 2009
25. Мадвалиев А. П. Ўзбек тиббиёт терминологиясининг изоҳли луғатларда берилиши. – Тошкент: 2009
26. Мадвалиев А. П. Ўзбек химия терминологиясида дублетлик ва уни минимумга келтириш масаласи. – Тошкент: Фан, 1986
27. Мадвалиев А. П. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 382 б.
28. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – 122 б.
29. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010
30. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
31. Odam fiziologiyasi. – Toshkent, 2007. – 278 b.
32. Пўлатов А., Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011
33. Расулов Р., Суюнов Б., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Тошкент: 2010. – 44 б.
34. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент: Университет, 2007. – 157 б.
35. Саидноманов А. Тиббиёт терминологияси ҳақида. Изланиш самаралари. – Тошкент: ЎзФА Тил ва адабиёт институти, 2020. 2-сон. – Б. 32-34.
36. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.

37. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008
38. Соатов Н.М. Статистика. – Тошкент, 2011
39. Собиров А. Ўзбек тили лексикасини системалар тизими сифатида тадқиқ этиш. – Тошкент, 2004. – 110 б.
40. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968
41. Холмуродова М. “Turkiy tillarda tibbiy terminlar taraqqiyoti. Изланиш самаралари. – Тошкент: ЎзФА Тил ва адабиёт институти, 2020. 2-сон. – Б. 319-325.
42. Худойбердиев Р.И ва б. Одам анатомияси. – Тошкент, 3-нашр, 1993. – 336 б.
43. Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент, 1986
44. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. – Тошкент, 1991
45. Курбонова Ф. Компьютер луғатлари: тезаурус. – Тошкент, 2014
46. Қўчқортюев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.
47. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 315 б.
48. Ғуломова. Г. Қонунчилик ва ўзбек юридик терминологияси. – Тошкент: 2002. – 7 б.
49. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида) Т. I. – Тошкент: 1966. – 390 б.
50. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996

2). Хорижий нашрлар

51. Аперсян Ю. Лексическая семантика. Синонимическая средства языка. – М.: Наука, 1974. – 171 с.
52. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. – М.: Прогресс, 1990. – С 5-32.

53. Быкова Г. Феноменология лексической лакунарности русского языка. – Благовещенск: 2001
54. Будагов Р. Сравнительно-семасиологические исследования. – М.: ИМУ, 1969. – 302 с.
55. Васильев Л. Современная лингвистическая семантика. – М.: Высшая школа, 1990. – 175 с.
56. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М., 1980. – С. 85
57. Гаттаулин А.У. Эпонимия в медицинской терминологии. Доклады Бошкырдынского университета. 2017, № 3.
58. Головин Б., Кобрин Р. Лингвистические основы учения о терминах. – М., 1987.
59. Гринёв С.В. Введение в терминологическую лексикографию. (учебное пособие). – М., 1986. – 237 с.
60. Звегинцев В. Семасиология. – М.: МГУ, 1987. – 322 с.
61. Karau G. Go oder Doppelspiel im Untergrund. Roman. Militärverlag der DDR, 1982. – 288 s.
62. Карау Г. Двойная игра: Роман. – М.: Воениздат. 1991. – 312 с.
63. Лотте Д. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминополов. – М.: Наука, 1982.
64. Лотте Д. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961.
65. Лотте Д.С. Образование и правописание трёхэлементных научно-технических терминов. – М.: 1969. – 27 с.
66. Махдавий Я. Фихрист-и нусхахо-йи мусаннафот-и ибн Сино. – Техрон, 1954
67. Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир: СГПИ, 1975. – 148 с.
68. Саяхова Л. Лингвокультурология. – Уфа, 2006.
69. Сорокин Ю., Марковина И. Опыт систематизации лингвистических и

культурологических лагун: Методологические и методические аспекты. – Калинин, 1983.

70. Степанова Е. С. Типологические особенности онкологической терминологии в современном английском языке. СГМУ, 2015. №17. – С. 112-116.

71. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: вопросы теории. – М.: Наука, 1989. – 246 с.

72. Сулова И. Лексикографические проблемы терминологии библиотековедения. – М., 1975.

73. Татаринцев Б. Смысловые связи и отношения слов в тувинском языке. – М.: Наука, 1987. – 196 с.

74. Терминология и норма. – М.: 1972.

75. Hale K. Gaps in grammar and culture. Linguistics and anthropology: in honor of C.F. Volgelin-Jisse. Univ. Press, 1975. – P. 77-98.

Ш. Луғатлар

76. Азизов О., Ризаева З. Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 284 б.

77. Арутюнова Н. Дискурс. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990

78. Аттухфатуз закияти филлуғатит туркия. – Тошкент: Фан, 1968. – 279 б.

79. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука, 1969. – С. 607

80. Баранов А. Словарь тезаурус современной русской идиоматики. – М.: Мир энциклопедии, 2007

81. Баранов О. Русский тезаурус (Электронное издание). – М.: 2014

82. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. I - II. – Санктпетербург: 1969-1971. – 1674 с.

83. Дадабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент, 2008

84. Ибодов Н. Анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1995. – Б. 80
85. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. – Тошкент, 2007.
86. Кондаков Н. Логический словарь. – М.: 1971. – С. 301- 475.
87. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. – Тошкент, I том, 1960. – 250 б., II том, 1961. – 214 б., III том, 1963. – 257 б.
88. Муравьев В. Лексические лакуны (на материале лексики фр. и рус. языков). – Владимир, 1975
89. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 320
90. Орлов А. Тезаурус информационно, поисковой по литературе, литературоведению, фольклору и фольклористике. – М.: 1975
91. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.
92. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. – Тошкент: Университет, 2001. – 351 б.
93. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003.
94. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати (Ё. Тўрақулов таҳрири остида). – Тошкент, 2005
95. Саломатлик энциклопедияси. – Тошкент: Матбуот, 1985. – Б. 264-265.
96. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974 -1989. Т. I – IV. – 2439 с.
97. Смиренский В. Тезаурус информационно-поисковой по языкознанию. – М.: 1977
98. Тиббёт Қомусий луғати. – Тошкент: 1994

99. Тиббиёт энциклопедияси. Тузувчилар: З.Солихўжаев, Анис Аляви, И.Мавлонов, Ж.Қўнишев, М.Эгамшукурова. – Тошкент: Шарқ, 2016
100. Тўрақулов Н. Рус-ўзбек тилларининг ижтимоий-сиёсий луғати. – Тошкент: 1922;
101. Тўрақулов Ё., Усмонхўжаев А. ва бошқ. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. – Тошкент: Камалак-хазина, 1996, – 161 б.
102. Усмонходжаев А. Катта тиббиёт ўқув луғати (русча-лотинча-ўзбекча). – Тошкент: Наврўз, 2013
103. Усмонходжаев А., Нажмиддинов О., Муродова М. Мўъжаз тиббий луғат. – Тошкент: 1992
104. Усмонходжаев А., Маҳмудов М., Турахонова М., Ҳамроев М. Ўзбек халқ таботати атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: 2005
105. Усмонходжаев А., Баситхонова Э., Назиров П. Тиббий терминлар энциклопедик луғати. – Тошкент: 2009
106. Usmonxo‘jayev A va b. Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati. I jild. – 947 b., II jild. – 1137 b. – Toshkent: “So‘g‘diyona”, 2010.
107. Шемакина Ю.Тезаурус научно-технических терминов. – М.: 1972
108. Юридик атамалар ва иборалар луғати. – Тошкент: Адолат, 1993
109. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 432
110. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: 2003
111. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: 1981. Т. I - II. – 1346 б.
112. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: 2006 - 2008. Т. I - V. – 3236 б.
113. Қосимов А.И. Тиббий терминлар изоҳли луғати. – Тошкент, 2003
114. Қосимов А. Тиббиёт терминлари изоҳли луғати. I жилд . – Тошкент, 2003. – 472 б., II жилд. – Тошкент, 2003. – 568 б., III жилд – Тошкент, 2008. – 576 б., IV жилд. – Тошкент, 2008. – 480 б.
115. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: 2004. – 472 б.

116. Қосимов А., Қосимова М. Инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизч-русча анатомик терминлар луғати. – Тошкент: Меҳридарё, 2006
117. Ҳасан М. Ўзбекча сиёсий-ижтимоий луғат. Самарқанд – Тошкент, 1926
118. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2002

IV. Диссертация ва авторефератлар

119. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-ҳунарлари материаллари асосида): филол. фан. док. дис. – Тошкент: ЎзФА, Тил, адабиёт ва фольклор институти, 2005. – 292 б
120. Абдулхайрова Ф.И. Ўзбек тилида тиббиёт атамаларининг метафорик манзараси. Филол. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: 2021. – 47 б.
121. Аликулов Т.А. Полисемия существительных в узбекском языке: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Тошкент, 1966. – 19 с.
122. Ахатова М. С. Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси. Филология фанлари номзоди. ... дисс. автореферати. – Тошкент: 2004, ЎзФА, Тил, адабиёт ва фольклор институти, 2005, – 24 б.
123. Аҳмедов О. С. Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент: 2011. – 26 б.
124. Базарова Д. Семантика наименований частей тела в тюркских языках: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – М., 1966
125. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 47 б.
126. Быкова С. Е. Тезаурусное моделирование юридической терминологии (на материале французского языка в сопоставление с русским). Автореф. на соиск. уч. степени канд. фил. наук. – Екатеринбург, 2006

127. Валиев Т.К. Ўзбек тилида йўлсозлик терминологиясининг семантик-структур хусусиятлари ва лексикографик талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Самақанд, Қарши давлат университети, 2018. – 46 б.

128. Валитова Н. Р. Формирование профессионального тезауруса у студентов физкультурного вуза. Автореф. на соиск. уч. степени канд. пед. наук. – Омск, 2012

129. Величкова С.М Структурно-семантические особенности медицинской терминологии в сфере стоматологии (на материале русского и немецкого языков. Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – М., 2006

130. Гасанов А.А. Омонимия в азербайджанском языке: Автореф. дис. на соиск. уч. степени доктора филол. наук. – Баку, 1980. – 50 с.

131. Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты. Автореф. дис. на соиск. уч. степени доктора филос. наук. – Краснодар, 2010

132. Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: Автореф. дис. на соиск. уч. степени доктора филол. наук. – Ташкент, 1987

133. Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1966

134. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. доктори ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999. – 61 б.

135. Исмаилов Ғ. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.

136. Касимов А. Фармацевтическая терминология в современном

- узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 26 с.
137. Коршунова С.О. Тезаурусное моделирование терминологии синтаксиса. Автореф. на соиск. уч. степени канд. фил. наук. – Иркутск, 2009
138. Крюкова М. И. Экфрастический тезаурус в прозе А.С.Грина. Автореф. на соиск. уч. степени канд. фил. наук. – Новосибирск: 2018
139. Кузьменко Н.А. Выделение омонимов из семантической структуры английских многозначных слов: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – М.,1981. – 21 с.
140. Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации. Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Ташкент: 1986. – С. 3-8.
141. Мадрахимов А. Исследование по лексике огузского наречия узбекского языка: Автореф. на соиск. уч. степени док. филол. наук. – Ташкент: 1978. – 58 с.
142. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1997. – 29 б.
143. Маматов Н. Ўзбек пахтачилик терминологияси: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1955
144. Мираҳмедова З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. –159 б.
145. Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усуллари. Филол. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: 2017
146. Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1994. – 56 б.

147. Мирзокулов С.М. Қариндош тиллардан таржима асарлар тилининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – 27 б.

148. Миртаджиев М.М. Возникновение лексических омонимов в узбекском языке: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Тошкент: 1964. – 20 б.

149. Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – 26 б.

150. Нейфах Е. Б. О немецкой фармацевтической терминологии. Дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1996. – 178 с.

151. Норходжаева Х. Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари. Филол. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши: Қарши давлат университети, 2020. – 23 б.

152. Ознигин. М.В. Роль метафоры в структурировании и функционировании русской медицинской терминологии. Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – М., 2015. – 27 с.

153. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 1996. – 26 б.

154. Плоцкая Ю.В. Структурно-семантические особенности немецкой стоматологической терминологии. Автореф. на соискание ученой степени канд. филол. наук. – М., 2020. – 158 с.

155. Равшанов М. Омонимы в толковом словаре узбекского языка: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Тошкент: 1991. – 26 б.

156. Рахмонов Н. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш: Иқтисод. фан. доктори ... дисс. автореф. – Тошкент: 2019. – Б. 5

157. Сабирова Э.Ш. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг берилиши. Филол. ф. бўйича фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: 2022

158. Саидова М. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1996. – 24 б.

159. Салимгараева Б.С. Омонимы в современном татарском языке: Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Уфа, 1972. – 22 с.

160. Сафарова Р. Г. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов). Автореф. на соиск. уч. степени канд. филол. наук. – Тошкент: 1990. – 44 б.

161. Смирнова Е.В. Структурно-семантические и лексикографический аспекты медицинской терминологической (на примере кардиологической лексики). Автореф. дис. на соискание уч. степени канд. филол. наук. – Ярославль, 2012. – 48 с.

162. Соломина Н.В. Интертекстуальный тезаурус современной языковой личности. Автореф. на соиск. уч. степ. канд. фил. наук. – Екатеринбург, 2008

163. Султонова Л.А. Медицинская терминология китайского языка (на примере хирургических терминов). Дисс. на соиск. уч. степ. док. филос. (PhD) по филологическим наукам. – Тошкент: 2022

164. Турсунова О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланиши: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2009, – Б. 12

165. Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1996. – Б. 27.

166. Холманова З.Т. Бобурнома лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 30.

167. Холмуротова Ж. И. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал - услубий хусусиятлари: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – 25 б.

168. Хуррамов К. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф Южного Узбекистана. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 26 с.

169. Хусанов А. Названия болезней и их симптомов в узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982

170. Шаропова Р. Ж. Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминларининг семантик-структур ва лексикографик хусусиятлари. Филол. ф. бўйича фалс. доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Қарши: Қарши давлат университети., 2019. – 60 б.

171. Шетле Т.В. Англоязычная терминология банковского дела в языковой системе и речевой практике. Дис. канд. филол. наук. – М., 2010. – 106 с.

172. Эйнуллаева Е. Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение в межкультурной коммуникации (на примере английского и русского языков). Автореф. на соиск. уч. степени канд. фил. наук. – М.: 2003

173. Эргашева Г.И. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Филол. ф. док. (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент: 2018

174. Эшмўминов. А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. ф. бўйича ф. д. (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши: Қарши давлат университети, 2019. – 60 б.

175. Юлдашев И.Ж. Библиотечно-библиографическая терминология узбекского языка: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 28 с.

176. Ўринова О. Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи. Филол. ф. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзФА, Тил, адабиёт ва фольклор институти, 2007. – 48 б.

177. Қиличев Б. Ўзбек тилида паронимия. Филол. фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 1997. – 22 б.

178. Курбонова М. М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал

йўналиш ва содда гап қурилишининг талкини: Филол. фан. доктори ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – 51 б.

179. Гуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филол. фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 2005

180. Ҳамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. ф. бўйича ф. д. (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2018.

V. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

181. Абдуллаева Р. Кўчма маънода қўлланувчи касаллик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. 2-сон. – Б. 111-113.

182. Алиқулов Т., Равшанов М. Луғатларда омонимларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1990, 2-сон. – Б. 51-54.

183. Амантурдиев Ж. Трансформалар – нутқ бойлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1985, 4-сон. – Б. 45 - 47.

184. Бахронова Д. Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. – Тошкент: 2011. – 97 б.

185. Виноградов В. Вступительное слово на всесоюзном терминологическом совещании // Вопросы терминологии. – М.: 1961. – 16 с.

186. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т. 5. Сборник статей по языковедению. – М., 1939. – 6 с.

187. Даниленко В. Русская терминология // Опыт лингвистического описания. – М.:1977. – 90 с.

188. Даниленко В. Об одной модели терминов-словосочетаний // Научно-техническая терминология. – М.: Наука, 1979. №10. – С. 11-12.

189. Данильченко Т. Ю. Понятие и сущность лакун // Наука. Искусство. Культура // Вып. №3. – М., 2014

190. Иброхимов С. Тил-термин масалалари // Қурилиш. – Тошкент, 1931. 3-сон

191. Копотев М., Мустайоки А. Современная корпусная русистика // Slavica Helsingiyensia, Инструментарий русистики: корпусные подходы. – Хельсинки, 2008.
192. Кузькин Н.К вопросу осущности термина // Вестник ЛГУ. Сер. истории, языка и литературы. Вып.: 4., 1962. – С. 136-146.
193. Лукова В. Тезаурусный анализ мировой культуры // Сборник научных трудов. – М., 2013
194. Мадвалиев А. П. Ўзбек терминологиясида дублетлик масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. 4-сон. – Б. 20-23.
195. Мадвалиев А.П. Термин – терминологик луғат – изоҳли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2008 йил, 6-сон. – Б. 54-67.
196. Мадвалиев А. П. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. – Тошкент: 1991
197. Маматов Н. Терминнинг таърифи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1966, 1-сон
198. Маматов Н. Термин ва унинг таърифи // Ўқитувчилар. – Тошкент: 1959 йил, 26 июнь.
199. Матлатипов Г.Р., Мадатов Х.А. Методология автоматизации постройки некоторых онтологий типа WordNet для узбекского языка через существующих WordNet. “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари” // Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. – Тошкент, 2019.
200. Махонина А. К вопросу о классификации межъязыковых лакун // Язык и национальное сознание. Вып. №4. – Воронеж, 2002
201. Маҳкамов Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро термин-элементлар // Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. – Тошкент: 2011. – 47 б.

202. Маҳкамов Н. Терминларни меъёрлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. 5-сон. – Б. 10-16.
203. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқ йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. 5-сон. – Б. 3-16.
204. Маҳмудов. Н. Илмий матнда термин таносиби ва тақомили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. 2-сон. – Б. 3-10.
205. Маҳмудов Н. Термин, сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. 4-сон. – Б. 5-11.
206. Раббимов И., Қобилов С. Решение некоторых задач классификации текстов узбекского языка. “Амалий математика ва инфор­мацияларнинг долзарб муаммолари” // Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. – Тошкент, 2019
207. Расулов Р. Термин хусусиятлари // СамДУ ахборотномаси, 2005 йил, 2-сон.
208. Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент: 1978, 4-сон. – Б. 57.
209. Раҳматуллаев Ш. Семема-мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент: 1984, 5-сон. – Б. 17-19
210. Стернин И. А. Концепты и лакуны // Лингвистические основы межкультурной коммуникации. – Нижний Новгород, 2003
211. Стернин И.А., Быкова Г.В. Концепты и лакуны // Методы исследования языкового сознания. – М.: 1998. – С. 55-67.
212. Турсунов У., Ражабов Н. Омонимларнинг пайдо бўлиш йўллари // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари: Илмий тўплам. – Тошкент: 1966
213. Усманов А. Вопросы узбекской научной терминологии // Вопросы изучения языков Средней Азии и Казахстана. – Тошкент: 1952

214. Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент: 1964. 4-сон. – Б. 34-39.
215. Холманова З. Ўзбек тилшунослигидаги айрим терминлар ҳақида // “Лингвист” илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2011. 2-сон, – 68 б.
216. Қурбониезов Г. Туркий тилларда сўз маъноларини қийслаб ўрганиш ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1998. 2-сон. – Б. 47 - 48.
217. Ғуломов А.Ғ. Сўзлар ҳаётидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1969, 6-сон. – Б. 57-62.

VI. Интернет сайтлари

1. www.kitob.uz6. www.12news.uz
2. www.kun.uz7. www.inbox.uz
3. www.tadqiqot.uz8. <http://online.nd.edu>
4. www.ziyonet.uz
5. www.multimedia
6. <http://www.recipe.ru/> - Россия давлат тиббиёт тизимида оид меъёрий ҳужжатлар
7. <http://www.med-pravo.ru> - Россия давлат тиббиёт тизимида оид меъёрий ҳужжатлар.
8. <http://catalog.fmb.ru/uzbekistan>
9. <http://translate.google.co.uz>
10. <http://natlib.uz>
11. <https://www.macmillanthesaurus.com>